

ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНИ

МАЛИКА АЙЁР

Тошкент
«Янги аср авлоди»

**УДК: 821
ББК 84(5Ўзб)2-5**

Малика айёр. /Ўзбек халқ достони. — Т.: "Янги аср авлоди", 2010. — 256 бет

ISBN 978-9943-08-689-0

**УДК: 821
ББК 84(5Ўзб)2-5**

**Айтувчи:
ФОЗИЛ ЙЎЛДОШ ЎҒЛИ**

**Ёзиб оловчи:
МУҲАММАДИСА ЭРНАЗАР ЎҒЛИ**

**Нашрга тайёрловчи:
ХОДИ ЗАРИФ**

**Тўлдириб қайта нашрга тайёрловчи:
ЗУБАЙДА ҲУСАИНОВА**

ISBN 978-9943-08-689-0

© Ўзбек халқ достони. «Малика айёр»
© «Янги аср авлоди», 2010 йил

МАЛИКА АЙЁР

Гўрўғлиниг юртини Чамбил дейди. Чамбил қаңдай? Чамбил шундай Чамбил: олтмиш обхонали, етмиш жеваҳонали, саксон сардаболи, тўқсон тўпхонали Чамбил. Чамбил элида Гўрўғли зўравор, қирқ олти сардор, тўрт ярим лак бедовсувор чилтонларнинг бири, Соқибулбул деган сайиси бор. Гўрўғлиниг зўр деб таърифи кетган, зарбаси тошдан ўтган, ол Гўрўғли келди деса йиглаб ётган, боласини юпатган, Исфаҳонда ишлатган, қиличининг ишлови етган. тек-кан омон қолмасин деб заҳарнинг сувин ялатган, Чамбильда давронни суриб ётириб Гўрўғли сulton.

Ана энди бир кунлари Чамбильда даврон суриб, қирқ йигити билан, Ҳасан Авази билан, қанча амалдори билан сухбат қуриб ўтириб, Соқи деган хизматкорини чақириб: — Соқижон Фиркўк отни абзаллаб, чоқлаб олиб кел, — деди. — Фиротни минсам, Шакар кўлига борсам, довул туйиб қўлга кушимни солсам, Шакар кўлидан сўна-суккурни олсам, сўнап-суккурни олиб келиб қирқ йигитта чулон берсам, — деди.

Бу сўзни Соқибулбул эшишиб, Гўрўғлига айтди:

— Э, Гўрўғлибек, бу ойни шима ой дейди, сафар оий дейди. Сафар ойинда ўн саккиз пайғамбар сафар қилди. Ўн саккиз пайғамбар ҳам сафар қилиб йўлдан омон келган эмас. Амир Ҳамза бул ойда сафар қилди. Уҳуд тоғида шашид бўлди. Айюб пайғамбар сафар қилди, танига қурт тушди. Зикриё пайғамбар сафар қилди, бошига ари келди. Яхё пайғамбар сафар қилди, ул киши ёш ўлди. Шупдай азизлар, сафар ойида сафар қилиб омои келган эмас; шундай одамлар омои келмаганда сенинг ҳаддингми бу сафар ойида сафар қилиб омои келмак?! — деди.

Бу сўзни Соқи айтди кўриниг. Гўрўғли мардди ғайрати ғайратга етди, аччири чиллали қишидай муртига чаппа қайтди. «Менинг шаштимни қайтардинг», — деб Соқига қараб

ҳар тебранди; ҳар тебрангаңда қуймучи ерга түрт энли ботди. Бу сүзни Гүрүғлидан Соқибулбул эшитиб, Гүрүғлининг аччиғи келганини билиб, тош таблага қараб бурилиб, Фиротта жұнаб кетди.

Ҳамиша бундан илгари Фиркүк отга бир соат, икки соат илгари чилтандардан хабар келиб турар зди. Лекин Гүрүғлининг бу шикорида Фиркүк отта хабар келган йүқ зди. Фироттинг күнглига келди: «Менга чилтандан хабар келгани йүқ зди. Бу Соқибулбул бир нимага келаётир экан», – деди. Бу ёқдан таадди еб келган Соқи күнглини хушлади, нархини сўрамасдан Фиркүк отнинг жиловидан ушлади. Хоннинг назаркарда Фироти Соқининг белбоғидан тишлади, олиб ерга бир урди. Соқи боёқиши ўрнидан түққиз юмалаб турди.

– Кўринг, Соқи мардди қилиб ётириб сиёсатди: Ёмонлагур жайратмасам, ёйга чоқлаб отмасам, бефарзандни йифлатмасам, катта чорак гўшингни бир тангадан сотмасам, ўзимнинг тегишимни фингқиллатиб ютмасам, – деб шиқирлатиб сари ёйни тортди, ёйнинг ўқи яшиндай бўлиб оқиб кетди, тош таблани тешиб ўтди. ақли шошиб хоиннинг Фироти тапла тушиб ётди, от ўзини ўнгаргунча Фироттинг жиловини Соқибулбул ушлаб, Фиротни эгарлаб, чоқлаб, олиб келиб Гүрүғлига тўғри қилди. Гүрүғли Фиркүк отнинг белига мишиб, бўз тарлон қушини кўлига олиб, Соқига қараб айтди:

Ўзимнинг ҳолимни ўзим билайнин,
Зебит чўлга, Шакар кўлга борайин,
Довул туйиб, кўлга қушим солайнин,
Келиб қирқ йигитта чулон берайин,
Соқижон, танингдан бошинг юлайнин.

Кўринг, Гүрүғли мардди, минди бедов отди, қистаб йўл тортди. Зебит чўлдан Шакар кўлга етди. Кўлга бориб, довул туйиб, қушни солиб шундай қаради, худонинг қудрати, пирнинг қаромати шундай чўлда бир қўрғони азим пайдо бўлди. «Қандай қўрғон экан?» – деб Гүрүғли борди. Кўрса шундай қўрғон: кўнгираси пўлатдан, дарвозаси зумраддан, бўсағаси Бағдоддан. Шундай очиб ичкари кирди. Ичкари кирса олмалар пишиб ётириб, тагига тушиб ётириб; гуллар очилиб, булбуллар бир-бирига чақ-чақ учирив ўтирибди. Уч кўшк:

ичкима-ички, зинапоя, зертанг-забартанг жойлар тузалган, яхши түшаклар түшалган, сувлар сепилган намойишга чини гужумлар тикилган, гужумнинг соясига жинқарча, мусича муроталибачча — жамъи қушлар йифилиб ўртада бир лайлакни созанды қилиб айттириб ўтирибди.

Бу аломатни Гўрўғли кўриб, ҳайрон бўлиб туриб эди, осмондан бир кўйк каптар қуюлиб келиб, бир оғнаб туриб, бир сурҳоил гардан, офатижон, писта даҳан бир ажаб но-занин пари бўлиб турди. Бу парининг жамолига Гўрўғли-бек қаради: ирқи олмадай пишган, қора зулфи оч белига тушган, кўрганнинг ақли шошган, жамолига ою кунлар та-лашгап, ажаб бир паризод. Буни Гўрўғли султон кўриб, ошиқи бекарор бўлиб, ул паризодга қараб: — Асли жойинг мамлакатинг қаерда? — деб сўраб турибди:

Давлатимдан шоли-шолдам ўрайман,
Гул тарзим сарғайиб сенга қарайман,
Гул юзли жононим, сендан сўрайман,
Бир пари-пайкарим, қайдан бўласан?

Остимда бедовим ўйнар юз алвон,
Олмос пўлат белда, эгнимда қалқон,
Арзимни эшиттигин, эй пари-пайкар,
Чеҳраси хандоним, қайдан бўласан?

Зарафшон зулфинингга урибсан шона,
Хиноли қўлларинг бўябсан қона,
Юсуф каби мени солма зиндона,
Зулайҳо нишоним, қайдан бўласан?

Бошингга кийибсан мурраси тожи,
Кўрган одам гул юзингнинг муҳтожи,
Кўзимнинг равшани, бошимнинг тожи,
Фамзаси пайконим, қайдан бўласан?

Яна баҳор бўлса, очилар гуллар,
Гулни кўрса маст бўп сайрап булбуллар,
Малойик суратли гул юзли дилбар,
Ростин дегин дилбар, қайдан бўласан?

Дардли қул дардимни кимга ёраман,
Айрилиқ ўтига бағри пораман.
Шаҳринг, отинг айтсанг излаб бораман,
Малойик суратли, қайдан бўласан?

Гўрўғли дер жигар-бағримни доғлаб,
Бор умрим юрсам сени сўроғлаб,
Шаҳринг айтсанг излаб бораман,
Ростин дегин дилбар, қайдан бўласан?

Ана шунда Паризод Гўрўғлидан бу сўзни эшитиб, ўстган элини, соғу сўлини, шаън-шавкатини, манзил-жойини Гўрўғлига баён этиб бериб бир сўз деб турибди:

Давлатингдан шоли-шолдам ўрасанг,
Кеча кўрган тушни кундуз жўрасанг,
Бир пари-пайкар деб мендан сўрасанг,
Мен ҳам шаҳри Шабистондан бўламан.

Мен келганман одамзоднинг қастидан,
Изласанг топмайсан ернинг устидан,
Бир манзилим кун чиқмаган «гўристон»,
Мени сўрсанг «гўристон»дан бўламан.

Яна баҳор бўлса очилар гуллар,
Истамбулда бир дўстим бор, Зулфизар,
Энамнинг отидир парийи Сипар,
Отамнинг отини Қосимхон дерлар,
Шаҳримнинг отини Торкистон дерлар,
Бор, Гўрўғли Торкистондан бўламан.

Мавж урганда дарёдайин тошарсан,
Ўлмасанг, дунёда узоқ яшарсан,
Уч юз олтмиш Асқартоғдан ошарсан,
Ундан сўнгра Қизилқумга тушарсан.

Сўраб борсанг Кўкламтоғдай тоғи бор,
Кўкламтоғда Боймоқ девдай деви бор,
Қистаб юрсанг олтмиш йиллик йўли бор,
Маликада майлинг бўлса сўрай бор.

Сиздай бекдан жонин бормикин аяр,
Сўрай борсанг Гўрўғли бек номдор,
Келдингми тўрам деб қулочин ёяр,
Торкистон шаҳрида Малика айёр,
Албатта сўраб бор, Гўрўғли номдор.
Бор, Гўрўғли Торкистондан бўламан.

Бу сўзни Малика Гўрўғлига айтиб, бир ағанаб туриб, капитар либосини кийиб, фалакка парвоз қилиб, учиб жўнай берди. Кўшк-айвонлари ҳам фалакка равоқ-қўргонлари билан кўчиб жўнай берди.

Бу аломатни Гўрўғлибек кўриб, хафа бўлиб, қўлидаги бўз тарлон қушнинг жиговулини олиб, «Бор, сен жонивор ҳам менинг қўлимда қолиб нима бўласан?», деб бўшатиб қўйиб юборди. Бўз тарлон қуш ҳам фалакка учиб кетди. Шунда Гўрўғли Фиротнинг бошини буриб, Чамбилга қараб йўлга кириб, кўзини ёшлаб, ўзини отнинг ёлига ташлаб, бу сўзни айтиб бора берди:

Жоним Фирот, молим Фирот,
Сени минган топар мурод,
Дам-бадам етқиз Чамбилга.

Шакар кўлга овга келдим,
Бир пари-пайқарни кўрдим,
Ёр ишқидан ғамга тўлдим,
Ололмасдан энди ўлдим,
Дам-бадам етқиз Чамбилга.

Хафа фалак солди зулм,
Обод бўлғай ўсган элим,
Сенсан назаркарда ғиirim,
Дам-бадам етқиз Чамбилга.

Айрилиққа бағрим доғлаб,
Фироқида қонлар йиғлаб,
Юрсам мен ёрни сўроғлаб,
Дам-бадам етқиз Чамбилга.

Жоним Фирот, молим, Фирот,
Еминг кишмиш, тўрванг банот,
Сени минган топар мурод,
Дам-бадам етқиз Чамбила.

Бу сўзни Гўрўғлибек айтиб, кеч бўлайин деганда отини терлатиб Чамбила кириб келди. Соқи шундай қараса, Гўрўғли соғ бориб, саломат овдан келаётир. Соқи Гўрўғлини кўриб: «Вақти-замоним тўлган экан, куним битган экан, ажалим етган экан, бояги гапни бежой айтган эканман. Бу соғ бориб, саломат овдан келди». Гўрўғлининг тарзига Соқи қаради. «Сўна-суксур овлаб келаман», деб кетган Гўрўғлининг қўлида бўз тарлон қуши ҳам йўқ, сўна-суксур ишлаб кўнглини хушлаб: — Гўрўғлижон, ўзингнинг ҳолингни ўзинг билганинг қани, майдонли кун Фиротингни елганинг қани, Зебит чўлга, Шакаркўлга борганинг қани, дабил туюб қўлга қушни солганинг қани, Шакаркўлда сўна-суксур олганинг қани, келиб қирқ йигитта чулон берганинг қани, менинг танимдан қалламни олганинг қани, бизга сенинг совға-широлга олиб келганинг қани? — деди. Бу сўзни Гўрўғли эшишиб:

— Соқижон, сен ҳам чилтонларнинг бири. мен ошиб гапирибман. Бу феълимга тавба қилибман, — деб Фиротини Соқига бериб, қирқ эшикли чиллахонасиға кириб, кўкрагини нам ерга бериб, хафа бўлиб ётди.

Орадан ҳафта-үн кун ўтди. Туркман элининг дов-жанжали кўпайиб кетди. Гўрўғлининг Аҳмад тоғаси йигитларни йигиб айтди: — Эй йигитлар, Гўрўғли туркманларнинг беклигини ўҳшатолмайди шекилли, мени гиламга солинглар, бардор-бардор қилиб Гўрўғлининг таҳтига миндиринглар, Туркман элининг дов-жанжалини сўрайин. Гўрўғлидан келгац бало бўлса кўрайин.

Бу сўзни Авазхон эшитди, отасини излаб кегди, чиллахонага етди. Бориб қараса отаси — хон Гўрўғли шам ерга бағрини бериб ётибди. Авазхон отасини бу аҳволда кўриб олисдан ҳолу аҳвол сўраб бир сўз деб турибди:

Ота, эшит мен айттан нолишимни,
Сел қилиб түкарман күздан ёшимни,
Оч күзингни, күтар, қаъбам бошиングни.

Сардор беклар қилди элда маслаҳат,
Қўлингдан кетмасин Чамбиладай элат,
Бу ётишинг, ота, сенга не ҳожат?
Қўлингдан кетмасин Чамбиладай элат.

Ота, эшит менинг айттан тилимни,
Сен туриб сўрагин Чамбил элингни,
Ота хафа қилма мендай улингни,
Бу ғафлатдан туриб сўра элингни.
Меҳрибоним, қаъбам, отам тур энди,
Жоним ота, меҳрибоним тур энди.

Бу сўзни Авазхон ўғлидан эшитиб, унга қараб бир сўз
деб турибди:

Авазхон, қулоқ сол айтган тилимла,
Қаҳрлансам қиров турар муртима,
Ўзим ўлмай, ким келади юртима,
Келган душманларни баён айлагин.

Болам менга хабар бергин душманни,
Қилиб қўяй, душманларнинг ишини,
Хафа бўлма ўғлим менинг ишимдан.

Хазон бўлиб боғда гуллар сўлдими?
Олло менинг ақлу ҳушим олдими?
Арбайтингдан элга душман келдими?
Бирор турли ҳукми равон қилдими?

Шовқинга ирғийди араби тулпор,
Шакаркўлга овга бордим муқаррар,
Ваъда бериб кегди пари зулфакдор,
Ёр ишқидан мен тортарман оҳу зор.
Қандай душман келди элга бояқбор?
Душманлардан хабар бергин Авазжон.

Бу сўзни Авазхон отасидан эшитиб, унга қараб бир сўз деб туриди:

Ота, эшит менинг айтган тилимни,
Хизматкор айлагин Аваз улингни,
Опкеп берай, ваъда берган ёрингни.

Остимга миндирсанг қиз белли тулпор.
Шикор қип отлансам кўп узоқ йўллар,
Олиб келиб берай пари зулфақдор,
То ўлгунча Аваз ўғлинг хизматкор.

Дунёнинг воҳими сизга не даркор?
То ўлгунча Аваз ўғлинг хизматкор,
Ота, эшит менинг айтган сўзимни,
Опкеп берай кўрган сарвинозингни.
Ҳар на хизмат сенга мендан лозимдир,
Хизматкор айлагин Аваз қулингни.

Гўрўғли Авазхон ўғлидан бу сўзни эшитиб, унга қараб бир сўз деб туриди:

Майдон бўлса сотар эрдинг ширин жон,
Олмосингдан қуяр эрдинг қирмиз қон,
Бу хизматга бел боғлама, Авазжон.

От чопса гумбурлар тогнинг дараси,
Ботирни ингратар найза яраси.
Бу хизматга бел боғлама Авазжон,
Талаб қилма Чамбил элнинг тўраси.

Ҳар нечук номардга кўпгил бермагин,
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
Узоқ яша, кўп йилгача ўлмагин,
Бу хизматга болам талаб қилмагин,
Девларнинг қўлида ғариб ўлмагин,
Бу хизматга болам талаб қилмагин,
Ғариб бўлиб душман қўлда қолмагин.

Бошимиздан кетгай ғанимли туман,
Фарибликда эгам бўлгай меҳрибон.
Бу хизматта бел боғлама, Авазжон,
Айттан сўзим олгин энди бўзўғлон.

Бу сўзни Авазхон отасидан эшитиб, юраги тошиб, кўнгли жўш уриб, отасига қараб бир сўз деб турибди:

Мен йиглайман аҳволингга зору зор,
Бу хизматта мен борарман муқаррар,
Шу хизматга ота ўзим бормасам,
Отажоним ўғлим деганинг бекор.

Шундай Гўрўғибек Авазхондан бу сўзни эшитиб:

— Аваз ўғлим, бу сўзни бежой айтдинг. Бу айтган сўзинг кўп ёмон бўлди, энди ҳар нима бўлса бормасанг бўлмайди. Сен қасамёд қилдинг. Ҳар нима бўлса борасан, — деди. Шундай қилиб, ота-ўғил чиллахонадан чиқиб жўнаб кетди. Далага чиқиб Соқибулбулни чақириб:

— Богда очилган гулим, чамандаги булбулим, Авазхон улим Торкистон шаҳрига — Малика парига бормоқ бўлди. Соқижон Фиротни афбзаллаб, чоқлаб, эгарлаб Авазжонгá олиб келиб бер, — деди.

Соқи Фиротнинг қошига борса, хоннинг Фироти сағриси тошиб, ёли қулоғидан ошиб, учадиган қущдай, қулоқлари қамишдай, ҳар кўзи таркашдай бўлиб, юлдузни кўзлаб, та-раққос бойлаб, ўйнаб турибди. Отга қараб Фиротни таъриф қилиб, Соқибулбул бир сўз деб турибди:

Йилқи ичинда ўзи келган синлидир,
Товушқон түёкли, марол беллидир,
Аросат кунида ажаб ҳоллидир,
Қимматбаҳо эрмиш хоннинг Фироти.

Минганларнинг етар мақсади.
Қўлтиғида тўрут ярим газ қаноти.
Чу деса ўзади осмонда қушидан,
Ҳеч камлигиң йўқдир йўрға юришдан.
Умид қилас ҳар шаҳарда бувищдан,
Асл тулпор эмиш бекининг Фироти.

Сени мингандеклар дарёдай тошди,
Бир кунлари Эрам боқقا етишди.
Эрам боғда девлар билан савашди,
Девларни исломнинг динига қўйди.
Ўн ярим лак девга зўрлик еткариб,
Шовруб шоҳнинг барно қизин об қочди.

Гул Эрамдан олдинг ой Хиромонни,
Зангур элдан олдинг Орзигул ёрни,
Заррин элдан олдинг Машриқо ёрни,
Исфаҳондан олдинг Интизорни,
Арзирумдан олдинг Далли зулфдорни,
Энди излаб Маликадай айёрни,
Пари излаб кўрдинг неча шаҳарни.
Бекнинг оти назаркарда тулпордир.

Соқидан бу сўзни Фирқўк от эшишиб, анча кўтарилиб қолди. Соқи отни яланғочлаб, қашлаб, эгарлаб берайнин деб турган ери:

Оша элга борган тортар хўрликни,
Аваз ўғлон бугун қилар эрликни,
Бисмилло деб солди отнинг белига,
Кимхоби майиндан бўлган терликни.
Мард бўлганлар кўрар экан дурбини,
Усталар ишлатар пўлат қиргини.
Бисмилло деб солди отнинг белига,
Зарлигу зарбодан бўлган чиргини.
Чиргининг устига қўйди белликни.
Боз устидан ташлаб жаҳалдирикни.
Муллалар ўқийди зору забарни.
Усталар чопади теша-табарни.
Бисмилло деб босди отнинг устига,
Тиллакорсон олкор мугиз эгарни.
Эл қўчириб Олатоғдан оширди,
Сирин айтмай душманлардан яширди.
Иккови ҳам тилладанди узанги,
Ярқиллатиб икки ёққа туширди.
Қишиман ёз ўргаси ҳишишай саврди(р),

Лоф айтганга ботмондан ҳам овурди(р). *
Катта-катта бандаларинг жойилди,**
Худо қилган ишга банда қайилди.
Бисмилло деб тортди отнинг белидан,
Сирти ипак ичи майнин айтгилди.
Чув десам ўтади осмонда қушдан,
Ҳеч камлиги йўқди йўрга юришдан.
Бисмилло деб тортди отнинг белидан,
Ўн саккиз қуббали Чигатой пўштан.
Сағрисига ташлаб карки қуюшқон,
Ҳар қуббаси келган катта таркашдан.
Абзаллаб чоқлади Соқидай ўғлон,
Абзалининг бари ола қайишдан.
Фазотга минади бекнинг фарзанди,
Юз алвон ўйнайди бекнинг Фироти.

Шундай қилиб, Соқибулбул Фиркўк отни абзаллаб, чоқ-лаб, созлаб Авазхоннинг олдига олиб бориб кўндаланг қилиб турибди. Авазхон Бекдан подшолик сарпойларни кийиб, Исфаҳонда ишланган қилич, қиличининг ишлови етган, тек-кан омон қолмасин деб заҳарни ялатган, илон тилли олтмос-пўлатни белига бойлаб, отнинг белига минди. Авазини отлантириб Гўрӯғли:

— Ҳов Авазжон! Малика айёр пари менга: «Қистаб борсанг олтмиш йилда борасан» деб эди. Сен олтмиш йилда борсанг, олтмиш йилда келсанг, орадан юз йигирма йил ўтар экан, узоқ йўл эмасми, бориб олтмиш йил шу юртда турсанг, орадан юз саксон йил ўтади. Ундан кейин иккала-мизнинг умримиз бу юришга етмай, бир хотин оламиз деб йўлда сарсон ўтиб кетар экан. Энди Авазжон, сен борар бўлдинг, менга келар мўлжалингни айтиб кетгин, — деди.

Шунда Авазхон айтди:

— Э ота, мен у юртга бориб бозорни бозорлаб келган бўлмасам, кўриб билган бўлмасам, айта қолсам; шундай бўлса ҳам «чўт-чўтдан ортиқ бўларми», чўтдан айтиб қўя

* Омирдир

** Жоҳилдир

қоламан-да, деб Гүрӯғлибек отасига қараб, Авазхон ўғлон ярини ёзиқ полвон бир сўз деди:

Тойрилмаса бошдан тожу давлатим,
Остимда ўйнаса араби отим,
Ўн олти ой келар менинг муҳлатим.

Дардлиман, дардимни кимга ёраман?
Айрилиқ ўтига бағри пораман.
Насиб этса ўн олти ойда келаман.

Жаҳонни сайр этиб ўйнаб кулмасам,
Нор кесар олмосни белга чолмасам,
Ўн олти ойда Торкистондан келмасам,
Авазжоннинг зўр билаги толди де,
Ҳам отингни, ҳам ўғлингни ўлди де.
Якка мозор бўлиб шунда қолди де.

Ота эшиш, менинг айтган ноламни,
Тўкарман қўзимдан қоили жоламни.
Ўн олти ойда Торкистондан келмасам,
Чамбил белда тўйрай беринг ошимни.

Ҳар не матлаб бўлса ҳақдан тилагин,
Ўн олти ойда ҳақдан тилагин.
Ўн олти ойда келар менинг муҳлатим,
Ўн олти ойда йўл-йўлима қарагин.

Гүрӯғлибек Авазхондан ўн олти ой деган сўзни эшишиб,
вақти зиёда хуш бўлиб, Авазхонга қараб бир сўз деди:

Бир тоғим Полапон, бир тоғим Болқон.
Чор ҳоким шаҳримдир, беклигим дархон,
Соф бориб, саломат келгин Авазжон,
Кўярар қўзим болам ҳаққа топширдим.

Қайга борсанг Шоҳимардон ёр бўлсин,
Ўн икки имом чилтган жиловдэр бўлсин,
Душманларинг келиб сенга зор бўлсин.
Боргин болам, сени ҳаққа топширдим.

Бу сўзларни айтар Гўрўғли султон,
Қайга борсанг омон бўлгин Авазжон,
Тушмасин бошингга қайгули туман,
Соф бориб, саломат келгин Авазжон,
Кўтар кўзим болам ҳаққа топширдим.

Авазжон Гўрўғли отасидан бу сўзни эшитиб, отасига
қараб, отасидан оқ фотиха сўраб, хушлашиб айтаётган сўзи:

Ошмоқда қойимдир тоғларнинг бели,
От чопишиб юрган новкарнинг чўли,
Соф-саломат бориб ўйнаб келайин,
Шоду журрам юринг, Чамбилининг эли.

Остима минганим қиз белли тулпор,
Шикор қип отландим кўп узоқ йўллар,
Излаганим бўлди пари зулфақдор,
То кўргунча каъбам отам хуш энди.

Оҳ урганда кўздан оққан ёш энди,
Омон бўлса нелар кўтар бош энди,
Оша юртга ёр ахтариб бораман,
Омон бўлинг, то кўргунча хўш энди.

— Эй отажон, дуода бўлинг омон-эсон бориб, соф-сало-
мат келайин деди.

Чамбилининг эл-юрти Авазжоннинг отланиб бораётга-
нини кўриб, пўш-пўшлаб, Чамбил амадорлари, сипоҳила-
ри, беклари Авазхонни жўнатмоқчи бўлибди. Чамбилининг
ҳамма қиз-хотинлари том-томнинг бошида туриб томоша
қилиб турибди. Авазни Чамбильдан чиқариб, «Ой бориб, омон
кел» деб жўнатиб юборди.

Аваз жўнагандан сўнг, Аҳмад сардор йигитларини йи-
ғиб маслаҳат қилиб айтди:

— Гўрўғли отиш Авазга берди: остига мингаңдир Фиротни,
ҳар ерга борса тонади муродни. Шу баччагарпинг бор фай-
рати; бир кунлари Маликани олиб келар, кейин номи бек-
ликка уят бўлар. Ҳов йигитлар, бир наърашер бормисан?
Аваз йўл билан кетди, сизлар тиклаб йўл тортсанглар, ол-

дидан ўтсанглар, Аваздан илгари Полапон тогига етсанглар. Авазни отсанглар, ўлжа қилиб Фиротни минсанглар, Торкистондан Малика парини олиб келсанглар. Гүрүғли Малика билан овора бўлиб қолар; шунда юртни ўз қўли-мизга олсак. Бир наърашер бормисан?

Асад, Шодмон деган ботирлар бор эди. Шодмони найманнинг ботири эди. Асади қипчоқнинг ботири эди. Асад мерган парли ёй тортар эди. Шодмон мерган ашрафи милтиқ отар эди. Бу иккови ҳам Чамбилда дафтари мерган эди, улар қушнинг кўзидан отар эди. Илгаридан ов овлаб юриб, йўлнинг тўтасини кўрган эди. Асад, Шодмон:

— Бу хизмат биздан бўлсин, — деб иккови Гаждим, Маждим деган отларни миниб, ашрафи милтиқни осиниб, парли ёйни эгарнинг қошига солиб, Авазхон йўли билан кетди, бу икки мерган йўлнинг тўтасини олиб, Авазнинг олдини тўсиб, қистаб йўл тортди.

Дубулға бошда дўнқиллаб,
Карк қубба қолқон қарқиллаб,
Тилла поянак урилган,
Узангиларда ширқиллаб.

Равшан кўзларин ёшлаб,
Урди қамчини қулочлаб,
Остидаги маждим оти,
Ирғир эди яшин ташлаб.

Тоғларда бордир заранги,
Эгнида бордир паранги.
Ойлар ҳам тошдай қоронғи,
Шуйтиб мерганилар йўл тортди.

Бедов отта қамчи чотди,
Урган қамчи симдай ботди.
Остидаги бедов оти,
Кеча-кундуз шабгир тортди.

Ҳавода бор ёруғ юлдуз,
Дарёда ўйнайди қундуз.

— Мерганилар қилди ғайратни,
Йўл тортди уч кеча-кундуз.

Чамбидан чиқиб, уч кеча-кундуз йўл юриб, Полапон тоғига етди. Тоғнинг белини мерганлар кўрди. Авазнинг оти ҳали бу ердан ўттаний йўқ экан. «Аваз биздан кейин экан», деб бир арчанинг панасиға отларини бойлаб ташлаб, бел бўғоридан келгудай, ўзлари пана бўлгудай ерни ковлаб, ашрафи миљиқни ўқлаб, парли ёйни қўлига олиб, Авазнинг йўлини тўсиб ётди. Пешин вақтида Авазхон ҳам Полапон тоғининг яқинини олиб етди. Шунда Гўрўғлининг Фироти қадамини бир босиб бораёттир. Авазхон бунга тепсиниб, жайрагур тўппайтиб туриб қолди деб, буларнинг борлигини билмай бораёттир. Мерганлар қараса, Авазхон иргалиб келаёттир. Авазни кўриб, Шодмон мерганга Асад мерган қараб бир сўз деб туриди:

Хабар беринг Шодмон ака,
Энагарни отсаммикин,
Устига минган мардини,
Дам шу дам сўлатсаммикин?
Остидаги Фиркўкини,
Ўлжа қилиб кетсаммикин?
Торкистонга етсаммикин?
Ойим Маликани олиб,
Бир куни Чамбилга келиб,
Гўрўғлига пешкаш қилиб,
Чамбилбелда тортсаммикин?

Бу сўзни эшишиб Шодмон мерган айтди:

— Икковимиз Авазни ўлдирамиз деб келганмиз, агар қўлингдан келиб Авазни ўлдирдинг-у мен сенинг қўлингдан айриб олаётиманми? Сен Авазни отиб ташласанг, сенга ора тушиб айриб олаётган одам йўқ.

Шунда Асад мөрган: — Ундан бўлса отмоқ фақирнинг танида, — деди, Аваз бу душмандан бехабар кела берди.

Фамли кунда тортар эди оҳувой,
Шикирлатиб қўлга олди парли ёй.

ГДБ Узбекистан
ИНВ. № 320761

Гал эшитинг мерганларнинг ишидан,
Парли ёйга шундай ўқни солади,
Чоқлади Авазни қордай тушидан.

Жафо тифи бу кун жондан ўтади,
Айрилиқ ханжари бағрин йиртади.
Яшиндай бўп ёйнинг ўқи ёғади,
Кўринг бекнинг назаркарда Фироти,
Қирқ газ ўқдан баланд сачраб ўтади.

Жазойилга олов берди Шодмонхон,
Шодмон мерган бўшатгандир баланддан.
Назаркарда бекнинг оти қаради,
Жазойилнинг ўқи баланд келади.
Таппа тушиб бедов ётиб қолади,
Қирқ газ балаңд бошдан ошиб боради,
Икки ўқдан Аваз омон қолади.

Ана энди Аваз «бу қандай аломат бўлди» деб ҳар тараф-
га қаради. Ўзи билан бирга юрган мерганларни кўриб, дар-
разаб бўлиб, илон тилли Исфаҳон қилични яшиндай қилиб,
филофдан суғуриб олиб, мерганларга сиёsat қилиб, бир сўз
айтиб бора берди:

Шундай бўлди менга ҳақдан фармонлар,
Чамбилбелда бирга юрган мерганлар.
Не сабабдан отим ўқقا бойладинг?

Кўзингдан тўқарман қонли ёшиングни,
Қилич уриб кесай таңдин бошингни.
Сулатай мерганлар гавда-лошингни,
Кўролмайсан қавму қариндошингни,
Не сабабдан отим ўқقا бойлайсан?

Мерганлар эшитгин айтган сўзимни,
Кўролмайсан энди ўғил-қизингни,
Икки мерган сенга ўлим лозимдир,
Не сабабдан отим ўқقا бойлайсан?

Асад Шодмон нега күнглим бўласан,
Душман бўлиб йўлим тўсиб келасан,
Қазонг етди, икковинг ҳам ўласан,
Не сабабдан отим ўқقا бойлайсан?

Авазнинг сиёсатидан, икки мерган тақбиридан адашиб,
нимга деярини билмай, Авазга қараб бир сўз деб турибди:

Ўз элингда шоҳнинг ғамин еб эдик,
Кўрқоқмикин, ботирмикин деб эдик,
Пахтабанд бўшатиб ҳазил қип эдик,
Ҳазилимни кўнглингга олма, Авазжон.

Отга солдик арпа билан ийирди,
Қор ёққанда карвон солар чийирди,
Қиласмилик, қиласмилик ҳазилни,
Чамбидда Гўрўғли отанг буюрди.

Бизлар ҳам Чамбидда дафтари мерган,
Учиб юрган кўпнинг кўзидан урган,
Бир четини Аваз ўзинг ҳам кўрган,
Пахтабанди қилиб ҳазил ҳам қилган,
Ҳазилимни кўнглингга олма, Авазжон.

Нодон кўнглинг ҳар хаёлга бўлмагин,
Бизларни Авазхон душман билмагин,
Фам билан саргайиб гулдайин беклар,
Бизлар сенинг бой отангта хизматкор,
Отангнинг амрин қилган мерганлар,
Ҳазилимни кўнглингга олма, муқаррар.

Бу сўзни Авазхон эшитиб мерганларга:

— Ундай бўлса мен ботир эканманми, қўрқоқ эканманми? — деди.

Мерганлар:

— Авазжон, сиз ботир экансиз, — деди.

Аваз:

— Ҳа, мен ботир бўлсам қайтиб кетаверинглар, — деди.

Мерганлар ўйлаб фикр қилди: «Бу ерда қўлга туширолмадик, бирор ерда қўлга туширсак, ўзи билан бирга бўлсак».

— Авазхон борадиган еринг яқинми, узоқми? Биз ҳам бирга бориб келсак, фасли баҳона жаҳонни сайр этиб кўриб келсак, — деди.

Авазхон айтди:

— Сизлар қайтиб кетаверинглар. Сизларнинг фойдала-рингдан зиёnlарингиз кўпроқ тегиб қолар.

Мерганлар айтди:

— Авазхон, бизларнинг нима зиёнимиз тегади? Отингга мингаштири демасак, жон харжи бор демасак, ўз отимиз ўз харжимиз.

Авазхон: — Ундай бўлса, йўл бошланглар, — деди.

— Сиз турганда бизларга йўл бошламоқлик нечук, — деди мерганлар.

Аваз илгари мерганлар орқасидан Торкистон шаҳрини, Малика айёр парини излаб юра берди. Қорама-қора бора-ётиб, мерганлар анча орқада қолиб бораётуб эди. Асад мерган Шодмон мерганга қараб бир сўз деди:

Хазон бўлиб боғда гуллар сўлади,
Шум фалак бошига савдо солади,
Шу вақтда чоқласак қандай бўлади?

Кўзидан тўқайлик селоб ёшини,
Қарға-қузғун есин Аваз гўшини,
Ўлжа қип минайик аспи қушини,
Сулаттайик унинг гавда-бошини.

Бораётир Аваз ўғлон бехабар,
Кейинидан чоқлаб олсак муқаррар.
Армон билан ўлар Аваз зўравор,
Бу сўзларни айтди энди мерганлар.

Шу замон англади Аваз зўравор,
Отнинг тизгинини тортди муқаррар.
— Қистаб юринг энди мерган ботирлар!

Авазнинг кейинидан етди мерганлар,
От тизгинин тортди Аваз номдор.
Илгарига ўтди икки мерганлар,
Авазнинг баҳодирлик номи бор.

Тоша келар Авазхоннинг ғайрати,
Шундай бўлар сипоҳининг одати,
Қўлида ярқиллар кескир пўлати,
Ҳар замон мерганларга қилас сиёсатди,
Қолмади-ку мерганларнинг тоқати.
Чув деб Фиркўкка қамчи чатди.
Мерганларни қувиб чўлда йўл тортди.
Чамбил элда Аваз ўғлон туради,
Ҳар на қилса қисматдагин кўради.
Мерганларни қувиб солиб олдига,
Изгор чўлда қувиб кетиб боради.

Кирқ кечакундуз йўл тортди, ҳориб мерганларнинг ма-
заси кетди, беш-юз тоғнинг тўқиниши очгаза Дарбанд то-
фига етди. Асад, Шодмон чечиниб ётгандан кўзи уйқута кетди.
Ҳориб, чарчаб қўниб ётди. Авазхон бувунчоги билан – ечин-
масдан ётди, ухламоқчи эди, оти тишлаб ухлатмади. Аваз
айтди: «Чамбильда хон Гўрўғлибек отам айттар эди: «Шу Фиркўк
от миниб юрганда қабатидаги жўраси кейинида бирор ғаним
душманни бўлса, шу от тишлаб ухлатмас эди», деб. Менга ё
шу иккови душман, ё булардан бошқа ҳам душман бор,
нимайки бўлмаса мени от ухлатмайди. Бу тоғни Дарбанд
тоғ дер экан; нарёгини Бадбахт чўл дер экан; кел-е, шу
тоғнинг бошига чиқиб, Бадбахт чўлига қарайин, агар Дар-
банд тоғининг нарёғида, Бадбахт чўлда бирор душман бўлма-
са, келиб шу икковининг бошини олайин. Бадбахт чўлда
душман бўлса улинг билан бўлайин».

Аваз бу ўйни ўйлаб, отланиб, Дарбанд тоғининг бошига
чиқиб қаради, Бадбахт чўлда бир нарса Авазнинг кўзига
ғивирланиб кўрина берди. Авазхон: «бу кўринган қандай
қора экан, бунга бориб келай, қандай жой экан, кўриб ке-
лай, анигини билиб келай», деб ўйлаб бораётуб эди, олди-
дан бир газадан лап этиб бир одам чиқиб қолди. Қаради:
бир фили миилган, икки оёғи чим ерни омочдай тилган,
соқол-мурти ўсиб кетган, аймациб келиб оғзи-бурнини
босиб кетган.

Аваз бунинг қадди-қоматини кўриб, таваккал қилиб
йўлдан четта чиқиб турди: «Кел-е, бундан бир савол сўрайин,
қайси мамлакатга бораётган экан, билайн», деб сўз деди:

Сен эшитгин менинг айтган тилемни,
Бошингта соларман қайғу-зулмни.
Менга баён айла борар злингни.
Фил минган армани қайга борасан?

Остимда бедовим ўйнар юз алвон.
Сўзимни эшиттин фил минган душман.
Давлатимдан шоли-шолдам ўрайин,
Борар манзилини сендан сўрайин.
Фил минган армани қайга борасан?

Бу сўзни Аваз айтди, кофирининг қулоғига етди. Киприги қошларини туриб, чуғариб қараса, олдида бир ёш бачча: «Қайда борасан», деб сўз сўраб турибди. Фил минганинг кўнглига келди: «Бу, ўроқчига ош бериб келётган ёш бола экан. Бизнинг подшоларимиз: «Ўзбакпинг чивиндай ҳам дўқчил бўлади, дўқидан қўрқма», — деб эди. Дарвоқе, подшомизнинг айтгани рост экан. Шундай баччалар менинг тарзимии кўриб, қўрқиб шайтонлаб қолмай, мендан «Қаёқقا борасан?», деб гап сўрайди; айтганда нима гапни билар экан бу, деб бир сўз деди:

Юрган йўлинг адир эмас жўнагар,
Найза тегса оқ бадандан қон оқар,
Бирор ўнгта, бирор сўлга юради,
Сўраб сенинг не ишинг бор, энағар?

Ошиқнинг фаҳмидир, қоронғи кеча,
Йиғласам ҳолимга йиғлар бир неча.
Бирор ўнгта, бирор сўлга юради.
Савол сўраб ишларинг қанча?

Миниб юрган чигирткадай отинг бор,
Қумурсқадай сонинг бор, жасадинг бор.
Тур йўқол, йўлингта боргин энағар.

Остингга минибсан кўк ола тойди,
Ола тойинг менга таътил бўлмайди.
Сендей одам резгиси ҳеч қолмайди.

Тур йўлингга, бора бергин энағар!
Мендайин номдорнинг кўнглим бўласан,
Сан ўзингни одам чоқлаб турасан,
Одам резги армон билан ўласан.
Кета бергин, ёш боласан, ўласан,
Нима учун йўлим олиб турасан?

Бу сўзни Авазхон эшитиб, бир сўз деб турибди:

Қозининг олдида шабгир нойиби,
Йигитта пацд берар отнинг майиби,
Сўраганинг ҳеч бўлмайди айиби,
Фил минган армани қайга борасан?

Филли миниб ғайрат билан юрасан,
Ёлғон айтма сен бадбаҳт ўласан.
Хабар бергин қай шаҳарга борасан?

Худо дойин яраттанга йифлайн,
Нор кесар олмосни белга чалайн,
Ёлғон айтсанг бошингни олайн,
Борар манзилингни сендан сўрайин.
Фил минган армани қайга борасан?

Бадбаҳт кофир сенга бермайман омон,
Соларман бошингга қайфули туман,
Бу сўзларни сенга айтди Авазхон.
Борар еринг айтгин, сенга мен душман.

Отга солиб арпа билан ийирди,
Қор ёққанда карвон солар чийирди,
Арботининг шоҳи бизни буюрди.

Бу сўзни эшитиб:

— Бу мендан борар еримни қайта-қайта сўрай берди,
энди айтиб кетайин, қайсар экан, — деб бир сўз айтиб
турган экан:

Мени сўрсанг Арботиндан келаман,
Сафар қилиб Чамбил олга бораман.

Чамбилинг юртини вайрон қиласман,
Гүрӯғлининг тандан бошин юласман.
Ўлжа қилиб Фиротини оласман,
Авазхондай ўғлин олиб келасман.
Авазхонни косагул қиб юраман,
Авазнинг хуштори ўзим бўласман.

Эшит Мақотилнинг айтган сўзини,
Олиб келсам Чамбилинг Авазини,
Шоҳим берар юз бешга кирган қизини,
Шу хизмат деб Чамбил элга борасман.

Чамбил юртин ебир-есир қиласман,
Қайтиб келиб шоҳ қизин оласман.
Шоҳ қизи билан ўйнаб-куласман,
Ростин айтсан шу хизматга борасман.

Сўзимни сўрасанг эй ёш ўғлон,
Ўзбаклар юртига бермасман омон.
Шу учун ўзбакка қиласман охир замон,
Авазни Чамбидан олиб келасман,
Бу сўзларни сенга айтдим бегумон.

Авазхон бу сўзни эшитиб: «Бу ёмон кофир экан. Шу тарзда Чамбила борса, Чамбил элининг турпогини ғалвирдан ўтказиб кетар. Отамнинг оти менда бўлса, ёби отлар урущда ҳожат бермаса. Энди таваккал овлоқ ерда бунга маълум қилайин», деб Авазхон ўзини маълум қилиб, бир сўз деб турибди:

Чарқиллаб учади кўлларнинг ғози,
Чўлларда кўп бўлар улоғман қўзи,
Остимда иргийди Фирқўқдай този,
Сўзимни эшигин Арботин бози,
Мен бўласман Гўрӯғлининг Авази.

Чамбил элда элнииг ғамин еб эдим,
Сендай зўрни излаб шикор қиб эдим,
Мен ҳам Арботинга борсан деб эдим,

Душман излаб элдан чиқиб келганиман,
Чамбилбелда мен ҳам бекман, тўраман!
Нор кесар олмосни белга чоламан,
Излаганга сўраганинг бўламан,
Овлоқ ерда сенга дучор келаман,
Чамбилбелнинг Авази ўзим бўламан.
Мен ҳам Арботинга излаб бораман,
Қўлинигдан ҳар нима келса кўраман.

Бу сўзни Мақотил эшитиб: Ўзбакнинг totи чапаниси шунча экан. Бу ҳам ўзини Аваз қилиб ётири. Мен Авазхонни кўрмасам ҳам, таърифини эшитганман. Сен ўзингни Авазхонга менгзама, — деб бир сўз деди:

Жамоллари ойу кундан роилиди(р),
Кўрганларнинг бежой ақлин олиди,
Кўрмасам ҳам таърифини эшитдим,
Сен ўзингни Авазхонга менгзама.

Қийғир деган қуш учади қияда,
Хуснин кўрсанг шоҳлардан ҳам зиёда,
Жамоллари ойу кундан зиёда,
Сен ўзингни Авазжонга менгзама.

Авазхонман деб лофни урасан,
Одам резги армон билан ўласан,
Сен ўзингни Авазжонга менгзама.

Чамбилнинг Авазин худой урдими,
Той устинда чивиндай бўп жалпайиб,
Гўрўғининг отини худой урдими?

Шундайгина кўк ола той бўлиб,
Кўрмасам ҳам таърифини эшитдим.
Сен ўзингни Авазжонга менгзама.

Зуваласи ортиқ тушган лойидан,
Авазжон деб тилар эдим худойдан,
Жамоли роилиди осмоңда ойдан,

Кўрмасам ҳам эшитганман Авазни,
Сен ўзингни Авазхонга менгзама.

Аваз бу сўзни эшитиб: «Менинг Аваз эканлигимни билмади, ишонмади; энди бу кофирга Аваз эканлигимни билдирайин», деб Мақотилга қараб бир сўз деди:

Майдонга иргитай аспи-қушини,
Қамсаб кесай душманларнинг бошини,
Солайнми Алининг савашини,
Мақотил кўр, Авазхоннинг ишини.

Остимда иргийди Фиркўқдай тулпор, .
Ўзга деб Мақотил бўлма бехабар.
Файратимдан ийғлар сендай кофирлар,
Савашли кун мен мингингга баробар.

Отим Аваз, ўзим мисли аждаҳор,
Ишқирсан дамимга кетар душманлар.
Майдон бўлса мен сотарман ширин жон,
Олмосимдан қўяр эдим қирмиз қон.

Гўрўғли ўғлимани – отим Авазхон,
Чангалимдан қутулмоғинг кўп гумон,
Армон билан ўлар бўлдинг эй душман,
Кўрмаган кунларни сенга соламан,
Танимасанг кофир бошинг оламан.

Дод айласанг эшитмасдан сўзингни,
Ҳар бобдан ўяман икки кўзингни.
Бадбаҳт душман сенга ўлим лозимдир!
Танигтайин сенга мен Авазингни.

Бу сўзни фил мингани душман эшитиб: «Бу Авазман деб айта беради, Аваз бўлса Аваздир-да, узоқдан таърифи борар экан-да. Бу Аваз бўлса, миниб юрган тойи Гўрўғлининг Фироти шу. Энди менинг ишим йўлдан битди; Чамбилга бормаймаи, Излаганим Гўрўғлининг оти билан Авази эди. Шу ердан олдимга солиб ҳайдаб, Арботинга бораман», деб кўнглида ўйлаб, Авазга қараб бир сўз деди:

Аваз деб югурдим сенинг изингдан,
Құралайдай келган жоду қўзингдан,
Бир бўса бер Аваз оқча юзингдан.
Гап эшит Авазжон, айтган тилимдан.
Худой ўнглаб чиқиб қолдинг йўлимдан,
Ароқ ичиб юрай сенинг қўлингдан,
Юр энди Арботин бирга, Авазжон.

Бизман бирга Арботинга борасан,
Ҳар кеч бовайингта базм берасан.
То ўлгунча косагул бўп юрасан,
Юр энди Арботин бирга, Авазжон...

Арботинда мен ҳам бекман, тўраман,
Арботинга сизни олиб бораман.
То ўлгунча сизни олиб юраман,
То ўлгунча косагул қиласман,
Юр энди Арботин бирга, Авазжон.

Толқошовлик қилиб бунда турмагин,
Сен кулимсиб мени ошиқ қилмагин,
Узоқ яша, кўп йилгача ўлмагин.
Юр энди Арботин бирга, кетамиз.

Авазхон бу сўзни эшитиб, ғазаби келиб, Мақотилга қараб
бир сўз деди:

Аё кофир, билиб сўзла сўзингни,
Тилларинг суғуриб, ўяй қўзингни,
Танидингми бу кўчкор Авазингни!
Аваз эканимни ўзинг биласан.

Манманлик билан бунда турасан,
Ундей деб очма сен гайри оғзингни,
Танидингми бул шунқор Авазингни.
Ханжар чекиб мен кесарман бўғзингни...

Мақотил бу сўзни эшитиб, Авазга қараб айтди:

— Сен биз билан урушадиганга ўхшайсан. Чин урушар бўлсанг, сени бурдалаб ташлайин, деб иккови шу майдонда урушмоқчи бўлиб туриби.

Авазхон айтди:

— Бова, сен катта экансан, уруш қалтак навбати сендан бўлсин.

Мақотил айтди:

— Менга навбат бериб нима қиласан, бир урсам ўлиб қоласан, аввал сен ур.

Унда Аваз:

— Сен ёввойи экансан, менинг ўлган-ўлмаганим билан ишинг бўлмасин. Сен катта экансан, навбатни сенга бердим. — деб ўзи қалқонни бошига жомилиб турди. Бовайнинг уч ботмон қалтаги бор эди, шуни кўтариб:

— Хабардор бўл, Аваз, ё Лот! — деб Авазнинг бошига урди... Калтаги тариқдай бўлиб тирқираб кетди. Яна олти ботмон чўян қалтаги бор эди, буни ҳам «ё Лот, энди Аваз ўлдинг!» деб сиёsat қилиб урди... Калтаги тариқдай бўлиб тирқираб кетди. Яна тўққиз ботмоңдан бўлган қалтаги бор эди. Буни ҳам кўтариб: «Аваз, энди ўлдинг, хабардор бўл, ё Лот», деб сиёsat қилиб урди... Калтак тариқдай бўлиб тирқираб кетди. Мақотилнинг навбати ўтди. Авазнинг навбати етди. Аваз илон тилли олмос-пўлатини шириллатиб филофдан суғуриб олди. Буни кўриб Мақотилнинг туси қочди, рағги заъфарондай бўлиб қолди. Шунда Аваз ўн етти газ олмос пўлатини қўлига олиб, етиб борди. Бова айтди:

— Аваз ўғлим, тўхта.

Аваз айтди: — Мени тўхтатиб нима қиласан?

Бова айтди: — Менинг умид билан тўққиз қават қарқ терисидан қилган қалқоним бор, шуни бошимга жомилиб турайин.

Аваз: — Хайр жомилиб туринг, — деди. Бова қалқони ни бошига жомилиб турди. Авазхон «Оллоҳу акбар» деб қўлидаги олмос-пўлатини қулочлаб, бовайнинг бошига урди. Олмос бовасининг бошидан ўтиб, эмчагигача кесиб бориб турди. Яна дарғазаб бўлиб, қўлидаги олмосини суғуриб олиб, қулочлаб урди. Мақотилнинг ўзидан ўтиб, филининг ҳам ярмидан кесиб ўтиб, ерга ботиб турди.

Мақотил икки бўлиниб ағнаб қолди, қони дарёдай оқиб кетди...

Аваҳхон буни ўлдириб, кўқайи ўсиб, кўтарилиб, отидан тушиб, яёв бўлиб, Мақотилнинг қадди-қоматини кўриб, жасадига қараб ҳеч ерда бундай душман ўлгани йўқ, деб ўз шаънига бир сўз айтиб турибди:

Қийғир деган қуш ўлтирас қияда,
Не кўриб кечирдим фоний дунёда.
Файратимдан шоҳлар юрас пиёда,
Қилган ишим ҳар одамдан зиёда.

Бизлар кўрдик Қисакўзнинг зўрини,
Уч йил кеб қамади Чамбил элини.
Гўрўғлибек чиқиб қирди барини,
Ўлжа қилиб олдик молу зарини,
Шу урушда бундай душман ўлган йўқ.

Майдонда чиқарди Фирот бувишни,
Қонга бўяб Зарчашманинг сувини,
Йиқитди Бектошнинг беш минг тувини,
Шу урушда бундай душман ўлган йўқ.

Ҳасан ўғлон от белига мингандা,
Арзирумдан Хон Даллени олганда,
Дофистонда уч ой уруш бўлганда,
Шу урушда бундай душман ўлган йўқ.

Юсуф султон отга қамчи солганда,
Иромондан Хиромонни олганда,
Тошотар полвонни нобуд қилганда,
Етти йил тинмайин уруш бўлганда,
Шу урушда бундай душман ўлган йўқ.

Не кўриб кечириб фоний дунёда,
Қилган ишим ҳар одамдан зиёда,
Ҳар урушда бўлар душман пиёда,
Ҳеч урушда бундай душман ўлган йўқ.

Бу сўзларни айтиб, нарироқ бориб қараса, олдидан йигирма тўрт шаҳарга борадиган кўп йўл чиқди. Бу йўлларнинг у ёғига, бу ёғига қаради. Қараса, бир йўлда байдоқ-байдоқ кўп лашкар келаёттир — сони йўқ. Келаётган лашкарбошилари ҳам Авазни кўрди. Ораси яқин қолган экан, бири-бирига қараб турди. Аваз: «Бу лашкар қандай лашкар экан», — деди.

Бу лашкарлар Арботиндан келаётган эди. Бу лашкарнинг лашкарбошлиги ҳалиги фил минган полвон эди. Чамбил юртига Гўрўғлиниң устига қўшин тортиб бораётган эди.

Лашкарбошилари айтди: «Гўрўғли битта ё иккита бўлиб юрар эмиш, деб эшитар эдик. Бу, тайин Гўрўғлига ўхшайди», деб, лашкар туриб қолди, «келаётган одам Гўрўғли бўлмаса, фил минган полвоңдан бу ёқса омон ўтмас эди. Бу — тайин Гўрўғли экан, фил минган полвонни ўлдириб, бу ерга келаёттир», деб булар ҳам уруш асбобини тайёрлаб туриб қолди.

Авазхон бу чорраҳа йўлда уруш бўларини билиб, Фиротнинг айил-пуштанини маҳкам тортиб, совут қалқонни жомилиб, отига миниб, урушга тайёр бўлиб, лашкарга қараб, бу сўзни айтиб, юzlаниб бора берди:

Икки дунёда ҳамроҳим,
Марди майдоним, ё Али,
Изларман сиздан мадад,
Чобуксуворим, ё Али.
Етти ёшда эр атанган,
Йигирмада шер атанган,
Тоғларни отиб юборган,
Дулдулсуворим, ё Али.
Йигит пири Шоҳимардон,
Мадад беринг шерияздон,
Бу дунёни барбод этиб.
Комил пирларни ёд этиб.
От қўйди душман устига,
Тоғдаги шердай оҳ уриб,
Йўлбарсдай бўп чопиниб,
Халилулло оллоҳу акбар.

От қўйди душман устига,
Қарамай баланд-пастига,
Олмос олганди дастига.
Ярашиқда тикиб чотир,
Фаранг милтиқ патир-патир,
Отилди майдон ичинда.
Чаппалашиб сатта ботир,
Тўкилди майдон ичинда.
Кўрганларнинг ақли кетиб,
Яна кўрсам деб бўлиб интиқ,
Оғзи катта қора милтиқ,
Отилди майдон ичинда.
Бедовга заррин айиллар,
Қилганга душман қойиллар,
Шабнам милтиқ жазойиллар,
Туп бузар майдон ичинда.
От чопади аста-аста,
Кўпdir душман даста-даста,
Уруш бўлди чопар аста,
Қон тўкар майдон ичинда.
Саф-саф туриб ақли хўплар,
Аждаҳодай катта тўплар,
Ишқирар майдон ичинда.
Душманларнинг ақли шошли,
Ота боладан адашли,
Авазхон танҳо савашли,
Қон тўкар майдон ичинда.
Қилич келар алаб-ялаб,
Истар кўнгил қилас талаб,
Олтин коса гулгун шароб,
Ичили майдон ичинда.
Асли този, не бедовлар,
Кетди эгасиз бош олиб,
Чодир-чаман либослар,
Қолди шундайин тўшалиб.
Ҳар дараси мурдага тўлиб,
Қон деганинг селдай бўлиб,
Тоғ аскарин чалди туман,

Душманларга бермай омон,
Шул сабабдан бек Авазхон,
Қон түқар майдон ичинда.
Тинмай оқар күзнинг ёши,
Кесилар душманнинг боши,
Шулдир Авазнинг саваши,
Қон түқар майдон ичинда.

Авазхон майдонда танҳо савашди,
Файри душманнинг ақли шошди,
Авазнинг күнглига манманлик тушди.
Авазнинг кейиндан шайтон етишди.
Авазнинг күнглига бу сўз тушди:
Учраса ёрнинг марди,
Кўзга дори пойи гарди.
Бизлар Чамбилинг жўмарди,
Қирмаганлар номард бўлсин!
Учраса ёри Қабил,
Ҳар маҳал ваъдадан тобил,
Майдонли кун пўлат дебил,
Тўймаганлар номард бўлсин!
Йигит пири ҳазрати Довуд,
Оқ қировга олтин совут,
Киймаганлар номард бўлсин,
Душманларнинг мурдасини,
Уймаганлар номард бўлсин,
Олмасидан қизил қонни,
Қуймаганлар номард бўлсин!
Эрлик билан бу майдонга,
Кирмаганлар номард бўлсин!
Бул сўзни айтиб Авазхон,
Даста-даста қочиб душман.
Душманларнинг ақли шошди,
Аваз ўғлон бунида танҳо савашди,
Байдоқ-байдоқ яна лашкар етишди.
Аваз ўғлон бу лашкарни кўради,
Фиротига аччиқ қамчи солади.

Байдоқ-байдоқ лашкар келиб олади,
Аваз ўғлон бу ўртада қолади.
Жафо тиги буқун жондан ўтади,
Айрилиқ ханжари бағрин йиртади.
Шакаман душманлар чоқлаб отади,
Жазойилнинг ўқи туйраб ўтади.
Авазхоннинг қадди-бўйи букилди,
Кўздан ёши қатра-қатра тўкилди.
Шу саващда юриб эди Авазжон,
От ёлинни ушлаб бу мард йиқилди.
Тўхтаб қолди Гўрўғлиниң Гироти,
Фарид бўлди Гўрўғлиниң фарзанди,
Қирмизи қон оқди Аваз ўғлоңдан,
Ҳеч кимсага келмай қолди ҳолати.
Бир Оллога етар марднинг ноласи,
Фарид бўлди Гўрўғлиниң боласи.
Жазойилнинг ўқи етиб Авазга,
Оҳ тортиб йиқилди Чамбил тўраси.
Ботинолмай туриб қолди кўп душман,
Ичи тўлди, юракка бўлди кўп армон.
Ярадор бўлди-ку бекнинг фарзанди,
Қолмади-ку Авазхоннинг тоқати.
Кўринг назаркарда бекнинг Гироти,
Мардим қиласа душманларда уят-да.
Олдига ташласа ёл билан суяр,
Кейинга ташласа қўйруқман суяр.
Майдондан бурилиб назари тулпор,
Тоққа қараб жўнай берди жонивор.
«Бу баччагар бизга ҳийла қиласар» деб,
Ботинолмай бораётир кофиirlар.
Яра тегди Чамбилниң қучоғига,
Баракалла бекнинг тўбичоғига.
Неча ул душманга Гирот рад бериб,
Авазни обкетди Ҳулкар тогига.
Фалак титрар Авазнинг иолишига,
Кўзлар ғубор бўлар оққан ёшига.
Кўп душманга минган оти рад бериб,
Олиб чиқди Авазди тоғнинг бошига.

Фирот жонивор Авазнинг ярадор бўлганини билиб, йиқилиб қолмасин, йиқилиб қолса менга кўп ёмон таъна ишлар бўлади, деб кейинга кетайин, деса қўйруғи билан суяб, илгари кетайин деса, ёли билан суяб Авазхонни авайлаб, аста-аста суяб олиб, Ҳулкар төғининг юқори баланд чўққисига олиб чиқди. Ул төғнинг чўққиси такаёвмит туркман отидан бошқаси чиқа олмайдиган ер эди. Буни душманларнинг лашкари кўриб, вақти хуш бўлиб «То бу төғни қулатиб йиқиб олмасак бўлмас», — деб бир хили тўпни ётқизиб, бир хили қўлига метинни олиб, төғни қулатага берди, дунё кўп талотўп-шовқин ғалва бўлиб кетди. Бу ғалва билан уйқуда ётган Асад мерган билан Шодмон мерган уйқудан уйғонди. Қараса оддида Аваз йўқ. Қаёққа кетди деб қараса төғнинг сиртида тутуннинг буруқсигани кўринди. Тўплар гумбирлаб отилиб, товуши дунёни бузгудай бўлиб бораётир. Бу буруқсиганларни, бу аломатларни кўриб, Асад мерган Шодмон мерганга қараб бир сўз деб турган экан:

Шодмон ака эшит айтган сўзимди,
Кўролмай ўларман ўғил-қизимди.
Энди турмай бундан кетмоқ лозимди(р),
Англа оға, менинг айтган арзимди.
Изламаймиз Авазхондай тўрани,
Журинг оға, Чамбил элга борайик.

Хазон бўлмай боғда гуллар сўлибди,
Аваз бориб танҳо саваш қилибди.
Төғнинг нарёғига лашкар келибди,
Кун туман иловали кунлар бўлибди.
Журинг оға, Чамбил элга борайик.

Душманлар кесмасин тандан бошимни,
Сулатмасин гавда билан лошимни.
Кўрса албат қиласар менинг ишимни,
Бориб кўрай элда tengу тўшимни,
Журинг оға, Чамбил элга жўнайик.

Бу сўзни Асад мергандан эшитиб, Шодмон мерган Асад мерганга қараб бир сўз деди:

Майдон бўлмай бедов отлар чопилмас,
Кўп чопилса хоса тулпор совулмас,
Излаганда бундай майдон топилмас,
Жургин Асад, ният майдон борайик.

Майдонда кесилар душманнинг боши,
Қиёматча бўлар марднинг саваши,
Бу майдондан қочган номарднинг иши,
Жургин Асад, ният майдон борайик!

Бу ишларни қилган Чамбил Авази,
Ўлсангиз шаҳид, ўлдирсангиз рози,
Бу ишларни қилган бекнинг ёлғизи,
Жургин Асад, ният майдон борайик!

Сенга айтай мен сўз билан жавобди,
Душмандан шаҳид ўлмоқ савобди,
Мард йигит олдидан майдон чиққан сўнг,
Номард бўлиб қочмоқ бизга на бўлти.
Жургин Асад, ният майдон борайик!

Чамбил элда баҳодирлик қиласан,
Гўрўғлидан оту анжом оласан,
Майдон кўриб, қандай қочиб борасан?
Чамбilda сўраса баҳодир беклар,
Уялмайин қандай жавоб берасан?
Жургин Асад, ният майдон борайик!

Бу сўзни эшитиб, Шодмон мерганга қараб Асад мерган
бир сўз деб турибди:

Шу кунларда сўфи-дарвеш бўлибман,
Файри диннинг валлоҳ юзин кўрмай деб.
Кеча-кундуз аҳду паймон қилибман,
Журинг оға, Чамбил элга жўнайик!

Борар бўлсанг Шодмон оға, бора қол,
Увол-савобингни ўзинг ола қол.
Ўлдирсанг, ҳам мен бормайман кўя қол,
Журинг оға, Чамбил элга юрайик!

Мендайин ўғлоннинг кўнглини бўласан,
Синамаган ёвда нима қиласан,
Қазом етиб, ўлиб кетсан майдонда,
Сен менинг қонима зомин бўласан.
Журинг ора, Чамбил элга жўнайик!

Бу сўзни Шодмон мерган эшишиб: — Мен бир ўзим ёлғиз майдонга борадиган бўлсам, аввал сени ўзим ўлдириб, сўнгра ёлғиз ўзим борайин, — деб қўлинни олмос-пўлатига узатиб, қиличини қўлига ола берди. Шодмондан Асад мерган қўрқиб: — Ундай бўлса, юрсанг юра бер, майдонга борамиз, — деб мерганнинг орқасидан юра берди.

Иккови бирга-бирга тоғнинг бошига чиқиб қараса, тоғнинг у тарафида душманнинг кўп лашкари бор. Буни булар кўрди. Асад мерган айтди:

— Эй Шодмон ака! Бу душман кўп экан, уларнинг устига босиб бормоқ мушкул-да. Лекин булар ҳам ўзлари қўл баҳодир зўравор эди. Урушни кўп кўриб, урушдан тайсаллаб қолган эди. Урушга кирганда лак-лак лашкарлар билан ҳар қайсилини баробар урушар эди, ҳийлайи ҳийлагар бўлиб қолган эди. Душманларга узоқдан кўриниш бериб, Асад мерган бу сўзни айтиб бораётир: — Душманга сиёsat қилайик, урушга Гўрўғли келди деяйик, Гўрўғлининг донғи Догистонга кеттан. «Гўрўғли келди» деса бешиқдаги боласи йиғламай ётган, душманга Гўрўғлининг зарбаси ўтган, — деб бу сўзни айтиб келаётир:

Буви Ҳилол гўрда туққан,
Қиличин қон билан ювган,
Чамбидан Гўрўғли келди.

Хон Гўрўғли Чамбил элнинг тўраси,
Кўринади ботирларпинг донаси,
Чамбидан Гўрўғли келди душманлар!

Бул оҳини бир Оллота еткариб,
Душманни ўлдирап барин ўнғариб,
Чамбидан Гўрўғли келди душманлар!

Душман, кўргин Гўрўғлиниңг ишини,
Қамсаб кесар сендаіларниңг бошини,
Сулатар душманниңг гавда-бошини,
Чамбидан Гўрўғли келди душманлар!

Ейди душманниңг бу күн гўшини,
Қойил бўлар анга халқи замона,
Душманлар сенга бермас амон-а,
Душманлар билмас қилас ишини,
Ёмон кунда тўкар кўздан ёшини.

Бу сўзни душманлар эшигти. Шундай қараса, икки отлиқ тоғдан бақириб-чақириб сиёsat қилиб келаётир. Буни кўриб: «Бояги Гўрўғлиниңг одами экан, бу келаёттанинг бирори тайин Гўрўғли», — деб душманлар зангловини ташлаб, отини битта-битта ушлаб, қочар йўлини бошлаб турди. Мерганлар шундай қаради: лашкар қўзғалди. Уруш кўриб юрган гиранда эмасми, Гўрўғлиниңг отини тутиб: «Мана мен урушга келдим, Гўрўғли бўламан, қаёққа қочиб қутуласизлар», деб икки мерган бирда душманниңг устига қараб от кўйди. Душманлар кўриб ақли шошиб, такбиридан адашиб, Асад мерган кўнглин хушлаб, душманларниңг лашкарини қира бошлади.

Душманларни тўплаб олиб,
Еттанига қилич солиб,
Ҳар дара ўликка тўлиб,
Бош кесар майдон ичинда.

Тоғ аскарин чалиб туман,
Душманларга бермай омон,
Шу сифатда Асад Шодмон,
Бош кесар майдон ичинда.

Кесилди душманниңг боши,
Сел бўлгандир кўзда ёши,
Шулдир мергаилар саваши.
Бош кесар майдон ичинда.

Ошиқ фаҳми оқшом-кеча,
Холин билмайди бир неча,
Душманлардан ўлди анча,
Қирилди майдон ичинда.

Еттанига қилич солди.
Қочқинчиси йўлга кириб,
Тўпу тўпхоналар қолди.

Эшитингиз мерганларнинг сўзини,
Қамсаб кесди душманларнииг ўзини.
Ногаҳондан бораётиб мерганлар,
Йўлда кўрди Фиркўк отнинг изини.

Хазон бўлиб боғда гули сўлибди.
Шум фалак бошига савдо солибди.
Отнинг изи қизил қонга тўлибди,
Ё ярадор ёки Аваз ўлибди.

Мерганларнинг хаста кўнгли бузилди,
Кўздан ёши қатра-қатра тизилди.
Фиротнинг изини кўриб мерганлар,
Тоқقا қараб бурди отнинг бошини.

Шунда душманларнинг ўлгани ўлди, қочгани қочиб қутилди, тўпу тўпхоналар ўлжа бўлиб қолди. Бу ўлжаларга мерганлар қарамай, Фиротнинг изидан эргашиб, тоғнинг бошига қараб Аваз билан Фиротни ахтариб бораётири.

Тоғнинг устига чиқиб борди. Мерганларнинг отиши кўриб, Фиркўк кишинаб қўя берди. Бунинг кишинаганини Авазхон эшитиб, «Душманлар келиб қолди», деб жон талвасасида бошини кўтариб қаради. «Булар мерганлар ўзимизнинг одамларимиз экан», деб яна бошини қўйиб ётди.

Мерганлар Авазнинг бу ҳолиги кўриб: — Энди Авазни ўлдирмоқ қерак. Бу ўлган йўқ, ярадор экан, ҳеч нимага ҳолати келмай қолган экан, — деди. Яна ўйлаб айтди: — Авазни ўлдирсан, ўлар-кетар, бундай ўтил пайдо бўлмай қолар, Авазни ўлдирриб Фиркўкнинг ўзини Чамбила куруқ миниб олиб боролмасмиз. Торкистон шаҳрида Малика парини ҳам икковимиз ололмас-

миз. Эндиғи маслаҳат: дори-дармон қилайик, Авазни тузатиб олайик. Аваз ўзи учун ўзи хизмат қилиб, Торкистонга борар, Малика парини олар – бизлар шаҳарларни томоша қилайик, кўрганимиз қолади. Қайтиб шу ерга келганда, Авазни ўртага олайик, бошини юлайик, бехавотир маликани Чамбилга олиб борайик. Гўрўели: «Авазим қаёққа кетди, қаёқда қолди», – деб сўраса, «Авазинг бир девнинг қанъжигасига илиниб бекорга ўлиб кетди», – деб айтайик. «Баракалла мерғанлар, тила мақсадларингни», – деса. Ҳазорасп шаҳрини тилаб олайик, – деди. Асад мерған айтди: – Эй Шодмон ака, тила деганда Ҳазорасп шаҳрини тилаб ўтирма, Болқиён шаҳрини ҳам қўшиб тила! Бола-чақанг ризқи, бир шаҳар бизларга нима бўлади?!

Икки мерған бу сўзни кўп ўйлаб, маслаҳат қилиб, Авазнинг олдига бориб, баданига теккан ўқларни суғуриб олиб, ўқнинг жойидаги қора қонларини сўриб ташлади. Иккови ҳам Чамбилда дафтари эмасми, Авазга дори топмоқ учун тоққа чиқиб кетди. Ногаҳон олдидан бир айиқ чиқди. Уриб отиб олиб, ўтини олди. Яна бир қашқирни отиб олиб, қаргини олди, тошбақанинг моягини олиб, уччовини бирга қўшиб, аралаштириб, юмуртқа малҳам қилиб, Авазнинг яраларига тортди.

Авазнинг яраси андак тузалиб отта минадиган бўлди. Уччови отланиб, отларига миниб тоғдан пастга тушиб, Торкистоннинг чўлига Малика парини ахтариб кета бердилар. Шунда Асад мерған Авазга қараб. Аваз сен менинг эсонлигимда ғам ема деб, бир сўз деб бораберди:

Ушбу дамнинг дамларини дам дема,
Шукур қилгин, давлатингни кам дема,
Мен эсон-да Аваз ўғлон, ғам ема!

Ҳамроҳ бўлдинг, Асад, Шодмон тўрага,
Рад этарман кўқдан келган балога,
Мен эсонман, ғам емагин садаға.

Отим Асад, ўзим мисли аждаҳор,
Савашли кун юз мингига баробар,
Файратимдан бўзлаб кетар душманлар,
Бош эсон-да, ғам емагин Авазжон,
Қабатингда Асад билан Шодмон бор.

Остимда юз алвон ўйиайди отим,
Белимда ярқиллар кескир пўлатим,
Шундай бўлар сипоҳилик одатим,
Мен эсон, ғам ема Авазбек зотим!

Фиротни ўйнатиб элдан чиқибсан,
Баҳодирлик дағдагасин қилибсан,
Душманлардан кўп жафони кўрибсан,
Тоғ бошида ғарид бўлиб қолибсан.

Худойим сақлагай баңдани омон,
Бошингдан кеттандай қайгули туман,
Иш кўрсатди Асад билан бек Шодмон,
Жафо кўриб хафа бўпсан Авазжон.

Бу сўзни Асад мерган айтиб бораётир. Авазхон индамай: «Кўтарилсанг кўтарила бер», — дебди. Асад мерганинг кўзи фил мингандан душманнинг ўлигига тушди. Қўрқиб, отининг жиловини тортиб, нашъаси учиб, хаёли қочиб турди. Аваз айтди: — Ботирлар, ҳайдай беринг, бу ёттан ўлик.

Мерганлар айтди: — Авазжон, буни ким ўлдириди?

Аваз айтди: — Мен ўлдиридим.

Мергааллар айтди: — Эй Авазжон, шуни ўлдирган бўлсанг, сен ҳам яхши бўлиб қолган экансан.

Бундан ўтди. Бадбаҳт чўлга етди. Ўлик деган боғдай бўлиб, қийраб ётиби. — Буни ҳам мен ўлдиридим. Шу ерда ярадор бўлган эдим, — деди.

Мерганлар айтди: — Авазжон, сен шуларни ўлдирган бўлсанг, дуруст бўлиб қолган экансан, сенинг ҳам оёқ олишинг дуруст экан, бизлар билан бирга юриб, урушнинг тартибини таълим олсанг, бизлардай бўлиб қоласан экан, — деди. Лекин Аваз буларнинг сўзига индамади, жавоб ҳам бермади. Учови қирқ кеча-қирқ кундуз йўл юрди.

Йўл юра-юра айни савр деган кунларда Белдос деган бир кирга етиб, беклар отдан тушиб, отларни ўтлатиб ётди. Мерганлар айтди: — Авазжон, бора турган жойинг яқинми? Ўзинг биласанми, неча кунда борасан, қайси шаҳарга борасан? Кунма-кун бедов отлар билан йўл тортамиз, сира етмаймиз, ўзинг йўлни биласанми, ё бекорга юриб адашиб

кетиб бораётибмизми? Дунёнинг юзидан чиқиб кетдик. Энди дунёнинг четига бораётибмиз.

Аваз айтди: — Мен ҳам кўрганим йўқ. Отам шу ёқقا деб айтган эди.

Учкови сўзлашиб гаплашиб туриб эди, бир тепадан тутун чиқаётир. Мерганлар айтди: — Эй Авазжон, ҳов анов тепадан тутун чиқаётир, борадиган шаҳаринг шу тепанинг остида бўлмасин?

Авазхон айтди: — Бўлса бўлар, икковинг бир бориб, ҳабар олиб келсаларинг-чи.

Мерганлар айтди: — Авазжон, сен ёш боласан, чопқиллаб бориб хабар олиб келсанг; шу шаҳар бўлса келиб бизларга хабар берсанг, ундан кейин борамиз.

Авазхон хайр деб ўрнидан туриб, пиёда бўлиб, тепани айланиб бориб қараса, олдидаи бир фор чиқди. Форга бора берди. Қараса ғорда бир дарвоза кўринди. Дарвозани очиб ичкари кириб қараса, қирқ дев ароқ-шароқ ичиб, маст бўлиб ўтирибди. Чиқиб турган тутун ароқ ичиб шағал маст бўлиб ўтирган девларнинг дами эди. Бу қирқ девнинг каттасини Япроқ дев дер эди. Авазжонни кўриб, вақти хуш бўлиб, кулиб, «худодан ҳар нима тиласак берар экан, маст бўлиб эдик, устидан ейдиган барра кабобни ҳам берди», деб олдидаги хизматкор девларига қараб бир сўз деди:

Ёш ўғлоннинг билмаганин билдиринг,
Урмай, сўкмай шодиёна кулдиринг,
Барра гўштин қанорага илдиринг,
Ҳаяллатмай ёш ўғлонни ўлдиринг!
Қулоқ солгин меңдай шоҳнинг нолишига,
Кўнглим кетди ёш ўғлоннинг гўшига,
Шоҳинг боссиин унинг гўштин тишига,
Ундей-бундай деса уринг бошига,
Кавоб қилиб келтир шоҳнинг қошига.
Дод айласа эшиитмагин сўзини,
Зулм билан ўйинг икки қўзини.
Ажал ҳайдаб буңда келган ёш ўғлон,
Ҳаяллатмай ўлдиринглар ўзини.
Хазон бўлиб боғда гулни терибди,
Ажал етиб паймонаси тўлиби.

Бу ерларга ажал ҳайдаб келибди,
Дамга қуймай ёш ўғлонни ўлдиринг.
Ризқимизга шундай кавоб берибди,
Тўкинглар кўзидан селоб ёшини,
Ҳаяллатмай дарров кесинг бошини,
Ўртага олиб онг бунинг гўшини.
Мен билмайман қай шаҳардан келибди,
Ризқимизга худой буни берибди.

Авазхон бу сўзни девдан эшитиб, девларга қараб бир сўз деб турибди:

Баҳорда очилган боғнинг гулиман,
Юнусман Мисқолнинг жону дилиман.
Отив Аваз, Гўрӯғлининг ўғлиман,
Бу ерларга девни излаб келдим ман.
Отта солиб арпа билан ийирди,
Қор ёққандә карвон солди чийирди,
Чамбила Гўрӯғли отам буюорди.
Девларга бўлганди менинг сафарим,
Чамбил элда бордир менинг лашкарим.
Чамбил элда мен ҳам бекман, тўраман,
Қилич урсам дарров бошинг оламан,
Чамбил элтиб сени лойга соламан,
Чамбилининг қўчкори ўзим бўламан.
Остимда ўйнайди юз алвон отим,
Майдонли кун тоша келар ғайратим.
Отлана бер, ҳаёлламай, зўр девлар,
Чамбил элга элтсан бўлар мақсадим.
Аё девлар, тимсол айтай бир алвон,
Бу давлатни менга берганди раҳмон,
Ул мени буюрган. Гўрӯғли султон,
Гўрӯғли ўғлиман отим Авазхон.
Ҳаёллама. олдимга туш бу замон,
Йўқса, қиларман бошингга охир замон.

Гўрӯғли деган сўзни эшилтгандан пойгада турган девлар қочиб тўрга ўта берди. Бир-бирини босиб, такбиридан адатшиб, ақли шошиб, тўполон бўлиб қолди. Шунда Япроқ дев

айтди: — Эй девлар, шошманглар, ҳовлиқманглар. Мен гапнинг ростини сўрайин, қўрқманглар, бу келган жондор жијанимиз бўлар экан, — деб Авазжонга қараб бир сўз дегани:

Асқартогнинг бошин чолган туманми,
Фамли дўлга мудом охир замонми,
Танимасни сийламас дер Авазжон,
Чамбил элда Мисқол опам омонми?

Ғам билан сарғайди гулдайин дийдор,
Бир нечалар ўз ҳолидан бехабар,
Чамбил элдан келган бўлсанг бек-тоҷдор,
Чамбилбелда Юнус Мисқол опам бор,
Юнус пари Мисқол опам омонми?

Хазон бўлиб боғда гуллар сўлмасин,
Ҳаёлингга бошиқа гаплар келмасин,
Бу сўзни одамхўр езнам* билмасин.
Кўнглига оғир олиб қолмасин.
Қора кунни биздай шўрга солмасин,
Айлаб одамхўр езнам келмасин.

Бу сўзни Авазхон девлардан эшитиб, девларга қараб бир сўз деб турибди:

Юрагимга солма дофу аламни,
Бориб обод қилсан кулбахонамни,
Девлар-а сўйлайсан пари энамни,
Шул энамнинг сен нимаси бўласан?

Давлатимдан шоли-шолдам ўрадинг,
Гул тарзинг сарғайиб менга қарадинг,
Паризод энамни мендан сўрадинг,
Шул энамнинг сен нимаси бўласан?

Бу сўзни эшитиб, Япроқ дев Авазхонга қараб бир сўз деб турибди:

*Почча

Сен эшитгин тоғаларинг сўзини,
Бизлар кўрдик бек езнамнинг ўзини,
Ўн ярим лак девга зўрлик етказиб,
Олиб кетди Шоврубшоҳнинг қизини.

Бир кунлари келди дарёдай тошиб,
Эрам боғда девлар билан савашиб,
Девлар қолди унда ақли шошиб,
Бир-биридан девлар юрган адашиб.

Олмадайин сўлган, гулдай тарзим бор,
Аваз ўғлон, сенга айтар арзим бор,
Энанг париларга подшоҳ вақтида,
Бизлар эдик ул энангта хизматкор.

Айтган сўзин поён ниқоби эрдик,
Энанг париларга подшоҳ вақтида,
Шул энангнинг бизлар мешкоби эрдик,
«Танимасни сийламас» дер, Авазжон,
Бул тоғанг бўлмасин яна гуноҳкор,
Отангга айтмагин Аваз зўравор.

Шунда бу қирқ дев Авазхонга узр-маъзурлар айтиб, танишиб, сўрашиб, ҳаммаси бўлақдан кўришиб ётибди: — Отингиз, жўрангиз йўқми, ўзингиз пиёда келдингизми? — деб сўради.

Аваз айтди: — Отимиз, меҳмонимиз ҳам бор.

— Ундай бўлса, бироринг бориб олиб кел! — деб Япроқ дев буюрди.

Бирори югуриб тепанинг орқасига қараб чопиб чиқди. Мергандар қараса, тепада бир дев яланглаб келаётir. Мергандар буни кўриб, ақлидан шошиб, кўзи қамашиб, Асад мерган Шодмон мерганга қараб айтди:

— Эй Шодмон ака, бу ер девнинг жойи экан. Аваз борган сўнг Авазни еб туриб, «Бунинг жўраси бордир» деб бизларни ахтариб келаётir.

Икковининг ақли шошиб, девга қарамай кета берди. Дев қўй булғаб қанча чақирди, булар қарамади; ночор, кайтиб Авазнинг олдига келди.

— Жияним у меҳмопларингиз қандай? Бу ёқقا юринг деб чақирсам, қарамай у ёқقا бораётибди. Югуриб жиловлаб қайтарайин десам, сизнинг кўнглингизга «қўрқитибсан» деган гап келар деб, қайтаролмай югуриб келдим, — деди.

Авазхон айтди: — Сизлардан қўрқмоқ қайдада! Уларни Чамбил элда Асад, Шодмон шер дейди, ҳар қайсиси таътилига тўқсон девни ер дейди.

Дев айтди: — Менинг етмаган ажалим; жиловлаб қайтармаганим яхши бўлган экан.

Аваз айтди: — Отам мени сизларга буюргандада иккови бирга чиқиб эди: «Аваз билан бирга борайик, ҳориган-чарчаган девларни еб келайик», деб келган эди. Улар қўрқиб қайтиб кетган эмас: уларнинг оти ҳуркиб, жилов бермай кетаётгандир. Мен, сен ҳаёллаб келганга сени улар еб ётган экан деб гумон қилиб турган эдим. Ундай бўлса мен ўзим бориб уларни олиб келайнин, — деб Авазхон гордан чиқиб қаради, кўзкўрим ерда қорайиб кетиб бораётири. Аваз уларга қараб, қўл булғаб чақириди. Авазнинг товуши уларнинг қулоғига борди. Мерганлар: «Аваз бор экан-ку», — деб Авазнинг олдига қайтиб келди. Айтди: — Авазжон! Бу ерда дев бор экан. Сен девни кўрсанг оға, тоға чиқиб қоладиган касалинг бор. Бизларни энди эргаштириб девларга едирб қўймагил.

Аваз айтди: — Бир дев бор экан, уни мен катталик қилиб, «айтиб кел» деб буюриб эдим. Бир дев бўлса, сенинг биро-винг ҳам бас бўласан.

— Ундай бўлса ҳайда, борамиз, — деб мерганлар Аваз билан бирга келиб, шердиллик билан дарвозадан кириб қолди. Гўрўғлипинг хурматидан қирқ дев бирдан югуриб келиб, отнинг жиловидан ушлаб қолди. Бу девларни кўриб, мерганларнинг рағги-туси ўчиб, қони қочиб, кўзи олайиб, бўғилиб, қалтираб мазаси кетиб қолди. Шодмон мерган отта суюниб базўр туцди. Асад мерган қўрққанидан қурғур ўзини тўхтатолмади, тушаётиб бир оёғи узангига қолди. Девлар ҳайрон қолди.

— Бу меҳмоп нимага йиқилди? — деди. Шунда Авазхон бу сўзини айтиб турган экан:

Меҳнат тортиб Чамбил элдан келасан,
Дев гүштига хумори бўп юрасан,
Девнинг мўлин бу ерларда кўрасан,
Кирқ тогамнинг барин нобуд қиласан.

Сен эшиггин Авазнинг нолишини,
Ёлвориб ўртага соглан ишини,
Бу орада Аваз ўғлон бўлмаса,
Сен ейсан-ку қирқ тогамнинг гўшини.
Нодон кўнглини ҳар хаёлга бўлмагин,
Қирқ тогамнинг барин нобуд қилмагин.

Сендейин мардларнинг ҳолин билар-да,
Айрилиқ ғамлари бағрин тилар-да.
Қирқ тогамнинг барин нобуд қилмагин,
Бирорин ўзингга сўйиб берар-да.

Бу сўзни айтиб мерганларни кўнглини хушлаб, майхонага эргаштириб бошлаб олиб борди. Девлар Аваздан вақти хуш бўлиб, «Аваз бўлмаганда булар ҳаммамизни ўлдириб ер экан», деб Аваздан миннатдор бўлиб, меҳмонхонага киргизиб, меҳмонларнинг остига тўшак ташлаб ўтиргизди, кўп сийлади, югуриб хизматин, зиёфатин қилди. Бир қўйни сўйиб шўрвасига тўйиб, гўштини писириб, корсонга солиб буларнинг оддига олиб келиб қўйди. Авазхон гўштдан олиб еяётир. Шодмон мерган ҳам гўштдан олиб еяётир. Асад мерган ҳам бир туторини олиб емоқчи бўлиб оғзига солди. Қўрқсан қурғур гўштни томоғидан ўтказолмай ютиниб томоғида қолди. Шунда девлар сўради:

— Аваз жияним, бу меҳмон нимага гўштдан емайди?

Унда Авазхон айтди:

— Бир туторни олиб, «дев гўштимикин», деб оғзига солди. Қўй гўшти эканлигини билиб емай қолди. Буниси одамнинг айттанига унча-мунича кўнади, шунисига битталарингни сўйиб бермасаларинг бўлмайди.

Девлар ҳам Асаддан қўрқади. «Қони суюқ, рангида қони йўқ, кўзи олайган ёмон йигит экан», деб девлар қўрқиб турибди.

— Эй жияним! Бизларни кам қилиб нима қиласиз, бизлар қирқтамиз. Манов ерга борсаларингиз, қочиб юрган, учиб юрган оқсоқ-тўқсоқ девлар кўп, шулардан ушлаб олиб, босиб еб кета берасизлар, — деди. Асад мерганнинг бўғини бўшаб кетди. «Девларни шулар десам булардан бошқа девлар ҳам бор экан, энди мен қандай қиласман», — деб кўзи бўзариб, туси қочиб кета берди. Шу кўргиликда шу оқшом булар девларнинг майхонасида ётди.

Эрта билан тонг отди. Кун чошгоҳ ҳаддига етди. Лекин девлар «ҳашарга олиб бораман» деганини эшиштган эмасми, кўнглида ўйлаб, «Ҳайдаб кетиб қоладими» деб ҳайрон бўлиб турибди. Авазхон индамай дам бўлиб ўтирибди. Шунда девлар: «Энди булардан қайси ишга борувини, нима иш учун юрганини билайик. Йўл бўлсин, деб сўрайик, кўнглида нима борини билайик», — деб Япроқ дев Авазхонга қараб бир сўз деди:

Гап эшишт Авазхон айтган тилимдан,
Олмос-пўлат айрилмайди белингдан,
Не сабабдан чиқдинг Чамбил элингдан?
Йўл бўлсин, Авазхон, қайга борасан?

Ёлғон чиқсин Чамбидаги ҳашаринг,
Бўлак юртга бўлсин сенинг сафаринг,
Ёлғон айтма ростин сўзла шунқорим,
Йўл бўлсин, Авазхон, қайга борасан?

Жаҳонни сайр этиб мунида келдингми,
Ё узоқ ерларга сафар қилдингми,
Йўқса бир парига ошиқ бўлдингми,
Йўл бўлсин, Авазхон, қайга борасан? ·

Остингдаги бек отангнинг тулпори,
Сен бўласан Чамбил элнинг қўчкори,
Ё тегдими бир парининг хабари,
Йўл бўлсин, Авазхон, қайга борасан?

Бу сўзни Авазхон Япроқ девдан эшишиб, девларга қараб сир-ҳолини ҳабар бериб, бир сўз деб турибди:

Шакаркүлга отам овга борибди,
Маликадай паризодни кўрибди,
Олтмиш йиллик йўлни қарор берибди,
Торкистон деб пари ваъда қилибди.

Шу сабабли чиқдим Ёвмит элимдан,
Қаҳрлансан ҳар иш келар қўлимдан,
Торкистон йўлини бошлигин девлар,
Торкистонгачайин бўлинг хизматкор.

Сен эшитгин Авазхоннинг сўзини,
Кучук босмас йўлбарс шернинг изини.
Излаб чиқдим Қосимшоҳнинг қизини,
Олсам Торкистоннинг сарвинозини.

Ваъда берган Маликадай гажақдор,
Кўрсат девлар, менга Торкистон шаҳар,
Ҳаёлламай бўлинг менга хизматкор,
Отам амри билан келдим муқаррар.

Бу айтган сўзимни ҳазил билмагин,
Бадбаҳт девлар, тарқашовлик қилмагин,
Ҳазил билиб, ғариб бўлиб ўлмагин,
Торкистонгачайин бўлинг хизматкор.
Бек отам бўлмасин йўлга интизор.

Япроқ дев Авазга қараб айтди:

— Жияним бизлар Ямандаи Ясарни, Хитой-Хўтонни,
барча жаҳонни, шаҳри Бежонни қолмай учамиз, ҳалига-
чайин бундай парини, бундай шаҳарни ҳеч ердан эшитга-
нимиз ийӯқ, янгитдан сиздан эшитиб турибмиз.

Унда Авазхон:

— Эшитган бўлмасаларинг, энди бизга хизмат қилса-
ларингиз, — деди.

Япроқ дев: — Хайр, бизлардан нари — йигирма йиллик
йўлда Қизил дев деган бир дев тоғангиз бор, шундан сўрай-
сиз-да, шу билмаса бизлар билмаймиз, дев тоғангизнинг
хизмати, Гўрўғли езнамнинг ҳурмати, — деб Япроқ дев бир
тилсимот ўқиб учовини учта олма қилиб, ёқасига солди-да

қўйди: яна бир тилсимот билан уч отни уч тўрғай қилиб, қўйнига солди, шундай қилиб осмонга учиб кета берди.

Авазхонга девлар бўлди хизматкор,
Фалакда булатман бўлди баробар,
Олма бўлиб Авазхондай зўравор,
Тўрғай бўлиб чулдираиди бедовлар.

Торкистон деб кўзлаб учади девлар,
Бу ишлардан Аваз ўғлон бехабар,
Олма қилиб исказ кўради девлар,
Бир нечаси бул кўнглига келади.

Хабар топса ўлдиради Гўрўғли зўравор,
Кўнглин бўлмай уча берди ул девлар.
Ўн кеча-ўн кундуз учгандир шу дев,
Бир ерга қуюлиб тушди, муқаррар.

Бир тилсимот дуо ўқиб дам қилди. Авазхон қадимги аслига келди, отлари ҳам аслига келди. Шунда Авазхон айтди: — Тора! Сизнинг жойингиздан бери қанчалик йўлга келдик? Дев айтди: — Жияним, мен кеча-кундуз учиб келаёт-тирман, менинг юришимга йигирма кунлик йўлга келдик, сенинг бу отларингнинг юришига йигирма йиллик йўлга келдик.

— Тағин йўл бошланг, — деди.

Унда дев айтди: — Мен ўз чегарамизга келдим, бу ёғига боролмайман, менинг хизматим шу бўлди, энди сизларга қувват берсин, — деб Авазхонлар билан омонлашиб Япроқ дев орқасига кетди. Беклар йўл бошлади.

Шунда Асад мерган билан Шодмон йиглайди: «Энди биз-лар элни, одамни кўрмай ўламиз. Девлар билмайди, бу қандай билади?! Бу Авазнинг ўзи ўлган одам эди, бунга қўшилиб, эргашиб юриб, бизлар ҳам ўлдик. Энди ҳали ҳам бўлса жавоб сўрайик, элимизга борарни кўзлайик», — деб иккови Авазхондан жавоб сўраб, бир сўз деди:

Илойим биз ботир бўлмай кетайик,
Жавоб берсанг Аваз, элга қайтайик,

Аввал бошлаб биз йўлиқдик девига,
Энди йўлиқмайик одамовига.

От чопса гумбурлар тонгнинг дараси.
Ботирни ингратар найза яраси.
Узоқ экан Торкистоннинг ораси,
Бизларга рухсат бер Чамбил тўраси.

Билдик биздай мерган ғариб ўлади,
Гулсанамдай ёрим кимлар олади?
Бола-чақам етим-есир бўлади,
Жавоб берсанг Аваз қандай бўлади?

Кетмади бошимдан бир зарра туман,
Қайтиб элни кўрмоқ бизларга гумон.
Энди бизга жавоб берсанг Авазхон,
Жавоб тилаб турибди бу Шодмон.

Бу сўзни Шодмон мергандан, Асад мерган эшигиб, Шодмон мерганга қараб, жавоб сўранг бирга-бирга кетайик деб бир сўз деди:

Жавоб тиланг бирга-бирга кетайик,
Ўлмай юринг, Чамбил элга етайик,
Ҳар на кўрганимиз бориб Чамбилга,
Дўст-душманларга бориб айтайик.

Йўлимизда кўпдир девлардан душман,
Авазхондан жавоб сўранг Шодмонжон.
Кеча-кундуз хаққа фигон этайик,
Жавоб тиланг бирга-бирга кетайик.

Айролиқ ўтига бағримиз доғлаб,
Биз кетайик Чамбил элни сўроғлаб.
Жавоб тиланг бирга-бирга қайтайик,
Бола-чақа қолмасин-да қон йиғлаб.

Шодмон ака, эшиг айтган сўзимни,
Саломат кўрайик ўғил-қизимни.

Бу гапларга жавоб берса Авазхон,
Бу ерларда турмай кетмоқ лозимди(р).

Авазхон Асад мерган билан Шодмон мерганнинг сўзини бир-дай кўриб, бу икки мерганга дилдорлик бериб, бир сўз деди:

Кўзда ёшинг мунчоқ-мунчоқ тизилди,
Дийда гирён бўлиб бағринг эзилди,
Йиглама, мерганлар, кўнглим бузилди,
Саломат кўрарсан ўғил-қизингди.

Баҳодирлик даъво қилиб келасан,
Не сабабдан, бекор кўнглинг бўласан,
Жаҳонни сайр этиб мунда кўрасан,
Ўлмасанг бир куни Чамбил борасан.

Бедовман йўллар тортсам керак-да,
Кунма-кундан зўрга етсак керак-да,
Ер остига тушиб кетсак керак-да,
Ундан сўнг Торкистон етсак керак-да.

Сен эшитгин менинг айтган сўзимди,
Олмадай сўлдирма гулдай юзингди,
Кўзларингда селоб ёшинг тизилди.
Йиглама мерганлар кўнглим бузилди.

Чамбил ўлкаларим ёдима энди,
Саломат кўрарсан ўғил-қизингди.
Чамбилбелда сен ҳам юрган тўрасан,
Ўлмасанг, бир куни Чамбил борасан.
Ўғил-қизинг соғ-саломат кўрасан,
Не сабабдан, мерган, кўнглинг бўласан?!

Бу сўзларни айтди Чамбилнинг марди,
Остида ўйнайди бекнинг Фироти,
Мерганларга зўр айлади Авазхон,
Бош бўлиб жўнай берди шу замон.
Нима дерин билмай Асадман Шодмон.
Боғбон бўлса боғнинг гули терилди,
Ярашиқда от кокилин ўрилди.

Ногаҳондан борар эди бу беклар,
Ярқиллаб Гулшаннинг боғи кўринди.

Беклар Гулшан чорбогига йўл юриб етди, отнинг жи-ловини тортди, бедовларни тўхтатди. Мерганларга қараб Авазхон айтди: — Эй мерганлар! Сизлар шу ерда отларни ушлаб туринглар. Бу бир боқقا ўхшайди, мен бориб бу ботни кўриб келайин, қандай жой экан, билиб келайин.

Мерганлар айтди: — Авазхон! Бошқага бандаргоҳ бўлса, кириб чиқмоққа расм бўлса, сенга касм бўлди. Сенинг отингни ушлаб турмоққа ҳам бизда жон қолмади. Кеча келаёттган ерда бизларга от ушлатиб, ўзинг кетдинг, бизларга девни юбориб юрагимизни ёрдинг. Энди борар бўлсанг, кўнглингни хушла, отингни бир тошга бойлаб ташла, бизлар анови тепани бетга олиб, орқа сиртида қоровуллик қилиб турамиз. Бу ер девнинг макони бўлса, «Меҳмоним бор», деб бизларни айтмаёқ қўя қол, девлардан қўрқиб ҳам ўлдик, девларнинг қиласан зиёфатидан ҳам кечдик.

Бу сўзни Аваз мерганлардан эшишиб, кўнглини хушлаб отини бир тошга бойлаб ташлаб, богофта қараб юриб кетди. Мерганлар шу ерда панарақ ерни олиб туриб қолди.

Авазхон богофта етиб, эшикни очиб ичкарига кирди. Шундай қараса, олмалар пишиб ётири, остига тушиб ётири, бир нақш олма Авазнинг бошига тегайин деб турибди. Олмадан емоқчи бўлиб қўл узатди, олма дариллаб осмонга чиқиб кетди, қўли стмай ҳайрон бўлиб ўтди. Яна бир ерга бориб қараса, бир тўп анжир пишиб-етилиб турибди. Анжирдан емоқчи бўлиб қўл узатди, анжир томири билан қўпорилиб осмонга бу ҳам чиқиб кетди. Бундан ўтди, бир сарҳовузга етди, суви лабба-лаб бўлиб турибди. Сувидан ичайин деб қўлини узатди, суви қирқ газ пастга тушиб кетди, қўли етмай-буңдан ҳам ҳайрон бўлиб ўтди. Бундан ўтди, бир боқقا етди. Ҳусайнни узумлар қора узумлар пишиб шалвираб турибди. Авазхон: «Улар баланд эди, паст эди, кўчиб пастга тушиб қутулди, норбаста ерда бу узумларни босиб олсан ҳам, булардан бир бошини оламан», — деб кўнглини хушлаб, токларнинг устига ўзини ташлади, бир шингил узумни оғзига олиб тишлади. Бир токнинг нарғи келиб, Авазнинг бўйлидаг ўраб олди. Авазжон токка ўралиб,

бўйни бўғилиб ўлаёзиб қолди. Оғзидағи узумни ташлади. Сўнгра токнинг нарғи қўйворди. Бундан ўтди, уч кўшкка етди. Уч кўшк: ичкима-ички, зертанг-забартанг, обод жой. Пастки кўшқда ош дамланиб турибди. Авазхон айтди: «Бу онгда хўп қулай йўлиқдим, буни сузиб еб олайн». Товоқقا қўлинини узатди, товоғи чўпчиб, анча ерга бориб турибди. Авазхон «Бу қозонни қанталимда босиб ушлаб олмасам, қозони ҳам қочиб қутилиб кетса ажаб эмас», деб кўнглини хушлади, қозоннинг устига ўзини ташлади. Капгир Авазнинг қўлтиғидан чиқиб кетди. Юқоридан келиб Авазнинг манглайига қўйиб юборди. Авазнинг манглайи ёрилиб қолди. Капгирдан таадди кўриб, манглайи ёрилиб «Бу қандай жо-дугарнинг макони экан, унинг эгасини бир кўриб кетмасам бўлмас», – деб қозоннинг бошида ёнбошлаб, бу сўзларни айта берди:

Одамман деб чиқдим Чамбил элимдан,
Фариб бўлиб ҳеч иш келмай қўлимдан,
Қандай айёр манзилига келдим ман,
Жабр кўриб, жафо тортиб қолдим ман.

Баҳодирлик даъво қилиб юрадим,
Душманларга зўр ғавфолар солардим,
Бунда келиб фариб бўлиб қолибман,
Қандай айёр манзилига етишдим.

Егани дарахти мева бермаса,
Ичай десам, обиравон бўлмаса,
Ошин еяй десам, капгири урса,
Қандай Кашмир манзилига келдим ман.

Авазхон капгирдан таёқ еб, таадди еб, бу қандай манзил экан деб турди. Бу жой Гулқиз деган парининг макони эди. Гулқиз парилар юқори-баланд кўшиқда эди. Гулзамон деган оишпаз канизи бор эди.

Гулқиз: – Ошинг пишган бўлса, бориб сузиб кел, – деб Гулзамонга буюрди. Гулзамон пастки кўшкка келиб, Авазхонни кўриб, ошиқи беқарор бўлиб: «Шундай йигит бўринг бўлса, мундан ёмон бўлса, садқайи саринг бўлса,

мундай йигит ҳар кимга ўнгай кела бермас, ҳеч бўлмаса бир ваъдали ёринг бўлса», деб Авазнинг олдига яқинроқ бориб қаради. Қараса Юсуф талъатли, Искандар савлатли, Рустам жасадли, ажаб суратли йигит қозоннинг бошида хаёли қочиб, ҳеч қаёққа қарамай ёнбошлаб ётиди. Гулзамон ўйлади: «Бунга бир сўз айтиб кўрайин, агар ихтиёр қилса, бувишим ҳам билмай қолсин, мунинг билан бир ағнашиб олайн», деди. Авазга қараб, сўз қотиб деди:

Кокилларим эшилгандир тол-тол,
Ҳар толига берса етмас дунё-мол,
Бу сўзга, давлатли хоним, қулоқ сол,
Магар душман келса бўлади поймол.

Оша элдан меҳнат тортиб келдингми,
Сен ҳам менинг харидорим бўлдингми?
Оша элдан мени излаб келдингми?

Сен агар қўшилсанг бул бувишинга,
Қўл солиб ўйнасанг қордай тушима.
Борайинми, тўрам, сенинг қошингга?

Остингда кўрмадим араби тулпор,
Бу сўзларни айтар мендай гажақдор.
Сен бўлиб келдингми бизга харидор?
Тортинмайин жавоб бергин, муқаррар.

Сендан савол сўпар мендай парилар,
Кўнгил қилсанг, келгин давлатли шунқор,
Ўйнаб-кулиб тарқат кўнгидан губор.

Яна баҳор бўлса очилар гуллар,
Гулни кўрса маст бўп сайрап булбуллар,
Сендан савол сўрдим мендайин дилбар,
Ўйнаб-кулсанг келгин давлатли шунқор.

Бу сўзларни Гулзамон Авазхонга айтди. Диққат бўлиб ётган Авазжон Гулзамонга сўйламади ҳам, қарамади ҳам, сўз қотмади ҳам. Ўнда Гулзамон айтди: «Бу одам мартабали одам экан, менинг қўзга илмади, писанд қилмади. Бу йигит

менинг тенгим эмас экан, бекорга гапирибман. Энди мұннинг таърифини бувишимга айтайин, агар бувишим қабул тутса, ҳеч бўлмаса уч кечадан бир кечасини тилаб олайнин, бўлмаса учдан бир бўлайин. Қандай бўлса мундан қуруқ қолмасин», — деб орқасига қараб дурсса қўйиб, «ердан темиртак топган қулдай» бўлиб, чопиб баланндан кўшкка етди. Бувисининг олдига бориб қаради. Гулқиз парини гала-гала қиз канизлар чалқарамон қилиб, ҷандирдай чўзиб, ўргата олиб, уқалаб, юмалатиб, юмалатиб-жумалатиб ходими қилиб ётиб эди. Гулзамон бориб бувишига бир сўз деди:

Ҳай деганда ҳаққа етгай нолишим,
Жон олгувчи жонон кўрдим, бувишим.
Жамоллари ойу кундан ғолибди,
Кўрганларнинг бежо ақдин олибди.
Мен билмайман қай шаҳардан келибди,
Жон олгувчи жонон кўрдим, бувишим.

Қийғир деган қуш ўлтирап қиёда,
Жамоллари ойу кундан зиёда,
Хуснин кўрса шохлар юрар пиёда,
Жон олгувчи жонон кўрдим, бувишим.

Мен билмайман қай шаҳардан келибди?
Жамоллари воллоҳ сиздан ғолибди,
Шундайин давлатли хон бунда келибди,
Билмам сизга ё харидор бўлибди.

Айтган сўзнинг поёнини билсангиз,
Шундай шунқор билан ўйнаб-кулсангиз.
Уч кечадан бир кечани берсангиз,
Агар бизни учдан бир қиб қўйсангиз,
Жон олгувчи жонон кўрдим, бувишим,
Хумор кўзли жонон кўрдим, бувишим.

Белида ярқиллар кескир пўлати,
Не жойларда, билмам, ўстган элати,
Ҳар ким кўрса, қолмас анинг тоқати,
Рустамдан ҳам зиёдадир жасади.

Жон олгувчи жонон қўрдим, бувишим,
Жоду кўзли, ширин сўзли, бувишим.

Гулзамондан Гулқиз ойим бу сўзни эшитиб, ўрнидан тургани малол келиб, канизакларига қараб бир сўз деб туриби:

Хазон бўлмай боғда гуллар сўлиди,
Манзилима қандай одам келиди?
Гулзамон кеп таъриф қилиб туриди,
Бориб кўринг, қандай меҳмон келиди?

Бу сўзларни айтар мендай гажақдор,
Бирга-бирга бориб кўрсақ, канизлар.
Гап эшиting мен айтган нолишимдан,
Имо билан суяб кўтар бошимдан.
Маконима қандай йигит келиди,
Аста суяб кўтар менинг тўшимдан.
Гап эшит, канизлар, айтган тилимдан,
Имо билан аста кўтар белимдан.

Ўзимизга оро-торо берайик,
Саф-саф бўлиб бирга-бирга борайик.
Қандай йигит экан, бориб кўрайик,
Нима ишда юрган экан, сўрайик.

Ўнг қўлима ўн бир юзук,
Тақиб қўйинглар, қизларим.
Зарли қавуш чанг бўлмасин,
Қоқиб қўйинглар қизларим.
Бу қошима машати ўсма,
Суриб қўйинглар, қизларим,
Рўмолим қийшиқ бўлмасин,
Туртиб қўйинглар, қизларим.
Бувишинг йўлга энади,
Ҳовлиқсан ичим куяди,
Елпиб қўйинглар, қизларим.
Ўн канизи йўлин бошлаб,
Ўн канизи белин ушлаб,
Ўн канизи пўш-пўшлаб,

Үн канизи зулфак ташлаб,
Юрар йўлда йўлни бошлаб.

Жўнади гул юзли дилбар,
Саф-саф турганди парилар.
Ҳаммаси упга хизматкор,
Париди ўзи гажақдор.
Кийгани гул-гул ёнади,
Кўрганнинг ақлин олади.
Гулшан боргнинг сарвинози,
Пастки кўшкига жўнади.

Бувишин ўртага олиб,
Хипча беллари буралиб.
Бир нечаси метар чалиб,
Кўрганларнинг ақлин олиб,
Нозик беллари буралиб,
Пастки кўшкига жўнади,
Жўнади, ойим жўнади,
Жўнади, пари жўнади.

Боғда очилган гулғунчалар,
Гулга ярашган нимчалар.
Пўш-пўшлашиб ойимчалар,
Пастки кўшкига жўнади.
Жўнади, ойим жўнади,
Жўнади, пари жўнади.

Қоши кўзига муносиб,
Кўрганнинг кўкайин кесиб.
Мушку анбар ипор сасиб,
Оёқларин бир-бир босиб,
Пастки кўшкига жўнади.

Янги очилган гулдай бўлиб,
Ҳаммалари бирдай бўлиб,
Бадаилари қордай бўлиб,
Жўнади, ойим жўнади.
Пастки кўшкига жўнади.

Бир-бирининг белин ушлаб,
Ҳар зинага қадам ташлаб,
Үйин-кулгусини бошлаб,
Жўнади, пари жўнади,
Жўнади, қизлар жўнади.

Жўнади гул юзли дилбар,
Неча пари хизматкор.
Жўнади, қизлар жўнади,
Бари бирдай жоду кўзлар.

Хафадир Чамбилинг шоҳи,
Нимадир бунинг гуноҳи.
Жарқиллаган гулдай бўлиб,
Гулшан боғнинг пари шоҳи.

Қандай ўғлон – кўрайин деб,
Бориб ҳолин сўрайин деб.
Қудағай менга насиб қилса,
Бориб ўйнаб, кулайин деб.
Жўнади, пари жўнади,
Жўнади, ойим жўнади.
Жўнади, барно жўнади,
Жўнади, мастон жўнади.

Пастки кўшкига етиб Авазжоннинг қадди-қоматини
кўриб, ошиқи беқарор бўлиб, «Марднинг боши ерда қолма-
син», деб Авазжоннинг бошини тиззасига олиб, «Қайси
мамлакатдан келдинг?» – деб сўраб бир сўз деди:

Бир лочин боқишли, Жаброил барлим,
Бир лочин боқишлим, қайдан бўласан?
Қайси элдан қайси юртдан келасан,
Қандай шоҳнинг, қандай бекнинг ўғлисан?
Искаб кўрсам магар жаннат гулисан,
Хабар бергин, қайси элдан келасан?

Жамолинг менгзайман осмонда ойга,
Жасадинг менгзадим бўз қарчигайга,

Қошингни менгзайман эгилган ёйга,
Тарзингни менгзайман бўз қарчигайга.
Ўзингни менгзайман минг қўйли бойга,
Бойвачча сифатлим, қайдан бўласан?

Бино бўлдинг қайси гавҳар донадан?
Парвоз қилдинг қайси манзил–хонадан?
Баланд парвоз хоним, қайдан бўласан?

Шундай бўлди менга ҳақнинг фармони,
Сизни түққанларнинг борми армони,
Сизни кўрганларнинг кетар дармони,
Аслинг одам десам беҳишт фильмони.
Беҳиштнинг фильмони, қайдан бўласан?

Менга теккан эронларнинг назари,
Ҳар кези йўқ ота билмас безори.
Тарзинг кўрдим бир мамлакат шунқори,
Бул ўлкага нечук тушди гузари.
Гузар солган хоним, қайдан бўласан?

Зуваланг тушгандир бир муштдай лойдан,
Жамолинг тушгандир осмонда ойдан,
Сиздай ёрни тилар эдим худойдан,
Ростин дегин хоним, қайдан бўласан?

Бу сўзларни айтди мендай гажақдор,
Сўзимга қулоқ сол, давлатли шунқор.
Хизматимда саф–саф турган парилар,
Холингни сўради мендай гажақдор.
Хабар бергин, хоним, қайдан бўласан?

Сен эшиггин Гулқиз ойим арзини,
Кўриб томоша қил, гулдай тарзини.
Ёлғон дема, Гулқиз пари сўзини,
Хабар бергин, хоним, қайдан бўласан?
Менга айттин, жоним, қайдан бўласан?
Худо қўшса бирга ўйнаб–куласан,
Ё билмайман бирор срга борасан?

Авазхон манглайининг ёрилганидан хафа бўлиб, бошини кўтармай ёттан эди. «Энди бошимни кўтармасам бўлмайди. Бу қизлар билан бир-икки гаплашайин», — деб бошини кўтарди. Бошини кўтариб қараса, бир паризод бошини тиззасига олиб ўтирибди. Атрофини кўп барно қизлар қуршаб турибди. Буларни бу ҳолда кўриб, димоғи чогроқ бўлиб, бу париларга қараб бир сўз деди:

Баҳорда очилган борганинг гулиман,
Юнус ҳам, Мисқолнинг жону дилиман.
Чамбил элда Гўрўғлининг улиман.*
Чамбил элдан, жоним, мунда келаман.

Сўзимни эшитгин, гул юзли жонон,
Отимни сўрасанг, дейди Авазжон.
Отим Аваз, Чамбил элдан келаман,
Бу сўзимни англа, нозанин жонон.

Сен эшитгин Авазжоннинг сўзини,
Излаб чиқдим Қосим шоҳнинг қизини.
Малика айёр деган сарвинозини,
Пари дейди шоҳнинг жоду кўзини.

Миниб чиқдим элдан Фиркўқдай тулпор,
Сўзимни англагин сендай гажақдор.
Юрсам етарманми Торкистон шаҳар?
Билсанг йўл бошлагин, гул юзли дилбар.

Малика деб бутида бўлдим хору зор,
Бу йўлларда йўл юраман гажақдор.
Ҳазил билма Авазжоннинг сўзини,
Кучук босмас йўлбарс, шернинг изини.
Олсам Маликадай сарвинозини,
Излаб чиқдим Маликанинг ўзини.

Яна баҳор бўлса, очилар гуллар.
Малойик сифатли, гул юзли дилбар.
Агар билсанг мени бугун йўлга сол,
Тараҳҳум айлабони йўл бошла, дилбар!

* Ўзиман

Гулқиз Авазхондан бу сўзни эшитиб айтди: — Чамбил элидан бўлсангиз, Юнус, Мисқолнинг жони-дили бўлсангиз, Гўрўғининг ўғли бўлсангиз, менинг тугишгаигина аммамнинг ўғли бўласиз экан. Бундан илгари Юнус Мисқол аммам бу юртларга тўрт кунлаб келиб, ҳамма қизларнинг ичида мени яхши кўриб, балки сизга муносиб кўриб, бошидан рўмолини олиб, мени сизга бахшанда қилиб, рўмолини ўратиб кетган эди. Малика бўлса, худо подшодир ҳозиргини кўраберинг, — деб Авазнинг қўлидан ушлаб, юқори кўшкига йўл бошлиди.

Авазжоннинг остига зар-зарбоб лиbosларни ташлаб, Гулқиз ойим билан Авазжон бир ерда ўтириб, ҳамма қизлар-парилар бу икки жононга хизматкор бўлиб, олдиларига дастурхон ташлаб, Авазнинг кўнглини хушлаб, писта, руста, қанд, новвот аралашибди. бунинг устига олиб келди қовурма гўштди, Гулқиз билан шундай қилиб ўтиришибди. Авазхон кўнглини хушлаб, димоги чоғ бўлиб, у еридан, бу еридан ушлаб, Гулқиз ойимнинг кўнглини хушлаб, ҳузур қилиб икковиниг димоги чоғ бўлиб ўтира берди. Қирқин қизлар буларнинг хизматида хизмат қилиб тура берди.

Бу маконда булар билан қўшни учта дев бор эди. Каттасини Қизил дев дер эди. Девлар бу ерда йўқ эди. Кўйикоф тарафига овга чиқиб кетсан эди.

Энди бу девларнинг келадиган вақти бўлди. Қор ёмғирлар учқунлаб шопири келди. Гулқиз ойим ўрнидан туриб, Авазхонга билдирамаган киши бўлиб: — Авазжоц, энди сизни мен сандиққа солиб қўяйин, —деб сандиққа солиб қўйди. Аваз ҳайрон бўлиб сандиққа кириб ётди. Бир вақти эди, девлар қаҳраниб кириб келди. Гулқизга қараб Қизил дев бир сўз деб турибди:

Гулқиз ойим, эшиит, айтган сўзиимди,
Олмадай сўлдирай гулдай юзингни.
Хизматкор қиб турдинг ҳамма қизингди,
Ўйлаб турсам сенга ўлим лозимди(р).
Сайил этиб тоғларда овлаб юрганимай,
Кўйикоф устида туриб кўрганимай:
Очилар боғларда боғининг бодоми.

Бу ерга етишган одам қадами.
Құлоқ сол, Гулқизой айтган тилема,
Қандай одам келди манзил – элима?
Келган одамизодни бергил құліма,
Бундай ишлар дуруст эмас шаънингта!

Тұксам сенинг күздан селоб ёшиングни,
Дарғазаб бүп, кессам таңдан бошиングни.
Күриб қолдим одамзод ўйнашиングни,
Құлайинми дарров сенинг ишиングни?!

Бир одам наслiman ўйнаб-куласан,
Девларинг юзини тубан қиласан,
Келган одамзодни бергил құліма,
Армон билан Гулқиз, энди ўласан.
Бошдан тожи, құлдан бериб давлатди.
Бир одамман қурдинг сен ҳам сухбатди.
Бу қылган ишларинг билсанг уятди.
Ул одам бу ерда пинҳон бўлибди.
Бирга ўтириб бунда ўйнаб-куласан,
Канизларни хизматингта соласан.
Бундай қилсанг армон билан ўласан
Ўйнашиингни қайда пинҳон қиласан?

Бу сўзни Гулқиз ойим эшишиб, Қизил девга қараб Гу-
лойим ҳам бир сўз деди:

Олмадайин сўлган, гулдай тарзим бор,
Бадбаҳт девлар, сенга айтар арзим бор,
Сен тилингни тийиб сўйлагин девлар,
Чамбидан келгандир Аваз зўравор!

Кўрганинг йўқ Гўрўғлининг улини,
Юнусмал Мисқолнинг жону дилини.
Кўрса форат қиласар девлар элини,
Сен тилингни тортиб сўйлагин, девлар!

Чамбидан келибди Аваз зўравор,
Тортиб сўйла бу тилингни, дев аждар!

Тойрилди бошингдан тожу давлатинг,
Ажал етди, балки тўлди муҳлатинг.
Чўлда қолар девлар сенинг жасадинг!

Чамбил элдан қайсар Аваз келиби,
Девни излаб қайсар Аваз келиби,
Сизларни Чамбила ҳайдаб боради,
Юнусман Мисқолга сўйлаб беради.

Йифлай бергин, умринг охир бўлади,
Неча кунда сенинг кунинг тўлади,
Бормаган дев дарров шунда ўлади,
Бу ишларни ўйла, қандай бўлади?!

Дод айласанг эшитмайди сўзингди,
Ҳар боб билан ўяр икки кўзингди.
Эрта чошгоҳ ҳайдаб кетар ўзингди,
Чамбил элтса, сенга ўлим лозимди(р)!

Холинг билмай бунда лофни урасан,
Эрта чошгоҳ Чамбил ҳайдаб боради.
Чамбил борсанг икки бошдан ўласан,
Билмайман ҳолинг, қандай бўласан?

Хунхор Аваз кесар сари-бошингни,
Париларга берар сенинг гўшингни.
Қарға-қузғун ейди сенинг бошингни,
Аё девлар, ўйлаб қилгин ишингни.

Авазжоннинг баҳодирлик номи бор,
Мунча катта лоф урмоқлик на даркор?
Ўлар вақтинг яқин келгандир, девлар,
Излаб келган қайсар Аваз зўравор.

Бу сўзни девлар эшитиб, ақли шошиб, такбиридан ада-шиб: – Аваз келган бўлса, бизларнинг жондай жиянимиз келган экан. Бизларга аввалидан нимага хабар бермадинг? Авазжон қаёқда? Кўрайик, танийик, Юнус Мисқол опа-мизни, Гўрўғли езнамизни сўрайик, – деб девлар уриниб,

ҳовлиқиб ҳар нимани бир нима деб, Авазни бундан илгари күриб юргандан соғиниб қолгандаи бўлиб, уялгандан ҳар нимани бир нима деб, Авазни келди деб, отини эшитиб, қўрқиб, у ёққа-бу ёққа кўзини юбортиб, Авазни сўраган киши бўлиб турибди. Шунда Гулқизой пари Авазжонни сандиқдан чиқарди. Айтди: — Мен буни сизлардан қўрққандан яширганим йўқ. Сизларни бундан қўрқиб, қочиб кетади, деб яшириб қўйган эдим.

Аваз сандиқдан чиқиб, сипои кўз билан, ҳайбатли сифат билан девларга қаради. Девлар югуриб бориб Аваз билан кўришиб: «Гўрўғи езнамиз, Юнус Мисқол опамиз омонми? Чамбил юрти тингчликми? Чамбидаги катта-кичик беклар, полвонлар омонми? Ҳормай-чарчамай, омон-эсон келдингизми?» — деб, қўрққанидан Авазхонга қараб ҳар нимани бир нима деб ялиниб-ёлвораётир. Авазхон буларнинг қўрққанини билиб, сўзига яраша жавоб бериб ўтириди.

Қизил дев сўради:

— Бу ерга пиёда келдингизми? Отингиз, жўрангиз йўқми?

Авазхон айтди:

— Отимиз ҳам, жўрамиз ҳам бор.

Қизил дев:

— Ундай бўлса, бориб олиб келасизми, ё бирорни юборайми, — деди.

Авазхон чиқиб бориб, Фиротни ечиб, устига минди. Қаради, Асад мерган, Шодмон мерганнинг оти бир тепанинг устида турибди, ўзлари йўқ. «Булар қаёққа кетди экан», деб қаради. Асад мерганни кўрди, бир сув ювиб кетган жираандада ўзини ҳар бир ерга уриб яширина олмай юрибди. Асад мерганни бу туришда кўриб Шодмон мерган қаёқда экан деб қаради. Қараса Шодмон мерганни бир тулкининг инида кўрди: белбўғаридан юқориси инга кирган экан, икки бути зинкийиб турган экан. Авазнинг шўхлиги келиб, кўнглини хушлаб, Шодмоннинг бутидан ушлаб, аста-аста узанги ташлаб, Шодмон мерганни торта бошлади. Булар девларнинг ҳавода келаётганини осмоңда кўриб, девлардан қўрқиб ўзларини яширингтироқчи бўлиб, ҳар ернинг панасиға солиб, абгор бўлиб юрган экан. Шодмон мерган калласи иннииг ичидан бу сўзни айтиб турган экан:

Беклигимда суреб қолдим миннатим,
Бир тулкини қувиб келиб инлатдим.
Оҳ урганда хаста кўнглим хушладим,
Ҳар ерда ғанимнинг сирин фошладим,
Жониворнинг қўйруғидан ушладим.
Оёғимдан аста ушла Авазжон,
Ушлаб олсак овнинг олди бўлмасми?

Кўздан ёшим мунчоқ-мунчоқ тизилар,
Дийда гирён бўлиб, бағрим эзилар,
Оёғимдан аста тортгин, Авазжон,
Бу тулкимнинг қўйруқлари узилар.

Мендайин мардларнинг кўнглин бўлмагин,
Кўп яшагил, кўп йилгача ўлмагин,
Оёғимдан аста тортгин, Авазжон,
Тулкимнинг терисин нобуд қилмайин.

Мендайин мерганнинг кўнглин бўласан,
Шўхлик қилиб Аваз ҳазил қилмагин,
Соф-саломат бу тулкини олайик,
Яна ҳам Торкистон элга борганча,
Терисини сотиб харжи қилайик,
Яхшимикан, ёмонмикан кўрайик.

Аваз Фиротта қамчи чотди. Шодмон мерганни индан суғуриб олди. — Қани инлатган тулкинг? — деб турибди. Шодмон мерган айтди: — Мен инлатган тулки бир тулки эди. Қуйруғи узилмасин, териси бузилмасин, деб авайлаб туриб эдим, сени одам бўлган десам бачча кундаги хабалоқлаганинг қолган йўқ экан, илкисдан тортиб юбординг, қуйруғи қўлимдан чиқиб кетди. Иннилг тўри узоқ экан, инига қараб уриб кетди, — деб уялмай-суялмай бу сўзни Авазжонга айтиб турибди. Авазхон: «Мен ёш боламан. Бу сўзларингизни билмайман-да», — деб кулимсиб турди. Бу икковини кўриб Асад мерган ҳам келди.

Авазжон: — Сен қаёқда эдинг? — деди.

Асад айтди: — Шодмон мерган тулки инлатиб юриб эди, тулкиси чап бериб кетмасин, деб тулкисининг оддини олиб юриб эдим.

Буларнинг бу ишини кўриб: — Йўқ тулкини инлатиб юрган ботирлар, — деб Авазнинг димоги чоғ бўлиб айтди: — Ундаи бўлса қуруқ овчилик қилманглар. Мана кўринган кўшк Гулқиз парининг макони экан. Бу маконда бир неча девлар бор экан. Бориб кўриб, овлаб олиб улар билан сухбат қилмоқ керак.

Унда мерганлар қўрқиб, қўрқса ҳам бошқа ёққа кетмоқнинг иложини тополмай: — Эндиги ихтиёр сизда, йўл бошланг, сиз билан бирга борамиз, — деди.

Мерганлар Авазжон билан бирга-бирга отланишиб, Гулқизнинг жойи маконига бордилар. Девлар йўлга қараб туриб эди. Буларнинг келганини кўриб, югуриб чиқиб, бекларнинг отининг жиловини ушлаб, кўнглини хушлаб, манзил жойига йўл бошлаб, ичкарига олиб кириб, остига яхши тўшаклардан ташлаб, бекларнинг вақтини хушлаб турди. Девлар зиёфатта қўйни сўйди. Пишириб, гўштини олиб келиб қўйди, югуриб хизматин қилди.

Булар Гулқизнинг маконида ётди. Эрта билан тонг отди. «Ҳайдаб кетмаса», — деб девлар ҳам жуда қилпиллаб турибди. Кун чошгоҳ ҳаддига етди. Шунда девлар Авазга қараб: — Ў жияним! «Йўл бўлсин» — гапнинг ўроли бўлади, сизларга йўл бўлсин? — деди.

Шунда Аваз: — Олой бўлсин, йўл бўлса, сизлардан бўлсин, — деди. — Торкистон шахрига, Малика парига бораёттирмиз. Бизларни отам — Гўрўгли сизларін буюориб эди. «Дев тоғаларинг бор, шу дев тоғаларингнин ўйига борсанг, тоғаларинг бирга бориб, сенга йўл кўрсатуб, Маликани топиб беради», — деб эди. Шунинг учун бизлар сизларнинг уйларингизга келиб эдик, — деди.

Қизил дев айтди: — Ў жияним! Бизлар кун ботиш билан кун чиқарни, ер юзини қолмай учамиш. «Торкистон деган шаҳар бор, Малика деган пари бор» деб эшиттанимиз йўқ. Янгитта сизнинг оғзингиздан эшидик. Манзили шу ердан етмиш йиллик йўл келади, бир Боймоқ дев деган тоғангиз бор, шу билмаса бизлар билмадик.

Бу сўзни Авазхон эшитиб, ўйланиб, индамай қолди. Унда Қизил дев айтди: — Жияним, нимага, индамай қолдингиз? Боймоқ дев деганда номи пастроқ учрадими? Боймоқ дев тоғангизнинг давлати катта: Боймоқ девнинг

етмиш минг күк қашқа девдан жиловдори бор. Дев тоғанғиз күп катта, уни унча-мунча девлар қатори деб күнглингизга келмасин.

Авазхон айтди: — Үндай бўлса, сизлар бизга хизмат қилсаларингиз, — деди. Қизил дев: — Хўп, Гўрўғли езнамизнинг ҳурмати, дев, тоғаларингизнинг хизмати, — деб бир тилсимот дуо ўқиб, учковини уч олма қилиб, олмаларни ёқасига солиб, уч отни тилсимот ўқиб, ўргай қилиб, қўйнига солиб, осмонга кўтарилиб, етти кеча-етти кундуз осмонда учиб, қўйилиб бориб бир ерга тушди. Бир тилсимот дуо ўқиб, олмаларни одам қилди, ўрайларни от қилди.

Авазхон қадимги — аслига келиб айтди: — Эй тоға! Сизнинг жойингиздан бизлар қанча ерга келдик? Дев айтди: — Бизлар кеча-кундуз учиб келаётирмиз. Бизнинг юриши-мизга ўн тўрт кунлик ерга келдик, сизнинг бу отларингизнинг юришида ўн тўрт йиллик йўлга келдик.

Шунда Авазхон айтди: — Бу йўлни етмиш йиллик йўл деб эдингиз, бу ёғига нимага кўтариб учиб еткизмадингиз?

Дев айтди: — Бундан бу ёғи Боймоқ дев тоғаларингизнинг чегараси. Бундан бу ёғига сиздай зўравонлар йўл юриб ўтмаса, бизлар бир қадам босиб ўтолмаймиз. Агар биз бир қадам босиб ўтсак, Боймоқ девнинг ўтин териб юрган, ов овлаб юрган девларидан биронтаси кўриб қолса, қўлимизни боғлаб, сийнамизни доғлаб, банди қилиб арбанглатиб ҳайдаб олиб кетиб қолади.

Дев бу сўзларни Авазхонга айтиб, Авазхон билан хўшлабиб, омонлашиб, орқасига қараб қайтди. Үнда Авазхон билан Шодмон, Асад мерган — учковлари бирга йўл тортиб, бу сўзларни айтиб йўлда кетиб бораётир:

Ишқ ўтида ёна-ёна,
Қаба фалак дўна-дўна,
Гул юзим сўлди, найлайнин.

Устимиздан ўтган ойлар,
Бу юракда охувойлар,
Сар жигали майин жойлар.
Жигадор бўлди, найлайнин.

Келиб кишининг юртига,
Куйиб айрилиқ ўтига,
Икки кўзим ёр ортига,
Термилиб қолди, найлайин.

Булбулнииг маскани боғлар,
Айрилиқда бағрим доғлар,
Усти қорли баланд тоғлар,
Гул юзим сўлди, найлайин.

Фиротимга қамчи чотдим,
Кеча-кундуз шабгир тортдим,
Гул юзим сўлди, найлайин.

Айрилиқда бағрим доғлаб,
Узоқ йўлга ўзим чоғлаб,
Ёр юрти деб қонлар йиглаб,
Гул юзим сўлди, найлайин.

Жафо тифи жондан ўтиб,
Айрилиқ бағримни йиртиб,
Кеча-кундуз шабгир тортиб,
Малика деб, қонлар ютиб,
Гул юзим сўлди, найлайин.

Бу сўзларни Авазхон айтиб, Қизилқум деган ерга етиб борди. Шундай қараса, қип-қизил Қизилқум, ундан бошқа ҳеч нима йўқ, кўкарған гиёҳ ҳам йўқ, лекин қумнинг чек-касида бир чинор зинкийиб турибди. Жуда катта чинор.

Унинг ён ёғини кўргон қилиб, девор қилиб қўйибди. Кўргоннинг девори қалайидан. Буни кўриб Авазхон отини мерганларга бериб: — Сизлар шу ерда туринглар, бу чинор қандай чинор экан, бу кўргон қандай кўргон экан, мен бориб, кўриб келайин, — деб шу чинорга. Қалайи кўргонга қараб жўнаб кетди. Бориб Қалайи кўргоннинг дарвозасини очиб, ичкарига кирди. Кўrsa, чинорнинг ости сарҳовуз. Катта чинорнинг шоҳлари ҳар ёққа шоҳалаб кетган, шоҳларида тўти, майна, булбуллар бола очиб, сайраб ётган. Овозаси оламга кетган ажаб чинор экан. Бу қандай чинор экан, деб

қараб туриб эди, дарвозадан бир қаландар ичкарига кириб кела берди. Қаландарнинг ҳайбатини, жасадини кўриб, Аваз қўрқиб, ўзини ҳар ерга урди, ҳеч пана бермади. Авазхон ақли шошиб, иложини топа олмай, ноилож чинорнинг усттига чиқиб олди. Қаландар чинорнинг остига келиб кўнди. Бангни уриб, кайфини суриб, димоги чоф бўлиб, телпагининг таркидан бир олмани чиқариб, жағига бир уриб, паризод қилиб, бунинг билан ўйнаб-кулди, димогини чоф қилди. Буни Авазхон чинорнинг бошида кўриб турди. Қаландар парининг тиззасига бошини кўйиб, жамолини тамоша қилиб, ухлаб қолди. У паризод қаландарнинг бошини ерга олиб қўйди. Ўзининг ёқасидан бир жуволдизни олиб, уни бир шапати уриб, барзанги қилиб, бу билан ўйнаб-кулиб димогини чорглаб ўтира берди. Қаландарнинг уйғонадиган фурсати яқин бўлди. Барзангининг жағига бир уриб, қадимги дай жуволдиз қилиб, ёқасига туйраб кўйиб, қаландарнинг бошини тиззасига олиб, қадимги дай бўлиб ўтира берди. Буни ҳам Авазхон чинорнинг бошида кўриб турди. Қаландар уйқудан туриб, паризоднинг жағига бир уриб олма қилиб, телпагининг таркига солиб, кади-мудбак, сўтальарини олиб, «оллоҳ билоллоҳ», деб йўлга кириб жўнай берди. Авазхон шошиб-пишиб чинордан тушиб, қаландарга товуш қилиб чақириб, бу сўзни айтиб, қаландарга етиб олмоқчи бўлиб бораётир:

Фам билан сарғайди гулдайин дийдор,
Телпагинг кайкаймай ўлгўр қаландар,
Ёринг бир десам иккови бор экан.
Ёрингнинг ўйнаши сендан зўравор.

Армон билан билмаганинг билдирап,
Ханжар чекиб қора бағринг тилдирап,
Иккови бирикса, сени ўлдирап,
Сенинг гулдай юзинг бир кун сўлдирап.

Кўриб қолдим ул икки ўйнашингни,
Иккови бирикиб кесар бошингни.
Хабардор бўл, бу ишлардан қаландар,
Қарға-қузгун ейди сенинг гўшишингни.

Ёрим бор деб мағрур бўлиб юрасан,
Иккови бирикса тайин ўласан.
Ўзинг ўлиб гўштинг бунда қолади,
Укағар қаландар қайга борасан?

Бу сўзни айтиб Аваз кўнглин хушлади,
Қаландарнинг белбоғидан ушлади.
Шул замон энига қоқиб ташлади,
Чинорнинг остига об кеб муштлади.

Аваз Қаландарга айтди:

— Бова, сиз гадой экансиз, парча-пурча нонингиз борми, деб сўраётибман, — деди. Қаландар: — Бирордан бир нарса сўраган одам уриб сўрайдими, бор бўлса урмасанг ҳам ўзим бераман, — деб кўлбарини қараб, қаттиқ кулча бор экан, чиқариб Авазхонга берди. Авазхон қулчани тўрт синдирим қилиб: — Олинг бова, — деди. Қаландар бирорини олди, Авазхон бирорни олди, икки синдирими одамсиз қолди.

— Бу икки синдиримнинг эгасини топинг, — деди.

Қаландар айтди: — Ўзинг кўрган ёлғиз қаландарман, менда қандай одам бор?

Авазхон қаландарга сиёsat қилди: — Ўлдираман! — деди. Аваздан қўрқиб, ёқасидан олмани олиб бир урди, паризод бўлди. Бир синдиримини бу олди. Сўнгра парига Авазхон: — Жўрангни топ! — деди. Пари улай-булай деди. Бунга ҳам дўқлаб сиёsat қилди. Аваздан қўрқиб, ёқасидан бир жувол-дизни чиқарди. Чаккасига бир урди, бир барзанги пайдо бўлди. Қулчанинг бир синдиримини бу олди, тўрт синдирими ҳам эгалик бўлди.

Авазхон ўрнидан туриб барзангини чопиб ташлади. Қаландар ҳам телпаги кайкайиб: «Бир одам деб икки одамини кўтариб юрган эканман», — деб ўрнидан туриб бу ҳам хотинини чопиб ташлади. Шунда Авазхон қаландардан сўради: — Бова, бу хотинни қаердан олиб эдингиз? — деди.

Қаландар айтди: — Мен буидан илгари Гулшанинг боғидан тиланиб, гадойлик қилиб юриб келаётуб эдим. Гулшан боғининг ичида, шиша ҳовузда ҳамма нарилар чўмилиб ётган экан. Баданлари қордай, бари бирдай. Муни шу серда бир гулбутанинг тагига ўтказиб қўйгани экан. Тилси-

мот дуо ўқилиб, муни олма қилиб, телпагимнинг таркига солиб, парилардан қочиб қутулиб кетиб эдим. Менинг чан-галимга тушганига ўн саккиз йил бўлди. Шундан бери буни бир нарсага, жонзодга кўрсатмай юрган эдим. Ўғлим, мен аҳмоқ олиб келиб бўлиб, пари деб икки нарсани зилдай қилиб кўтариб юрган эканман.

Бу сўзни қаландар Авазга айтиб туриб эди, яна бир қаландар дарвозанинг эшигидан кириб кела берди. Аваз-жон қаландарнинг қадди-қоматига шундай қараса, бошдан-оёғи бирдай қаландар, ҳар ягрини қирдай қаландар, бошида кулоҳ, қўлида сўта. Сўта билан чинорни бир урди. Чинордан бир эшик очилди. Авазхон қараса, чинорнинг ичида дарчама-дарча уч кўшк бор экан, кўшкларни кўриб, қаландар айтди: — Оббо шаллақи, бу ерда ҳам йўқ экан.

Аваз айтди:

— Бова, сиз кимни излаб юриб эдингиз, кимни тайинлаб қўйиб эдингиз, бу ерга нима ишда юрибсиз, кимни ахтара-сиз?

Шунда қаландар Авазга қараб юрган юришини, чиққан юртини қилиб, юрган ишларини баён бериб бир сўз деб турибди:

Сўзимга қулоқ сол, турган ёш ўғлон,
Мени сўрсанг Чин-Мочиндан келаман.
Сенга қурбон мендай бовангнинг жони,
Чин-Мочинда, билсанг бованг макони.
Қаландар деб, болам, ғофил бўлмагин,
Аслимни сўрасанг, Чин-Мочин хони.

Ёр ишқида болам, бўлдим қаландар,
Ваъда бериб кетди гул юзли дилбар.
Отини сўрадим — Малика айёр,
Шу чинорни ваъда берган гажақдор.

Торкистонда деган эрди шаҳрини,
Кўп ерни ахтардим — дунё борини.
Ҳеч бир ердан тополмадим парини,
Кўп ҳалак айлади харидорини.

Соқолим оқарыб, ёшым қайтганда,
Ёр ханжари ўртаб кетди бағримни.
Тишим тушиб, оёқ гүрга еттаңда,
Ахтарман Маликадай парини.

Излаб топсам маликадай гажақдорни,
Сабил қылай Чин-Мочиннинг шахрини.
Сен эшигтгин мендай шернинг изини.
Излаб чиқдим Қосимшоҳнинг қизини,
Элнинг Маликадай сарвинаозини.

Чин-Мочин шаҳрида қолди кирдикор,
Кўп ҳалак айлади гул юзли дилбар.
Излаганим Маликадай суяр ёр,
Ул сабабдан, болам, бўлдим қаландар.

Чин-Мочин шаҳрида мамлакатимди(р),
Хон қаландар, дейди менинг отимди.
Излаб чиқдим Малика паризотимди,
Белги қилганман ўсган юртимди.

Қулоқ сол, эшигтгин айтган нолага,
Шоқаландар дейди мени, садаға.
Эшиг болам, бу кун менинг нидора,
Девни кўрсам қамсаб бошин оламан,
Дев битганинг кушандаси бўламаён.
Насиб қиласа Маликани оламан.

Отим Қаландардир, ўзим зўравор,
Лак-лак девлар бўлолмайди баробар.
Файратимни кўrsa, йиглайди девлар,
Маликага бўлиб чиқдим харидор.

Торкистонда кўргин бованг ишини,
Сулатаман девнинг гавда-бошини.
Охир қиласа девлар ўтиришини,
Шуйтиб олай Малика бувишини.

Бу сўзларни айтди бованг қаландар,
Не жойлардан келдинг, давлатли шунқор?

Мен қаландар Маликага харидор,
Бу ерларда, болам, нима ишинг бор?

Авазхон бу сүзни эшитиб, қаландар бовасига қараб, Авазхон ҳам бошидан ўтган ишларни бир-бир айтиб, жавоб бериб бир сўз деб тургани:

Аё бова, тимсол айтган бир алвон,
Олмос-пўлат белда, эгнимда қалқон,
Гўрўғли ўғлиман, отим Авазжон,
Сиру ҳолинг бова баён айладинг.
Мен ҳам бова сендай юрган саргардон.

Чамбилинг элида даврон сурибди,
Фиркўк отни бир кун отам минибди,
Шакар кўлга бир кун овга борибди,
Овда юриб паризодни кўрибди,
Сиру ҳолин отам шуңдан сўрибди.

Торкистон деб анга хабар берибди,
Малика эканин аниқ билибди,
Пари билан неча ваъда қилибди,
Ул сабабдан шунга кўнгил берибди.

Қулоқ солинг, бова, айтган тилима,
Етарманми Торкистоннинг элига,
Отам ошиқ Маликанинг ўзига?
Маликанинг ойдай тўлган юзига,
Ошиқ бўпти Қосимшоҳнинг қизига,
Торкистоннинг шундай жоду кўзига.

Яна баҳор бўлса очилар гуллар,
Гулни кўрса маст бўп сайрап булбуллар.
Миниб чиқдим Фиркўқдайин тулпорни,
Борар бўлсанг, мен ҳам ҳамроҳ, қаландар!

Чамбил элда мен ҳам бекман, тўраман,
Ўз элимдан мерган тортиб келаман.
Насиб ётса Маликани оламан,
Мен ҳам Маликага кетиб бораман.

Ана шунда бу сўзни ўтирган қаландарлар эшилди. Хотинини ўлдирган қаландар Авазжонга қараб, у ҳам бир сўз деди:

Кўздан ёшим мунчоқ-мунчоқ тизилди,
Дийда гирён бўлиб, бағрим эзилди.
Маликани айтдинг, кўнглим бузилди,
Борар бўлсанг, мен ҳам ҳамроҳ, Авазжон!

Мени сўрсанг Рум элидан келаман,
Жафо тортиб Торкистонга бораман.
Бир қиз учун жафо тортиб юраман,
Борар бўлсанг, мен ҳам ҳамроҳ, Авазжон!

Фам билан сарғайди гулдайин дийдор,
Излаб чиқдим мен ҳам Торкистон шаҳар.
Сен эшитгин мендай бованг сўзини,
Олмадай сўлдириб гулдай юзини,
Топарманми Оқдевшоҳнинг қизини,
Борар бўлсанг, мен ҳам ҳамроҳ, Авазжон!

Айрилиқ ўтига бағримни доғлаб,
Мен юрибман Тиллақизни сўроғлаб.
Тиллақиз деб шундай бўлдим қаландар,
Кўп жафони солди гул юзли дилбар.

Шу сабабдан мен ҳам юрган қаландар,
Румнинг юртида қолди кирдикор,
Тиллақиз деб мен ҳам бўлган қаландар.

Қийғир деган қуш ўтирап қияда,
На кўриб кечирдим фоний дунёда.
Ёр ханжари ўртаб менинг бағримни,
Беш юз йиллик йўлдан пою пиёда.

Рум элида мен ҳам Ҳасан подшоман.
Ёр ишқидан қаландар бўп юраман.
Рум элидан ўзим ошиб келаман,
Бу йўлларда сарсон бўлиб юраман.

Лақабимни дейди устайи заргар,
Торкистонда Тиллақиздай ёрим бор.
Маликани айтсанг күнглим бузилар,
Борар бўлсанг, мен ҳам йўлдош, Авазжон!

Қулоқ солгин мендай бованг тилига,
Подшо эдим болам-ей Рум элига.
Ёр ишқидан бўлиб қолдим қаландар,
Ахтариб кўрганман жуда кўп шаҳар.
Борар бўлсанг, мен ҳам ҳамроҳ, Авазжон,
Борар бўлсанг, мен ҳам йўлдош, Авазжон!

Сен эшиитгин Шозаргарнинг сўзини,
Оларманми Оқдевшоҳнинг қизини.
Тиллақиздай гажакдорнинг ўзини?
Борар бўлсанг, мен ҳам ҳамроҳ, Авазжон!

Жаҳонни сайр этиб ўйнаб-куламиз,
Насиб бўлса, бирга-бирга борамиз.
Бу йўлларда ҳар на бўлсак бўламиз,
Борар бўлсанг, мен ҳам ҳамроҳ, Авазжон!

Шунда Авазжон қаландарнинг бу сўзини эшиитди: Мунинг подшолигини билди. «Мунинг бирори Рум мамлакати подшоси экан, бирори Чин-Мочин элининг подшоси экан», — деди. Айтди:

— Икковинг ҳам бир ер учун йўлларда кўп сарсон бўлиб, фунча подшоҳлик шавкатидан, аркони давлатдан кешиб, яёв мундай қаландар бўлиб юрмоқ не даркор? Бу йўл узоқ бўлса, сувсиз қип-қизил Қизилқум бўлса, бу қумни беш-ўн кунда босиб ўта олмай юрса. Бу қип-қизил Қизилқумда пиёда юриб очликдан, сувсизликдан, сувсаб, очқаб, овора бўлиб икковинг ҳам ўласан. Подшо бўлсанглар отланиб юрсанглар бўлмайдими? Бу қандай расвочилик. Ўзларингизни мунча абгор қилиб, бу чўлда кўп сарсон бўласизлар, — деди.

Шоқаландар айтди: — Сенинг отангнинг чилтонлар тарбия қилган, оти бор ҳар ерга борсанг, учар қушдаи урсанг, учар қушдан ўтади. Қандай душманини қувсанг етади. Ул

отангнинг отини минган киши нима қиласан, деса муродига етади. Башқа отлар бу йўлларда юра олмайди, ҳожат бермайди. Сен от яроқ-асбобингга ишонсанг, биз худойимизга ишониб, телпагимизни кайкайтиб келаётибмиз. Бизнинг телпагимизнинг кайкайганини бизга таъна қилма! Йўлда кўрасиз, бирга-бирга бораётибмиз, бизларнинг ким эканимизни сен кўрасан, сенинг аҳволингни биз кўрамиз. Мана бу Қизилқумни омон бўлсак бориб кўрамиз, — деб икки қаландар Авазхон учови чинорнинг олдида кўп сўзларни гаплашиб, маслаҳатин бир ерга қўйиб: — Эй болам, гапдан нима чиқади, йўл юрмоқ аълороқ. Энди йўл юрайик. — деди.

Аваз айтди: — Ундай бўлса, эй боваларим, менинг яна иккита жўра-йўлдошли отларим бор эди. Энди йўл юрар бўлсак, жўраларимни бориб айтиб келайн, ундан сўнг бирга-бирга жам бўлишиб йўл юрамиз.

Бовалари: — Бориб айтиб кел, ундай бўлса дарров кел, — деди.

Авазхон Асад мерган билан Шодмон мерганнинг олдига бориб, отини миниб, икковини эргаштириб, чинор остига, сарҳовуз олдига олиб келиб, боваларини кўрсатди. Мерганлар қаландар бовалари билан кўришиб, сўрашиб ўтирилар. Бу икки бовасига билдиримаган киши бўлиб, Авазхон кўнглида: «Ажаб шаҳарларни, ажаб сирларни бу баҳона билан кўрдим, ажаб жаҳонгашга бўлдим. Жаҳонни, ажойиб-ғаройибларни кўрдик», — деди. Энди йўл юрмоқчи бўлиб, маслаҳатни бир ерга қўйиб, Авазхон, Шодмон мерган, Асад мерган учови отланиб, икки қаландар яёв теллаги кайкайтиб бу икки жобоқлик одам бўлиб. Қизилқумга тушиб жўнай бердилар.

Азаматлар олмос бойлар дастига,
Фаним тушар камдавлатнинг қастига.
Беклар миниб бедов отнинг устига,
Қумни юзиб иррир эди бедовлар.
Чув деб қамчи уриб ов бир беклар,
Йўлга ҳамроҳ бўлди икки қаландар.
Тушиб жўнади бари Қизилқумига.

Узоқ йўлдир Қизилқумнинг ораси,
Маст бўлгандир Чин-Мочиншинг тўраси.
Маст бўлиб сўтасин отди қаландар,
Қизилқумни тўзон тутди муқаррар.

Қистаса ҳам отолмади бедовлар,
Шайдилло деб йўл тортади қаландар.
Аваз кўздан ёшин тизиб боради.

Қаландарлар отдан ўзиб боради,
Бедовлар қумларни юзиб боради,
Кун-бакун бадани қизиб боради,
Аваз ўғлон кўнглин бузиб боради.

Дунёдан умидин узиб боради,
Таваккални бу худоға қилади.
Аваз ўғлон яратганга жилади,
Чув дейди, Фиротта қамчи уради,
Қаландарлар отдан ўзиб боради.

Қумларда ҳорийди минганды тулпор,
Авазжоннинг баҳодирлик номи бор.
Қамчи урди Авазжондай зўравор,
Яшин ташлаб иргир эди бедовлар.
Маст бўлиб боради икки қаландар,
Қистаганман, етолмайди бедовлар.

Юрса Қизилқумни тўзон олади,
Маст бўлиб қаландарлар боради,
Ҳарчанд қичаб баҳодир беклар,
Қичаганман етолмади бедовлар,
Маст бўлиб боради қаландар,
Ҳайрон бўлиб бораёттир зўравор.
Давлат қўнса гар чибишииг бошига,
Семурғ қушлар салом берар қошига,
Банда кўнар тангри қилган ишига,
Аваз қамчи урар аспи қушига.
Чу, деди Фиротта қамчини чотди,
Тиллари танглайга борди-да қотди,

Сувсизлиқдан оша жабрлар ўтди,
Қизилқұмда қаландарлар йўл тортди.

Ташна бўлиб құмда бедовлар ётди,
Мерганлар ҳам Авазжонни йиғлатди,
Қаландарга Аваз қараб кўз тутди.
Қаландар кайқайиб шунда йўл тортди.

Армон билан ўлдик, ғаминг е, деди,
Фариб бўлдик, бова, бери кел, деди.
Фариблиқда мендан хабар ол, деди.
Ҳеч кимсага келмай қолди ҳолатим,
Ташна бўлиб йиқилгандир Фиротим.
Құмда қолар ўхшар менинг жасадим.

Учқур эдим, қанотимдан қайрилиб,
Югрук эдим, тусгимдан тайрилиб,
Құмда қолдим, мен отимдан айрилиб,
Мўмин бўлсанг, менга ҳамроҳ қаландар.

Ташна бўлиб қолдим мунда мунғайиб,
Мурдам мунда бўлмасин-да бежойиб.
Илоҳим раҳм айласин қонли ёшимга,
Хафа фалак оғу қўнди ошимга.

Мўъмин бўлсанг, бова келгин қошимга,
Кўп кулфатлар түщди менинг бошимга.
Қизилқұмда, бова бўлдик хору зор,
Ҳолатдан кетди-ку минган бедовлар.
Ташна бўлиб йиғлар Аваз зўравор,
Мўмин бўлсанг менга ҳамроҳ қаландар!

Бу сўзни айтиб Аваз ўғлон йиғлади,
Қаландар бурилиб бундай қаради,
Бу сўзни айтиб шу қаландар келади:

Заргар қизман бирга-бирга бўлайик,
Ўғлонларинг бориб ҳолин сўрайик,
Құмда ғариб бўлди Чамбилинг марди.

Ташна бўлиб йиқилибди Фироти.
Ҳар на хизмат бўлса бориб қилайик.
Бу сўзни ўйлаб Шоқаландар келади,
Келиб, Авазжоннинг ҳолин сўради.

Қалаңдарлар Авазхоннинг олдига келиб:

Ҳаққа етгай айтган нолам,
Обод бўлгай қулбахонам.
Сенсан менинг Аваз қўзим,
Сарғайгандир гулдай юзинг.
Сен ҳам айрилмагин мендан,
Мен ҳам айрилмайин сендан!

Баҳорда очилган гулим,
Сенсан менинг жону дилим.
Фариб бўлган Аваз улим,
Сен ҳам айрилмагин мендан,
Мен ҳам айрилмайин сендан!

Мундан Торкистон боргунча,
Душманга қирғин солгунча,
Шоҳнинг қизини олгунча,
Сен ҳам айрилмагин мендан,
Мен ҳам айрилмайин сендан!

Қайтиб Қизилқум келгунча,
Девлари қирғин солгунча,
Ундан Ўртачўл боргунча,
Ойим Малиқани олгунча,
Сен ҳам айрилмагин мендан,
Мен ҳам айрилмайин сендан!

Мундан Чамбилга боргунча,
Номдор отангни қўргунча,
Дунёнинг даврин сургунча.
Сен ҳам айрилмагин мендан,
Мен ҳам айрилмайин сендан..
Жоним, айрилмагин мендан!..

Шунда қаландарлар бу сўзларни айтиб, Авазхон, Асад ва Шодмон мерганларнинг олдига келиб, бирори бир тилсимот қилиб, шу Шоқаландар бу уч полвонларни олма қилиб, теллагининг таркига солди. Шозаргар ҳам бир тилсимот ўқиб, дам қилиб, уч бедов отни тўргай қилиб, кади-мудбонига қамаб олди.

Қаландарлар буларни кўтариб, Шозаргар бедов отларни кўтариб, теллаги кайкайиб маст бўлиб, Қизилқумга тушиб кетиб бораётир. Аваз ўғлон Чамбидан баҳодирлик қилиб, бу Торкистон шаҳрига бормоққа бел боғлаб, баҳодирман деган Аваз бугунги кунда қаландарларнинг қўлида олма бўлиб, бедов отлари тўргай бўлиб, жулбираб қола берди... Ана шунда қаландарлар буларни кўтариб, хизмат қилиб қумда неча муддат йўл юриб, бир қумнинг устига тушиб: «Энди бир кайф қилиб, дам олишиб, ундан сўнг йўлга тушиб жўнаймиз», — деб ўтириб димоги чоғ бўлиб айтди: — Энди манзил яқин қолди. Булар ҳам дамини олгандир. Энди буларни аслига келтирмоқ лозим. Булар билан ҳангомалашиб, гаплашиб кетайик.

Бир тилсимот ўқиб, Аваз билан мерганларни, отларини аслидаги ҳуснинг келтирди. Шоқаландар айтди: — Эй Авазжон, энди йўл яқин қолди, ҳангомалашиб борайик, — деб сени аввалдаги ҳуснингга келтирдик. Энди бирга-бирга йўл юрайик.

Авазхон мерганлар билан учови отланиб, бедовларни миниб олди. Қаландарлар теллаги кайкайиб, йўл бошлаб, бешовлари отлиқма-яёв бўлиб, Қизилқумда йўл юриб бора берди.

Худо қилган ишга банда кўнади,
Бедов миниб энди беклар жўнади.
Қаландарлар унга ҳамроҳ бўлади,
Ҳар на бўлса тақдирдан кўради.

Эшигингиз бундай шоҳнинг сўзиши,
Қўмларда қичайди аспи тоzinи.
Излаб чиндан Қосимшоҳнинг қизизи.
Маликадай учинг сарвинозини.

Ярғоқ бўлди жониворнинг сиёғи,
Тос тепада қолди икки қулоғи,
Йигирма уч кечакундуз югуриб,
Корсонидан ивиб туҳди туёғи.
Йигирма беш кечакундуз ўтганда,
Қорайиб кўринди Кўкламнинг тоғи,
Етмиш йиллик йўлдир бошдан-оёғи.

Ҳориб бораётир бедов тулпори,
Оҳ тортиб қарайди Чамбил беклари,
Ярқиллаб кўринар девлар шаҳари.
Ҳар чашма бўйида беш юз чинори.
Шундай бўп кўриди тогнинг қораси,
Бунинг бордир уч юз олтмиш дараси.
Кўп бўлади Оқдевшоҳнинг ҳийласи.

Ҳар дарадан тўққиз чашма оқади,
Ҳар чашмага ботмон заҳар қотади,
Ташна бўлиб, заҳар сувга етади,
Мавж урган дарёни булар кўради.
— Ташна эдик, — деди шунда бу беклар,
Вақти хуш бўп шоду хуррам бўлади.
Ичмоқда Авазхон кўнгил қиласи.
Шоқаландар энди бундан хабардор:
Мундан тотган одам тайин ўлади!

Ичарман деб Аваз кўнгил қилмагин,
Фарид бўлиб бу ерларда ўлмагин,
Дарё деб буларга мағрур бўлмагин!
Бу элларда бордир жодугар девлар,
Бу ишлардан Аваз ўғлон бехабар,
Тотган жонзод омон қолмас муқаррар,
Бу сувларга заҳар қўшгацdir дёвлар.

Бу сўзларни айтгандир Шоқаландар,
Бул ишлардан сендай беклар бехабар.
Ҳар ким ичса ўлар Аваз зўравор,
Насиҳат беради Шоқаландар.

Ташналиқдан йиқилдилар бу беклар,
Худо дея ҳамроҳ бўлиб Шозаргар,
Ҳожатини тилаб йиглар мерганилар.

Шунда Авазхон, мерганилар Шоқаландардан бу сўзни эшитиб, сувга заҳар қўшганини билиб, хафа бўлиб ингра-ди.

Ташналиқдан тиллар танглайида қотди. Худо деб беклар қаландарнинг Шозаргари буларга қўшилиб тинглай берди. Йиглаб-йиглаб сувсизлиқдан иложини тополмай, қандай қиларини билмай, кўкрагини нам ерга бериб ётди. Бедов отлари ҳам сувсизлиқдан кўп ҳориб-чарчаб, тили оғзидан бир қарич чўзилиб, бу бедов отларнинг ҳам юрарга ҳолати қолмай, ташна тушиб ётди. Булар Кўклам тоғда шу кўрги-лиқда кўп сувсаб, ҳориб-чарчаб, йиглаб, ётиб қолдилар.

Ана шунда жўраларнинг Кўклам тоғда сувсаб, чарчаб қолганини Шоқаландар кўриб, буларнинг ҳолига раҳми ке-либ, азиз авлиёлардан сув тилаб, азизларга ялиниб-ёлбо-риб бир сўз деб турибди:

Барчанинг отаси ҳазрати Одам,
Пайғамбарлик анга бўлди мусаллам.
Иброҳим Исмоил Макка муazzан,
Динларнинг чироги Имоми Аъзам.

Муҳаммадга уммат, халқа мусаллам,
Ташналарни сероб айлар кул бўлди...
Рұҳинг била бўлди оламдан бурун,
Аршу курси лавҳи қаламдан бурун.

Ҳақ Расул мен сизга енгилдим бугун,
Фамли қўллар йиглашар енгил-енгил.
Йиглаганинг бўлур кўз ёши тугун,
Ташналарни сероб айлар кун бўлди.

Ҳақ деб чиқар ғамли қўлинг овози,
Садқанг бўлай Хўжа Ҳофиз Шерозий.
Гуноҳкор бандангман, раҳмон бўл рози,
Ташналарни сероб қилас кун бўлди.

Ана шунда Шоқаландарнинг мурожаатини қабул қилиб, сўтасининг остидан бир чашма-булоқ пайдо бўлиб, беклар, қаландарлар бедовлар ичиб, ҳаммаси сувга тўйиб, сероб бўлиб, димоги чоғ бўлишиб маслаҳат қилиб ўтирганда, Шоқаландар айтди:

— Эй Аваз ўлон болам, эндиғи маслаҳат шул: Торқистон шаҳар бир бўлса, шу тофнинг остида ё устида бўлар. Сизлар энди шу ерда ўтиринглар, мен бориб бу тофнинг у ёқбу ёғини кўриб, мўлжаллаб келайин. Агар Торқистон шаҳаридан дарак топсам, келиб сизларга хабар берайин, деб ўрнидан туриб кетди. Авазжон ва Шозаргар мерғанлар бу чашманинг олдида қолди.

Ана шунда Шоқаландар бораётиб эди, олдидан бир оёқ — бир товоң йўл чиқди. Бу йўл билан бора берди. Қаради, йўли паствга тушди, тушиб кета берди. Қирқ зинапоя паствта тушиб кетди, бир катта — мисли шаҳри азимдай ерга борди. Жонзод йўқ, одамзоднинг суюги тоф-тоф, том-том бўлиб, уюлиб ётибди. Қаландар бу суюкларни оралаб, ҳар ҳайрон бўлиб юриб эди, фалакдан бир дев учиб, қуюлиб келаётир, етмиш минг кўккашқа девдан жиловдори бор тиззаларида бир бинойи-яхши бесоқол баҷчаси ҳам бор. Бу девнинг сиёссатини, ҳайбатини қаландар кўриб, ўзини ҳар ерга урди, ҳеч ер пана бермай қолди. Шунда уювли турган суюклардан овоз чиқиб қаландарга қараб бир сўз деб турибди:

Ўз элимда шоҳлик ғамин еб эдик,
Маликани биз олармиз деб эдик,
Тўқсон тўрт лашкар билан кеб эдик,
Шу девнинг чангига бўлдик гирифтор.

Ҳеч ким бўлмас ушбу девга баробар,
Етмиш беш шаҳарнинг бунда қони бор,
Малика деб ўлди неча гўзаллар,
Ҳеч ким бўлолмади девга баробар!

Сен ҳам бўпсан Маликага харидор,
Одамзодга бу одамзод жой берар,
Суюкинг остига киргии, қаландар,
Шундай кўрса армон билан ўлдирар!

Дод айласанг эшитмайди сўзингни,
Зулм билан ўяр икки кўзингни,
Ўлдиради девлар кўрса ўзингни,
Суякнинг остига киргин, қаландар!

Ушбу девга сен ҳам бўлмагин дучор!
Девлар кўрса, тўкар кўздан ёшиングни,
Зулм билан кесар таңдан бошиングни,
Ўртага олиб бариси гўшиングни.
Кўролмайсан қовму қариндошингни.
Охир қиласар девлар ўлтиришингни.

Малика деб жафо тортиб келасан,
Одамзодсан, бунда ғарип бўласан,
Девлар кўрса сен ҳам биздай ўласан,
Суякнинг остига киргин, қаландар!

Бу дев ҳайбатлидир оша зўравор,
Одам насли бўлолмайди баробар,
Суякнинг остига киргин қаландар.
Шу дев кўрса тағин сени ўлдирап!

Ана шунда қаландар уюлиб ётган суякларнинг бу сўзи-
ни эшитиб, ўзи қайси ерга борарини билмай, нима қила-
рини ўйлаб турар эди. «Бу яхши, бўлди», деб хирмон бўлиб
турган суякнинг олдига бориб, суякка қараб зарб қилди:
«Ёрил!» — деди. Суяклар ўртасидан ёрилди. Қаландарга
жой берди. Қаландар суякнинг орасига кириб жо бўлди.

Шунда Боймоқ дев етмиш минг дев билан осмондан учеби
тушиб, бир шосупа бор эди, шунга келиб ўтиради. Мингта
кўк қашқа девлари қўлинни қовуштириб, Боймоқ девга қараб,
хизматида турди. Боймоқ девнинг тиззасидаги бола бу қалан-
дарни кўрган эди. «Бу одамзод экан, одамнинг иси чиқади
бу шўрлик қаландарни Боймоқ девнинг девлари, ё ўзи еб
қўймасин», — деб ўйлаб, Боймоқ девга жанжал қилди. —
Менга мана бу турган хирмондай суякнинг устига жой
солдириб беринг.

Боймоқ дев хизматкорларига буюорди: — Муни хафа қил-
манглар, айтган жойидан жой солиб беринглар, — деди.

Боймоқ девнинг хизматкорлари қаландар кирган сүякнинг устига болага жой солиб берди. Бола шул хирмондай сүякнинг устига чиқиб ўтириди. Шунда бола айтди: – Мен шу срда пича дамимни олайин, кўп чарчадим.

Боймоқ дев: – Хайр, сен ўтиранг ўтири, – деб бунига жавоб бериб, етмиш минг кўкқашқа хизматкор девларига қараб айтди: – Энди бизлар далага чиқайлик, ов-овлаб келайлик.

Бари бирдан тайёрланиб, далага қараб чиқиб кетди. Қаландар бу баччанинг кўрганин билгани йўқ эди. Боланинг бир ўзи бу ерда қолди. Шунда бола сүякнинг устида туриб қаландарга гапириб, бир сўз деди:

Ўз элимда шоҳлик ғамин еб эдим,
Маликани мен оларман деб эдим,
Ўн саккиз лак лашкар билан кеб эдим,
Малика деб қолдим девнинг чангидা!

Раҳм айламай кўздан оққан ёшима,
Қаба фалак оғу қўшди ошима,
Кўшилолмай мен ҳам тенгу тўшима,
Малика деб қолдим девнинг чангидা!

Кеча-кундуз мен йиглайман мувойиб,
Камолимдан мурдам бўлди беҳисоб,
Ота-онам қолди сочини ёйиб,
Малика деб қолдим девнинг чангидা!

Подшо эдим, шундай бўлдим хор-зор,
Малика деб бўлдим девга гирифтор,
Сүякнинг остида ётган, қаландар,
Сирлашайлик, сенга айтар арзим бор!

Малика деб ўлган неча гўзаллар,
Сен ҳам бўлсан Маликага харидор.
Оҳ ургандга кўзда ёшим сел бўлар,
Сүякнинг остида ётган қаландар.
Сирлашайлик, жоним бова, берман кел!

Мени кўқда олиб юргандир душман,
Кўқда юриб, бова, сени кўрдим мен,
Сирлашайлик, жоним бова, берман кел!

Ҳовдак кўлда мен қуш солиб юрганман,
Жаҳонни сайр этиб ўйнаб-кулганман,
Малика деб лашкар билан келганман,
Лашкаримнинг барин нобуд қилганман.
Малика деб бу ерларда қолганман,
Фариб бўлиб дев чангига тушганман.

Шунда қаландар: «Оббо, мени кўрган экан, энди чиқмасам бўлмайди», — деб суккнинг остидан чиқди. Шундай қараса одам наслидан экан.

— Эй болам, сен одам наслидан экансан, нима қилиб бу девларнинг чангалида юрибсан? — деди.

У бола қаландарга айтди: — Эй бова, Зебит шаҳрининг шаҳзодаси эдим. Ҳовдак кўлида қуш солиб, ов овлаб юрган вақтимда, бир Малика деган қиз менга йўлиқди, менга вайда берди, шу ерни кўрсатди. Шунда мен ўн саккиз лак лашкар билан Маликани излаб етти ёшимда шу ерга келдим. Мунда келган сўнг, лашкарларимнинг барисини шу девлар еб қўйди, лекин мени ўлдиргани кўзи қиймади, орадан етти йил ўтди, мен ҳозир ўн тўртга кирдим, етти йилдан бери девларнинг кўлида косагули бўлиб юрибман.

— Девларга косагули бўлсанг, кўп нафни егансан. Шунча хизмат қилиб Торкистон шаҳрини кўрдингми. билдингми? — деб қаландар сўради.

Бола:

— Эй бова, мен Ҳовдакнинг кўлида Торкистон шаҳрини Маликанинг ўзидан эшигтанман. Бу девлардан, ё бошқа девлардан ёки бошқа жонзотдан эшигтаним йўқ. Етти йилдан бери девларнинг кўлидан айрила олмай банди бўлиб юрибман, — деди.

Қаландар боладан бу сўзни эшитиб, болага қараб: — Эй болам, Маликанинг шаҳрини — Торкистон элини шу девлар билади. Девлар келганда, сен девларга иноқ экансан, сўрагин.

Боймоқ дев Маликанинг хизматкори бўлади, ҳамма ишдан хабари бор, бу ишларнинг барини Боймоқ дев билади. Лекин

сўраганинг билан девлар сенга Торкистонни, Маликани айтмас, «Сенинг нима ишинг бор» дер. Шунда сен «ўзимни ўлдираман» деб жўрттага бир пичоқни олиб, қорнинига урмоқчи бўл. Бу дев сенга ошиқ бўлиб қолган. Сенинг ўлиб кеттанингни яхши кўрмас. Сенга бир сўзни айттар, Малика-нинг элидан, Торкистон шахридан, ўзидан хабар берар. Шунга қараб иш қиласиз. Болам, сен ёш бола экансан, хафа бўлма! Мен шу девларнинг қўлидан сени қутқараман, ота-энавигга, қавму қариндошингта омон-эсон еткарарман. Сен, болам, бу ёмон девларнинг ичидә бўл, мен ташқаридан бўлайин, ишқи-либ икковимиз ўлмаслик чорасини кўрайик, — деди. Шунда бола айтди: — Эй бова, сизнинг сўзингиз менга жуда маъкул бўлди. Шундай қилинг. Лекин энди, бова, девларнинг келар вақти бўлди, жойингизга киринг, — деди.

Қаландар бу сўзни эшишиб, бир тилсимот дуо ўқиб, бир юмроннинг суратида бўлиб, суюкларнинг остига шўнғиб кириб кетди. Шунда девлар ҳам овдан қайтиб кириб келди. Боймоқ дев шосупага келиб ўтирди. Зиёфатта қўйни сўйди, мажлис бўлди. Ана шунда қаландар бова усти-устига тилсимот дуо ўқиб, девлардан баңчча олаётир. Бола шу мажлисда косагул бўлиб, соқийлик қилиб девларга май қуийб берадеётир.

Шунда бола девларга қараб: — Эй девлар! Менинг сизларга айтадиган арзим бор. Шу: мен етти яшарлигимда Маликани оламан деб келиб эдим. Етти йилдан бери косагул бўлиб юрибман. Ўн тўртта кирдим. Маликани оламан деб элу ҳалқимдан айрилдим, фариби гўристон бўлдим. Мен энди ўладиган еримга етдим, қандай қилса Маликани олади? Менга бир дуо айтсанглар, менинг армоним юрагимда қолмас эди, — деди.

Шунда бир дев боланинг жагига урди: — Баччағар! Маликани олмоқ ғами билан нима ишинг бор?! — деди. Шунда бу бола қўлига бир пичоқни олди: — Сизлардан кунда мундай таъна зулм кўриб юргандан, бу кун ўзимни ўлдирайин, бир бошга ҳамма вақт бир ўлим-да, — деди. Шунда ишқибоз бўлиб қолган девлар келиб: — Ўндай қилма, — деб қўлини ушлади: — Малика бўлса, бизлар айтайик, — деди. Маликани айтмоқчи бўлди, ҳамма девлар қўлини кўтарди: — Эй девлар, балонинг қадами етса, етсиз. Шоқаландарнинг қадами етмасин, — деб дуо қилди. Етмиш беш шаҳар-

нинг хони излаб келди, ҳаммаси бизларнинг қўлимизда но-
буд бўлди. Улар ернинг устида деб излаб келар эди, лекин
Торкистон шаҳри, Малика пари ернинг остида.

Торкистон шаҳар шу қоронгилик ерда, Малика ҳам шу
шаҳарда. Лекин қандай бўлса ҳам, балонинг қадами етса
етсин, Шоқаландарнинг қадами етмасин, — деб ҳаммалари
ҳар гапида дуо қиласи. Буни бола билан Шоқаландар ҳам
эшитиб турибди. Девлар яна айтади: — Бу тоғни Кўкламтоғ
дейди. Бу тоғ эмас, бизлар буни тилсимот билан суратни
торнинг суратига ўхшатиб, Торкистон шаҳрини дарвозаси-
нинг оғзига кўндаланг қилиб ташлаб қўйибмиз. Бу ишдан
хабари бўлса, Шоқаландар келса «Ёрил!», — деб Кўклам-
тоққа зарб қиласа, Кўкламтоғ ёрилиб, Шоқаландарга йўл бе-
ради. Торкистоннинг бўсағасини кўради. Унинг остидан бир
катта лавҳи дарё чиқиб оқади. Торкистоннинг бўсағаси-
нинг ўнг ёнидан бир яйдоқ қора тулпор чиқиб, шу сувдан
сувлади. Шу тулпорни минган киши Маликани олиб кета-
ди, агар бошқа киши, бошқа мол от-бедов ё бошқа нарса-
лардан минган киши бўлса, бандаргоҳда қирқ минг аждарҳо
буни кўрса, пишқиради, бўлак мол минган киши
аждарҳонинг дамида йўқ бўлиб кириб кетади. Бу тулпорни
минган киши ўлмай қутулиб, Маликани олиб кетади. Ба-
лонинг қадами етса-етсин, Шоқаландарнинг қадами етма-
син! — деб девлар гуриллаб дуо қилди.

Боймоқ девнинг хизматкор девларидан Шоқаландарни
шундай қилиб мақтаб, дуо қилиб турганини эшитиб айтди:
— Бу ишдан хабари бўлса, Шоқаландардай наърашер қолса,
«Ёрил» деб Кўкламтоққа зарб қиласа, Кўкламтоғ ёрилиб йўл
берса, қоратулпорни минса, Малика парини олса, қайтиб
яна Кўкламтоққа келса, неча вақтлар саваш бўлар, сув-
сизликдан жабр ўтар, тиллари танглайды қотар, «Сув бўлса
ичар эдим», деб ҳасрат тортар. Шунда мен бир меш сув
бўлиб ётаман. Маликани сув деб ичиб кўрар, заҳар бўлиб
ичига қотиб ўлдириб, олиб қоламан. Балонинг қадами етса-
етсин, Шоқаландарнинг қадами етмасин, ҳар ким бу сўзни
айтса тош бўлиб қолсин! Бу заҳардан омон ўтса, сарҳовуз-
нинг олдига етса, кўниб меҳмои бўлиб етса, бир тўп қизил
гул бўлиб тураман, гул деб исқаб кўрар, заҳар бўлиб димо-
ғига жойланиб әламан. Бунда ўлдиролмасам. унда ўлдира-

ман. Балонинг қадами етса-етсин, Шоқаландарнинг қадами етмасин, ҳар ким бу сўзни айтса, тош бўлиб қолсин! Ундан ўтар, Ўртачўлга етар. Бир тилсимот дуо ўқиб, дунёнинг ҳаммасини олов бўлиб ёниб оламан. Шунда ўлмаса, унда ўлар. Шунда қаландар: «Тириклай жаҳаннамга кетдим», деб безор бўлиб, Маликани ташлаб кетар. Балонинг қадами етса-етсин, Шоқаландарнинг қадами етмасин, ҳар ким айтса тош бўлиб қолсин! Ундан кейин ҳам ўлмаса, Маликани ташлаб кетса ҳам олмаймиз, Малика Шоқаландарга ош бўлсин!

Шоқаландар юмрон бўлиб, бир кам қирқ тилсимотни ўқиб бўлганда, қирқ тилсимотига етмай девлар осмонга кўтарилиб учиб кетди. Девларнинг кўтарилиб кетганини юмрон бўлиб турган Шоқаландар «оббо баччафар, девлар тилсимотни қирққа етказганча кўтарилиб учиб кетди. Қирқ мартаба тилсимот ўқиганимда учиб кета олмас эди», деб қараса девлардан ҳеч ким қолмабди, болани ҳам кўтариб олиб кетибди. Қаландар шунда бир тилсимот дуо ўқиб, асли қадимгидан одам хуснига келиб, бояги чашма-булоқнинг олдига, жўраларининг ёнига борди. Жўралари сўраб қолди. Боя кетаётганда «хабар топсам сизларга келиб айтаман», деган эди. Шунда жўралари Шоқаландардан: «Маликани кўрдингизми, Торкистон шаҳарини билдингизми?» — деб сўради. Шунда жўраларига қараб кўрганиларни айтиб, бир сўз деди:

Ҳар қайсингиз бир мамлакатнинг хони,
Ер остида экан ёрнинг макони.

Хабарин бергаңдир бизларга девлар,
Маликани излаб келгандир беклар.
Бормоқни ихтиёр қилди қалаңдар,
Бизман бирга борасизми йигитлар?

Келинг беклар, бугун ҳаққа жилайик,
Омии деса париштаю малойик,
Яратган раҳмоңдан мақсад тилайик.
Ер остида экан ёрнинг макони,
Торкистон шаҳрини излаб кўрайик.

Келинг беклар, Торкистонга борайик,
Насиб этса Маликани олайик.

Сен эшилдин қаландарнинг сўзини,
Кучук босмас йўлбарс, шернинг изини,
Излаб чиқсан Қосимшоҳнинг қизини,
Юринг беклар Торкистонга борайик.
Насиб этса Маликани олайик.

Румнинг юртида қолди кирдикор,
Кулоҳ қилиб, сен бўлибсан қаландар.
Ер остида экан ёрнинг макони,
Бизга ҳамроҳ бўласанми, Шозаргар?
Ер остида экан ёрнинг макони,
Юринг заргар Торкистонга борайик,
Насиб этса Маликани олайик.

Баҳодирлик даъво қилиб юрибсан,
Бек отангнинг тулпорини минибсан.
Малика деб кўп жафони кўрибсан,
Торкистонга борарсанми, Авазхон?
Борар бўлсанг, Торкистонга борайик,
Насиб этса Маликани олайик.

Қўмларда қичадинг аспи тозини,
Изладинг Торкистон сарвинозини.
Қосимшоҳнинг Маликадай қизини,
Бизга ҳамроҳ бўласанми, Авазжон?
Насиб қилса Маликани олайик,
Шу кўлларда ҳар на бўлса бўлайик.

Туриб мингин бедовингнинг белига,
Ошиқ бўлсанг Маликадай парига,
Биз борайик Торкистоннинг йўлига,
Бориб кирсан Қосимшоҳнинг элига,
Жўринг беклар, Торкистонга борайик,
Насиб этса Маликани олайик.

Чин-Мочиндан меҳнат тортиб келаман,
Дев деганинг кушандаси бўламан,
Сен бормасанг ёғиз ўзим бораман,
Насиб этса Маликани оламан,
У девларга кўп қирғинни соламан,
Девлар билан борсам саваш қиласман.
Журиңг беклар, Торкистонга борайик,
Насиб этса Маликани олайик.

Ҳаёллаб ўтириб қолма, Шозаргар,
Сен бўлгансан, Тиллақизга харидор,
Мен биламан, Торкистонда ёринг бор,
Тиллақизнинг ўзи дилбар, гажақдор,
Журиңг беклар, Торкистонга борайик,
Насиб этса Маликани олайик.

Остингда ўйнайди Фирқўқдай ҳайвон,
Гўрўли ўғлисан, отинг Авазжон,
Малика деб кўп бўлибсан саргардон,
Торкистонга ҳамроҳ бўлгин, Авазжон!
Юринг жам бўп Торкистонга борайик,
Насиб бўлса Маликани олайик.

Соф-саломат чиқсак девнинг чангидан,
Кўнглинг хафа бўлмасин-да, Авазжон,
Ёш ўғлонсан, Маликани берайик,
Журиңг дўстлар, Торкистонга борайик.

Хижолатда туриб эди Авазжон,
Бошидан кетгандай қайгули туман,
Сачраб ўрнидан турди Авазжон,
Шоду хуррам бўлиб энди бу замон:
— Борар бўлсанг мен ҳам ҳамроҳ боважон.
Излаганим менинг гул юзли дилбар,
Сачраб ўрнидан турди Шозаргар.
Йўл бошлаб юра берди қаландар,
Хафа бўлиб эргашгаңдир мерганилар.

Ана шунда бу сўзларни Қаландар айтди. Шозаргар билан Авазхон полвон, Асад, Шодмон – ҳаммалари Шоқаландарга ҳамроҳ бўлиб, йўлга тушиб жўнай бердилар. Шу тоғда, бир ерда бир мурват қора тош бор эди. Шу тоғнинг остидаги Торкистон шаҳар дарвозасининг бўсағаси шул мурват билан очилар эди. Буни Шоқаландар билар эди, одига бориб бир тилсимот дуо ўқиб, қўлига сўтасини олиб урмоқчи бўлиб бир сўз деб турибди:

Инжилма, йўл бергин тоғлар, жодугар.
Ўзга эмасман-ку, бил, Шоқаландар!
Айролиқ ўтига бағримни доғлаб,
Ёр ишиқида жабр кўрдим, қон йиғлаб.
Келдим мунда Малика деб сўроғлаб,
Инжилма, йўл бергин, тоғлар жодугар!

Кечакундуз доду фифон этарман,
Қиличимга қирмиз қонлар қотарман,
Душман кўрсам бошин олиб кетарман,
Инжилма, йўл бергин, тоғлар жодугар!

Жафолар согланман тандаги жонга,
Хазон бўлса ғозлар кўнар гулшанга,
Индан чиқиб пишак билан ҳазиллар,
Магар ажал қамсаб келса сичқонга.
Мен чирпиниб отарман сени осмонга,
Инжилма, йўл бергин, тоғлар жодугар!

Бу сўзларни айтиб Шоқаландар,
Шайдулло деб дуо қилиб Шозаргар.
Худо дейди ғариб кўнглин бўлади,
Ҳожатини яраттандан тилади,
Кўл кўтариб беклар дуо қиласди,
Кўкламтоғни сўта билан уради,
Кўкламтори қоқ ёрилиб боради,
Торкистоннинг бўсағасин кўради,
Бирор лавҳи дарё оқиб жўнади.
Дарёдан сувлади ул Қоратулпор,
Югуриб бориб минди Шоқаландар,

Мин! – деди, мингашди келиб Шозаргар,
Мин! – деди, мингашди Аваздай қўчкор.
Учовлари бир тулпорга мингашар,
Қолдик, – деб йиғлайди икки мерганлар.
Қулоқ солинг мерганларнинг тилига:
– Учовинг мингашдинг тулпор белига.
Бизлар ҳамроҳ эрдик узоқ йўлига,
Кетар бўлдинг Торкистоннинг элига,
Бизни ташлаб кетдинг девнинг қўлига.
Бир келар мўлжалинг бизлар сўрайик,
Неча кунгачайин мунда турайик?
Бошима тушмасин қайгули туман,
Бу сўзларни англаб билгин, Авазжон,
Олмосингдан қуяр эдинг қирмиз қон,
Бизни мунда қилиб кетма саргардон,
Келар мўлжалингни айтгин, Авазжон!
Бизларга омонат қолди Фиротинг,
Неча кунда келар сенинг муҳлатинг?
Бир келар мўлжалинг айтгин, Авазжон!

Давлатимдан шоли-шолдам ўрайик,
Кеч кўрган тушни кундуз жўрайик,
Бир келар мўлжалинг сендан сўрайик,
Неча кунгачайин йўлга қарайлик.
Ўтганда бошимдан қайгули туман.
Барқарор қип сўзлаб кеттин, Авазжон,
Сендан савол сўтар билсанг Шодмонхон.

Фам билан сарғайди гулдайин дийдор,
Минсанг парвоз қилар остингда тулпор.
Борар бўлдинг энди Торкистон шаҳар,
Келарингни хабар бергин, барқарор,
Келарингни сўраб турар мерганлар.
Бу сўзни эшишиб унда Авазжон,
Бул сўзларни айта берди шу замон:
– Англаб билгин, бу сўзимни, Шодмонжон,
Насиб этса қирқ кундан сўнг келаман.
Тойрилмасин бошда тоҷу давлатим,
Сизларга омонат қолди Фиротим.

Қирқ кун бўлди менинг келар муҳлатим,
Қирқ кунгача бул йўлима қарагин.

Жаҳонни сайр этиб ўйнаб-қулмасам,
Нор кесар олмосни белга чолмасам,
Қирқ кунда ҳам Торкистондан келмасам,
Авазжонни ғариб бўлиб ўлди де,
Якка мозор бўлиб шунда қолди де,
Излаб топсанг Чамбидайин шаҳарни,
Албатта отама бергин хабарни,
Қирқ кун бўлди менинг келар муҳлатим.

Хафа бўлма беклар, ўйнаб-кулинглар,
Таваккални бир худоға қилинглар,
Қирқ кунгача шунда қараб туринглар,
Шу сўзларин айтди Аваз зўравор,
«Омин-олло», – деди энди мерганлар.
Форга бошқарилди ул Қоратулпор.
Қараб туриб энди шунда мерганлар,
Кўздан ғойиб бўлди, кетди у тулпор,
Яшиндайин оқиб боради тулпор.

Неча вақт юрганин беклар билмади,
Қоронғидир, куннинг кўзин кўрмади.
Азамат мард эдим бўлмайин noctor,
Дўстга зор айлама душманларга хор.
Сўз айтиб боради Шоқаландар,
Ҳақнинг яшинидай оқади тулпор,
Садағанг бўлайин имом чилтанлар,
Албатта бу йўлда бўлинг мададкор...

Бир манзилга етгандай бўп қаради,
Қоронғи губорда кетиб боради.
Шу сўзни айтиб, йиглаб ҳаққа зору зор,
На қилса ҳукми бор қудратли жаббор,
Бандаргоҳ устида қирқ минг аждаҳор,
Аждаҳро устига етишди булар.
Ҳақнинг яшинидан оқади тулпор,
Ишқириб дамига тортди аждаҳор.

Буни кўриб Аваз ўғлон йиглади,
Йиглаганман нима илож қиласди?
Қоронги губорда кетиб боради,
Аваз йиглаганин билиб қаландар,
Авазхонга бир тасалли беради:
— Ушбу дамдир, ўзга дамни дам дема,
Бошинг эсон, бу давлатни кам дема,
Аждарҳони кўриб, Аваз, ғам ема!
Во амир, чиқмайди чибиннинг жони,
Кўнглингни бўлмагин, Чамбилинг хони.
Йигламиш Гўрўғлининг ўғлони...
Бу сўзни айтиб Шоҳиқаландар,
Яшиндайин оқиб боради тулпор,
Аждарҳодан ўтиб кетди муқаррап.

Шайдулло, деб Аваз билан Шозаргар,
Неча кунлар юрганини билмади,
Қаландарлар кун юзини кўрмади,
Қаерларга борарини билмади.

Ошиқнинг фаҳмиdir қоронги кеча,
Йигласа ҳолига йиглар бир неча,
Бандаргоҳда ётган қирқ минг шербачча,
Шер устига отиб борди қаландар.

Ул шерлар чобиниб йўлни олади,
Шоқаландар, Аваз, Заргар келади,
Неча шерни сўтга билан солади,
Кўп шерларни ерга яксон қиласди.

Маст бўлиб боради Шоқаландар,
Йўлга чиқиб нобуд бўлгандир шерлар,
Душман шерлар ўз ҳолидан хабардор,
Бир зўр қаландарга бўлгандир дучор.

Ғам билан сарғайди гулдайип дийдор,
Армон билан ўлиб кетди кўп шерлар,
Неча шерлар бўлолмади баробар,
Зарбасидан нобуд бўлганди шерлар.

Душман бўлган шернинг қолмас тоқати,
Тоша келар Шоқаландар ғайрати,
Сулаб қолди йўлда шерлар жасади,
Кўп ҳам ошди бу шерларнинг ҳасрати...
Ҳар қисматда ёзилганин кўради,
Кўп шерларни ерга яксон қиласди,
Шер мурдаси боғдай қийраб қолади,
Ажаллиси шунда ўлиб боради,
Бу шерлардан энди ўтиб боради.

Парвоз қилиб учар остида тулпор,
Кўринмас кўзига Торкистон шаҳар,
Неча вақт юрганин билмайди булар,
Қистаб пул тортади шундай гўзаллар.

Яшиндай оқиб ул аспи-қуши,
Кўп жафо тортдирар ошиқдик иши,
Форда кетиб бораётир уччови,
Излагани Торкистоннинг бувиши.
От чопса, гумбурлар тогнинг дараси,
Ботирни ингратар найза яраси,
Қарар эди Чин-Мочиннинг тўраси,
Кўринди ул Торкистоннинг қораси.
Ярқиллаб кўриңди ёрнинг шаҳари.

Неча вақт юрганин беклар билмади,
Қоронги форда кун кўзин.кўрмади,
Кўз жубортиб ҳар тарафга қаради,
Торкистон шаҳрини яқин кўради.
Ой-кундан мунда кўрмади хабар,
Тулпорни зўрликман тўхтатди Шоқаландар.

Шунда Шоқаландар тулпорнинг тумшуғидан ушлаб, зўрлик билан тўхтатиб олди. Учкови тулпордан тушди. Шоқаландар айтди: — Эй Шозаргар, Авазхон биз учовимиз бу бедов-тулпор отни эгасиз ерда юрган еридан ушлаб, миниб олиб эдик. Бу тулпорнинг мабодо бу шаҳарда эгаси бўлмасин. Эгаси ушлаб бизларни гаранг қилиб юрмасин. «Пиёда қўноқ — яхши қўноқ» деган сўз бор. Бирорниш отини миниб бормаганимиз яхши.

Мана кўринган шаҳарга яқин қолди, пиёда бўлсак ҳам етиб келамиз, — деб учови маслаҳат билан тулпорни қўйиб юборди.

Бу тулпор Маликанинг яхши кўрган тулпори эди. Шундай бу тулпор буладан қутилганига димоги чоғ бўлиб, тўпратўғри Торкистонга Маликанинг кўшкига қараб чопиб борди. Маликанинг хизматкорлари: — Тулпорингиз келиб қолди, — деб Маликага хабар берди. Малика ушлатиб кўшкининг олдига «Менинг тулпорим келиб қолди», деб бойлатиб қўйди. Бундан илгари Маликалар ўзлари ҳам қуръа ташлаб кўрар эди. Қора тулпорни мингандан Маликани олиб кетади. Бўз тулпорни мингандан Тиллақизни олиб кетади, деган қуръа читқар эди. Буни Маликалар билар эди. Лекин бу дафта бу тулпорни қаландарлар миниб келганини Малика билгапи йўқ эди. Маликалар ўз кайф-сафоси билан тура берди.

Энди гапни Шоқаландардан эшитинг.

Шоқаландар айтди: — Мен Чин-Мочиннинг шаҳрида қуръа ташлатиб кўрар эдим. Торкистон шаҳри кеңг мамлакат. Девлар, парилар тилсимот дуо билан кеча-кундуз ёруғ бўлиб турар деб эди. Ана кўринглар бу шаҳарни, — деб жўраларига шаҳарни кўрсатди. Бу учови ҳам қаландар бўлиб, йўлга тушиб жўнай берди. Торкистон шаҳрини Авазхон кўриб, ҳайрон қолиб бораётир эди. Шоқаландар Авазга қараб, шаҳарларни мақтаб бир сўз деди:

Жаҳонни сайр этиб, болам, юрасан,
Ўлмасанг бир куни Чамбил борасан,
Кўрганингни сен ҳикоя қиласан,
Ажойиб юртларни кўргин, Авазжон!

Неча вақтлар бўлдииг Чамбилинг холи,
Сенинг отанг йигитларнинг сultonи,
Келган жойинг париларнинг макони,
Ажойиб юртларни кўргин, Авазжон!

Майдон бўлса, сотар эрдинг ширин жон,
Олмосингдан қўяр эдинг қирмиш қон,
Сен излаб келибсан гуя юзли жонон,
Булбуллар сайраган ажойиб жаҳон,
Ажойиб шаҳарни кўргин, Авазжон!

Бир ёр истаб мусофири бўп юрибмиз,
Парилар шаҳрини келиб кўрибмиз,
Бу ишларга хўп табассум қилибмиз,
Ажойиб шаҳарни кўргин, Авазжон!

Бизга ваъда берган гул юзли дилбар,
Куйиб ёниб бизлар мисли Самандар,
Сенга ҳамроҳ, болам, мендай қаландар,
Ажойиб юртларни кўргин, Авазжон!

Қийғир деган қуш ўтирап қияда,
Не кўриб кечириб фоний дунёда,
Неча вакътлар юрдик пою пиёда,
Ёр ахтариб бўлди дардим зиёда,
Ажойиб шаҳарни кўргин, Авазжон!

Кўз югуртиб ҳар тарафга қарагин,
Билмаганинг, болам, мендан сўрагин,
Бу манзиллар пари-дилбарнинг жойи,
Сизга сўз айтади Чин-Мочин шойи,
Юрган жойинг болам, парилар жойи,
Томоша қил болам, Чамбилнинг шойи,
Кўкламтоғда қолди Фиркўқдай тулпор,
Кўнглингни бўлмагин Аваздай шунқор.
Томоша қил кўргин ажойиб шаҳар,
Қўлга тегсин Маликадай гажақдор.
Ажойиб шаҳарни кўргин, Авазжон!

Яна баҳор бўлса очилар гуллар,
Гулни кўрса маст бўп сайрап булбуллар,
Малойик сувратли гул юзли дилбар,
Малика дер ўзи шундай гажақдор,
Томоша кўрсатар мендай қаландар.
Ажойиб юртларни кўргин, Авазжон!

Ғаним кўрсанг. бу шаҳарда ўлдирсак,
Армон билан билмаганин билдирилсак,
Сўзимизга Маликани кўндирилсак,
Қўлга келса Маликадай дилбарни,

Бояги ул тулпор отта миндирсак,
Ажойиб шаҳарни кўргин, Авазжон!

Бу сўзларни Шоқаландар Авазхонга айтиб, Торкистон шаҳрини оралаб бора берди. Торкистон шундай шаҳар: буни қоронгиликда парилар, девлар сеҳр-жоду билан ясанган эди. Ўзи қоронгилик дунёдан эди. Бу қоронгилик дунёга ёруғ дунёнинг куни билан ойининг шуъласи урмас эди. «Бу ой билан офтобга муҳтож бўлмайик», — деб яхши олмослардан, дур гавҳарлардан ой офтоб қилиб, майда, ўткир қимматбаҳо тошлардан юлдузлар қатлиб қўйган эди. Бу қоронгиликда Торкистоннинг шаҳри шундай ёруғ ярқиллаб турган. Тунроқ ўрнига заъфарон ёйиб қўйган бир ажойиб шаҳар эди. Гуллар очилган, чаманлар яшнаган, сувлар оққан, гулистон-бўстон, булбуллар сайраб маст бўлиб қолган — кўрмаганлар армонда, кўрганлар дармонда. Ҳеч бир бунинг мисоли ўхшашини айтиб бўлмайди. Авазхон ҳам кўриб: «Хўп яхши ажойиб шаҳарлар экан», деб томоша қилиб бораётуб эди. Шундай қарасалар, олдиларидан бир кўшк чиқди. Шоқаландар Аваз билан Шозаргарга айтди:

— Бу кўринган кўшк Маликанинг кўшки-да!

Шунда кўшкни кўриб яқинлаб, айланиб бориб қарасалар, Малика шу кўшкнинг устида бир шерни ўртага олиб, кўп паризодлар билан ўйнатиб ўтирибди. Ўйнаб турган шер буларни кўриб, Шоқаландарнинг ёқасидан ола кетди. Маликанинг шерини Шоқаландар кўтариб олиб, осмонга отди. Шер осмонда карт-карт бўлиб кетди.

Буни кўриб Малика паризод отасига арза хат қилиб жўнатди: «Менинг отам подшо бўлса, менинг олдимдаги ўйнатиб юрган шеримни уч қаландар келиб букун ўлдирди. Шулардан шеримнинг хунини, донини олиб берсин», — деди.

Арзани хизматкорлар олиб бориб, Қосимшоҳга тутди. Қосимшоҳ ўқиб кўриб, ҳар тарафга от чоптириб, қаландарларни ахтариб олиб бориб, улардан шернинг хунини талаб қилиб сўраб турибди:

Сен эшиттин Қосимшоҳнинг сўзини,
Шоҳнинг Маликадай сарвинаозини,
Кўнглин изза қилдинг шоҳнинг қизини,
Ўлдириарман гуноҳкорнинг ўзини.

Манманлиқдан ҳаддан ошиб юрибсан,
Маликанинг шерин нобуд қилибсан.
Қаландарлар, гуноҳкор бўп қолибсан.

Хазон бўлиб боғда гуллар сўлмасин,
Ажал етиб шум паймонанг тўлмасинг,
Ҳолинг билиб тўғри юрсанг бўлмасми,
Ўлдириар қўлимдан менинг келмасми?
Ажал тортиб сендай шўрлик ўлмасми?

Арза обкеп берди парийи сардор,
Арзанинг сўзидан бўлдинг гуноҳкор,
Шер хунига жавоб бергин қаландар,
Сенга сўз айтар Қосимхон тождор.

Дод айласанг эшитмайман сўзингди,
Гуноҳкорсан – ўйя икки қўзингди,
Қаландарлар, сенга ўлим лозимди(р),
Хафа қибсан менинг ёлғиз қизимди.

Оҳ уриб тўқарман кўздан ёшингни,
Жаллод чарлаб, тортириарман гўшишингни,
Кестирай танингдан азиз бошишингни,
Хафа қилдинг Малика бувишингни.

Бу шоҳлик шавқатим, гадо кўрасан.
Ҳолинг билмай гуноҳкор бўп қоласан.
Шер хунига жавоб айтгин, қаландар,
Қаҳр айласам, армон билан ўласан!

Шер ўлдириб сен бўлибсан, гуноҳкор,
Эшитса келади парию сипор.
Қаландарлар бўлиб қолдинг гуноҳкор,
Армон билан ўлиб кетма, қаландар.

Маликанинг кўшкисига борибсан,
Париларнинг ўйинини кўрибсан,
Шер ўлдириб гуноҳкор бўп юрибсан,
Ростин сўзла ёлғон десанг, ўласан.

Бу сўзларни айттар шоҳ муқаррар,
Ҳаёлламай жавоб айтгин Қаландар,
Шоҳнинг ғазаби келса, қаландар,
Беажал ўласан келган меҳмонлар.

Солармай бошингта қайфу-зулмни,
Бошинг кесиб, дорга тортай бошингни,
Кўнглин аза қилдинг муштипаримнинг,
Билмабсан-ку сен ҳам ўлар ҳолингни.

Бу сўзларни шоҳи айттар муқаррар,
Маҳтал қилмай жавоб айтгин қаландар,
Ишоратман келиб қолар жаллодлар,
Ишоратман сенинг қўлинг борларлар.
Фариб ўлма жавоб қилгин, қаландар,
Ўз ишингта ўзинг бўпсан жавобгар.

Бу сўзни Шоқаландар эшитиб, Қосимшоҳга қараб, «шер хунига жавоб шу», — деб турибди:

Ғамли кунда тортар эдим оҳувой,
Бандам десин раҳм айласин бир худой,
Йўл юрганда ҳар ким берар бир паноҳ,
Бу кунингдан ўлсанг бўйми* Қосимшоҳ!
Элингнинг расими шундай бўларми?
Ҳеч замонда кучукка хун оларми?
Бу кунингдан ўлсанг бўйми, Қосимшоҳ,
Қизларинг кучукман базм қиласми?!

Сен эшитгин қаландарлар тилини,
Гадойликман ғамлаб кеддинг пулини,
Бу кунингдан ўлмайсанми Қосимшоҳ,
Мана, оласанми шернинг хунини?!

* бўлмасми?

Хар шаҳарда юрган гадо, қаландар,
Кучукни ўлдириб, бўлдик гуноҳкор,
Сўраганинг бўлса кучукнинг хуни,
Сенга мунча шаъну шавкат на даркор?!

Қизинг бизни оша мажнун қилиби,
Хун бермоққа қаландарлар қолиби,
Жафолар соларман тандаги жонга,
Хазон бўлса зоғлар қўнар гулшанга,
Подшоҳ! Ҳазиллашма мендай ўғлонга,
Ҳали ҳам подшолигинг ҳурмати,
Тахту баҳтинг отайнми осмонга!

Бу сўзларни айтар мендай қаландар,
Дилбар қизинг бизни қилса гуноҳкор,
Шер хунига жавоб айтмоқлик даркор.

Сағал ишга гуноҳкор қиб турасан,
Бизни ночор, жуда ночор биласан,
Шернинг хунин балки, берсам, оласан,
Қаҳр айласам, эй Қосимшоҳ, ўласан!

Бу сўзни Қосимшоҳ эшитиб, атрофидағи амалдорларига
қараб кулиб юборди: — Бизлар хўп одамларга даъво қилибмиз.
Булар бир юрган мажнун қаландар экан. Шулардан оладиган
шернинг хунидан ўтмоқ керак. Булар бу подшоликда ҳукм
кунидан қўрқмай, бизларни назар-гузар қилмай, ўйламай
гапиради. Буларга бошқа гап сўйламоқ дари эмас, — деди.

Шунда қошида турган амалдорлар айтди: — Эй подшойи
олам, сultonи бокарам! Шунчалик шаъну шавкатга
беадаблик қилиб мунчалик сўзни гапиради, булар ўзлари-
нинг сўзлари билан ўзлари гуноҳкор бўлди, буларнинг ўлмо-
рига ўз сўзлари гувоҳ бўлди, буларга ўлим лозим бўлди!

Қосимшоҳ: «Рост айтасизлар», — деб жаллод чақириб
туриб, деди:

Бўлмасми сен эшитгин мендай шоҳнинг тилини,
Келиб боғланг қаландарлар қўлини,
Қаландарлар ўз тилидан гуноҳкор,

Келинг энди мунда миғазаблар-жаллоддар!
Кесинг энди, қаландарлар бошини,
Бошин кесиб дорга осинг бошини.

Гуноқкорни дорга ҳайдаб боринглар,
Күрмаган күнларни унга солинглар,
Ҳар на деб амр этсам, ани қилинглар,
Қаландарлар бўлиб турур гуноқкор.

Келиб қолди миғазаби жаллодлар,
Ҳукмкүшга шоҳим уни буторди,
Гирдини олиб турди жаллодлар,
Ҳар на қисмат ёзилганин ўйлади.
Жаллод келиб қаландарни ҳайдади.
Учови ҳам энди бўлди гуноқкор,
Фазаб билан ҳайдай берди жаллодлар,
Жим индамай туриб қолди қаландар.

Кўнглин бўлиб энди Аваз номдор:
— Сенга эргашиб энди бўлдик гуноқкор.
Худойим кечиргай қилган хатомди,
Кўра олмадим мен ўзим отамди.
Сенга эргашиб ғариб бўлдим қаландар.

Бошимга солибди қайғу-зулмни,
Жаббор эгам барвақт солди ўлимни,
Кўролмадим ўйнаб-ўсан элимни,
Сенга эргашиб ғариб бўлдим қаландар.

Бошим кесиб дорга тортса танамии,
Кўролмадим ул паризод энамни,
Ўз элимда мен ҳам юрган тўраман,
Охир келиб сенга ҳамроҳ бўламан,
Сендан қилган фойдам шул қаландар.
Армон билан энди ўлиб бораман.

Ўз жонимга ўзим қилиб зулмни,
Иложи йўқ бойлатибман қўлимни,
Кимга айтай энди ўлар ҳолимни.

Кўролмадим ўйнаб-ўсган элимни.
Сенга эргашиб ғариб бўлдим, қаландар.

Оёғимга урса эди бир тикон,
Нолиш билан титрар ер билан осмон,
Пари энам бўлса қилар юз фифон,
Армон билан ўлар бўлдим бу замон,
Қутулмагим бўлди менга кўп гумон.

Қочган билан энди қайдা эл энди,
Оҳ урганда кўзда ёшим сел энди,
Фариблиқда кўрган кунлар шул энди,
Бу сўзларни айтиб йиғлар Авазхон.

Бошим кесиб дорга тортади душман,
Қора кунда йиғлар эдик бу замон.
Бандадан умиддир худодан раҳмат.
Балки рўзи маҳшар бўлди қиёмат,
Қутулмоғим йўқди менга саломат,
Бу сўзларни айтиб йиғлар Авазхон.
Фариблиқда ҳамроҳ бўлган қаландар.
Ушбу дамдир, ўзга дамни дам дема,
Бошинг эсон, давлатингни кам дема,
Ўлдим деб Авазхон сира ғам ема,
Азалнинг бу кун биносин мотам дема,
Ўлдирап буларнинг қўлидан қалами,
Мард киши номард қўлида ўлами,*
Худодан беамр ишлар бўлами,
Ажали етмай бунда чибин ўлами?!

Кўнгилни бўлмагин Чамбилнинг хони,
Ажал етмай чиқмас чибишнинг жони,
Бизни ўлдиrolmas Торкистон хони,
Сенга қурбон мендай бованинг жони.

Бизни гуноҳкор айлаган бу шоҳнинг қизи,
Устига кийибди гулгун қирмизи,
Кўнглини бузмагин энди, Авазжон,
Бу ишлар билгайсан дилбарининг нози.

*ўладими?

Қарамайди йиглаб баланд-пастига,
Халойиқлар йифилгандир устига,
Яқинлаб қолди-ку дорнинг остига,
Үлдирмоққа гуноҳкорнинг кастига,
Шундай бўп бориб қолди дорнинг остига,
Фулгула бўп қолди Торкистон шаҳар,
Томошага келар ҳамма парилар.
Саф-саф бўлиб халойиқлар йифилар,
Улуғ-кичик томошага келдилар.
Келиб дор тегинда қараб турдилар.

Уч қаландар гуноҳкор бўп келибди,
Ҳар ким борса томоша қиб турибди,
Бошин кесиб уни дорга тортади,
Ҳар ким борса томоша қиб қайтади.
Уч қаландар бу дунёдан ўтади...

Уч қаландар бўлган экан гуноҳкор,
Билолмадик бу ҳайбатли қаландар,
Маликанинг сұхбатига борибди,
Паризодга бориб назар солибди,
Ўйнаб турган шерни буни кўрибди,
Шу шерни қаландар нобуд қилибди,
Шу сабабдан гуноҳкор бўп турибди,
Қазо етса қаландарлар ўлибди.

Ана шунда паризодлар бу сўзларни бир-бировига сўйлай берди. Маликанинг энаси Юсуфбар пари ҳам келиб томоша қилиб турган эди.

Маликанинг энаси Юсуфбар,
Атрофида қанча пари хизматкор,
Ўйнаб турган қанча пари санамлар,
Улуғ-кичик енгилганда муқаррар.

Ўлдирмоққа чоғланганди жаллодлар,
Халойиқни кўриб Шоҳиқаландар.
Тилсимот дуони ўқиб боякбор.

Ҳар тарафга энди назар солади,
Уч юз киши шунда тош бўп қолади.

Бу сирларни шунда кўрган жаллодлар,
Қосимшоҳга энди хабар беради.

Ана шунда жаллодлардан бирори Қосимшоҳга бориб бир сўз айтиб турибди:

Уч қаландар дор остига келибди,
Уч юз киши бунда мот бўп қолибди,
Келиб бу хабарни жаллод берибди,
Булар нечук юрган гадо қаландар.

Қараса тош бўлди турган шаҳарлар,
Бу сирларни кўриб келди жаллодлар,
Шоҳим сизга жаллодлар хабар берар,
Бу ишларнинг охири нима бўлади?

Шунда Қосимшоҳнинг олдига жаллодлар бориб, бари бериди:

— Уч қаландар гуноҳкор бўлди. Бир қарагани билан уч юз киши тош бўлиб қолди. Биз бу ишларни қаландарлардан деб биламиш. Бу қандай иш бўлди, сизга хабарга келдик, — деди. Шунда Қосимшоҳ бу сўзни эшишиб: — Ундай бўлса, қаландарларни мунда олиб келинглар, мен гап сўрайин. Буларни билайин, синайин. Ўйин-ҳазил билан бир жодуга, сеҳрга дуч бўлиб қолмайик. Буларнинг қандай жон эканини сўрайик. Қайси элдан келган, бошқа юртларда юрганими, билайик, деди. Жаллодлар бориб уч қаландарни олиб келди, шунда Қосимшоҳ қаландарларга қараб: — Қайси шаҳардан келдинглар? — деб сўраб, сўз қотиб, бир сўз деди:

Сенга сўз бердими Малика айёр,
Қай шаҳардан мунда келдинг, қаландар?
Одаммисан, башармисан жодугар?
Қай шаҳардан мунда келдинг, қаландар?
Асли наслинг хабар бергин меҳмонлар?
Не иш учун мунда меҳмон келдинглар?

Мен билмайман қай шаҳардан келибсан,
Бу шаҳарда иш кўрсатиб юрибсан,
Авлодингни хабар бергин қалаңдар,
Нима учун қалаңдар бўп юрибсан?

Сўз сўрасам мажнундайин бўласан?
Бу элларда иш кўрсатиб борасан,
Авлодинг не, ўзинг кимсан, қалаңдар,
Қай шаҳардан, қай эллардан бўласан?

Қанча ҳалойиқлар тош бўп қолибди,
Бул ишлар сендан соқир бўлибди,
Одамисан, паримисан, қалаңдар?
Авлодингни хабар бергин жодугар?
Қандай шаҳарлардан келдинг, меҳмонлар?

Сендай гадо бизнинг элга келади,
Сенга дучор бўлган одам ўлади,
Халойиқлар сендан гумон қилади,
Кашмирмисан, ёки ўзинг жодугар?
Сиру ҳолинг хабар бергин, қалаңдар,
Сендан гумон қиласар барча одамлар.

Бу сўзни айтади Торкистон шохи,
Мен бўламан Торкистоннинг подшохи,
Қосимшоҳ дер, эшит, айтган отимни,
Торкистон дейдилар мамлакатимни.
Бу сўзима хабар бергин авлодингни,
Менга билдирип сен ҳам исми-зотингни?

Бу сўзни Қосимшоҳдан Шоқалаңдар ёшилди. Шунда Шоқалаңдар: «Энди биз ҳам одам қатори бўлдик, биздан Қосимшоҳ жавоб сўради, бунга мен ҳам бир жавоб айтмасам бўлмайди», – деб Қосимшоҳга қараб жавоб бериб, бир сўз деди:

Сўзимни эшилтигин, шоҳим, муқаррар,
Отим йўлчи, ўзим юрган қалаңдар,
Тарки дунё қидим ватан, на даркор?
Қаҳр айласам вайрон бўлар шаҳарлар!

Аслзода балки эшон муқаррар,
Ҳар ерда қўл берар сендайин шоҳлар,
Сендай шоҳлар бўлар менга жиловдор,
Комил пирлар бўлар менга мададкор.

Тарки дунё қилиб бунда келаман,
Валийилоҳ ном кўтариб юраман.
Сендайин шоҳларнинг қўлин оламан.
Ҳар нимаки манманлик қилса менга.

Аларнинг шаҳрини вайрон қиласман,
Ҳар ким ихлос билан хизматим қилса,
Ихлос қилса уни қўллаб оламан,
Тарки дунё қилган эшон бўламан.

Қаландар суратли зоҳир муқаррар,
Маликадай қизинг қилди гуноҳкор,
Беадаблик сендан ўтди бояқбор,
Бўлма, шоҳим, яна биздан бехабар!

Ҳар иш келар, шулар бўлса менга ёр,
Фофил қолиб ўлиб кетма, э тождор.
Нима бўлса ўйлаб қилгин ишингни,
Сўзима қулоқ сол кўтар бошингни,
Бу сўзимни ҳазил билма, подшоҳим,
Ўйлаб қилда бундан кейин ишингни.

Бу сўзни эшитиб Қосимшоҳ айтди: — Булар тарки дунё қилган қаландарлар экан, ўзини билдиримай бизнинг элда юрган экан, лекин биздан кўтоҳлик ўтган экан, биздан зиён еттан экан, — деб ўрнидан туриб, қаландарларни пир билиб, туриб, йўл бериб ёшу қариси қўл бериб, назру ниёз мўл бериб, сийлаб турганида бу хабар Маликага етди. Малика эшитиб «Отам менинг шеримнинг хунини олиб беради десам қаландарларни пир билиб, ёшу қариси қўл бериб, назру ниёзни мўл бериб ётган эмиш», — деб яна арза қилиб Қосимшоҳга жўнатди. Хизматкорлар арзани ола бориб Қосимшоҳга тутди. Қосимшоҳ арзани ўқиб кўрса, Малика шундай деб ёзибди: “Ота, Сиз сўрай олмадингиз,

энди бир күнлик подшолигингизни менга беринг, мен ўзим таҳтнинг устига ўтириб, шеримнинг хунини қаландарлардан талаб қилиб олайин». Отаси Қосимшоҳ қизининг бу хат-арзасини ўқиб кўриб, қизига жавоб беролмай, ҳеч нима деёлмай, қаландарларга ҳам гап қотолмай, индамай қараб қолди.

Шоҳнинг фикрда қолганини билиб: «Менга энди навбат келди, бунга бир нарса деб сўз қотайин», – деб Шозаргар қаландар ўрнидан туриб, Қосимшоҳга қараб бир сўз деди:

Аё, шоҳим, сенга дейин сўзимди,
Ҳолингта инграндим билгин ўзингди,
Мунинг учун хафа бўлма, сultonим.

Бир хизмат қилмогим меңдан лозимди(р),
Шоду хуррам кулдиарман қизингди,
Уйингдаги сенинг сарвинозингди.

Эшит мендай ғариб, гадо тилини,
Биздан кўргин кароматнинг мўлини,
Ясаб берай Маликанинг шерини.

Кароматни барин анга билдириб,
Тилладан ясайин жойлар эндириб,
Малика қизингни хуррам кулдириб.

Англаб билгин Заргарбекдай валини,
Биздан кўргин кароматнинг мўлини,
Ясаб берай Маликанинг шерини.

Бошдан тожу қўлдан бермай давлатни,
Қирқ кун берсин яна бизга овқатни,
Қирқ кунгача мен қиласман хизматни.

Зулфига боғлабди баҳосиз гавҳар,
Шерини ўлдирган ушбу қаландар,
Унинг учун мей бўламан хизматкор,
Қирқ кун муҳлат берсин гул юзли дилбар.

Бу хизматни қилар билинг, Шозаргар,
Шерни ўлдириб бўлди турли гуноҳкор,
Тилла шерни ясаб берар Шозаргар.

Бу сўзни Қосимшоҳ Шозаргардан эшитиб, димоги чоғ бўлиб, кулди. Заргарнинг сўзини айтиб: «Шерингни бу қаландар қирқ кунда тилладан ясаб берар экан, асли шерингнинг ўзидан бўлар экан», — деб қизининг хатига жавоб бериб «қирқ кунда тилладан ясалган жон эндириган шердан хабар олинглар», — деб қизига юборди. — Унда бўлса шер ясасаларингиз нима керак бўлади? Кераклиларингизни айтингизлар, — деди. Унда Шозаргар: «Шоқаландар айтса озроқ айтиб қўяди, мен кўпроқ айтайин, — деб ўйлади ва: — қирқ ботмон тилла беринг, қирқ ботмон гуруч билан қирқта яхши катта қўй, бир қанча қанд билан чой, шаҳрингизнинг яхши еридан — саройидан жой беринг. Бизлар шу тилла шерни ясаганимизча еб ётамиз, овқат қиласиз», — деди.

Қосимшоҳ буларнинг айтганини дарров ҳозирлатди. Қаландарларга яхши жойлар тайин қилди, ҳар на истаганинг ларича берди. Ана шунда қаландарлар вақти хуш бўлиб, димоги чоғ бўлиб, шер билан ишлари йўқ, овора бўлиб юрган беклар эмасми, Қосимшоҳнинг берганини олиб, Торкестонни айланиб, томоша қилмоқдан бошқани билмай, шерга тарадди қилмай юрдилар. Шу орада бир кам қирқ кун ўтди, бир қўй билан бир ботмон гуруч, кундан бир кун қолди. Қаландарларнинг шерпи ясамоқ дим эсига келмади.

Шунда Авазхон айтди: — Телпакларингни кайкайтиб юрасизлар, эрта подшо чақириб шерни сўраса, нима жавоб берасизлар? Шозаргар Авазхонга қараб: — Нодон кўнглигидан бўласан, ажалинг стмаса ҳам ўладиган бўласан, — деди. Авазхон хафалик тортди.

Шозаргар айтди: — Эй Авазжон! Қозонни ос, тиллани эрит, сенга шер ясаб берайин.

Шоқаландарга айтди: — Сен қўйни сўй, ошни дамла, ошни ейик, бу суҳбатни охир қилайик, қорнимизни тўйғизайик. Авазхон қозонни осиб, тиллани эритиб турди. Шоқаландар қўйни сўйиб, ошни дамлаб, бу ҳам тайёрлаб қўйди. Шуңда Шозаргар шер ясамоққа иш бошлади, Авазнинг кўнглини хушлади.

Шозаргар шерни шундай ясаб созлади, ичидан мурват билан очадиган қилиб боплаб ясади. От жасадли жинқарча, мусича, муроталибачча, тўти, қумри, майна, булбул – шундай қушларнинг суратини шу шернинг жасадига қўшиб, жуда чоқлаб ҳеч ким кўрмаган шер қилиб қўйди. Учвлари ошни еб, Авазжоннинг диморини чоғлаб, Шозаргар айтди: – Эй Авазжон! Сенга шундай сўзни айтайн, сен хабардор бўл: бу шернинг ичига сени солиб қўяман. Шернинг ичидаги турасан. Тилла шернинг устига одамзод, паризод минса, мурватини бурайсан. Қаттиқ бурасанг у йўргалайди, аста бурасанг юради, ўрта бурасанг жебалайди, – деб Шозаргар шернинг ҳамма мурватларини кўрсатиб, таълим бериб ўргатди. Авазжон барисини ўрганиб олди.

Авазжонга таълим бериб: – Энди бизлардан бугун хабар олар муҳлати етди, энди бирор келиб қолмасин. Кир, нима тақдир бўлса кўрайик, – деб Авазжонни шернинг ичига киргизиб, мурватларини ҳам маҳкамлаб беркитиб, созлаб, шерни тезлаб, мухтасар қилиб қўйди.

Кирқ кун муҳлати тамом тўлди. Малика Қосимшоҳ отасидан шерини сўради. Қосимшоҳ хизматкорларига буюрди. Келиб кўрса қаландарлар шерни ясаб, созлаб, ўхшатиб қўйибди. Хизматкорлар бориб подшога хабар берди. «Шерни ясаб қўйибди», – деди. Қосимшоҳнинг димориги чоғ бўлиб, қизи Маликага хабар юборди. Буни Малика эшитиб, шодхуррам бўлиб: «У шерни бир кўрмак лозим бўлибди», – деб ўзининг хизматкорларидан қирқта қизини, «олиб келинглар!», – деб буюрди. Хизматкор қизлар хўп, деб жўнаб, Шоқаландар билан Шозаргар қўнган саройга қараб кела бердилар.

Буларнинг келаётгалини Шоқаландар кўриб, Шозаргарга қараб айтди: – Бу аёллар эркаклардан шумроқ бўлади. «Кеча кўрганимизда учов эдингизлар, бугун нимага икков бўлиб қолибсизлар?» деса жавоб беролмай қолмайик; буларга ҳийла қилиб, бир-бировимизга сўзлашгандай бўлиб турайик, – деб Шоқаландар Шозаргарга қараб сўзлаб турибди:

Хазон бўлиб боғда гуллар сўлибди,
Ажал стиб паймонаси тўлибди,

Уч қаландар икков бўлиб турибди,
Бири охиратга сафар қилибди.

Мусофирииз – бизлар ушбу шаҳарга,
Соф-саломат етолмайин кирдикорга,
Кечча чошгоҳ қўйиб келдик мозорга.

Фам билан сарғайди гулдайин дийдор,
Қараса келади қирқин парилар,
Бизга зулмат бўлди Торкистон шаҳар,
Бири ўлиб йиглаб турган қаландар.

Ҳар шаҳарман шул шаҳарни кўрганмиз,
Жаҳонни сайр этиб бунда келганмиз.
Армон билан тўрамиздан айрилиб,
Фарид бўлиб бунда йиглаб турганмиз.
Учов эдик икков бўлиб борамиз.

Бизда йўқдир бу шаҳарда кирдикор,
Бенаво юрганмиз бунда қаландар,
Форга келаётир ҳуру парилар,
Қовоғингни улоб ўтири Шозаргар.

Жафо тиги бу кун жондан ўтади,
Айролиқ ханжари бағрин йиртади,
Бири фойиб бўлиб ушбу шаҳарда,
Уч қаландар икков бўлиб кетади.

Аё сенга, тимсол айтай Шозаргар,
Дўзахининг бир белгиси – феъли тор,
Бу шаҳардан энди кетмаклик даркор,
Бизга суд айламас Торкистон шаҳар.

Бу шаҳарга келиб хурсанд бўлмадик,
Учовимиз шоду хуррам юрмадик,
Тенгу тўшман ўйнаб юриб кулмадик,
Энди бу шаҳарда турмоқ на даркор?
Кетмоқни қилайик ихтиёр.

Уч қаландар иккөв бўлди парвардигор,
Шул замон етиши сатта қиз – дилбар,
Бу сўзни айтиб йиглаб турди қаландар,
Бу шаҳардан кетмоқ даркор Шозаргар.

Бу сўзни қаландар айтиб туриб эди, унинг устига қирқин қизлар етишиб келиб қолди. Шундай қарадилар. Илгари кўрганда қаландарлар учов эди, бугунги кунда икки киши бўлиб қолибди. Унинг устига икки қаландар дод деб йиглашиб турибди. Қизлар айтди: «Булар ҳар қандай вали бўлсалар ҳам бирори ўлибди; ажали етса ўлади-да. Хайр, ҳар нима бўлса бўлибди, ажали еттани ўлибди. Шерни кўрайик, томоша қилайик», – дейишиб қаландарларнинг ҳолига раҳм қилгандаи бўлиб, булар шерни кўрмоқда бошладилар. Шо-қаландар, Шозаргар ўз қайғуларида қолиб турди.

Қизлар шернинг олдига келиб қараса, мусича, қумри, булбуллар сайраб тургандаи, тўтилар гапираётгандаи, париларга тикилиб қараб тургандаи бир яхши ажойиб шерни ясабди, айтган билан таърифга тўғри келмайди. Қирқ қиз шерни бундай ўхшатиб ясаганига ҳайрон қолиб, бир-бидан шерни қизғаниб, югуришиб, талашиб, қирқин қизларнинг каттароги – маҳмадона чалсанроғи шернинг олдига келиб: «Шерни шер суратли қилиб усталик билан ясабди. Бир миниб кўрайик», – деб минди. Бунинг минганини Авазхон билиб, мурватини аста буради, юрди; ундан қаттиқроқ буради, жебалади. Қизларнинг димоғлари чоғ бўлди. Буларнинг димоғлари чоғ бўлганини кўриб, Авазжон мурватни илгаригидан қаттиқроқ буради, шер йўрғалади. Қирқин қизлар жуда ҳайрон қолиб: «Бу турган қаландарлар жуда уста экан. Булардан бир нарсани олган олиб қолади, қолган булардан ҳеч нимани ололмайди», – дейишиб қаландарларга сўз қотмасдан шерни ўрталарига олиб, қулиб, нечовлари шерни талашиб, шергоҳ жебалаб, гоҳ йўрғалаб йўлга кириб, нечовлари шерни миишиб, ўйнаб-кулиб, Заргарнинг қилгани қирқин қизнинг ақлин олиб, Маликанинг олдига – кўшкига яқинлаб борди. Малика шундай қараса, шергоҳ йўрғалаб, гоҳ жебалаб келаяпти.

Малика пари ҳам кўшкисидан беш юз парилари билан пастта тушиб, қаландарларнинг қилган ишига ҳайрон қолди.

Айтди: Эй қирқин қыз париларим! Тилладаң шер қилиб юргизган одамзодни күрмак тугул, эшиганимиз ҳам йўқ, — деб вақти хуш бўлиб, гоҳ муниси, гоҳ униси минишди. Малика пари айтди: — Бу, қизиқ — изи топилмайдиган қаландарлар экан. Биз парилар шоҳликда юрамиз, бизларга бундай кишилар жуда керак. Бу қаландарлар бизларга ҳамма вақт даркор кишилар экан. Буларни олиб келиб, вақтини хушлаб, димогини чоғлаб, остига палос ташлаб, шу қаландарлар учун пастки кўшкенинг остидан жой-ётоқ бермомиз яхши. Бу қаландарларни олиб келиб назри-ниёзини бериб, дуосини олмогимиз лозим. Бундай яхши шарофатли одамлар излаганда топилмайди, — деди.

Унда шерга борган қизлар Малика паризодга айтди: — Илгари қўрганимизда қаландарлар учов эди, ҳали бориб қарасак бирови ўлибди, иккови йиғлашиб қолибди, хафа бўлишиб туришибди.

Малика айтди: — Сизлардан ўлганини сўраганим йўқ, бўлса ўлигини олиб келинглар, деганим йўқ. Қолган икки қаландарни бориб эргаштириб келинглар, — деб ўнта қизни буюорди.

Бу ўн қыз Маликанинг хизматини ўрнига келтириб, қаландарларнинг олдига келиб: — Юринглар, сизларни Малика пари чақиради, — деб бир сўз деб турибди:

Яна баҳор бўлса очилар гуллар,
Гулни кўрса, маст бўп сайрап булбуллар.
Биз бўламиз паризодга хизматкор.
Келсин деб чорлайди Малика айёр.

Сўзимни эшигинг Шоқаландар.
Маликамиз йўлларингга интизор,
Биз бўламиз Маликага хизматкор,
Ҳаёлламай юрингизлар қаландар.

Устига кийгани гулгун қирмизи,
Ақлингизни олар жодугар кўзи,
Биз бўламиз Маликанинг канизи,
Келсин деб чорлайди бувишм сизни.
Элчи қиб юборди қайтайик бизни,
Келсин деб чорлади ойимим сизни.

Шерингизни кўриб хурсанд бўлибди,
Ўйнаб-кулиб шоду хуррам бўлибди.
Ул сизларни келсин дебон турибди,
Шерингизни яхши кўриб минибди.

Ғамдан озод бўлинг энди, Қаландар,
Юринг шер ясаган устай Заргар,
Қараб турган йўлингизга нечовлар,
Сенга хизмат қиласи неча гажакдор.

Маликамиз келсин, деган, чарлаган,
Сизлар учун яхши жойлар созлаган.
Кўрмоқчи сиздайин уста Заргарни,
Югуришиб нечовлари хезлаган.

Боғда очилган гулғунчалар,
Келсин, – деган ойимчалар.
Журинг энди, уста Заргар,
Ҳамроҳ бўлинг Шоқаландар.

Сўз айтар мендай хизматкор,
Неча қизлар хизмат қиласи,
Борсангиз кўнглингиз тўлар,
Шоҳим сизга инъом берар.

Эшигиниз айтган сўзни
Маҳтал қилманг, канизларни,
Қўймай об кетамиз сизни.
Дарров бўлинглар тайёр,
Чорлаган сизни зулфақдор.

Юринглар бова, бўлиб тайёр,
Ҳамроҳ юринг Шоқаландар.
Тез бўлинг бирга кетамиз,
Зулфақдорга биз етамиз,
Бормасангиз эй боважон,
Хафа бўлиб кетамиз.

Бова бориб инъом олинг,
Парилар суҳбатин кўринг.

Жоним бова, тура келинг,
Бизлар билан бирга юринг.

Инъом олиб ўйнаб-кулинг,
Париларга иш билдириган,
Тилла шерга жон эндириган,
Ул сабабдан бизлар келган,
Жоним бова, бирга юринг,
Бизлар билан бирга юринг.

Тилла шери ўйин қиласы,
Саф-саф турған санам – дилбар,
Хамма күриб ҳайрон қолар,
Жоним бова, бирга юринг.

Беҳад дунё инъом берар,
Нече қызлар хизмат қиласы,
Агар борсанг күнглинг тұлар,
Душман бұлса куйиб ўлар.
Дүст бўлганлар шодмон бўлар,
Жоним бова бирга юринг.
Ҳаёлламай йўлга киринг.

Йиғилишган наъмакорлар,
Саф-саф тураг зулфақдорлар,
Келар дебон қаландарлар,
Агар борсанг ақлинг олар,
Олдингизда метар чалар,
Нече қызлар ўйин қиласы,
Сизлар билан ўйнаб-кулар,
Борғанларнинг ақлин олар,
Етолмаган йўртиб юрагар,
Тезроқ бўлинг, Шоҳизаргар,
Ҳамроҳ бўлинг, Шоқаландар.
Жоним бова, бирга юринг!

Хафа бўлмай ул гажақдор,
Маҳтал бўлмасин зулфақдор,
Нече қызлар йўлга қарап,

Йўлингизга кўп интизор.
Бова жоним, юрингизлар
Қаландарлар турингизлар.

Шоқаландар билан Шозаргар қизлардан бу сўзни эшигиб:
«Бу яхши бўлди. Энди бу қизлар билан бирга борайик, ҳар
німа бўлса кўрайик; бизларнинг ишими Малика билан бўла-
ди», — деб икковлари бир-бирлари билан маслаҳатлашиб, ўрин-
ларидан туриб, қирқин қизлар билан бирга жўнай бердилар.

Қирқин қизман бирга бўлиб,
Неча қизлар ўйин қилиб,
Қаландарлар ақлин олиб,
Шул замонда йўлга кириб,
Маликага жўнай берди.

Санам қизлар йўл бошлади,
Бир-бирига қўл ташлади,
Ҳур сифатли жонон қизлар,
Меҳмонлар кўнглин хушлади.

Йўлга киргандир қаландар,
Маликага кетди хабар,
Шер ясаган уста Заргар.
Ҳамроҳ бўлган Шоқаландар,
Пешвоз чиқиб неча қизлар,
Бошлаб бораётир қизлар.

Келаётгандир усталари,
Пешвоз чиққаи кун қизлари,
Ҳамма парининг сарвари,
Маликадай гажақдори,
Ул шернинг олдига келиб,
Қаландарни икки кўриб,
Кўп қизларни хизматкор қилиб,
Қарайди интизор бўлиб.

Неча қизлар ўйнаб-кулиб,
Кўп югуриб хизмат қилиб,

Пастки күшкідан жой беріб,
Пари, ҳұрлар саф-саф турар.
Қаландарлар ақлин олиб.
Париларнинг бу ҳуснига,
Қаландарлар жуда толиб,
Туришибди бу парилар,
Тол чивиқдайин ирғалиб.

Бир нечаси зулфин ушлаб,
Қаландарлар күңгли хушлаб,
Нече хизматкор канизлар,
Қаландарларнинг остига,
Тезлик билан түшак ташлаб.

Қаландарлар ақлин олди,
Олдига дастурхон солди,
Қаландарлар күңгли хушдир,
Париларман ўтириши.
Шу замонда күп таомлар,
Писта-руста ҳам қандолат,
Усти-устига аралашди,
Олиб келаётір қизлар.
Боз устига қовурма гүштди,
Иzzат билан Малика айёр,
Қаландарларман күриши.
Бир-биридан ҳол сүрашди.

Париларман қаландарлар,
Қилаётір ўтириши.
Күрган әмас ҳеч бир киши,
Шу дунёда бул бувиши.

Ажаб қизиқ бўлди, базм,
Бир-бирига жуда жазм.
Хизматкорга буторгандир:
— Чой устидан майлар лозим!

Шундайин овоза бўлди.
Ҳар шахардан одам келди.

Буларнинг ишини кўриб,
Ҳаммалари ҳайрон қолди.

Бу хизмат ишини кўриб.
Беҳад дунё инъом берди,
Мудом ўйнаб-кулинг деди,
Томоша қиб кўринг деди.

Қайда борсанг томошага,
Бу манзилга қаландарлар,
Яна қайтиб қолинг деди,
Бу инъомни олинг деди.

Биз борамиз сайилбоқقا,
Ҳамиша шундай туриング, деди,
Кўп шаҳардир бул шаҳарлар,
Томошани қилинг, деди.
Торкистоннинг шаҳарлари,
Чор ҳоким шаҳар деди,
Хўб ўйнашиб юринг деди...

Қаландарларнинг вақтини хушлади, зиёфат устига зиёфат, қаңд устига шарбат қуйдирди, кўп инъомлар бериб. Яхши жойлар тайинлаб, қаландарлар Маликанинг инъомларини олиб, димоғлари чоғ бўлиб турди. Малика айёр қаландарларга қараб айтди: — Эй меҳмон қаландарлар! Сизлар энди шу пастки кўшқдан чиқмай ўтира берингизлар, шаҳарни томоша қилмоқчи бўлсаларингиз, томошани қилиб, яна қайтиб келиб, шу ерда юраберинглар. Сизларга ҳеч кимнинг бу ерда иши йўқ. Бизлар гоҳида у ёққа, бу ёққа, сайри боғларга чиқиб, томоша қилишиб келамиз, сизларнинг ишларингиз бўлмасин. Сизлар — бизлар билан, бизлар — сизлар билан, — деб Шоқаландар билан Шозаргарга кўп яхши қаради. Қаландарларнинг димоғи чоғ бўлиб қолди. Малика айтди: — Сизлар эса бу ерда ўтира берингизлар, бизлар бутун бир сайри боғ қилиб келайик.

Қаландарлар «хайр», деб қолди. Шунда Малика айёр кўп қиз парилари билан боққа жўнамоқчи бўлди. Хизмат-

корлар: — Бугун маликамиз боқقا боради, йўлни созланг-лар, — деди. Фаррошлар йўлларни супурди, мешкоплар йўлга сувларни сепди. Шаҳарнинг йўлидаги одамзод паризод қандай нарса бўлса «қочинглар, йўлни бўшатинглар, бугун Малика йўлдан ўтади, қочмасанглар ажалларинг етади», деб йўлни одамлардан холи қилиб, кўчаларни созлаб, боғлаб Маликага йўллар созланди деб хабар берди.

Малика кўп қизлари билан, жоду кўзлари билан, барно санамлари билан шернинг олдига келди. Маликани иззат билан шерга миндирилар.

Зулфига боғлабди баҳосиз гавҳар,
Малойик суратли гул юзли дилбар,
Ой туққандай бўлиб Малика айёр,
Атрофида турган неча гул қизлар.

Бардор-бардор қилиб неча канизлар,
Тилла шерга миндириди ул барно қизлар,
Атрофини олиб бари канизлар,
Тилла шери йўлга кирди, муқаррар,
Мурватини буар Аваздай номдор.

Ҳаммалари бирдай бўлиб,
Беҳиштдаги ҳурдай бўлиб,
Янги очилган гулдай бўлиб,
Жўнай берди ул парилар,
Баданлари қордай бўлиб.

Маликанинг кўнглин хушлаб,
Бир-бирига қўлин ташлаб,
Неча қизлар ўйин бошлаб,
Ҳар бир хилда юриш бошлаб,
Бир-бириман вақтин хушлаб,
Бораётибди пўш-пўшлаб.

Ҳар қайсиси пози билан,
Қора қоши, кўзи билан,
Бир-бирига сўзлашади,
Ширин-шакар сўзи билан.

Шундайин пари жүнади,
Мастона қизлар жүнади.

Ойим келади киш-кишлаб,
Хизматкорлари пүш-пүшлаб.
Келаётир күп қизлари,
Кийгани гулгун қирмизи,
Хурсанд бўлиб шоҳнинг қизи,
Ўз таврига енгни ташлаб,
Сайри боғда йўлни бошлаб.

Оlamга овоза бўлиб,
Тилла шердан кўнгли тўлиб,
Шоҳнинг қизи хурсанд бўлиб,
Бораётир неча барно,
Ноз билан йўлда сирғалиб,
Маликани ўртага олиб.

Маликанинг ҳуснин кўрган,
Неча қушлар маст бўп қолиб,
Шундай бўп пари жүнади,
Кўрганнинг ақдини олиб.
Боғда очилган гулғунчалар,
Барি бирдай ошиқалар.

Сайри боқقا кирсак, дейди,
Шер ўйинин кўрсак, дейди,
Ҳаммаларичувлашади,
Боқقا тезроқ етсак, дейди.

Парилар шундай жүнади,
Кўрганнинг ақдин олади.
Неча қизлар куйиб-пишиб,
Йўлларда терлаб боради.
Шер ичинда Аваз номдор,
Мурватин қаттиқ буради.

Кўринг энди тилла шерни,
Машқдан келиб йўргалади,
Шундай қилиб ҳийлагарлар,

Парининг ақлин олади.
Атрофида беш юз қизлар,
Жуда ҳам чарчаб боради.

Кўп қизларнинг ақли шошиб,
Тилла шерга эргашиб,
Кўп қизларман Малика айёр,
Келди сайри боққа етишиб,
Гулҳовуз бўйига келишиб,
Кумуш булбуллар сайраб турди,
Ранг-баранг гуллар очилиб.

Маликани шердан тушириб,
Зарли-зарбоб либос ташлаб,
Ўтирибди кўнглин хушлаб,
Неча қизлар ўйин бошлаб,
Созандалар созин ушлаб,
Гажақдорлар ўйнашади,
Тол-тол қилиб зулфин ташлаб.

Ўйнашади паризодлар,
Бир-бирига ўйин қилиб.
Шундай қилиб, ойимчалар,
Ўйнашади гулғунчалар.
Бир-бирига сўзлар қотиб –
Ўйнашади бир нечалар.

Малика парининг сайр боққа борамиз дегани – шернинг юришини, туришини кўрмоқчи бўлиб сайр боққа келган эди. Маликанинг фикри шерни овлоқ ерларда юргизиб, йўргалатиб кўриб, бир қанча ўтириб, ўйнашиб-кулишиб, димоғларини чоф қилиш эди. Ўйнашиб-кулишиб димоғлари чоф бўлди. Малика айтди: – Эй санам қизларим! Мен шернинг юришини кўрмоқчи эдим. Кўрдим, бўлар. Ўйнаб-кулиб бўлдик, энди шаҳарга қайтайик!

Шунда беш қиз хизматкорлари шерни олиб келди. Малика шерни миниб олди. Қизлар Малика билан бирга-бирга ўйнашиб-кулишиб, ҳазил қилишиб, қайтишиб, шерни gox юргизиб, gox жебалатиб, gox йўргалатиб, димоғи жуда чоф бўлиб, Шоқаландар билан Шозаргарнинг олдига етиб борди.

Малика шердан тушиб, қаландарлардан ҳол-аҳвол сўраб, ўзининг кўшкига чиқиб кетмоқчи бўлиб, шунда канизлари-дан Хадича деган канизига буторди: «Бориб менинг дўстим — Тиллақизни айтиб кел, ўз қизлари билан бирга келсин. Дўстим мендан ўпкалаб юрмасин, у ҳам бизнинг усталари-мизга тилла шер ясатиб олсин. Дўстим билан икковимиз сайри боғларда шерларни миниб, бирга-бирга юрамиз». Хадича каниз «хўп» деб, Маликадан жавоб олиб, Тиллақизга қараб жўнаб кетди. Малика Хадичани жўнатиб ўзи юқори кўшкка қараб чиқиб кетди, шерни пастки кўшкнинг қизла-ри олиб келди, яхши ерга жойлаб қўйди. Булар бунда тур-син. Хадичадан эшигининг. Хадича Тиллақизга етди, хизмат-корлар Тиллақизнинг олдига олиб борди, Тиллақиз Хади-чадан келганини сўради. Хадича Тиллақизга қараб бир сўз деди:

Олмадайин султон, гулдай тарзим бор,
Эй бувишим сизга айтар арзим,
Гулни кўрса маст бўп сайрап булбуллар.
Малойик суратли гул юзли дилбар,
Келсин деб буюрди Малика айёр.

Оша элдан уч қаландар келдилар,
Бири ўлиб, икковлари қолдилар.
Бувишимга бир шер ясаб бердилар,
Бувишмнинг шери бутун наъмакор,
Келсин деб чорлади Малика айёр.

Жаҳонни сайд этиб ўйнаб-кулсин деб.
Келиб бизнинг тилла шерни кўрсин деб,
У ҳам келиб шер ясатиб олсин деб.
Тилла шерга жонни ато қиласи.
Кўрган одам жуда ҳайрон қолади,
Хизматкор айлади бувишим бизни,
Келсин деб чорлаган ойимча сизни.

Тилла шер қошида ажойиб қизлар.
Усталарга бўлиб турар хизматкор,
Ҳар ким кўрса унинг ақлин олади,

Бизнинг элга иш кўрсатган усталар,
Келсин деб чорлаган Малика айёр.

Сиз эшитинг энди сўйлаган сўзни,
Келар деб юборган Малика бизни,
Хизматкор айлаб юборган неча канизни,
Қайси эдан келган устай Заргар,
Шерни ясаб, тиллага жон эндирап.
Унга ҳамроҳ бир ҳайбатли қаландар,
Келсин деб чорлади Малика айёр.

Бу сўзни эшитиб: — Бор боравер, мен бормайман, — деб
Тиллақиз Хадичага қараб, сўзлаб турибди:

Бор боравер Хадича,
Йўлингдан қолма, ғалча!
Бундай сўзни айтмагин.
Кета бергин йўлдан қолмай Хадича,
Менинг учун сарсон бўлган бир неча,
Кет дейман йўлдан қолма, Хадича,
Йўлимизга бош беради бир неча.

Кўздан ёши селоб бўлиб тизилди,
Торкистон шаҳридан ризқи узилди,
Бора бергин, майлисингга бормайман.
Туз-насибалари бундан узилди.

Шакар кўлда хонга ваъда бергандир,
Чамбидан қайса беклар келгандир,
Бувишинг бу эдан кетмоқ бўлгандир,
Бор боравер, майлисингга бормайман!

Айрилиқ ўтига бағрингни доғлаб,
Қайса беклар бунда келгаи сўроғлаб,
Эрта чошгоҳ сен қоласан қон йиғлаб.
Бора бергин, майлисингта бормайман!

Танимайсан, излаб келган бу беклар.
Зўр чангига бўлиб қолар гирифтор,

Армон билан қолар Малика айёр,
Үюлиб қоларсан бунда, канизлар.

Сен эшиггин мендай ойим сўзини,
Олиб кетар Қосимшоҳнинг қизини.
Анга ҳамроҳ бўлган устай Заргар,
Қошидаги зўр ҳайбатли қаландар.
Ҳеч бир киши бўлолмайди баробар,
Қон йиглашиб қолар бунда канизлар.

Шунда Хадича каниз бу сўзни эшитиб. Тиллақизга қараб
бир сўз деди:

Мен йиглайман яратганга доду дод,
Баңдам деб раҳм айлар Козиол-ҳожат.
Бувишим элларда соғу саломат,
Ундей деб гапирманг, бўлар маломат.
Бувишим эшитса хафа бўлмайми,
Кўнглига оғир олиб қолмайми,
Бу гапни эшитса ўпка қилмайми?!

Ҳеч ким келолмайди Чамбил элидан,
Қандай ўтар бу баңдаргоҳ йўлидан,
Агар келса ҳеч иш келмас қўлидан,
Бувишим айрилмас ўсган элидан!

Бизнинг элда бордир шоҳи зўравор,
Душман келиб бўлолмайди баробар,
Соғ-саломат элда гул юзли дилбар,
Бир афсона сўз айтмоқлик на даркор?

Душман келса жабру жафо кўради,
Фариби Гўристон бўлиб ўлади,
Душман келиб бунда нима қиласди,
Тоза бўлса ранги гулдай сўлади.

Бунда бордир неча деву парилар,
Лак-лак девлар бўлса улар ўлдиради,
Душман эмас, бўлар устай Заргар
Анга ҳамроҳ бир худотарс қаландар.

Бу сўзларии айтма гул юзли дилбар,
Душман эмас, улар уста қаландар,
Уларнинг сиридан сизми хабардор?
Келган киши қандай дейсиз гажақдор?
Бу гапни кўнглига оғир олади,
Айтиб борсам анча гина қиласди.

Бу сўзни Хадича каниз гапириб туриб эди, Тиллақиз: —
Менинг сўзимни қайтардинг, — деб аччиғи келиб, Хадичага
қараб бир сўз деди:

Ошиқнинг фаҳмиdir қоронғи кеча,
Йиғласам, ҳолимга йиғлар бир неча,
Бу сўзларни айтар мендай ойимча,
Келган йўлга кета бергин, Хадича!

Учқур бўлсанг қанотингдан айрилиб,
Югрук бўлсанг тусингдан тойрилиб,
Сен қоларсан бувишингдан айрилиб,
Келган йўлга кета бергин, Хадича!

Хазон бўлмай боғда гуллар сўлибди,
Оллоҳ унинг ақли ҳушин олибди,
Илоҳим ўлсин-да Малика дўстим,
Ёрининг устига миниб юрибди.
Келган ерга кета бергин, Хадича,
Бувишингга айтиб боргин, Хадича!

Кўп ўйланиб туриб нима қиласан,
Борсанг душманларнинг ишин биласан,
Бувишингни излаб келган зўравор,
Деву пари бўлолмайди баробар,
Ўзин заргар қилиб келган — ҳийлагар,
Ҳар юртдан келгандир баҳодир беклар.

Савашли кун юз минг кунга баробар,
Жасадин кўрасан битта қаландар,
Ишқирса дамига тортар аждаҳор,
Бўлолмайди ҳеч бир нарса баробар!

Айттан гапнинг поёни билсан-а,
Бунда турма, ул манзилга борсан-а,
Маликадан айрилибсан, қанизлар,
Тилла шерни бирор тепиб кўрсан-а!

Яркиллаб очилса шернинг мурвати,
Шернинг жони Гўрўғлиниг фарзанди.
Бора бергин, буңда турма, Хадича.
Бул сўзларни айтар мендай ойимча.

Тиллақиз яна айтди: – Эй Хадича қаниз, бунда кўп турма, менинг айттан сўзимни бувишингга айтиб бер. Келгандар қаландар эмас, ҳийлагар бўлади. Шерни ясаган қаландар эмас, у ҳам ҳийлагар жодутар. Шернинг жони йўқ. Шернинг жони Гўрўғлиниг ўғли Авазхондир. Шернинг жони бор деб, Малика айёрнинг Авазхон ёрини миниб шармандаси чиқиб юргандир. Менинг сўзимга ишонмасанг, бориб шу шерни бир тепиб юборгин. Мен бормайман, менинг сўзимни Малика айёрга бориб айтгин, – деб Хадичани жўнатиб юборди.

Шунда Хадича Тиллақиздан бу сўзни эшитиб, ердан темиртак топган кулдай бўлиб, чопиб, орқасига қайта берди. Кўшкнинг олдига бориб қараса, Малика айёр қанизлари – ҳаммаси шерни олдига олиб, томоша қилиб туриб эди, Хадичаличи кўрди. Малика сўради: – Менинг дўстим келмадими?

Хадича индамасдан шерга қараб ўта берди. Қизлар Малика индамайди деб қараб туриб эди. Хадича буларнинг сўзига жавоб бермай, тилла шернинг олдига бориб, у ёқ-бу ёғига қараб тилла шерни тепиб юборди. Тилла шернинг мурвати шарқиллаб очилиб кетди. Ичидан Авазхон лўп этиб чиқиб, пастта тушди. Шунда қизлар, парилар қарасалар, шернинг ичидан бир одамзод ерга тушди. Буни кўриб Малика, қизлар гуриллаб қочиб кетди. Шунда Авазхон ҳайрон бўлиб, пима қиларини билмай турган эди, шундай қараса Маликанинг Қоратулпори кўшкиниг олдида боғловли турибди. Қўрққанидан югуриб бориб, тулпорини ушлаб, устига миниб олди. Буларнинг ишларини Шоқаландар кўриб турибди. Қараса шер очилибди. Малика, қизлар қочинқираб кстаётир. Аваз-

хонга қараса, Авазхон Қоратулпорга миниб турибди. Буни кўриб қаландарлар иккови ҳам ўринларидан туриб, белини боғлаб созланди. Қаландарнинг сифати шул эди: Шоқаландар сўтасини қўлига олиб, «Сулаймон пайғамбарнинг нафаси», — деб сиёсат билан бақирса ҳар қандай жонивор қўрқиб, хушидан кетиб, беҳуш бўлиб қолар эди. Ана шунда Маликанинг кетаётганини кўриб, Шоқаландар бир наъра тортди. Маликанинг ҳуши учди. Гўёки осмондан яшин тушгандай бўлди. Торкистон шаҳарини ер тортгандай кўзи қоронги бўлиб: «Энди ўлмай менга нима қолди», — деб қўрқанидан Қоратулпорга минмоқчи бўлди. Кўзи қамашиб қўрқиб қолганидан, Авазжоннинг Қоратулпорга миниб олганини билмай, Малика бориб бу ҳам Авазжоннинг олдига миниб олди. Маликанинг Қоратулпорга мингашганини кўриб, Шоқаландар ҳам Маликанинг олдига минди. Учови Қоратулпорга мингашиб олди. Қоратулпор йўл юриб, чопиб кетди. Шоқаландар Шозаргарга: — Мингаш! — деди. Мингашмади, пиёда қолди. Қоратулпор келган йўлига қараб, яшиндай бўлиб оқиб кетди. Шозаргар ҳам бу ерда турайин деса қўрқади: «Торкистон шаҳари гала-гулчувидашиб қолди, мени ушлаб олиб ўлдириб қўймасин», — деб буларнинг орқасидан қора-ма-қора чопиб, бир ўзи кетиб бораёттир:

Илгарида кетди Шоқаландар,
Қўлга тегиб Маликадай гажақдор.
Ҳақнинг яшинидай оқади тулпор,
Пиёдалаб иргий берди Шозаргар.
Кейинидан жўнади қанча амалдор,
Ҳар тарафдан отлангандир зўр девлар.

Қулоқ сол аларнинг айтган додига,
Ерлар титрар апинг сиёсатига.
Фулғула тушди Торкистон юртига,
Фазаб билаш Оқдев минди отига.
Қани мен ҳам қаландарга борай, деб,
Кўрмаган куиларни унга солай, деб,
Агар кўрсам пора-пора қилай, деб,
Маликани ҳам ажратиб олай, деб,
Кўрсам дунималарнинг бошин юлай, деб.

Бу сўзларни ўйлаб келади девлар,
Илгарида кетган Шоқаландар.
Пиёдалаб бораётир Шозаргар.
Шозаргар шундай бурилиб қаради;
Келаётган Оқдев шоҳни кўради;
Худо деди, яратганга жилади,
Талабини бир Оллодан тилади.
Файрат билан бадбаҳт девлар келади,
Бир тилсимот дуо ўқиб Шозаргар,
Бир отнинг изига кириб қолади.

Шозаргар бир юзук бўлиб, отнинг изига кириб ётибди. Оқдевшоҳ буни кўрибди. Кўнглига келибди: «Маликага қаландар ҳарба қилибди, юзуги йўлда тушиб қолибди. Кел-е, бу юзукни олайин, Тиллақизга элтиб борайин, шод-хуррам қилайин, қайтиб келиб қаландарни кўрайин, кўрмаган кунларни унга солайин», — деди. Узукни олди, Тиллақизга жўнаб кетди.

Шоқаландар, Малика, Авазхон — учови мингашиб, йўл юриб, коронгилиқдан неча кунда ўтди, нима ҳодисалар бўлди, билмади. Қоратулпор яшиндай бўлиб оқиб кетди, бир вақт ёруғ дунёга, чашманинг лабига етди. Авазжон қараса, мерған жўралари йўқ. Хафа бўлди. Шоқаландарга айтди: — Мерғанлар йўқ, Фирот турибди. Энди менга жавоб берсангиз, жўраларимни ахтариб, бу Кўкламтоғни кўрсам, ўликми-тирикми билсам.

Шоқаландар айтди: — Борсанг бор. Мен сен қелганча андак ётиб, ёнбошлаб олайин. Сен ўзингга эҳтиёт бўл. Бу ерлар ёмон хатарли. Ҳаёлламай тезроқ борли-йўқли хабаррин олиб кел. Шозаргар орқада, қандай бўлади ундан ҳам хабар-пабар оламиз ҳали, — деди. Авазжон: — Ҳўп, — деб жўнаб кетди. Шу юрганича Кўкламтоғнинг ҳамма срини ахтарди, тополмади, хафа бўлиб юраберди. Сўзни Оқдевшоҳдан эшигинтинг.

Оқдевшоҳ юзукни олди. Тиллақизга берди. Қизига айтди: — Ногаҳондан борар эдим, йўлимдан бу юзук чиқди. Маликанинг боғда гули сўлибди, қаландарлар унга ҳарба қилибди, юзуги йўлда тушиб қолибди, ўйнаб-кулгин деб сенга олиб келдим. Кел болам, олгин, қўлингга солгин, бу

юзукни сенга берай, душманнинг кейинидан борай, қаттиқ кунни унга солай, Малиқани олиб келай, — деди.

Бу сўзни эшитиб, Тиллақиз отасига қараб бир сўз деди:

Хазон бўлмай боғда гуллар сўлмасин,
Оллоҳ менинг ақду ҳушим олмасин,
Ота эшиит, менинг айтган сўзимни,
Қаландарнинг бири юзук бўлмасин.

Юзук деб сен қўлдан берма қизингни,
Оҳ уриб тўкарман кўздан ёшимни,
Ёт элларга ғариб қилма бошимни,
Охир қилма менинг ўтиришимни.

Учқур бўлсанг қанотингдан қайрилиб,
Югрук бўлсанг туёғингдан тойрилиб,
Отажоним ғофил бўлиб сўзлама,
Армон билан қолма мендан айрилиб.

Дод айласанг эшиitmайди сўзингни,
Сарғайтади сенинг қизил юзингни,
Қўйгил ота, бундай юзуги қурсин,
Юзук дебон қўлдан берма қизингни.

Тополмассан ота менинг изимни.
Шердай бўлиб юзукни олиб келибсан,
Бир айёрга ота, дучор бўлибсан.

Эрисин, тоғларнинг қори эрисин,
Ҳар киши олгани билан қарисин,
Ер остида душман тани чирисин,
Қўйгин ота, бундай юзуги қурсин!

Оқдевшоҳ қизидан бу сўзни эшитиб, зеҳни койиб, хафа бўлиб, қизига қараб аччиғланиб бир сўз деди:

Ёш бошингга бундай шунгфут бўласан!
Бу юзуқдан нега ҳадик оласан?!
Дўйстингнинг юзуги тайин биласан,
Бундай бўлсанг, сен жувонмарг ўласан!

Фаним бўлиб сенинг йўлинг тўлдими,
Фариблиқда кўкайингни кесдими?
Нега ҳам бир шунгфут бўлдинг жувонмарг,
Хаёлингга неча гаплар келарми?
Узукдан кишига душман бўларми?!

Мендейин отангта кўнглинг бўласан,
Бир юзуқдан мунча ҳадик оласан?
Бундай бўлсанг сен жувонмарг ўласан,
Ёш бошингга мунча шунгфут бўласан?

Ана шунда Оқдевшоҳ ўз қизига юзуқни берди. Тиллақиз юзуқни олмади. Отасининг аччиғи келиб, қизига қараб койиди, урушди. Оқдевшоҳнинг аччиғи келганини Тиллақизнинг олдиғаги санам қизлар кўриб: — Отангизни хафа қилдингиз, қўлидаги юзугини олинг, — деди. Шунда Тиллақиз отасидан уялиб, «Хафа бўлмасин» деб юзуқни олди, қўлига солди, ўлчагандай қўлига лоп-лойиқ келди: «Юзуқни бердим», — деб Оқдевшоҳ димоги чоғ бўлиб, қаландарларнинг орқасидан кетди...

Шунда Тиллақизнинг канизлари айтди: — Эй бувишим, сиз ўзингиз жуда ҳадикчил бўлибсиз. Қўлингиздаги юзуқ заргарлар ўлчаб ясагандай, лоп-лойиқ экан, — деди. Юзуқ қўлида туриб айтди: «Бошдан-бошга биз бунга лоп-лойиқ».

Шунда Тиллақиз: «Бу сеҳгарми, жодугарми?» — деб қўлидан чиқариб ташламоқчи бўлиб, қўлини силкаётир, канизлари торгаётир, юзуқ қўлидан чиқмай, бу сўзларни айтаётир:

Сени излаб чиқдим Хурум элимдан,
Ўлдирсанг ҳам айрилмайман қўлингдан,
Ўлмасам қучарман нозик белингдан!

Кеча-кундуз мен йиғладим зор-зор,
Сенинг ишқинг менин қилди қаландар,
Малойик суратли, гул юзли дилбар,
Юзуқ бўлиб сенга келган Шозаргар,
Кўп тортиб жафолар қилмангиз, қизлар,
Ҳарчанд тортсанг айрилмайди Шозаргар.
Оша бизга озор берма, канизлар!..

Айрилиқ ўтига бағримни доғлаб,
Күп юрганман ҳар шаҳарни сўроғлаб,
Бу дилбарнинг фироғида қон йиглаб.

Фам билан сарғайди гулдайин дийдор,
Бир иечалар ўз ҳолидан бехабар,
Тиллақизнинг ишқи қилган қаландар,
Неча вақт ахтариб бўлдим хору зор.
Кучук босмас йўлбарс, шернинг изини,
Излаганман Оқдевшоҳнинг қизини.
Нодон кўнглинг ҳар ҳаёлга бўлмагин,
Сен каниzlар, менга озор бермагин.
Қўйгин энди, менга зулм қилмагин,
Излаб келиб янги топдим ўзини.

Бошинг тожин қўлдан бермай давлатди,
Бирга қилсақ ўтиришман суҳбатди,
Кўп силкиллаб торта берма уятди(р).
Бу сўзларни айтар мендайин noctor,
Оша менга таъзир берма, каниzlар.
Сен сўрагин бувишингнинг кўнгли бор,
Биз билан ваъдалаш гул юзли дилбар,
Унинг ишқи бизни қилган қаландар.

Бу сўзни юзук айтаётir, Тиллақиз қўлини силкитаётir, каниzlар тортаётir. Ўйтиб-бўйтиб, тортишиб-тортқилашиб, юзукни Тиллақизнинг қўлидан чиқариб олди. Шунда Тиллақиз хизматкор қизларига буюорди: — Тўқсон уста дев олиб келинглар, кути ясад берсин, юзукни қутига солиб, маҳкамлаб қўяйин, — деди.

Унда қизлар бориб, тўқсон уста дев айтиб келди. Девларга тўқсонта қути қилдирди. Узукни қутига солди. Тўқсонта қутини ичкима-ички қилиб бир-бирига кийдирди, ўраб-чирмаб маҳкамлаб қўйди. Шунда Шозаргар бир тилсимот дуо ўқиб, бир сичқон бўлиб, тўқсон қутини тешиб, қулоги қамишдай бўлиб чиқди. Каниzlар буни кўриб: «Бу сеҳр гарми, жодугарми?», — деб ўртага олиб қолди. Сичқон яна бир ағанаб юзук бўлиб қолди. уни Тиллақиз кўриб айтди: — Эй қизлар, девлардан айтиб қолинглар. Қирқ газ қудук қилиб,

юзукни қудуққа ташлаб устидан қудуқни ярим қилиб тош түктириб, устидан күрғошинни эритиб ташланглар, ер остида бу юзук чириб йўқ бўлиб кетсин!

Девлар қизнинг айтганидан ҳам зиёдароқ қилиб, маҳкамлаб, созлаб қудуқнинг оғзини күрғошин билан маҳкам қилиб келди. Тиллақизга: — Маҳкам қилиб қўйиб келдик, — деди. Тиллақиз: — Яхши бўлипти, энди қудуқнинг ичида чириб йўқолиб кетади, дунёда менинг бундай душманим қолмади, — деди.

Шунда юзук — Шоҳизаргарга тошларнинг остидан — қудуқдан чиқмоқ қийин бўлиб қолди...

Бир сўзни айтиб Шозаргар йиглади,
Ҳожатини яратгаңдан тилади,
Тиши олмос бир каламуш бўлади,
Кеча-кундуз тош кемириб ётади,
Неча муддат Заргар тошни кемириб,
Энди күрғошинга келиб қолади.

Қўрғошин эканин Заргар билади,
Бир тилсимот дуо ўқиб Шозаргар,
Боши олмос бир ўқилон бўлади,
Лойдайин чилпиллаб ботиб боради.
Фалак титрар Шозаргар нолишига,
Кўзлар губор кўздан оққан ёшига,
Ўн саккиз кун тош кемириб Шозаргар,
Илон бўлиб чиқди чоҳнинг бошига.

Шунда Шозаргар ўн саккиз кеча-кундуз каламуш бўлиб, кемириб, аста-аста қудуқпинг ичидан, қудуқнинг бошига чиқди. Қудуқнинг бошида илон бўлиб, бир тошнинг устида ўралиб ётди. Шунда одамларнинг қимордан гаплашиб кетаётганини эшилди: «Қиморни Тиллақиз чиқарган экан. Тиллақиз ҳар ким билан қимор ўйнаса, ютиб олар экан», — деди. Булардан Тиллақизнинг қиморбозлигини билиб олди. Шунда Шозаргар ўйлаб айтиди: «Энди йўл устида илон бўлиб ётмайман. Одамлар кўрса заараркунанда, зарар қилувчи ёмон нарса экан деб ўлдириб қўймасин. Тиллақиз қиморбоз экан, қиморнинг пайидан бўлайин», — деб

тилсимот билан дуо ўқиб бир кал бўлди. Оғзидан танглай-игача кал, ярим белидан бу ёгининг бари кал, ўзининг отини Яллокал қўйиб олди. Тарадди қилиб, уч ошиқни танлаб олиб, Тиллақизга талаб қилиб, кўшкисининг олдидан сув оладиган Тиллақизга кўринадиган ерда қимор ўйна-моқчи бўлиб, ошиқни хўп уриб, ўз шаънига қиморбозман деб бир сўз деб турибди:

Менинг ўзим худойимдан,
Кенг қарамали подшойимдан,
Бир мулку давлатли қиларман.

Етмиш йил гуноҳда ётдим.
Қиморбозга пир бўп ўтдим,
Тоғни қўйса гардкам отдим,
Ким талаб қилганни ютдим.

Эрта билан ўрнимдан турсам,
Такияни баланд кўрсам,
Тиллақизни гардкам урсам,
Уч олчи дукор тиларман.

Ўйин қиласа шоҳнинг қизи,
Кийгани гулгун қирмизи,
Ақлинг олди жоду кўзи.
Ҳар кимсадан гап эшитиб,
Талаб қилган калнинг ўзи.

Ана шунда бир калнинг бундай сўзлаб, гапириниб ўтирганини Тиллақиз эшитиб: — Ҳа, ана у жонига теккан, ёнида беш-олти пули ортган, қиморни ўйнаб чантга боттан, қандай қиморбоз экан. Уни бунда олиб келинглар, мен бир кўрайин, — деди. Қизлари айтди: — Эй бувишум, у жуда ёмон кал экан. Сизнинг қимор ўйнаганингиз кўрсинг, ундан ютиб оладиган пулиигизни бизлар берайик. Унинг билан қимор ўйнаманг, ёмон сассиқ кал экан, — деди. Унда Тиллақиз: — Сизлар кўрқоқ экансиз. Сизлардан пулни олиб, мен пулга муҳтожманми? Қиморбозлик бир ёмон ишми, бу қиморбозлик-ку, — деди. — У ёмон кал бўлса пастки кўшкидан жой

солинглар. Пастки күшкка бориб қимор ўйнайман, — деди. Қизлар ўринларидан туриб пастки күшкидан жойини со-злаб, кигизни паст-баланд ташлаб, устига пишиқ гиштдан такия ташлаб, қалин сув олгич билан олиб борди. Баланд күшкдан Тиллақыз шигилаб түщди. Иккови такияда ўтириб, бир-бирига уч ошиқни олчи қўйиб, «Сен ол — сен ол!», — деб навбат бериб, ўтириб, савол-жавоб қилиб турибди. Кал-нинг сўзи:

Устингта кийганинг гулгун қирмизи,
Ақлимни олади жодугар кўзи,
Жасадингдан Оқдевшоҳнинг бир қизи,
Қўлингта олгин, навбат сендан гул юзли.

Тиллақизнинг жавоби:

Кокилларим эшилгандир тол—тол,
Ҳар толига берсанг етмас дунё мол,
Магар душман келса бўлади поймол,
Эркаксан-да, улуғсан-да Яллокал.
Аввал навбат сеникидир, қўлинг ол.

Калнинг сўзи:

Аввал оллоҳ дуюм бўлса Наби ёр,
Бизни ҳайдаб келди ҳақ-парвардигор,
Қаддингдан айланай гул юзли дилбар,
Энди навбат бердим, сен ҳам қўлинг ол!

Тиллақизнинг жавоби:

Сен эшиттин айтган сўзни,
Маҳтал қилма сарвинозни.
Гуноҳкор айлама бизни,
Эркаксан-да, улуғсан-да Яллокал.
Аввал навбат сеникидир, қўлинг ол.

Бу сўзни айтиб шундай навбат беради,
Беҳад дунё ойим ўқиб туради,

Уч ошиқни жиққа териб олади.
Сенсан энди ошиқ булбул,
Қилмагин күнглимни хижил.
Гардкам деди, уч ошиқни талайди.
Яллоники яксар дучор айлади.
Жафо тифи бул кун жондан ўтади,
Айролик ханжари бағрин йиртади.

Бу сўзларни Яллокали айтади:
— Ўқий бергин, қатор-қатор норингни,
Ўқиб қўйгин нор устига зарингни.
Камсиз гардкам ураман-ку борингни,
Танимайсан қўллайдиган пириңгни.
Бул сўзни эшитиб ул шоҳнинг қизи,
Нор устига ўқий берди зарини,
Ўқиб қўйди бисотида борини.
Боз устига ўқиб қўйди қирқин канизларини.
Эшиттандир тарафининг сўзини,
Бадани қизиди шоҳнинг қизини,
Озодига ўқиб қўйди ўзини,
Қўймай ўқиб қўйди қирқин қизини.
Кўринг энди Яллокални,
Уч ошиқни қўлга олди.
— Хафа бўлмай ўйнаб-кулдим,
Озод-позодингман келдим,
Тоғни қўйсанг гардкам урдим,
Ютиб олар чоқда келдим.
Сен ҳам яллоли, мен ҳам яллоли,
Ёрим яллоли бор гардкам.
Тарам таралли бор гардкам.

Тиллақизнинг сўзи:

Ҳаққа етгай оҳу зорим,
Сабил бўлиб кирдикорим,
Кетди мейинг номус орим,
Бир боқдига ўзим бўлсам.
Икки бошга икки норим,
Кўна қолгин, энди жоним.

Яллокал сўзи:

Излаб келса Шоҳзаргар,
Яллокал бўлар гуноҳкор,
Бир бошига ўзинг бўлсанг.
Икки бошим топиб бергин.

Тиллақизнинг жавоби:

Мендай ойим ҳозиргисин кўрар-да,
Заргар келса бир йўриғи бўлар-да.
Хафа бўлмай доим ўйнаб-кулдириди,
Хол бўлсин деб оқ юзини тилдириди.
Миннатдор бўп Яллокални кулдириди.
Яллокал дер: ўз элида туради.
Шоҳнинг қизи кўп миннатдор бўлади,
Инжилиб Яллокал базўр кулади.
Асал-болча билди лабнинг учини,
Бошига йифдирмай катта-кичини,
Уч ошиқ ҳукмиман ютиб,
Заргарбек оқ юзидан олди олти муччини.
Энди тилаб турар бойқуш пичини,
Кўрсатади Тиллақизга кучини...

Ана шунда Шозаргар илонлиқдан бир тилсимот дуо ўқиб, бир қал суратида бўлиб, отини Яллокал қўйиб, қиморбоз бўлиб, Тиллақиз билан қимор ўйнаб, ҳарла борини, қатор-қатор норини нор устида, зарини, манглайдаги борини, ўзини, бирга ютиб олиб қолганини Тиллақизга сўйлади. Унда Тиллақиз: — Мен сизнинг кучингизни синамоқчи бўлган эдим, бўлмаса аввалдан таниган эдим. Худонииг тақдирига тан бердим, — деб шул оқшоми билан сўзлашиб, ўйнашиб, кулишиб, сўрашиб, бошдан ўттанларни гаплашибгина ётди. Эрта-мертан тонг отди, биринчи сирқинг қизлар йифилиб - етди.

Заргаршоҳнинг кўнглип хушлаб,
Бир-биралинг қўлии ушлаб,
Баланд кўшкисига бошлаб,

Яхши зарли либос ташлаб
Қоч-қоч дейишиб, пүшт-пүштлаб
Келаётир иргалашиб,
Нозик беллар тенгсалишиб,
Бир-бирининг кўнглин хушлаб,
Нозик тилман сўзлар бошлаб,
Келаётир ойимчалар,
Ярашиққа енгни ташлаб.

Саф-саф турғап санам қизлар,
Хизмат қилди сарвинозлар,
Тиллақизман сухбат қурган,
Интиқ бўлган Шоҳизаргар.
Таом буорди гажақдор.
Хизмат қилар кўп канизлар.
Бир-бириман ўйнашади,
Гаплашади ширин сўзлар.
Бу дунёда кўргани йўқ,
Шоҳизаргар мундай қизлар.
Бир-бирига қўлин ташлаб,
Заргарбекнинг вақтин хушлаб.
Ясов бериб ўйнаб-кулиб,
Жонон қизлар лабни тишлаб.
Кўп қизиқлар бўлди ўйин,
Обод қилиб манзил-жойин.

Томошани кўриб заргар:
«Худо тақдир қилса бир кун
Биз қиласиз бунинг тўйин».
Кўрганпинг кўнгли ўсади,
Душман бошини кесади.

Ана шунда Шозаргар Тиллақизни қимор ўйнаб, ютиб олиб, Тиллақизни қойил қилиб, тақдирига тан бериб. иккови бир-бири билан кайфу сафо қилиб ўтириб эди, шунда Шозаргар Тиллақизга қараб ўтгап ишларини, сирру ҳолини маълум қилиб, бир сўз деди:

Арзимни эшитгин, гул юзли дилбар,
Ишқингдан бош олиб бўлдим қаландар.
Эсимга тушганdir қадрдои bekлар.

Заргарбек этагин ушлаб,
Сен кетарсан қўнгил хушлаб,
Қон йиғлатиб бу манзилда.
Сен кетарсан бизни ташлаб.
Айролиқ ўтига доғлаб,
Биз қоламиз қонлар йиғлаб,
Боролмаймиз биз сўроғлаб.

Кетдинг бундан жоду кўзлар,
Сени олиб Шоҳизаргар,
Юрган кунлар эсга тушса,
Шу замон йиғлар канизлар.

Бир ёр деб этагин тутиб,
Қолдик бизлар қонлар ютиб,
Жигар-бағрим кабоб этиб,
Юрган кунлар эсга тушиб,
Йиғлашармиз биз дод этиб,
Сенинг учун қонлар ютиб,
Қайтиб яна изинг кўрсам,
Юрап эдим тавоф этиб.

Сенга ҳамроҳ бўлди Заргар,
Кўзинигга кўринмас қизлар,
Кўнглинг топган бу қаландар,
Қон йиғлаган бу канизлар.

Оша юртга қилдинг сафар,
Олиб кетар бу зўравор.
Ота-эна, тенгу тўшлар,
Ҳаммаси қолди бехабар.
Кеча-куцуз биз йиғлармиз,
Ҳар замон сенга интизор.

Сизни йўқлаб фарёд этиб,
Кеча-кундуз афғон этиб,
Сен кетасан бу кун бундан.
Ошиқлик йўлини тутиб,
Ёдимизга сизни олсак,
Биз йиғлармиз қонлар ютиб.

Мени ўртаб сенинг дардинг,
Кўзга дори пойи-гардинг,
Хурум юртини ахтардинг,
Заргаршоҳга ҳамроҳ бўлдинг.

Кийганинг гулгун қирмизи,
Юртимида шоҳининг қизи,
Оқдевшоҳнинг сен ёлғизи,
Сен кетган сўнг йиғлаб қолар,
Бунда турган қирқин қизи.

- Сен кетган сўнг тинмай фифон қилармиз,
Ажал етса, биз ҳам бир кун ўлармиз,
Билдим сенинг кетишингни бувишим,
Тағин маҳшар куни сизни кўрармиз.

Қонлар йиғлаб бизлар мунда қолармиз,
Қайтиб энди бизни ташлаб кетасиз,
Заргар шоҳман сухбат қуриб ётармиз,
Сиз бизларни тоза унутиб кетарсиз,
Жаҳонни сайр этиб элга етармиз.

Кўзда ёшинг мунчоқ-мунчоқ тизилди,
Дийда гирён бўлиб бағрим эзилди,
Кетарингни энди билдим, бувишим,
Шулинг учун менинг кўнглим бузилди.

Сабил қилдинг Торкистондай юртингни,
Ташлаб кетдинг бундай мамлакатингни,
Кўролмаймиз сендей паризодимни,
Қонлар ютиб ёд қиласиз зурриёдингни.

Сўз айтиб йиглайди биздай муштипар,
Тулпорнинг белига минди Шозаргар.
Юлдузни кўзлади араби оти,
Белида ярқиллар кескир пўлоти,
Эсга тушар Заргарнинг мамлакати,
Англишлайди Заргарнинг минган оти.

Ана шунда Тиллақиз канизи Оққиздан бу сўзни эшитиб тасалли берди. Тиллақизнинг канизлари олдида эди, отига миндиromoқчи бўлиб турган эдилар. Шозаргар Бўзтулпор отта кайқайиб, куёв йигит бўлиб миниб: «Минса экан, кета қолсак экан, полвон Аваз билан Шоқаландарга ета қолсак экан», – деб Тиллақизни шошинқириб турибди. Шунда Тиллақизнинг канизларига айтаётган сўзи:

Айролиқ ўтига бағрини тузлар,
Олдимизда хизмат қилган канизлар:
Ёшларга тўлмасин у жоду кўзлар,
Шоду хуррам бўлиб ўйнаб кулинглар,
Хафа бўлмай сен дуода бўл энди,
Мени кетди дебон кўнгил бўласан,
Сизлар ҳам бирорман ўйнаб кулинглар.

Кўнглим бўлманг, хизмат қилган канизлар,
Сизларга йўлиқса шундайин шунқор,
Мендан зиёд бўлиб қоларсиз, қизлар,
Шундай бўлди менга энди фармонлар,
Қолмас юрагимда чегу армонлар,
Сирли устун мунда кўшк-айвонлар.
Мунаққашли кўшк, айвон, хуш энди,
Шунда турган манзил жойлар хуш энди.

Оҳ урсам тўкарман кўздан ёшимни,
Ёлбориб худога солдим ишимни,
Ёт элларга ғариб қилдим бошимни,
То кўргунча, канизларим, хуш энди.

Қулоқ солинг мендай ойим тилига,
Мен кетарман Бўзтулпорнинг белига,

Тақдирим тортибди. Хурум элига,
Дучор бўлдим Заргарбекнинг қўлига,
Шоду хуррам ўстган эллар хуш энди,
Канизларим, жоду кўзлар хуш энди.

Асқартоғнинг бошин чалмасми туман,
Ҳар кимса йиғлаб охирад замон,
Тенгу тўшим қайтиб кўрмогим гумон,
Мени бундан олиб кетар Заргархон.

Айролиқ ўтига бағримни доғлаб,
Заргарбек келганди мени сўроғлаб,
Душманининг юрак-бағрини қотлаб,
Канизларим бунда қолдингиз йиғлаб.
Тенгу тўшим канизларим, хуш энди,
Ўйнаб юрган жоду кўзим, хуш энди.

Заргар билан бирга-бирга кетармиз,
Отамнинг савашин кўриб ўтармиз,
Агар кўзи тушса подшоҳ отамнинг,
Қандай бўлса бир хушлашиб ўтармиз,
Кўрган кўзлар, сарвинаслар, хуш энди,
Санам юзли жоду кўзлар, хуш энди,
Хизмат қилган меҳрибонлар, хуш энди,
Вафоли канизлар, қолинг, хуш энди.

Хафа бўлиб нодон кўнглинг бўлмагин,
Мен кетгандан қонлар йиғлаб юрмагин,
Яна қандай бўлса ёмон кўрмагин,
Фарибликман нодон кўнглинг бўлмагин.
Тақдир тортса Хурум элга борармиз,
Ҳар замонда сизни ёдга олармиз,
Туз-насиба тортса қайтиб келармиз,
Соғ-саломат келиб сизни кўрармиз,
Сизларни ҳам ёдга олиб юрармиз.
Сизларнинг яхшиликларинг билармиз.
Шоду хуррам канизларим, хуш энди,
Ўйнаса тахту баҳтим. хуш энди.

Нече вақт бизларга хизмат қилгансиз,
Пайровлик қиб менинг ақдим олгансиз,
Менинг билан бирга ўйнаб-кулгансиз,
Даврон суриб, бирга-бирга юргансиз,
Ўйнаб-ўсган қадрдонлар, хуш энди,
Тенгу тўшим, ширин сўзим, хуш энди.

Қайларга жўнатдинг мендай санамни,
Кўролмадим оқ сут берган энамни,
Сизлар айтинг мендан тегар саломни,
Менинг учун кўриб келинг энамни.
Обод қилинг менинг вайронхонамни,
Албатта сўранглар менинг энамни,
Сўрангизлар Гулсанамдай энамни.

Бошимиздан кетсин қай гули туман,
Дуо қылсин оқ сут берган меҳрибон,
Маҳтал бўлиб мунда туар Заргархон,
Розилашиб келолмадим шул замон.
Албатта сўранглар менинг энамни,
Етқизинглар мендан айтган саломни.
Мен кетган сўнг нодон кўнглини бўлмасин,
Фарзандим деб қонлар йиғлаб юрмасин.

Бу сўзларни айтар мендай гажақдор,
Саломни энамга еткар канизлар,
Дуода бўл қирқин қизлар муштипар,
Бу сўзларни айтар ҳур юзли дилбар,
Менинг учун ул энамни сўранглар.

Айтингизлар Тиллақизнинг сўзини,
Фарзандим деб койитмасин ўзини,
Ўлмаса кўради мендай қизини.
Кийганим ипақдан, олтиндан ёқа,
Кўрган бўлар жамолимдан садара.
Салом айттаи меҳрибоним отамга,
Катта-кичик улуф шоҳу оғага.

Мен минарман энди аспи қушимга,
Арзу ҳолим айтдим тенгу түшимга,
Менинг учун салом еткир қавму қариндошимга,
Хушлашгани улар йўқдир қошимда.

Шунда Шозаргар ёри Тиллақиз билан канизларининг сўзи узайиб, чўзилиб кеттанини кўриб: – Гапни жуда узун қилиб, йилдан ҳам узоқ қилиб юбординглар. Менинг жўраларимнинг ҳоли қандай бўлди? Бўл-ҳа бўл, кел-ҳа кел, – деб Тиллақизга қараб, аччиғи келгандай бўлиб бир сўз деди:

Очилган жигадай гул юзинг сўлиб,
Йигланиб гапирма, ҳижона тўлиб.
Айтган сўзинг эй гул юзли бас бўлиб,
Мен кетарман бу ерлардан мас бўлиб.
Сендай ёрни бу ерлардан миндириб,
Кўп гапирма, сен зардамни қайнатиб,
Кел мингашгин, энди гул юзли Дилбар,
Мен жўнарман бундан отим ўйнатиб.
Дарғазаб бўлди-ку ул Шозаргар,
Тарзига қаради гулюзли дилбар.
Хижил бўлди шунда турган канизлар,
Тиллақизни ўртага олганди қизлар.

Ана шунда Шозаргарнинг хафа бўлиб сўзлаганини кўриб, тарзига Тиллақиз қараса, жуда хафа бўлиб, туклари типпатик бўлиб, оғзи-кўзи бежо бўлиб, оғзи кибирланиб, бижирланиб бораётир. Буни Тиллақиз кўриб: – Хайр энди, омон бўлинглар, – деб отта минмоқчи бўлди. Шунда қирқин қизлар Бўзтулпор отнинг жиловини ушлади, бирори узангисидан ушлади. Бир хили Тиллақизни кўтариб миндирмоқчи бўлди. Бўзтулпор отга бундан илгари бирор мингашган эмас эди. Турмай жуда безор бўлди. Ундай қилиб, бундай қилиб канизлар бир ёқдан, Шозаргар бир ёқдан отни маҳкам ушлаб, Тиллақизни отга миндириди. Шозаргарни хушвақт қилиб кулади. Тиллақиз тулпорга мингашиб эди, тулпор от типирилаб турмай дингиллади. Тиллақиз ўзини отнинг устида турғиза олмай сапчиб, дингиллаганига ўрнидан тушиб қолгудай бўлиб, шошиб қолди. Эгарнинг қошини ушлаб олди...

Канизлар йиглашаётир, от безор бўлаётир, заргарнинг кўнгли тепаётир, Тиллақиз ёрини синаётир. Шунда Заргаршоҳ: «Бу менинг янги олган ёрим бўлса, бу юрг кўп узоқ ёмон юрг бўлса, девлар, парилар, катта душманлар кўп бўлса, мабодо бирори зўрлик қилиб, орқамдан тортиб, бир силкиб олиб қўймасин», – деб Тиллақизнинг белидан маҳкам боғлаб олди. Оти терлаб турмаётир. Тулпор ангишлаб, жиловини қўйса, учқур қущдай учмоқчи бўлиб турибди. Қоратулпор қандай кетса шундай кета берди:

Миндиргандир паризодди,
Жўнатди-ку бедов отди,
Кўринг Заргар азаматди,
Шундайин қилди ғайратди,
Бўзтулпорга қамчи чотди,
Урган қамчи симдай ботди,
Тиллақизни олиб қайтди.

Шундай бўлиб йўлга кирди,
Қирқин қизлар қарааб қолди,
Кўзларидан ғойиб бўлиб,
Ҳақнинг яшинидай кетди.
Сабил қилиб ўсган юртин,
Жўнаттанди паризотин,
Дуо қилиб қирқин қизлар,
Энди узди бу умидин.
Шундай бўлиб бу канизлар,
Манзилда қолди канизлар.
Кўздан пана бўлди дилбар,
Кўрингиз Заргар зўравор,
Паризодни олиб қайтди.
Энди кўринг шердай қайсар,
Яшиндан бўп оқади тулпор,
Қўлга текканди гажакдор,
Эсига тушганди қаландар,
Топишсам деб қистаб кетди,
Пари олган Шоҳизаргар.
Ёри билан мингашиб,
Тулпор миниб йўлга тушиб,

Кетмайин деб адашиб,
Бораётир Тиллақиз билан,
Гуркирайди шердай шошиб.
Тулпор боради ангтишлаб,
Құлтиғидан буқлаб ташлаб,
«Түшиб қолмайин» деб ойим,
Шозаргарни маҳкам ушлаб.
Шозаргар Тиллақизни,
Түшиб қолмасин деб турмушлаб.

Тулпор боради ҳарсиллаб,
Түсfi ерга дурсиллаб.
Бўзтулпор от оғзини очиб,
Тўзон бўлади қарсиллаб.

Бораётир оғзин очиб,
Парқинидан кўпик сочиб,
Шозаргарни олиб қочиб,
Паризоднинг баҳрин очиб.

Йўлда бир-бирига қарап,
Бир-бирининг ҳолин сўрар,
Ўйнаб-кулиб қўл узатиб,
Бораётир Шоҳизаргар.

Заргарбекнинг кўнглин хўшлаб,
Урди қамчини қулочлаб,
Остидаги Бўзтулпори,
Иргир эди яшин ташлаб.

Қистайди тулпор оғди,
Заргар қилди ғайратди.
Миндирган паризодди,
Шуйтиб заргар йўл тортди.

Остидаги Бўзтулпор.
Йўлда бўйнии узатди,
Миндирган паризотди,
Шуйтиб Заргар йўл тортди.

Маст бўлиб боради Заргар зўравор.
Остида ўйнайди араби тулпор,
Кейинга мингашган шуңдай гажақдор,
Ҳар замон эсига тушар қаландар.
Ёруғ ердан ўтиб шунида бу Заргар,
Қоронгилик ерга етди муқаррар.
Худо дейди яратганга жилайди.
Ҳожатини бир олладан тилайди,
Қоронгилик ерга кириб боради.
Таваккални бир худога қиласди.

Паризод ҳар тарафга қаради,
Қайси ерга борарини билмади,
Худо деб боради энди бу Заргар,
Ҳақнинг яшинидай бўп оқади тулпор.

Қарамайди номдор баланд-пастига,
Олмос ярашгандир марддинг дастига,
Яшинидайин оқиб борар Бўзтулпор,
Бориб қолди аждархонинг устига.

Аждархони шуңдай кўриб қолади,
Аждархони кўриб кўнглиш бўлади.
Бу ётгап-ку беҳад ёмон аждархо.
Ул ўтгандга ҳамроҳ эди қаландар.
Энди қандай иложини қиласман,
Энди қандай бўлар деди бу шунқор.

Унга шундай сўз айтади гажақдор:
— Отнинг тизгинини тортманг, муқаррар,
Буни дамга ололмайди аждаҳор,
Омон-эсон ўтиб кетар бу тулпор.

Бу тулпор ҳам у тулпормаи баробар,
Юганини қўйиб ташланг, жиловдор.
Яшинидай бўп оқар шунида Бўзтулпор,
Ўтолмайди дамга тортса аждаҳор.

Бўзтулпор жонип сотди.
Заргар қиласар ғайратди.

Шундай чопиб яшиндай бўп оқади,
Бўзтулпор жонини қийнаб қочади.
Заргар билан Тиллақиз пари,
Бирор-бировига қараб боқади.

Қотиб боради «чува» дейишиб,
Тулпор чопганига ақли шошиб,
Заргарбек сўрайди суйган еридан,
Тагин ҳам кетмайик йўлдан адашиб.
Заргарбекка Тиллақиз ойим сўйлайди:
«Бу йўл бир пул, бошқа йўл йўқ», — деди.

Тулпор боради йўл бошилаб,
Чопгандга аждаҳордай вишиллаб,
Қистаб борар Бўзтулпори,
Ерни босганда қорсиллаб.

Тулпор боради арқираб,
Отган ўқдайин зирқираб.
Яшин ташлаб иргиганди,
Тоғнинг тошлари тирқираб.

Бораётири йўлни бошлаб,
Заргарбекнинг кўнглин хушлаб,
Тиллақизни маҳкам ушлаб,
Боради тулпор киш-кишлаб.
Бу бекларнинг кўнглин хушлаб.

Оттан ўқдайин зариллаб,
Бораётири Тиллақизи,
Баданлари пириллаб.
Ўзин босиб тўхтатолмай,
Юраклари зириллаб.

Кўклам тоғи девга тўлиб,
Бедовнинг арғиганига,
Ҳар дараси ларзон уриб.
Гурсиллаб боради Бўзтулпор,
Қоронғиликнииг оғзида,

Күринди ёруғ дунё юзи,
Хуррам бўлди шоҳнинг қизи.
Оқдев шоҳнинг бу ёлғизи,
Заргарбекнинг жоду кўзи.
Балки оғзидаги сўзи,
Жуда яхши нозик ўзи,
Куйдиргандир Заргарбекни
Қилиғиман анинг нози.

Юрса беллари буралиб,
Заргарбекнинг ақлии олиб,
Шундай санам бир қаради.
Қоронги дунё ёруғ бўлиб.
Ёруғ дунёни кўради,

Заргарбекдан бул сўради: — Ёруғ дунёга чиқдинг, —
деди, — Хафа бўлмай ўйнаб-кулиб, ёруғ дунёни кўрайик.
Хафа бўлманг Заргарбек, Қаландарман Авазхонга етишдик.
Омон бўлсак буларман энди топишдик. Малика билан
кўришдик, бизлар шутда эсон-омон бўлсак ота-оламиз билан
топишдик, — деб қоронги ердан чиқиб, шундай ёруғ дунёга
Шозаргар қаради. Қараса Шоқаландар Малика билан бояги
ўзининг тилаб олган чашмасининг олдида турибди. Буни
кўриб димори чоғ бўлди. Лекин Авазхонни кўрмади.
Қоратулпор ҳам шу ерда — чашманинг лабида бойлогли
турибди. Буни узоқдан кўриб, худога шукур қилди.
Авазхониниг йўқлигига бир мунча хафа бўлиб келаёттир.
Лекин Авазхониниг куйиб кетган икки жўрасидан ҳам хабар
йўқ, отлари ҳам йўқ. Заргарбек ҳайрон қолиб келаётшиб эди,
бир Бўзтулпориниг қўзи Қоратулпорга тушиб, гулдираб
кишиаб юборди. Худди ер қимиirlаб, осмон ёрилгацдай бўлиб
кетди. Бунинг товушини Қоратулпор эшитиб бир кишинади.
Нимкала тўп хотинлар бўғоз бўлган бўлса, боласини ташлаб
қўядигацдай, Кўкламтоғи ларzon уриб кетди. Икки тулпор
бир-бири билан кишинаша берди.

Шунида Тиллақизнинг келаётганини Малика пари кўриб,
Тиллақизга қараб, мийиғидан кулиб, табассум қилиб: «Эй
шўрли дўстим, шумсинибгини юриб өдинг, бу куңда сен
шўрли мендан ҳам ўхшалиб, созланиб келаётганга ўхшай-

сан», — деб узоқдан күргандан бу Тиллақизнинг аҳволини Малика пари билиб, ўзига тўппа-тўғри айта олмай ичидан билиб келсин, деб йўлига қараб турди.

Ана шунда куйиб-пишиб, пишнаб, чарчаб-ҳориб Шо-заргар билан Тиллақиз ойим, Шоқаландар билан Малика айёр парининг олдига етиб келди. Буларнинг келаётганини Шоқаландар кўриб: «Менинг чўлдаги ғариб йўлдошим ке-лаётир», — деб ўрнидан туриб, шу замонда Заргарбек отдан тушиб Қаландарбек билан кўришиди. Малика ҳам ўрнидан туриб, Тиллақиз олдига келиб, тулпор отдан тушириб олди:

Жуда сиз ҳам шунғит бўлиб,
Бўзтулпорни мингашиб,
Қиладиган ишни билиб,
Қани энди билганингиз,
Заргардан қутулганингиз,
Қани бизни мазах қилиб,
Канизакка кулганингиз?
Қани сизнинг шунғит бўлиб,
Эл ичидаги қолганингиз?
Заргарбек чангтига тушиб,
Қиздан ёмон бўлганингиз.
Бизлар бунда омон келган,
Сизга таҳо қолган султон,
Мен шундайин гумон қилдим,
Бирор кеча ўйнаб-кулган.
Сизни билганидай қилган,
Олиб келган Заргар султон.

Бу гапнинг устига Авазхон етиб келди. Ана шунда Авазхон Заргарни кўриб, кўнгли тўлиб, вақти зиёда хуш бўлиб, отдан тушиб, икки подшо билан кўришиб-сўрашиб, топишиб, бир-бирини «ҳорманг-бор бўлинг» дейишганда, Шоқаландар Авазхондан: — Бирга келган мерган жўраларингиздан хабар борми? — деб мерганларни сўраб айтган сўзи:

Жаҳонши сайр этиб ўйнаб-кулдигми,
Норкесар олмосни белга чалдингми,
Сўзимни эшитгин, энди Авазжон,

Бирга келган мергандарни билдингми?
Фиротингта аччиқ қамчи чалдингми,
Ҳар тарафни сўраб назар қилдингми,
Девларнинг ҳам манзилини кўрдингми,
Мергандарнинг хабарини билдингми?
Ҳеч кимсадан сўрамайин юрдингми,
Мерган деб юрдингми тингсалиб қараб,
Ҳеч кимдан сўрамай бекор юрдингми,
Меҳнат тортиб бирга келган Авазжон,
Мергандарнинг хабарини билдингми,
Ё бўлмаса бекорига юрдингми?

Авазхон Шоқаландардан бу сўзни эшитиб, Қаландарга
қараб бир сўз деди:

Мен топмадим мергандарнинг тўрасин,
Кўп ахтардим Кўкламтоғнинг дарасин,
Энди топмай қола бердим дарапи,
Ахтариб кўрмадим мергандарнинг қорасин.
Ўлмасак бир куни Чамбил борамиз,
Ўғил-қизи йиглаб чиқса олдимга,
Билмай қолдим, қандай жавоб берармиз?
Ёқамни чок этиб йигларман фарёд,
Йиқисин, бузисин ул чархи ношод,
Хайф навжуонлар – қомати шамшод.
Кўп қарадим Кўкламтоғнинг дарасин,
Қолган йўқдир бу девлардан саломат.
Хазон бўлиб боғда гуллар сўлгандир,
Ажал этиб паймонаси тўлгандир,
Ё фафлатда девга дучор бўлгандир,
Девларнинг чангидаги улар ўлгандир.
Ҳарчандки изладим тоғнинг дарасин,
Билолмадим Асад Шодмон тўрасин,
Кўп ерларни мен ахтардим от қувиб,
Ҳеч кўрмадим Асад Шодмон қорасин.
Бова, эшит Авазхоннинг сўзини,
Ҳар тарафга термулиб шуцдай қарадим.
Тополмадим мергандарнинг изини.
Дев егаңдир мергандарнинг ўзини.

Етим-есир қилган ўғил-қизини.
Кўзидан тўккаңдир селоб ёшини.
Дев егаңдир мерғаниларнинг гўшини,
Ўлжа қип олгаңдир аспи қушини.

Шунда Авазхон: — Эй Шоқаландар, мен туповги кундан бери Фиркўк отимни миниб, Кўкламтоғнинг уч юз олтмиш дарасининг ҳамма срини қарадим. Лекин заҳар қотган сувларнинг тарафига девлардан қўрқиб бора олмадим. Девлар жуда кўп экан. Кўкламтоғнинг у ёғидан бу ёғи етмиш йиллик йўл бўлса, буни қаңдай қилиб қараб бас келиб бўлади. Мен шу вақтгача юз олтмиш дарани караб ахтардим. Ҳеч бир ному нишон топа олмадим. Ўзим кўп чарчадим, ҳам Маликани кўзим қиймай, мерғанилар ўлса ўлар, қолса қолар, ҳар нима тақдирдаги бўлар, деб қайтиб келдим ҳеч бир дараги йўқ, — деди.

Шоқаландар: — Ундаид бўлса, бу ёмон бўлибди, ўлигини ётиригини билмогимиз лозим эди, деди. Апа шундай қилиб, Шоқаландар, Авазхон, Шозаргар, Малика айёр паризод, Тиллақиз паризод, Фиркўк — булар тўп бўлиб, шу чашманинг олдида турди. Бекларнинг мерғанилар учун жуда хаёллари қочган эди. Буларни шу срда шундай ўтқизиб турайик. Эндинги гапни бу ёқдаги шоҳининг элчиларидан эшигининг.

Оқдевшоҳнинг учиб юрадиган элчилари осмонда учиб юриб, срдаги одамзодни кўриб, Малика пари билан Тиллақизни бу уч ўғлон билан ҳамроҳ кўриб, қайтиб бориб, кўргаган ишларини Оқдевшоҳга билдириб, элчи девлар бир сўз деб турибди:

Аё шоҳим, сизга дейман сўзимни,
Малика билан кўрдим қизинингни.

Маликаман ҳамроҳ икки қаландар.
Тиллақизман белов бўлган муқаррар.
Билмам қаңдай келди ундаид зўравор.
Бу ишлардан сендай шоҳим бохебар.

Ҳазил билма шоҳим айтган сўзимди,
Олиб келибди сенинг Тиллақизинги,

Файрат билан қон түкишмоқ лозимди(р),
Англаб билгин менинг айттан сўзимди.

Одамзод қадами буңда старми,
Уч одамзод иш кўрсатиб кетарми?
Одамзодман қон түкишмоқ даркор,
Ул чангалдан озод бўлсин парилар.

От ўйнатиб лашкар тортиб борайик,
Кўрмаган кунларни анга солайик,
Тўтидай бўп қафасдаги қизингни,
Юринг шоҳим ажратиб келайик.

Сабил бўлибди ўсган жойи-кирдикор,
Балки чўл бўп қопти Торкистон шаҳар,
Торкистоннинг ободи Тиллақиз,
Малика қалалар чангалига бўлибди дучор.

Бориб энди қон тўкишмогимиз даркор,
Ул қафасдан озод бўлсин парилар.
Дод айласа эшитмагин сўзини,
Термултирас паризодлар кўзини.

Чашманинг олдида ўлтирур улар,
Кўриб келдим сендай шоҳнинг қизини.
Тиллақизнинг ойдай ёруғ юзини.

Шунда Оқдев шоҳ:

Ундей бўлса отлана бер, лашкарлар,
Ҳайда лашкарингни, байроқ-түғдорлар!
Энди майдон бўлсиц, қонлар тўкишинг.
Ёв-яроғинг кийиб олгин, сардорлар!

Қорни очиқ хўрак бериб тўқлади,
Ётган лашкар милтиқларин ўқлади,
Энди кўринг Оқдевшоҳнинг лашкари,
Урушга барини чоппа-чоқлади.

От чопилар баланд тоғнинг пастига,
Девлар тушган уч одамнинг қасдига,
Жур-ха, жур, деб бораверди кўп девлар,
Саф-саф бўлди Кўкламтоғнинг устига.

Девларнинг губори оламни тутди,
Кўкламтоғ устида девлар саф тортди,
Пар-парлатиб карнай тортиб кўп девлар,
Одамзод устига урушга етди.

Шоқаландар энди қилди ғайратни,
Туриб минди асл тулпор Фиротни.
Тоғ устида саф-саф турган девларга,
Шоқаландар ҳайбатини кўрсатди.

Шозаргар ҳам энди белин бойлади,
Бу ҳам туриб Бўзтулпорни шайлади,
Файрат билан миниб отнинг белига,
Шозаргар девларга талаб айлади.

Шунда Шоқаландар:

Девлар келган неча тоғлардан оша,
Оқдев кетган ёнар ўтга туташа,
Шоқаландар, Заргар кирсин саваша,
Авазжон, ўтириб қилгин томоша.

Икки полвон шу майдонга киради,
Аждаҳордай иккови ишқиради,
Талаб қилиб адади йўқ девларга,
Бўл Аваздан оқ фотиҳа сўради.

Дуо олиб Авазхондай ўғлондан,
Худо деб иккови жангта киради.
Дуо қилди Аваз полвон аждаҳор:
— Мададкоринг бўлсин, ғойиб эронлар.

Бор энди, топширдим яратган ҳаққа,
Худо ёринг бўлсин оллоҳу акбар!

Оламни кишт узган етти қаландар,
Үн икки имом чилтан бўлсин жиловдор.

Бу девлардан асло қўрқманг, ёронлар,
Жавоб бердим, от қўйинг Шоқаландар,
Девларни аяманг, ўлдиринг Заргар,
Боринг энди уруш бўлди, туриш йўқ,
От қўйинглар, энди жавоб, оллоҳу акбар!

Тил билмасга жазо деди,
Кел нияти қазо деди,
Наъра тортиб Шоқаландар,
Алию Муртозо деди.

Сизлар девнинг эли деди,
Ўнгти билан сўли деди.
Шозаргарман, Шоқаландар,
Ё Муртозо Али деди.

Ҳақни ёд этибди дам-бадам,
Ўзинг қил деб лутфи қарам.
Шозаргарман Шоқаландар,
Севмайди мени Рустам.

Кўп девлар саф тутиб келиб ётири,
Талабгор деб қичқиради бул ботир,
Бул иккови талабгор деб қичқириб,
Терак япрогидай титрайди кофир.

Томоша қил, Шоқаландар ишини,
Кўзга илмай тоғни босгани кишини.
Томоша қинг Заргар билан қаландар,
Баб-баробар кўйди отнинг бошини.

Бути қўрган тоғнинг ақали шоплади,
Икки полвон бирдай бўп савашади.
Қириб девни икки бирдай аждахор,
Аралашиб дарёдай бўп тошади.

Қочмоққа қўймайди икки аждаҳор,
Анов қочди олдини ол дейишиди.
Энди кўринг Шоқаландар қаллобди.
Миниб олди назаркарда Фиротди.

Нечовни ушлади осмонга отди.
Зўр девларни томошага қаратди.
Кел-ҳа, кел деб Фирқўк отни ўйнатди.
Не девларнинг зардасини қайнатди.
Бир оралаб ўтиб кетса Фирқўк от.
Нечовининг калласини оп кетди.
Бир ёқдан Шозаргар жонин сотади,
Қўлига илинса силтаб отади.

Қандай девни келиб урса Шозаргар,
Қимирламай урган ерда ётади.
Ким кўндаланг бўлса икки аждарга,
Ҳаёллатмай ерман яксон этади.

Ҳар сифатли бўлиб олса икки аждар,
Буюрсимон кириб-жўйиб ўтади.
Қочганлари қутулмайди девларнинг,
Фирқўк тулпор қадалганга ётади.

Қиличин ўйнатиб икки аждаҳор,
Ким беллашса икки бўлиб ўтади.
Икки ботир тушиб олти ўртага,
Аямай девларни хўп майдади.

Савдо солди Оқдевшоҳнинг бошига,
Ҳеч дев келомайди бўлар қошига,
Ҳамма қойил бўлар қилган ишига,
Шунча дев столмай икки кишига.
Келиб солиб ҳар девнинг бошига.
Бошлирини тушириб ёнбошига.

Икки ботир от қўйди,
Қассоб бўп девни сўйди,
Гаров қилиб иккови.

Санамоқ бўп калла қўйди.
Иккови ҳам ёш ботир,
Шунча девга ажал бўп,
Шунча девга кеп етди.

Вой-войлади қўрқоқлари,
Пари деви йигиб девни,
Қоч-қоч деб бақиради.
Мана ёвдан қолиб қўйди.
Бола экан иккови.
Баб-баробар бўлиб қўйди.
Ана ёққа қаранглар.
Катта сафни олиб қўйди.
Зўринг бўлса ана у,
Қарагин ағнаб қўйди.
Туғ ушлаган зўр бўлса,
Унинг жонини олиб қўйди.

Дев булардан қолмайди.
Боймоқ деви ҳам қолмайди,
Дим чарчамас баччағар.
Сира булар толмайди.
Оқдевшоҳнинг лашкари
У ҳам баробар бўлмайди.

Ана унисига қараиг,
Девни писанд қилмайди,
Мана буниси ҳам бало-ку,
Девни кўзига илмайди.
Селдай бўлиб келади,
Паст-баландни билмайди.

Энди кўринг Оқдевини,
Зор айлайди қўймайди.
Тиллақизинг кетгани-ку.
Энди қайтиб келмайди.
Бунда баринг қирилдинг,
Ҳеч ким омон қолмайди.
Сенми девнинг ботири,
Олдин десанг бўлмайди.

Шоқалаңдар күринди,
Томошани күр, энди.
Бир худога сиғиниб,
Үзинг обрүй бер, энди.
Нодон девнинг күзига,
Биттаси минг күринди.
Заргар қилди хурущди,
Энди күринг урушди,
Шунча девга иккови,
Урча ур, деб сурищди.
Яланғочлаб олибди,
Иккови ҳам қиличди.
Бир силтаса кесади,
Адади пук күп бошди.

Қўрқиб қопти кўп девлар
Бари энди чувлашди.
Шоқалаңдар чинқириб,
Аждар бўп аралашди.
Шозаргар ҳам шердай бўп,
Гир ёқдан ҳамдамлашди.
Бундай зўрни кўрмаган,
Девларнинг ақли шошди.
Золим девнинг ўлими,
Тоғда қанордай шишди,
Аҳмоқ девлар калласи,
Баланддан юмалашди.

Ана ўлим келди деб.
Қўрқоғи турға қочди.
Икки ботир девларниг.
Энди уйқусин очди.
Шоқалаңдар, Шозаргар,
Қилди тантси савашди.
Иргинидан буларниг.
Қараган кўз қамашди.

Девлар келар қамалаб,
Урамиз деб чамалаб

Яқинлашса буларга,
Қолаётир думалаб.
Писиб юрар нечовлар,
Күрмасин, деб паналаб.
Нечовлари вой-войлаб,
Итдай бўлиб айкайлаб.
Бораётир иккови,
Жундай қилиб савалаб.

Девлар қарғаб йиглайди.
Қора ерни тўбалаб.*
Шоқаландар оралаб,
Ёмонрогин яралаб,
Бошин узиб боради,
Полвонини саралаб,
Зўрман деган не девлар
Қочиб юрар мўралаб.

Неча девлар ўлдик деб,
Тоғнинг тошин паналаб,
Кириб қотиб боради,
Жапак ердан паналаб.
Заргар маст бўп боради,
Ким йўлиқса қиради.
Иккови ҳам чин ботир,
Бир-биридан саради.

Ҳеч ким бўлмас баробар,
Шердай бўлиб боради.
Ким йўлиқса қўлига,
Ерга тоблаб уради.
Қайси девни ушласа,
Ўлдим деб қичқиради.
Нечовлари эмаклаб,
Сойга қочиб боради.
Қочмаса ҳам қўймайди,
Бу ҳам етиб уради.

* тенкилаб

Құлида бор қиличи,
Қайтиб* қочмай туради.
Таёқ-маёқ бўлмаса,
Қилич билан уради.
Калласини юлиб об,
Чопиб кетиб боради.
Бул Аваздай баҳодир,
Кўп қизиқни кўради.
«Кўрдингми?», деб Авазга,
Булаш шовқин беради.

Ана шунда Авазжон, Малика айёр, Тиллақиз – учови чашманинг лабида ўтирар эди, оддида Қоратулпор бойлоглик эди, устига Шозаргар билан Шоқаландар чиқиб келди. Чашмадан сувлаб, чечиниб, шамоллаб ўтири.

Шоқаландар Шозаргарга қараб айтди: – Сен билан менинг икковимизга яна тағин бир хизмат бор, уни сен билмайсан, мен сенга билдирайин. Асад, Шодмон ва сизларни шу чашманинг лабида қўйиб, Боймоқ девнинг манзилига бориб эдим. Шунда Боймоқ девнинг қўлида шаҳри Зебит элининг подшо-бачасини кўриб эдим. Унинг билан сўрашиб, танишиб, шуни Боймоқ, Маликани қўлимизга олсак, шу девнинг қўлидан ажратиб оламан, – деб эдим. Шу Зебит шаҳрининг шаҳзодасини ажратиб олиб кетмогимиз даркор. Ўн саккиз минг лак лашкар билан келган экан. Ҳамма одамларини ўлдириб ёлғиз шаҳзоданинг ўзи қолган экан. Бунда гарibu Гўристон бўлиб кетмасин. У вақтда айтган эдим: «Девлардан сўраб, Маликага борадиган йўлни кўрсатдирсанг, сени ота-энангга омон-эсон олиб бориб қўяман», – деб ваъда қилган эдим. Ваъдамиз ёлғон бўлмасин, энди бориб шуни ажратиб олиб келайик.

Бу қаландарлар бу маслаҳатда эди. Боймоқ девнинг манзилининг олдини кўп лашкарлар олган эди. Ўлгани ўлган, қолгани қолган эди. Боймоқ девнинг лашкарлари Оқдевшоҳнинг лашкарлари, Қосимшоҳнинг лашкарлари – ҳаммасидан жам бўлиб шу ерда ётган эди. Лекин осмонда учиб юрадиган

* қандай қилиб

айёр жодутар сөхргар девлар буларнинг мажлисида йўқ. Улар ҳам «пима гап бўлар экан», деб узоқдан буларга қараб ўтириб эди. Бу девлар — ҳаммалари шу алфозда турди. Ана энди қаландарлардан эшитинг. Қаландарлар шундай урущ асбобла-рини, кескир хангарларини олиб Авазжонга айтди: — Эй болам, бизлар яна бир ерга борамиз, шунда боргандада уруш бўлиб қолса ҳам ажаб эмас. Сенинг бизлар билан ишининг бўлмасин. Сен энди Малика айёрга, Тиллақизга, Қоратул-порга эҳтиёт бўл. Бу девлар сенга бирор кулфат бермасин. Булар индамаган билан, осмонда учиб юрадиган айёр жодугарлардан эҳтиёт бўл! Тағин яна бу девларнинг бирори сенга душмаганик қилиб, кўлингдан Маликани, ё Тиллақизни, ё Қоратулпорни олиб қочиб кетмасин. Ухлаб ётиб қолма, уйқу яхши иш бўлмайди. Бу турган Малика Қоратулпор сенини. Сен буларга эҳтиёт бўл! — деб уруш яроғини ғамлаб, кескир қиличини кўлига, Шозаргар Бўзтулпорни миниб девларга қараб «кел-ҳа, кел», деб бора берди. Шунда девлар қаландар шоҳ Шозаргарнинг қслаёттанини кўриб, уруш асбобини созлаб, саф-саф бўлиб яқинлаб, қараб тура берди. Шоқаландар: «Фиркўк от урушта ўтади, бошқа отлар қайтади», деб отланиб, яқинлаб бора берди. Буларни девлар кўриб, Оқдевашоҳ ғазаб-ланиб қаландарларга гапиради:

Қаландарлар, кел-ҳа, деди,
Келиб уруш кўр-ҳа, деди.
Кир майдонга, жур-ҳа, деди.
Кел майдонга қаландарлар,
Урушими кўр-ҳа, деди.
Қазониг етса ўл-ҳа, деди.
Икки бесклар урушамиз,
Қоблик девлар кел-ҳа, деди.
Уруш қилсанг қол-ҳа, деди.
Ажал етса ўл-ҳа, деди,
Қизлар билан уруш боцлаб,
Кўрмагани кўр-ҳа, деди.

Борди девларнинг устига,
Иккови ҳам бирдай бўлиб,
Оғзидан кўпик оқиб,

Маст бўлган шердай бўлиб,
Девларга қараб боради,
Чанқаб етган нордай бўлиб,
Оқдевшоҳ дарғазаб бўлиб.

Шу замон тулпор миниб,
Чув деб тулпорга қамчи уриб,
Қаландар қошига яқинлаб етди.
— Ҳолинг билмай бу майдонга келибсан!
Ночор кўп лашкарни нобуд қилибсан,
Ажал ҳайдаб менга дучор бўлибсан!
Оқдевшоҳ ҳайбати оламни тутди,
Зўр дев эди, ўтдай туташиб кетди,
Қаландарга бадбаҳт қўлин узатди.
Қаландар узалиб белидан тутди.
Бошдан айлантириб осмонга отди,
Ҳавода кўринмай ул дев кетди.
Юзуман бўлиб йиқилди,
Жони оғзига тикилди.
Ўлиб пора-пора бўлди,
Юраги садпора бўлди.

Оқдев шоҳнинг ўлганини кўриб у лашкар,
Қаландардан жон қутулмас ёронлар,
Бундай бало билмам қайдан келади?
Бунга дучор бўлган жонзод ўлади.

Остида ўйнатган араби тулпор,
Лак-лак душман бўлолмайди баробар.
Ҳеч ким билмас бу қаландар ишини,
Душман бўлса кесар анинг бошини.

Рустамдай бўп иш кўрсатиб кўради.
Ким рўпара бўлса тайин ўлади.
Кимнинг ажали етса шунда боради,
Устимизга келган шундай қаландар.

Ул жўраси ҳам шунинг билан баробар,
Хоҳи тургин, хоҳи қочгин эй девлар.

Бошида бор экан жига давлати,
Урушли кун Рустамча бор гайрати.

Биз билмаймиз қай шаҳарнинг бекзоди,
От ўйнатиб Кўклам тоғда турибди.
Шу қаландар ҳаётимизга келибди,
Яқинлаб етишар турган қаландар.

Агар наъра тортса у зўравор,
Юраги ёрилиб ўлар кўп девлар.
Лак-лак бўлса бўйлмайди баробар,
Ҳар ким дучор бўлса муқаррар.

Буни айтиб йиглади барча девлар,
Бизга қолди Торкистон шаҳар.
Қаландардан жон қутулмас ёронлар,
Қараб турар нарироқда Шоқаландар.

Бу сўзларни девлар шундай айтади,
Бир нечаси орқасига қайтади.
Бу сўзни эшишиб шунда қаландар,
Халиуллоҳ дейди, оллоҳу акбар.

Иккови от қўйди девга баробар,
Майдонда кимлар ўлади, ким қолар?
Бу сўзни айтар Шоқаландар,
Менга ҳамроҳ Шоҳизаргар.

Чопараста қилич солиб,
Қаландарлар киришга толиб,
Мурда деган каш-каш бўлиб,
Ўликка сойлари тўлиб.
Урушмоқда беклар толиб.

Кўзидан тўқади ёшди,
Девлар билан кўп савашди,
Чопараста қисиб бошди,
Бир неча бор қўрқоқ девлар,
Панараб ҳар ёққа қочди.

Ботирлари гуруллашди,
Құрқоқларин ақли шошди.
Заргар билан Шоқаландар.
Девлар билан күп саващди.

Пұлат билан қирди девни,
Кескир ханжарини урди,
Яланғочлаб қилич солди.
Бедовларга қамчи чолиб,
Күп девларнинг ақдін олиб,
Чопараста қилич солиб,
Кўкламтоғда ўлик деган,
Жийилиб қолди девдай бўлиб.

Зўр деган девлар йиқилиб қолди,
Икки бути тоғдай бўлиб.
От чопади алвон-алвон,
Бандам дессин қодир мавлон.
Қирғин қилди Қаландархон,
Зарбин кўриб йиглашади.

Бу девлардан келган қушман,
Тоғ аскарин чалсинг туман,
Бу девларга бермай омон,
Мисли қилди охир замон.
Қаландарнинг файратидан,
Ўлиб кетди қанча душман.

Қаландар зарбини кўриб,
Бекорига ўлди девлар,
Қаландарман тараф бўлиб.
Остида ўйнайди тулпор,
Худо деди Шоҳизаргар.
Үнга ҳамроҳ Шоқаландар,
Раббим дейди қилич сермар,
Қилич сермаса қаландар,
Ҳар тарафдә думалаб қолди,
Саф-саф турган иечә девлар.

Хон қаландар саваш қилиб,
Хар тарафга хабар қилиб,
Хар шаҳардан лашкар келиб,
Қирган билан озаймайди,
Девларга келиб қўшилиб.

Шундай қирғин бўлди қизик,
Девларнинг орқаси ёзиқ.
Қаландарлар қилар ишни,
Девларга қиласди босик.

Шундай катта уруш бўлди.
Майдонда яхши туриш бўлди.
Девлар билан қаландарлар,
Ажаб қирғин сўриш бўлди.

Қаландарлар жондан кечиб,
Кўп девларни қираётir,
Нечасига кафан бичиб,
Бир нечаси йиглаб қочиб,
Қаландарлар туриш қилди.
Қиличидан қонни сочиб.

Бу сўзни айтар қаландар:
Бизлар бир юртнинг жўмарди.
Кирмаганилар номард бўлсин.
Учраса ёри қобил,
Майдонли кўп пўлат довул,
Тўймаганилар номард бўлсин.

Бу девларнинг ўлигини,
Ўймаганилар номард бўлсин.
Олмосидан қирмиз қонни,
Қўймаганилар номард бўлсин.

Бу сўзларни айтар ўғлон,
Даста-даста бўлиб душман.
От қўйиб душман устига,
Қарамай баланд-пастига,

Қон түқилиб шу замонда,
Күкламтогининг устига.
Келгап девларнинг қасдига,
Қилич келиб алаб-ялаб.
Истар кўнгил қилас талаб,
Олтин коса гулгун шароб,
Ичилиб майдон устинда.

Аспи қуши не бедовлар
Қутуди майдон ичинда.
Қанча девлар ўлжа бўлиб,
Хон Қаландар қирғин солиб,
Бош кесар майдон ичинда.

Кўздан оқар кўзнииг ёши,
Кесилар душманинг боши,
Шулдир Қаландарнинг иши,
Бош кесар майдон ичинда.

Ўиги-сўлни олиб туман,
Кўп девларга охир замон.
Қўй девларни тўплаб олди,
Тўш-тўшидан қилич солди.

Файрат қиласди қаландар,
Қочма деди Шоҳизаргар.
Фиркўк отта қамчи чотиб,
Қочганнинг устига етиб,
Бошни кесар ўмгаилатиб,
Бедовлар мурдани босиб.

Гапиролмай қўрқоқ девлар,
Пана ерда юрар писиб.
Гап келмас девнинг тилига,
Душман бўлган зўрнинг қўлига.
Етолмади маизилига.
Иш кўрсатди Шоқаландар,
Фарид ўлди неча девлар,
Бўлолмади қаландарга баробар.

Қалаңдарни күргән вақтда,
Чувлаб йиғлаб қолған девлар.
Қарамай баланд-пастига,
Шул сифатда қирғин қилиб,
Борди Боймоқ Дев устига.

Боймоқ дев ҳам қаландарни күргандир,
Нече марта урушида бўлгандир.
Қолган экан бунда қайсар қалаңдар,
Жон қутулмас қоча бергин шўр девлар.
Илгари кўрганман бунинг ишини,
Баланд ерда туриб кўрдим савашини,
Шунда кесди ўп лак девининг бошини.
Қилди шунда Алиниг савашини,
Шупда кўрдим баҳодирлар ишини.

Дучор бўлсанг омон топмайсан девлар,
Ўз бошинг кутқариб қоча бергии укағар.
Бу сўзларни айтиб Боймоқ дев,
Етмиш минг лашкари билан жўнади.
Бизлар эдик Қосимшоҳга хизматкор,
Гузар солиб бунда келибди қаландар,
Бунда турсанг тайин ўласан девлар.

Боймоқ дев кетди-ку бошини олиб,
Етмиш минг девни ҳамроҳ қилиб,
Кетди булар ўз бошини кутқариб.
Қаландар шундайин ғайратни қилиб,
Қистаб қимтиб Қосимшоҳга еткариб,
Қосимшоҳ лашкари турар жам бўлиб.

Тортинмай от қўйди шердайин капсар,
Иккови ҳам кўринг мисоли аждар,
Зарбидан титрайди шунда бу девлар.
Девларнинг ақли шошиб,
Юрап йўлидан адашиб,
Йиғиди бирдай лоловлашиб,
Девларнинг бошини кесиб,
Борди-ку устига босиб,

Душманлар ўлиги сасиб.
Заргарбек юриб саващди,
Кўп девларнинг ақли шошди.
Каллалар калтардай учди,
Қўлга олганди қиличди.
Чапараста кесиб бошди,
Бир тарафдан Шоқаландар,
Бир тарафдан Шоҳизаргар,
Девлар билан қўй саващди.
Сўлатди гавдадан қошди,
Бу девларнинг ақли тошди,
Ўликка кўз қамащди,
Ҳам юраги аланглащди,
Девларга қилди саващди,
Ўйиб ташлади-ку қошди.
Бунда девлар кўп йиғлащди
Бир нечасин ақли шошди,
Бир нечаси писиб қочди.
Беҳад девлар бунда ўлиб,
Кўкламтоғда саваш бўлиб,
Ҳар дара мурдага тўлиб,
Қон оқар селдай бўлиб,
Девлар қочар жундай бўлиб.
Берди девларнинг жазосин,
Урушда топмай азасин,
Кўрди қаландар иззасин,
Сайлаб санчади тозасин,
Қочиб кетган Боймоқ девнинг,
Бузди қўргон андоzasин.
Шоқаландар излаб қарап,
Илгари қўрган шаҳзодасин.
Девлар бошин олсам деди,
Охирзамон қилсан деди,
Бунда турган кўп девларнинг,
Мурдасини ўйсан деди.
Олмосимдан қирмиз қонни,
Майдонли кўп қўйсан деди.
Дев қўлингдаги баччани,
Кўриб топиб олсан деди.

Манглайимга келган девни,
Қилич билан урсам деди,
Жазосини берсам деди.
Биронтасин омон қўймай,
Қора кунни солсам деди.
Душман бўлган бу девларни,
Мурдасин хирмон қилсан деди.
Бу сўзни айтиб Шоқаландар,
Қирғин қилиб Шоҳизаргар
Остида ўйнайди тулпор,
Заргарбекнинг зарбин кўриб,
Изиллаб ийглайди девлар.
Чопараста кесиб бошди,
Заргарбек қилди савашди,
Ўйиб ташлади-ку лошди,
Бир неча дев танҳо чиқиб,
Заргарбекман бул савашди.
Ажаллиси кўп ёнашди,
Ажал ани ботир қилиб,
Заргарбекка кўп ёнашди.
Заргарбекдан зарба кўриб,
Ажал шаробин ичди.
Бўзтулпорга қамчи уриб,
Кўп девларни тўплаб олиб,
Ҳар тутика қилич солиб,
Мурда деган қийраб қолиб,
У девларнинг ақлин олиб,
Файрат қилиб Шоҳизаргар,
Бу девларга қирон солиб.
Ўлик-ўликка айқашиб,
У девларнинг ақли шошиб,
Қайсар Заргар қилич солса,
Йиқилар девлар шақирлашиб.
Нега бутда келдик дейишиб,
Зўрга дучор бўлдик дейишиб,
Йиғлаётир шўрли девлар,
Фариб бўлиб ўлдик дейишиб.
Ҳеч ким келиб ҳолим сўрмай,
Бундан кутулмаймиз ўлмай.

Ажал ҳайдаб биз келибмиз,
Бунинг билан баробар бўлмай.
Девларни чивинча кўрмай,
Бекор аҳмоқ бўлиб келдик,
Бизлар ҳолимизни билмай.
Ушбу кунда улар бўлдик,
Улман* қизимизни кўрмай,
Бу Заргарлар бало бўлди,
Кетмайди бизга қирғин солмай.
Бул қўймайди энди бизни,
Битта-яримтани қўймай,
Қутимаймиз биз булардан,
Буларнинг қўлида ўлмай.
Қаландар билан Фироти,
Заргар билан тулпор оти,
Бу тулпорлар жонни сотди,
Кўп девлари ўлиб кетди.
Қаландарлар кесиб бошди,
Бир хил девлар кўп йиглашди,
Девларнинг ақли шоҳди,
Қаландарлар кўп савашди,
Булар қирди соңсиз бошди.
Девларга бермай омони,
Солгандир охир замонни,
Душманга қора тумани.
Майдонли кун Шоқаландар,
Иргитди Фиркўк отни,
Чопади Заргар тулпор отни.
Ахтарар шаҳзодани.
Ўзи нозик озодани,
Бир навжувион бекзодани.
Шоқаландар ахтаради,
Тополмайин хонзодани.
Юриб-слиб қира берди,
Суриб-кириб кела берди,
Қилич силтаб Шоқаландар,

* ўғил билан

У девларга сола берди.
Қириб-жүйиб күп девларни,
Жаҳаннамга сола берди.
Билганидай қила берди,
Уст-устига қира берди,
Куни тўлган ўла берди.
Катта-катта ёмон девни,
Қамсаб бошин ола берди.
Фиротига қамчи чотди,
Қамчи урганда девга етди,
Малика деб жонни сотди,
Кўп девларни Шоқаландар,
Қўйдай қилиб изиллатди.
Қаландар қилди файратди,
Қўлга тушган катта девни,
Силтаб ҳавога отди.
Бор умри урушда юрган.
Урушнинг тилини билган,
Дев ўлдирмоқ алифбосин,
Ҳазрати Хизир таълим берган.
Малика деб излаб келиб,
Бунда девга дучор бўлган.
Маликани қўлга олган,
Ёмон девлар ўлиб қолган.
Қаландар ишини кўрган,
Кўп девларнинг бошин олган,
Девларга қиёмат қилган.
Ҳамроҳ бўлганди Шозаргар,
Уруш қилган Шоқаландар,
Минган оти жўмардларнинг,
Бу дунёда тенгсиз тулпор.
Буларнинг зарбини кўриб,
Тоқат қилолмайди девлар.
Кўринг эди, Шоқаландар,
Бўлмайди девлар баробар,
Байдоқ-байдоқ қочар лашкар,
Оддин олиб Шоҳизаргар,
Бу ёқдан қамаб қаландар,
Хеч бир ерга қочолмайди.

Саросима бўлди девлар.
Ўртага олиб шердай қайсар,
Саф-саф қилиб қириб ташлар,
Шундай бўлиб ўлди девлар,
Кўп девлар бўлди ярадор.
Қаландарга бўлиб ночор.
Тоғ аскарин чалиб туман,
Ўртага олиб бермай омон,
Ботирлар одати ёмон.
Қилиб қўйди охир замон.
Шундай бўлди девлар аҳволи,
Турай деса йўқдир ҳоли.
Кўринг энди Фиркўк отни,
Фарқинидан кўпик сочиб.
Устидаги хон қаландар,
Уруш қилди жондан кечиб.
Урушда девлар бораётир,
Бир хили панадан қочиб.
Кўринг энди қаландарни,
Қиличидан қонни сочиб.
Шундай беклар уруш қилди,
Еттанин найзаман санчиб.
Қаландарлар қилди саваши,
Беадад кесди-ку тоғда бошди.
Ўйиб ташлаганди мурда бошди,
Ҳарба қилиб неча девлар етишли,
Девлариниг бошига қора кун тушди.
Қилич билан бу девларни уради,
Ўлчагандай икки бўлак бўлади.
Бу ишларни қилиб Шоҳиқаландар,
Қирғин қилиб бирга бўлар Шозаргар.
Ирғитар майдонда аспи қушини,
Душманларга кўрсатади ишини.
Заргарбек кесганди девнинг бошини,
Сўлатиб ташлаган девлар бошини.
Наъра тортиб от қўяди қаландар,
Зарбидан титрашиб бу замон девлар.
Илоҳим кўрсии Қосимшоҳ қизи,
Бу балога келиб бўлдик-ку дучор.

Хеч ким бўлмайди экан бунга баробар,
Қаландардан ўлиб кетди кўп девлар.
Ҳолип билмай келиб бўлдик-ку дучор,
Сен жонингдан умид узгин, эй девлар,
Сира омон қўймас бизни қаландар,
Шовқин қилиб йиглай берди кўп девлар.

Бўлибди бу йил замон-а,
Тоғлар кўринмас туман-а,
Ҳар даралар тўлиб қонга,
Қани кўрса бу жонон-а.
Бу сўзларни айтиб Шоқаландар,
Изиллашиб йиглар девлар,
Шердай бўлиб Шоҳизаргар.
Ҳар замонда келмади деб,
Аваз билан ул парилар —
Йўлга қарар бек Авазхон.
Заргарбекка кўнгил берган,
Ҳар замонда йўлга қарар,
Тилмакиздайин зулфақдор.
Маҳтал бўлган шунда у ҳам,
Лақаби унинг Малика айёр.
Қаландарлар бўлгай омон,
Парилар қошида туриб.
Ҳар замон йўлга қарар Авазхон,
Тоғларнинг бошини чалганда туман,
Девларга қилди Шоқаландар охир замон.
Сира бермайди девларга омон...
Қочиб улар қайга борар,
Қутила олмай бари ўлар.
Заргар туриб олдин олар,
Қочгани эртароқ ўлар,
Қаландарман Шоҳизаргар,
Жуда ҳам ўртага олар,
Девларга ёмон кун бўлар.
Бир хили шовқин қилар,
Ажаллиси шунда ўлар.
Ярадори ўлмай шунда,
Ўлдим деб зориллаб турар.

Қаландарлар уруш бошлаб,
Бу майдонда құнғил хушлаб,
Киличларни яланғочлаб,
Ярадор девлар ёнбошлаб,
Мурдасин устига ташлаб.
Үлкін үлкіннен айқашиб,
Күп девларнинг ақли шошиб,
Юрар йұлдан адашиб,
Мурдаларга гажир тушиб.
Қаландарлар тұлыб-тошиб,
Девлар билан күп савашиб.
Бу беклар қылди ғайратди,
Бедовига қамчи чотди,
Ур келса умғанлатди,
Арпа келса ирғитди,
Ярадори сувлаб ётди,
Үлкілари сасиб кетди,
Қирмиз қонлар оқиб кетди.
Энди бунда үлдик дейишиб,
Қочсак омон бұлдик дейишиб,
Қосимшох, ҳам қолган девлар,
Қоча бошлар лоловлашиб.
Бедовларга қамчи урди
Девлар қочиб йұлға кирди.
Қанча аслаха-аңжомлар,
Үлжа бўлиб бунда қолди.
Қолган үлжага қарамай,
Қаландарлар ғайрат қылди.
Еттанни қиличлаб урди,
Қилич теккан вақтда девлар,
Айиқдай бўлиб айқирди,
Булар отға қамчи чалди,
Еттаниннен бошин олди.
Боши кеггай шўрли девлар,
Танаси юмалаб қолди.
Бир-бирига қарамайди,
Ход-аҳвол сўрамайди,
Қочиб борағир девлар,
Яралиси ярамайди.

Қолдим деса, қарамайды,
Ярадорни сўрамайды,
Ўлдим деган билан девлар,
Келиб ҳолин сўрамайды.
Ҳар қайсиси ўз йўлига,
Қарамайди ўнг–сўлига.
Кишинаб чопиб бораётир,
Етолмайди манзилига.
Узоқдадир девнинг жойи,
Қочиб борар Торкистон шойи,
Қувиб борар Заргар шойи.
Шудир қаландарлар иши,
Йўлда қолар девнинг боши,
Сувлаб ётириб бу йўлларда,
Ярадор девларнинг боши.
Ҳақсиз экап бу девлар,
Қирган билан адо бўлмайди,
Қўйла тушиб бораётир,
Кўп девлари ўлиб қолди.
Девларга бермади омон,
Буларгадир охир замон.
Бораётир кўзин ёшлаб,
Ярадорлар отдан ташлаб,
Қолайик деб энди йиглашар.
Ўлдик деб ерларни муштлаб.
Қаландарлар кўнглин хушлаб,
Девларни тўплаб йўл бошлаб.
Бу девларнинг ақлин олиб,
Яқинласа найза солиб.
Найза теккан шўрли девлар,
Ул замон ярадор бўлиб.
Кўринг Заргарбек ишини,
Қайси девга яқинласа,
Кессар қилич билан бошини.
У девларни тўплаб олди,
Галалаб олдига солди,
Қочқинчи девларнинг олди,
Қоронғилик ерга борди.
Ўлдиради Қосимшоҳни,

Маликалинг ҳурматидан,
У Қосимшоҳ омон қолди.
Қутулса қутулсин, деди,
Кувмайик қутулсин, деди.
Борса-бурсин Қосимшоҳ,
Малика ҳурмати, деди.
Маликанинг ҳурматидан,
Бунда омон қолсин, деди.
Бошқа девлар ўлсин, деди,
Жазосини кўрсинг, деди.
Ҳар на бўлса, бўлсин, деди.
Малика ўпкалаб юрмасин, деди,
Қосимшоҳ қутулсин, деди,
Ўзга девлар ўлсин, деди,
Жазосини кўрсинг, деди.
Қаландарлар зарбини кўриб,
Қочгани Торкистон бориб,
Қаландарларнинг кўзидан,
Қочган девлар ғойиб бўлиб.
Эшитинг бекнинг ишини,
Сўлатиб девлар бошини,
Девлар пана бўп қотган сўнг,
Кейин бурди отнинг бошини.
Кўрсатиб девга ишини,
Ҳеч ким билмай бул дарада,
Девларнинг ётган бошини.
Фиротига қамчи уриб,
Шоҳизаргар ҳамроҳ бўлиб,
Ҳар дара мурдага тўлиб.
Не ярадор девлар ётириб,
Айиқдай бўп чинқириб.
Қаландарни яна кўриб,
Ўлдик деб ярадор девлар,
Калласини ерга солиб.
Айрилиққа бағрин доғлаб,
Боймоқ Дев маконин йўқлаб,
Борсам деб девнинг шаҳрига.
Йўлиқсам зўраворига,
Шўри қисган дев йўлиқар.

Шулдайин қаландарига.
Қарамай баланд-пастига,
Юриб душманинг қасдига,
Фиркүк отини ўйнатиб,
Чиққаңди тоғнинг устига.
Ҳар тарафга назар солиб,
Боймоқ дев манзилин кўриб,
Яна Фиркүк отни миниб,
Шозаргарни ҳамроҳ қилиб,
Қаландарлар бораёттир.
Кўкламтоғнинг дараси,
Қараса мурдага тўлиб.
Излаб энди шаҳзодасин,
Кўриб қўргон-қалъасин,
Боймоқ дев жойига етиб,
Очиб кирди дарвозасин,
Ахтаради шаҳзодасин,
Девларнинг берар жазосин.

Ана шунда Шоқаландар билан Заргар иккови чопиб олиб, файрат қилиб, Кўкламтоғнинг устига — бир катта чўққига чиқди. Қараса, Боймоқ девнинг макони — қўргони кўриниб турибди. Шоқаландар Шозаргар билан яна отига миниб, файрат қилиб, йўлга тушиб бораётган эди, бу тоғнинг у ёғи ҳам ўликка тўлиб қолган экан. Урушнинг кўп бўлганидаи девлар билан уруш қилгани, қайси дарада чопиб юргани Шоқаландарнинг эсидан чиқиб кетган экан. Бўлмаса девларни қувишиб шу дараларга ҳам келиб, девларни ўдириб, бир хилини ярадор қилиб, тағин орқасига қайтиб, кўп қирғинни қилиб кетган экан. Шунда Шоқаландар Шозаргар билан иккови чопиб-елиб, бедов отларини қистаб, йўлга кириб, Боймоқ девнинг қўргонига етди.

Шоқаландар билан Шозаргар қўргонга кириб, у ёққа бу ёққа қаради. Бу ерда девлардан ҳеч бир нишон-дарак топмади. Шунда икки қаландар Боймоқ девнинг манзилини, аркон-давлатни, кўшку айвоиларини, ҳамма қулфли жойларини ахтариб кўриди. Ҳеч бир нишон кўрмади. Ҳайрон бўлиб қолди. «Бу ёмон дев қайси ерда экан. Осмонга чиқиб кеттаними, ё мени келади деб, ернинг остига кириб кеттаними», — деб жуда

хаёли қочиб, қайси ерни ахтариб топарин билмай туриб эди.
Шоқаландаңдар бу маконни билади. Шозаргар бу маконнинг ким-
ники эканини билмайди. Шунда бундай яхши маконни, таб-
ладаги тулпор отларни, хазиналарни, кўшку айвонларни –
жамъи аслаҳаларни кўриб, бу қандай девнинг макони экан, –
деб Шоқаландаңдардан Шозаргар сўраб бир сўз деди:

Худо қози пайғамбарлар нойиби,
Йигитга панд берар отнинг майиби.
Бу манзилни юриб хоним қарадик,
Ким бўлади бу манзилнинг соҳиби?

Кумушданdir қарчиғайнинг жигаси,
Олтинданdir кийимининг ёқаси.
Сўзимга қулоқ сол юртнииг тўраси,
Ким бўлади бу манзилнинг эгаси?

Давлатимдан шоли-шолдам ўрайман,
Кеча кўрган тушим қундуз жўрайман,
Гул тарзим сарғайиб сенга қарайман,
Бу манзил эгасин сендан сўрайман.

Арзимни эшитгин Чин-мочин шойи,
Мўминни бандам деди, қодир худойи,
Ё девмиди, ё парими сўрайман,
Бу манзиллар қандай одамнинг жойи?

Хазон бўлмай боғда гуллар сўлмаса,
Оллоҳ менинг ақлу ҳущим олмаса,
Юришинг билмайди мендай Шозаргар,
Ахтариб бу манзилни қарайсан,
Париларми, девларми, нима ишинг бор?

Фам билан сарғайди гулдайин дийдор,
Бу ишлардан мендай жўранг бехабар,
Агар билсанг хабар бергин қаландар,
Юришинг баёнин билсии, Шозаргар.

Ўз юрtingда даврон сурган тўрасан.

Душман кўрсанг қора кунни соласан,
Девни кўрсанг қамсаб бошин оласан,
Одамзодсиз манзилда нима қиласан,
Бу ерда сен кимни излаб юрасан?

Яна баҳор бўлса очилар гуллар,
Гулни кўрса маст бўп сайрап булбуллар,
Одамсиз манзилда сенга нима бор?
Бундайин саргардон бўлманг қаландар.

Чашманинг бўйида қолди парилар,
Хабар топиб қолмасин-да зўр девлар,
Ҳоли танг бўлмасин Аваздай шунқор,
Бу юришинг қандай бўлди, Қаландар?

Уларнинг ҳолидан бизлар бехабар,
Оҳ уриб тўкарман кўздан ёшимни.
Турибман худоға солиб ишимни,
Девлар олиб кетмасин гул бувишингни.

Қоронги қилмасин ёзман қишингни,
Билмадим мен сенинг бу юришингни.
Кўп ҳалак бўлиб кимни излаб юрасан?
Мен биламан жуда сарсон бўласан.
Хабар бергин кимни қараб юрасан?..

Билмайман жуда ҳам ақлингни олиб,
Туганмас савдоға бошингни солиб,
Сен юрибсан энди кимни ахтариб?

Ана шунида Қаландаршоҳ: — Сенинг ишинг бўлмасин.
Ҳали нима биласан, мен нимани ахтариб юрганимни кўра-
сан, — деб Шозаргарга қараб бир сўз деди:

Излаб топсам ундан кейин биласан,
Сўрамагин ҳозир нима қиласан,
Бекор сўраб ўзинг ҳалак қиласан,
Излаганин топсам аниқ биласан.
Юришимни сен кўнглингга оласан,

Нега ҳалак бўлдинг деб изза берасан.
Сўраганинг билдим энди, Шозаргар,
Сенам бизни жуда аҳмоқ биласан.
Бу сўзларни айтди Шоҳиқаландар,
Сўзига уялиб қолди Шозаргар.

Ана шунда Шозаргар Қаландардан бу сўзни эшитиб, Шоқаландардан уялиб қолди. Уялиб қаландарга гапирмасдан :«Айтса-айтмаса, менинг кўнглим қизик бўлди. Юрса-ку ўзим билиб қолар эдим», — деб турди. — Энди отдан тушайик, бу кўшкларнинг ҳамма ерини ахтарайик, — деб отдан тушиб, Боймоқ девнинг маконидаги ҳамма кўшку айвонларни, неча хилдаги ичкима-ички жойларни, хазинахоналарни ахтариб кўрди, ҳеч нарсадан хабар топмади, жонзоддан кўрмади. Табладаги тулпор отларни кўрди. Бари эгасиз турибди, девдан нишон йўқ. Шосупа устига чиқиб, у ёқ бу ёққа қаради. Шозаргар ҳам орқасидан эргашиб юрибди. Шундай қараса, олдидан бир ерда бир зинапоя кўринади. Ул зинапояга борса эшиги бор. У эшикни очиб ичкари борди. Қараса, бу зинанинг таги жуда катта бир жой экан. Буни Боймоқ дев ўзи учун солдириб қўйган эди. У ёғини, бу ёғини қаради. Қараса, шу манзилда Маликани ахтариб келгап подшобачча юрибди. Подшобачча қаландарларни кўриб, отасини кўргандай бўлиб, югуриб қолиб, қаландарларнинг оёғига бошини қўйиб, юраги ёрилгудай бўлиб, додлаб йифлаб: — Менинг отам сиз экансиз, қавму қариндошимсиз, — деб ҳар нимани бир нима деб қолди.

Боймоқ дев «Бу бола одамзоддан бўлади, мабодо бирор ерда мендан айрилиб-ажкравиб қолиб, Шоқаландарларнинг қўлига тушса, бўлган ҳодисаларни қаландарларга айтар, бизларнинг ишимиздан воқиф бўлиб, бизларга бир катта қиёматни солар, бу бесоқол боламиздан айрилиб қолармиз», — деб бу ер остидаги маконга яшириб қўйган эди. Бу девларнинг яшириб қўйиб кетганини Қаландарга шаҳзода айтган эди. Шозаргар бу ёш боланинг бундай бўлиб девларнинг қўлида асириликда юрганини кўриб: — Шаҳзода, на шаҳардан бўласан, ўзинг одамзодсан, девнинг йўлида нимага бундай қамалиб турасан? — деб ёш боладан сўради. Шунда Шоқаландар Шозаргарга: — Далага чиқайик,— деди.

Учови бирга-бирга пастки томдан чиқиб, қўрғоннинг шо-
супасига бориб, яхши либос тўшаклардан чиқариб солди.
Унинг устига бу икки қаландар чиқиб ўтирди. Шаҳзода бола
девларнинг ҳамма нарсаларини билар эди. Бу икки подшо-
га овқат, дастурхон, ҳар хил таомлардан олиб келиб берди.
Булар овқатлардан еб, қорни тўйиб, кавшаниб олди, сувдан
ичди. Қаландарларнинг кўнгли тинди. Лекин Шозаргар: «Бу
қандай иш бўлди, булар иккови бундан илгари бир-биро-
вини кўрганмикан, билганмикан, ё бўлмаса бу бола ўзи-
мизнинг шу юртлардан келганмикан? Қандай бўлса ҳам бу
яхши бола экан. Бундай бола подшоликка муносиб бола
екан. Бунда нима қилиб юрган экан», — деб кўнглига ҳар
нимада гаплар келиб, юртини, элини сўраб, бир сўз деди:

Баҳорда очилган боғнинг гулисан,
Сен ҳам бир дилбарнинг жони-дилисан,
Қай шаҳарда, қандай одам ўғлисан?
Хабар бер, мард ўғлон, қайдан бўласан?

Қийғир деган қуш ўлтирас қиёда,
Хуснинг кўрган шоҳлар юраси пиёда,
Тарзингни кўрибман аброр, афтода,
Хабар бергин, болам, қайдан бўласан?

Жамолинг менгзайман осмонда Ойга,
Қошингпи менгзадим эгилган ёйга,
Тарзингни менгзайман бўз қарчиғайга,
Ўзингни менгзайман минг қўйли бойга,
Хабар бергин, болам, қайдан бўласан?

Бино бўлдинг қайси гавҳар донадан,
Қандай ўғлон бино бўлмас энадан,
Парвоз қилдинг қайси манзилхонадан?
Хабар бергин, болам, қайдан бўласан?

Бандага кўп яратганинг фармони,
Сени туққанларнинг борми армони?
Тарзингга қарайман бир юртнинг хони,
Хабар бергин, болам, қайдан бўласан?

Менга хабар бергин мамлакатингни,
Нима дейди сенинг исми зотингни,
Хабар бергин, униб-ўсган юртингни,
Хабар бергин, болам, қайдан бўласан?

Хуснинг бордир оқ кундан зиёда,
Абгор бўлиб етолмайсан муродга,
Не кўриб кечирдинг фоний дунёда,
Тарзингта қарайман пою пиёда,
Хабар бергин, болам, қайдан бўласан?

Менга айтгин, униб-ўсган юртингни,
Баён айла ўсган мамлакатингни,
Менга айтгин ўзингнинг ота-энангни,
Хабар бергин, болам, қайдан бўласан?

Душманларга келиб дучор бўлибсан,
Девларнинг элинда ғариб бўлибсан,
Нима учун энди бунда юрибсан,
Хабар бергин, болам, қайдан бўласан?

Шозаргарнинг бу сўзини Шоқаландар эшитиб, ўзи ин-
дамасдан, ҳеч нима демай, телпаги кайкайиб, дамлаган та-
надай дам бўлиб ўтирибди. Шозаргар бетоқат бўлиб, шаҳ-
зодадан бу сўзларни сўраганида, у бачча ҳам Шозаргарга
қараб бир сўз деб турибди:

Отам Каводшоҳdir, отим Маҳмуджон,
Бир ёр истаб бова, бўлдим саргардон,
Ёр ахтариб жудо бўлдим юртимдан,
Ҳасратман айрилиб мамлакатимдан.

Неча шаҳар эрди ҳукми фармоним,
Шу фурбатга солди бир гўзал золим,
Шоҳ эдим, гадо бўлиб қисматим,
Кунма-кун зиёда бўлди ҳасратим.

Неча беклар билан даврон сурганман,
Дебил туйиб қўлга қушим солганман,

Ховдак қўлда бир парини кўрганман,
Шу парини ахтариб бунда қолгаиман.

Ўз элимда шоҳлик ғамин еб эдим,
Ўн саккиз минг лашкар билан кеб эдим,
Армон билан лашкаримдан айрилиб,
Армон билан дев қўлинда кеб эдим.

Раҳм қилмас, қўздан оққан ёшима,
Хафа фалак оғу қўшди оshima,
Қўшилолмай қавму қариндошима,
Фариб бўлиб дев қўлинда турибман.

Девларнинг қўлида ғариб муғойиб —
Энам, синглим йиглар сочини ёйиб,
Тожу тахтим, мулким бўлган бесойиб,
Абгор бўлиб, бу ерларда қолдим ман.

Девлар косагули бўлиб юрадим,
Кўтариб парвоз қилса ҳавога —
Дунё борин — мамлакатни кўрадим.
Бу манзил эгасин Боймоқ дев дейди,
Кўкламтоғда Боймоқ девни шоҳ дейди.

Етмиш минг кўкқашқа жиловдори бор,
Бунинг қанча девдан кўп лашкари бор,
Мен билмайман қайга кетди зўравор,
Девнинг қанча занги лашкарлари бор.

Бадбахт девни мен ҳам синааб кўрганман,
Ҳеч бир киши бўлолмаган баробар.
Шу девнинг қўлида мен ҳам хору зор,
Ўн тўрт йилдан бери мен ҳам хизматкор.

Ногаҳонда келар эдим муқаррар,
Девнинг тиззасида эдим мен абгор,
Шунда кўрдим ғариб бўлиб қаландар,
Шу вақтида топишганмиз муқаррар.
Ваъдасига келган жоним қаландар,

Аҳду вафо этган менга зўравор,
Ёқамни чок этиб айладим фарёд,
Бузилсин, йиқисин у чархи ношод.

Ҳар кун бўлар эрди ваҳми қиёмат,
Алҳамдиллоҳ кўрдим сизни саломат,
Бундай кунда эгам бўлиб меҳрибон,
Кеттандай бошимдан қайгули туман.
Соф-саломат сизни кўрдим, боважон,
Юрагимдан кетди менинг юз армон.

Ана шунда шаҳзода билан Шозаргар бу сўзларни айтиб, бир-бирига меҳри-муҳаббати ортиб, яхши кўриб: — Энди ундаи бўлса, болам хафа бўлма, худонинг берадигани бордир, тақдир табдил бўлмайди, — деб ўтган ишларни гаплашиб, кулиб, ўлмасак иншоolloҳ ўз юртингга бориб қоласан, ғам ема, деб сўрашиб ўтиридилар.

Шунда Шоқаландар буларнинг бу сўзини эшитиб айтди: — Эй болам, сени мингаштириб юриб бўлмас. Мен кўрдим, пастки таблада девларнинг от-анжоми, кескир пўлат ханжарлари турган экан, шулардан бировини сайлаб, яхши тулпордан миниб ол.

Унда ёш бачча айтди: — Ундаи бўлса бориб қўрайик, менинг ўз юртимдан миниб келган отим ҳам бор эди.

Шоқаландар, Шозаргар, шаҳзода — учовлари бирга-бирга девнинг табласига бордилар. Таблани очиб кўрсалар, оғларнинг ичида ўз мамлакатидан миниб келган ўзининг оти турибди. Тулпор отини кўрди. Бу от шундай тулпор от эди: етти пушти тулпор ўтган, ўн пирнинг карами кеттан. Тулпор ҳам қадимги эгасини кўриб, парвоз қилиб, сағриси тошиб, ёли қулоғидан ошиб, учадиган қущдай, қулоқлари қамишдай, ҳар кўзлари тарқашдай бўлиб, юлдузни кўзлаб, тараққос бойлаб, кишинаб ўйнай берди. Шунда подшобачча тулпорининг олдига бориб, сағрисини сийпаб, бўйини қашлаб, жиловидан ушилаб, кўз-бурунларини суртиб, тамоми бадаиъларини артиб: — Жонивор тулпор отим, сен ҳам мендай бўлиб турибсанми, деб кўнгли бузилиб, юрак-бағри эзилиб, тулпор отини кўриб, ўсган юрти шону шавкати эсига тусиб, аҳволи кўп вайрон бўлиб кетди. Бу шаҳзоданинг тулпори ҳам одамзоддай бўлиб,

кўзини ёшартиб, шаҳзодага бўйниң солиб, мунғайиб турди. Шаҳзода оти учун кўнгли бузилиб йифламоқчи бўлиб: «Эй мен бундай раҳбарларни топиб, ишимнинг мушкули очилган вақтда димоғим чоғ бўлмай, хафа бўлмоғим мардларнинг ишига ўхшамайди», — деб тасалли бериб, тулпор отининг асли ўзи миниб келгацдаги эгар-апжомларини девнинг хазинахонасидан олиб чиқиб, эгарлаб-созлаб, ҳамма асбобларини маҳкам тортиб, тилладан бўлгани асбобларидан устига ёпиб, бўйнига тилла умилдириқларни осиб, аңжом-асбобларини бир-бирига муносиб қилиб, яхши тилла ўтқизган юганларни бошига ўраб, созлаб, қангариб, ташқарига табладан олиб чиқиб, девнинг кўшкисининг олдидаги мармар тошдан бўлган якка михта бойлаб кўйди. Боймоқ девнинг хазинасига кириб, ўзининг кескир исфахон қиличини топиб олди. Шундай қараса, Боймоқ девнинг хазинахонасида бир олмос ханжар турибди, жуда ўхшатган, ёмон кунда керак бўлар деган, йигиб қўйган ханжари — уни ҳам олиб, ўзининг белига маҳкам борлаб олди. Кескир исфахонни олиб бориб отининг эгарига осиб кўйди. Ўзининг шоҳдик, сипоҳилик асбобларини ўзига бойлади. Бир хилини кийиб олди. «Энди маслаҳат Шоқалаңдарда, мин деса минамиз, тур деса турамиз, ҳар нима буюрса қиласмиз», — деб турибди. Шунда қаландар Шаҳзодага: — Энди девларнинг яхши-яхши керакли асбобларидан, нарсаларидан олинглар. Йўлдаги чашма олдидаги жўраларимиз билан овқатланишиб жўлпаймиз, — деди. Шаҳзода кескир ханжарлардан, йўлда керак бўладиган асбоблардан олиб, учовлари отланиб, келган йўлларига қараб жўнаб қолдилар. У ердан чиқиб, йўл юриб кета бердилар, бирмунча йўл юриб, чашманинг олдига яқинлаб етдилар. Шаҳзода шундай қараса, Ҳовдак кўлида кўрган паризодни чашманинг олдида кўрди. Кўрган ҳамон отидан ағдарилиб йиқилди. Буни кўрган Шозаргар: «Бу жинними, ё қуёнчиқми, ё бирорнинг кўзи тегдими, нимага бундай бўлди», деб турди. Сўнг бир замон туриб эди, шаҳзода «ух» деб бошини кўтариб турди. Шаҳзода: «Мен бу ерга келиб, Маликани кўриб юрганимдан девлар қўлида ўлиб кеттаним яхши эди», — деб, шундай бўлса ҳам, Шоқалаңдар билан Шозаргарга билдиримаган киши бўлиб турди. Шоқалаңдар индамади. Шозаргар шаҳзодага қараб, ҳолини сўраб, нимага бундай бўлдинг, деб бир сўз деди:

Тарзинг күрдим бир мамлакат шунқори,
Ё тегдими деву жиннинг асари.
Фарид бўлиб, болам, қаддинг букилди,
Кўзда ёшинг қатра-қатра тўкилди.
Ҳолинг кетиб сендай шунқор йиқилди,
Билмайман, жон болам, ҳолинг не бўлди?

Хазон бўлиб боғда гуллар сўлдими,
Ақлинг кетиб сенинг ҳушиңг олдими,
Ё деву жин сенга асар қилдими?
Ул сабабдан ҳолинг забун бўлдими?

Тарзинг кўриб менинг кўнглим бузилди,
Дийдагирён бўлиб бағрим эзилди,
Нима учун беҳуш бўлиб йиқилдинг,
Сен йиқилдинг, менинг кўнглим бузилди.

Ота-энанг юришингдан бехабар,
Элу халқинг сендай боққа интизор.
Сен йиқилдинг заргар бўлди дарҳайрон,
Кўнгил қалъасини айладинг вайрон.
Сиру ҳолинг баён айла ёш ўғлон,
Бошингта тущдими қоронғи туман,
Не сабабдан ғарид бўлиб йиқилдинг?

Одам бўлиб ўз элингдан қолгансан,
Бир ўн тўрт йил дев кўлинда тургансан,
У девлардан кўп жафони кўргансан,
Ўз ҳолингга қилиб жабру зулмни,
Ҳеч кимга айттолмай сиру ҳолингни.

Элу халқингни эсингга олдингми?
Ул сабабдан болам кўнглинг бўлдингми?
Девлар жодусидан асар кўрдингми,
Ё бўлмаса бирор нарса кўрдингми?

Бу сўзни эшитиб шаҳзода Заргарга билдирамаган киши
бўлиб: — Эй мен элу халқим, қавму қариндошим, отам-
энам эсимга тушиб, кўнглим беҳузур бўлиб, отдан йиқил-

дим, — деди. Кўнгли сузилиб, Шозаргарга қараб икки оғиз сўз айтиб турибди:

Излаганим пари менинг,
Кўрганим тушмидир недир?
Қурибсан эгри камони
Кетмас бошимнинг тумани,
Парисан рўёдир гумони
Туманлик қишиими, недир?

Бизнинг билан боқقا киринг,
Тақдир этса даврон суринг,
Борми пари домангиринг,
Ё бошинг бўшиими, недир?

Маҳмудшоҳ деб бийри борим,
Қолмайин сабру қарорим,
Қўлдан кетди ихтиёrim,
Менга йўқдир ғамгузорим,
Кўрганим тушмидир, недир?

Бу сўзни айтиб, мазаси қочиб, хаёли учиб, ақли паришон бўлиб: «Бу қандай кўрганим — тушимми, ўнгимми», — деб кўзи бўзариб, нашъаси учиб, кўзини ёшлаб, ўзини ерга ташлаб: «Эй яраттан худойим, мени доғи ҳижронга ташладинг», — деб яна юзтубан бўлиб, бошини ерга солиб қолди. Бу ишлардан Шозаргарнииг хабари йўқ, лекин Шоқаландар бу боладан унинг Маликага хушторлигини эшигтан эди. Шоқаландар бу боланинг аҳволини омон билиб:

— Эй болам, сен бундай бўлма! Ўлмасам сепи ҳам бу мамлакатдан қуруқ жўнатмасман, сен ёш боласан, сендан илгари одамлар бундай ишларни кўп кўрган. Сен бундай бўлсанг ўзингни ўзинг бекорга овора қиласан, — деб неча насиҳат айтди:

Мен айтурман бир бошидан,
Қонлар оқиб тирногидан.
Белимда заррини путага,
Тилим кетмагай хатога:

Бовамиз Одам отага,
Аларга жон дөғи тушди.
Гуноҳларим эрур анбух,
Кечиргайму ани субух,
Жафолар кўрди ҳазрати,
Нуҳ Анга тўфон дөғи тушди.
Зўрлик билан урса босиб,
Барчаси айлади таассуф.
Ёқуб ўғли ҳазрати Юсуф,
Анга зиндан дөғи тушди.

Кийган туни ҳарир-халил,
Ўғлин қурбон қилди Халил,
Исмоилга жон дөғи тушди.

Ҳақнинг дўстидир Муҳаммад,
Маҳшарда айлар шафоат,
Анга уммат дөғи тушди.

Дилим бирён, кўзим гирён,
Абубакиру Аҳмад Усмон,
Аларга дин дөғи тушди.

Борибсиз девнинг элига,
Қолибсиз золим қўлига,
Расулга қомад Алига,
Анга фазо дөғи тушди.

Қатор-қатор юрган қорлар,
Қор устига юклар зарлар,
Олмакўз югрук бедовлар,
Анга йўлнинг дөғи тушди.

Қулоқ соглини айгон сўзга,
Бедов чопсаниг қулоқ тузга,
Подшобачча иккимизга,
Билгин, ёрнинг дөғи тушди.

Шоқаландар айтди: — Эй шаҳзода, сен бундай олиқ-толиқ бўлма. Сендан илгариги одамларга ҳам қанча доғ тушган. Мен сенга айтдим, сени бу мамлакатдан қуруқ-тоқ бошингни жўнатмайман. Сенга ҳам яраша бирор парилардан тақдир қилгани бордир. Сен бу Маликага хуштор бўлиб келгап бўлсанг, мен ҳам шу Маликага хуштор бўлиб, ўзим оламан деб келган эдим. Менга тақдир қилмади. Мен кўнгандада сен кўнмайсанми? — деди.

Шоқаландардаи шаҳзода бу сўзни эшишиб, пичигина уялиб, қизариб қолди. Бошқалар тушунмагандай бўлиб турди. Шунда Шоқаландар айтди:

— Эндики гап шу: бу ердан кетмоқ лозим. Йўл йироқ, йўл олмогимиз яхши. «Кетар кишига йўл яхши», дейди. Турингизлар, отларингизнинг эгар-анжомларини созлангизлар.

Шунда Шозаргар Бўзтулпорини созлаб, эгарлаб, анжомларини солиб, тайёрлапиб олди. Шозаргар билан Тиллақиз мингашиди. Қоратулпорни эгарлаб, созлаб, ҳамма анжомларини тайёрлаб, Авазжон билан Малика мингашиди. Шоқаландар Фиркўқ отни миниб олди. Шаҳзода ўзининг тулпор отини миниб олди. Шоқаландар бош бўлиб, Кўкламтоғдан отланиб, йўлга тушиб жўнай берди. Юришда Шозаргар билан Авазхонни илгарига солиб, Шоқаландар билан шаҳзода орқасидан юрди.

Шоқаландар: — Ҳай аттанг, Асад мерган билан, Шодмон мергандан айрилдик. — деб кўп афсус қилиб йўлга тушиб кета бсрди. Булар шу кетганиларича йўлларида кета берсинилар, эндики сўзни Боймоқ девдан эшигининг.

Боймоқ дев аввалги урушиниг қўрқинчлигидан қўрқиб, Шоқаландарнинг урушига тоқат қилолмай, бир ёқса қочиб кетган эди. Девларига: «Журинглар, бориб Шоқаландарнинг урушини кўриб келайик, уруши қаңдай бўлар экан, билиб келайлик», деб қочиб кетган ёғидан учиб, Кўкламтоғига келиб қараса, Кўкламтоғининг у ёғи, бу ёғи ҳамма дараси ўликка тўлиб кетибди. Кўкламтоғида жон ўлмай қолмабди. Боймоқ дев хизматкорларига айтди:

— Қалацдарлар ҳаммасини ўлдирибди, ўлмаган дев бизлардан бошқа қолмади. Магар қолгап бўлса, бизнинг маконимиз омон қолган. Энди бориб тахт-бахтимизни кўрайик.

Бесоқол боламизнинг ҳоли қандай бўлди, — деб ўзининг манзил-маконига борди. Маконни кўрди. Қараса манзилинг эшиги очик, анқайиб турибди. Боймоқ дев буни кўриб, хаёли қочиб, ҳуши калласидан учиб, «Бизнинг бу маконга ҳам қаландарнинг қадами еттан экан, бола омон бўлса шуда», деб осмондан қуолиб манзилига тушди. Ҳамма горнинг эшиги очик, хазинахоналар ҳам очик, ичидаги яхши олмослар йўқ. Чопиб бориб отхона, таблахонани кўрса, шаҳзоданинг оти ҳам йўқ. Юраги ёрилиб, пастки манзилнинг олдига борди. Кўрса, унинг ҳам эшиги очик, «оҳ», деб ичкари кирди. Қараса шаҳзода бола ҳам йўқ. Ранги учиб, туси қочиб, хаёли ҳар тарафда бўлиб: «Бу қаландар менинг ҳам манзилимга келган экан, менинг ишимни қилган экан. Бунинг орқасидан бориб, бир қутилишиб қолмасам бўлмайди. Ҳар қанча юрса отиб оламиз, қаландар билан ҳар нима бўлсак бўламиз», деб етмиш минг кўк қашқа девларга қараб:

— Журинг, ҳаммамиз борайик, қаландарни ўлдиргани, ё бўлмаса бизлар ҳам қаландарнинг қўлида ўлайик! — деб қанча гапларни айтиб шердил қилиб: «Бу қандай золимлик. Отимизни олса, боламизни олса, хазинамизни олса — бизни талабди-ку. Бу қандай золимлик. Бундан ўлиб қолганимиз яхши эмасми? Шунга ўжшаб Шоқаландар бизни кўзга илмабди. Бизларнинг йўқлик вақтимизда бундай ёмон ишларни қилибди», — деб девларнинг ҳаммасини чорлади, созлади. Ўзи бош бўлиб, маконидан учиб, «Кўкламтоғ қайдасан? Қайдা бўлсанг ҳам устингдан қаландарларни жўнатиб юборма», — деб кела берди. Учиб юргувчи кўкқашқа девлари учиб, ерда юрадиган пиёда заиги — қора девлари пастда яёв юриб, қистаб кетаётир. Боймоқ дев ўзига қарашли хизматкор айёр жодугарлари билан учиб, Кўкламтоғга келиб шундай қараса, Шоқаландарлар Кўкламтоғдан пастга тушган, Қизилқумда бораётир. От-ажамли бўлиб, тулпорларни миниб, Маҳмудхон ҳам булар билан бирга бораётир. Шоқаландарлар ҳам Боймоқ девнинг осмонда учиб келаётганини кўриб, Шозаргарга қараб бир сўз деди:

Кейнимиздан етиб қолди кўп девлар,
Душманинг чангига бўлма гирифтор!
Танҳо бориб уруш қилар Қаландар,

Сен булардан хабардор бўл, Шозаргар,
Фалакда учади жодугар девлар.

Ўнгламайсан, бу девлардир ҳийлагар,
Бу ишлардан Аваз ўғлон бехабар.
Қўлингдан кетмасин олган парилар,
Албатта хабардор бўлгин, хабардор!

Армон билан билмаганинг билдирма,
Дўст йирлатиб, душманингни кулдирма!
Албатта хабардор бўлгин, Шозаргар,
Дев жангиди бу ўғлонни ўлдирма.

Қир юзида уруш қиласар қаландар,
Фалакдан чанг солар жодугар девлар.
Агар дев чангига бўлса гирифтор,
Бу ўғлонни бадбаҳт девлар ўлдирад.

Албатта Шозаргар бўлгин, хабардор.
Кейиннига мингашган зулфақдор дилбар,
Бунинг ҳам пайида юрган қўп девлар,
Ҳийлагар девлардан бўлгин хабардор.

Яҳшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
Бу дилбарни сен қўлингдан бермагин,
Ваҳм босиб, фафлат ичида қолмагин,
Девларнинг чангига дучор бўлмагин.

Эгам раҳм айласин қонли ёшингга,
Айёр девлар жилва берар қошингга,
Қўл узатмасин гул бувишингга.
Қойил бўлсин бадбаҳт девлар ишингга,
Албатта хабардор бўлгин Шозаргар,
Қўлга тушса Аваз ўғлон ўлади,
Албатта хабардор бўлгин, Шозаргар!

Қўп яшагин, қўп йилгача ўлмагин,
Васлингни ҳар тарафга бўлмагин,
Албатта хабардор бўлгин, Шозаргар!

Бу ишлардан Аваз ўғлон бехабар,
Кейинига мингашган Малика дилбар,
Бунинг ҳам пайида неча девлар бор,
Албатта хабардор бўлгин, Шозаргар!

Бадбаҳт девлар қора кунни солмасин,
Faфлат топиб сенга зарап қилмасин,
Девларнинг чангида Аваз қолмасин,
Армон билан Аваз болам ўлмасин,
Албатта хабардор бўлгин, Шозаргар!

Девлар келар вақтии топиб ёнашиб,
Албатта буларнинг ақли ҳам шошиб,
Шу вақтда сен тургин дарёдай тошиб,
Шундай қиб сен бўлгин булардан хабардор,
Танҳо бориб уруш қиласар қаландар,
Албатта сен булардан бўлгин хабардор.

Қандай бўлса девлар қилмасин зарар,
Сенга тайин қиласар Шоқалаңдар,
Ўзингта бохабар бўлгин Шозаргар,
Қўлга тушсанг ўлдиради бу девлар.

Биттангни тирик қўймас муқаррар,
Кўп ҳийлагар ёмон девдир кўп айёр,
Албатта хабардор бўлгин Шозаргар,
Тайин қилди сенга Шоҳиқаландар.

Шозаргарга Авазжонни қўшиб, шаҳзодани орқасидан
ҳамроҳ қилиб: – Энди сизлар Қизилқумнинг ичига қараб
жўнаб кета беринглар, – деб, кўп гапларни айтиб, жўнатиб
юборди. Шозаргар билан маликалар, Авазхон шаҳзода
Қизилқумга тушиб жўнай берди. Шоқаландарнинг ўзи
Фиротнинг бошини буриб, Боймок девнинг ўзига, лашкари-
га қараб, тайёrlаниб, чорланиб турди. Девларнинг лашкари
байдок-байдок бўлиб қаландарга қараб кела берди. Шоқа-
ланандарнинг буларга қараб турганини девнинг лашкари кўриб,
босиб келолмай тўхтаб қолди. Шоқаландар уларга қараб
сўзлаб турибди:

Тоғ аскарин чалиб туман,
Сенга бермай энди омон,
Сенга солай охир замон,
Излаб кебсан, деви нодон,
Бошинг кесар Қаландархон!

Иргитай аспи қушини,
Илгарида күрмабмидинг,
Қаландарнинг савашини?

Кўкламтоғда билмадингми?
Ётган девларнинг бошини?
Талаб қилсанг, туш майдонга,
Кўргин Қаландар ишини.

Аҳмоқ бўлиб девлар келар,
Қизилқумда мурданг қолар,
Шоқаландар саваш қилар,
Қизилқумни тўзон олар,
Сендан неча девлар ўлар,
Балки охир замон бўлар.
Бекор ҳалок бўлгин девлар,
Қаландарни кўргин девлар,
Ажал етиб ўлгин девлар.

Уруш қилсанг келгин девлар,
Нима бўлсанг бўлгин девлар.
Мени бунча қантармайин,
Урушимни кўргин девлар!

Хон Қаландар уруш қилди,
Девларга қараб юриш қилди,
Фиротига қамчи уриб,
Жилов тортиб юриш қилди.
Майлинг бўлса кел-ҳа, деди,
Қараб бунда турасанми,
Менинг билан бўл-ҳа, деди.

Боймоқ дев лашкарин кўрди,
Файрат қилиб Шоқаландар,

Фиротига қамчи урди.
Девга қараб отин бурди.

Қарамай баланд-пастига,
Дүшман девларнинг устига,
Шоқаландар қистай берди.
Кўкқашқа девнинг қасдига,
Кескир ханжари дастида.

Биринг кўрқсанг, тўплаб келгин,
Тўпинг кўрқсанг саф бўп келгин,
Мен бир ёлиз — Шоқаландар,
Турмай унда, ҳамманг келинглар.

Келмас бўлсанг мен борарман,
Сарингни бошдан оларман,
Ўзларингни мен ўлдириб,
Охир замон мен қиларман.

Қарамай баланд-пастига,
Бадбаҳт девларнинг қасдига,
Қаҳр билан Шоқаландар,
Олди ханжарни дастига.
Урди девларнинг бошига,
Қойил Қаландар ишига.

Етмиш минг Кўкқашқа девдан,
Баробар чиқмас бу кишига.
Тўплаб-тўплаб келаётир,
Девни қириб бораётир,
Ажаллисин қувиб бориб,
Шириллатиб ураётир.

Уруш қиљди Шоқаландар
Чидамайди сатта девлар,
Калтасини сайлаб олиб,
Бошин кесар Шоқалаңдар.

Бигирлатиб тацлаётир,
Яхши уруш бошләётир.

Улутроғин сайлаб олиб,
Ажабдайин ишлаётир.
Девлар қилас охувойди,
Қаландар девга қарайди.

Түплаб-түплаб Шоқаландар,
Бу девларга ғофил бўлма деб,
Менга Боймоқ девни кўрсатгин,
Менинг ўзимга кўп уят.
Уялмасанг қелгин девлар,
Менинг қўлимда ўлинглар,
Ҳар на бўлсанг ёмон девлар.
Ажал шаробин ичинглар.

Дарёдай бўлиб қонлар оқди,
Ёмон девлар ўлиб қолди.
Қаландаршоҳ ғайрат билан,
Туп-тутика бориб қолди.
Ажаллиси ураётир,
Фиротини сураётир,
Қистаб бадбаҳт девни ушлаб,
Ханжар билан солаётир.

Ажаллиси ағдарилиб,
Итдай бўлиб ўлаётир.
Жуда қизиқ бўлди бозор,
Ушлаб олиб Шоқаландар.

Бир хил девнинг бўйнин узар,
Фиркўқдайин бул жонивор,
Фазот қилиб бўйнин чўзар.
Фирот билан Шоқаландар,
Девга қараб қўлин ёзар.

Уруш бўлди чапараста,
Девлар турар даста-даста,
Қўймай девни ўлдирсан деб,
Хон Қаландар кўнгли хаста.

Фиркўк от оғзини очди,
Тиззасидан қон қочди,
Банг-банглаб юрган катта девлар,
Ажал шарбатини ичди.
Кувиб-қистаб мард Қаландар,
Қўймай катта зўр девларни,
Кора ерга кафан бичди.

Бадбахт девлар ўлдик, дейди,
Тоза гулдек сўлдик, дейди.
Боймоқ девнинг зулми билан,
Бул урушга келдик, дейди.
Қаландарлар бу урушда беҳад юрди,
Кўп девларни улар қирди.
Кўп девларнинг ақли шошиб,
Юрап йўлидан адашиб,
Қаландар зарбини кўрган,
Қизилқўмда қон тўкилган.
Ҳар на бори қолган девлар,
Қочиб энди йўлга кирган.

Бунда турсак ўлармиз деб,
Бунда нобуд бўлармиз деб,
Энди қочсак қутулармиз деб.
Қоча берди қолган девлар.
Орқасига қарамайин
Кетаберди қочиб девлар.

Шоқаландар девларнинг қочганини кўрди.
Боймоқ девни урушиб етгаида бир кўрган эди, қистаб
уруш қилди. Боймоқ девни кўрмади: «Бу Боймоқ Дев уруш-
да йўқ, тагин Шозаргар билан Авазхоннинг олдига бориб,
уларга ҳамла қилиб ётган бўлмасин. Бу ерда урушаман деб,
Аваз билан Шозаргар, маликалардан айрилиб қолмайин»,
деб отнинг бошини бурди, девларга қарамай кела берди.
Бир хили қочиб кетди, бир хилини катта девлар қайтарди.
Шунда девларнинг лашкар бошлиқлари қаландарнинг
бурилиб келаётганини кўриб: — Қирилгур девлар қаёқча
борасизлар? Қаландар айтди: — Сизлар қочманглар, орқа-

сидан борамиз, — деди. Бир хили қайтиб, саф-саф бўлиб, Шоқаландарнинг орқасидан кела берди. Шунда девларнинг лашкарбошилари Боймоқ дев борми-йўқми деб, у ёқقا бу ёқса қаради. Боймоқ кўринмади. «Боймоқ дев подшомиз йўқ экан. Энди бу лашкарни Боймоқ келганча жўнатмайин. Жўнатсам Боймоқ дев қаҳр қилас», — деб қолган девларни тўплаб, қаландарнинг орқасидан қорама-қора олиб бора берди. Шунда Шоқаландар орқасига қайтиб йўлга тушиб, Заргар билан Авазхоннинг эсон-омонилигини тилаб. Фиротни қистаб бора берди. Қизилқумнинг йўлига тушиб бориб қараса, Шозаргар билан Авазхон Қизилкумда жуда чанқаб, сувсаб ҳолатдан кетибди. Олдидан бир меш сув чиқибди.

Авазжон билан Шозаргар мешнинг оғзини очиб ичмоқчи бўлиб туриб эди, Шоқаландар буларнинг бу ишидан ха-барсиз бўлиб: — У мешдан ичманглар! Ўласизлар, — деб бақириб-бақириб бора берди. Авазхон, Шозаргар, шаҳзода — учови Шоқаландарнинг товушини эшитиб анг-танг бўлиб, бу нима гап бўлди деб қараб қолдилар. Шоқаландар буларга қарамай, сўйламай, кўлидаги сўтасини Сулаймон пай-ғамбар нафаси деб мешга урди.

Меш ёрилиб қизил яшил бўлиб, ўтдай ёниб, бир туп яшин бўлиб, осмонга чиқиб кетди. Буни Шозаргар билан Авазжон шаҳзодалар кўриб, ҳайрон қолдилар. Шунда булар: — Шоқаландар айтмаганда, бизлар бу мешдан сув деб ичсак, ҳаммамиз куйиб-ёниб ўлар эканмиз, — деб Шоқаландарга буларнинг меҳр-муҳаббати бурунгидан ҳам зиёда бўлди. Шоқаландар: — Юра беринглар, — деди. Булар йўл юриб кета бердилар. Боймоқ девнинг пиёда лашкари ҳали ҳам буларга қорама-қора эргашиб кела берди. Боймоқ девнинг айёр жодугарлари буларнинг бошида ҳавода учиб, Шоқаландарга қараб гапириниб юрибди:

Давлатимдан адрас-кимхоб кийдим-да,
Ҳақдан келган ишга бўйин қўйдим-да
Эй воҳ, Шоқаландар сенданг куйдим-да.

Айролиқ ўтига бағримни доғлааб,
Қайга борсанг бизни юрдинг сўроғлааб,

Сенинг зарбингдан мен ҳам қон йиғлаб,
Оллоҳ Шоқаландар сендан куйдим-да.

Илгаридан кўриб эдим ишингни,
Девлар билан қилган ул савашингни,
Эрамбоғда юрган ул хуришингни,
Парилар билан қилган ўтиришингни,
Эй воҳ, Шоқаландар сендан куйдим-да.

Дод айласа эшитмадинг сўзини,
Сарғайтдинг шоҳнинг гулдай юзини,
Кўп девларга зўрлигингни ўтказиб,
Олиб қайтдинг Қосимшоҳнинг қизини.
Малика айёр пари дейди ўзини,
Эй воҳ, Шоқаландар сендан куйдим-да.

Кўкка отиб Оқдевшоҳнинг ўзини,
Армон билан ўйдинг унинг кўзини,
Олибсизлар шоҳнинг Тиллақизини.
Миндирибсан шундай сарвинозини.
Ўлдирибсан кўп девларнинг ўзини,
Эй воҳ, Шоқаландар сендан куйдим-да.

Кўп девларни Кўкламтоғда ўлдириб,
Ҳар дарасин сен ўликка тўлдириб,
Қизилгулдай рангларини сўлдириб,
Эй воҳ, Шоқаландар сендан куйдим-да.

Шоҳнинг зулмидан девлар келгандир,
Излаб келиб сенга дучор бўлгандир.
Фам билан сарғайди гулдайин дийдор,
Сиз билан бўлолмайди баробар,
Кўп лашкарга танҳо теккан қаландар,
Излаб келиб ўлиб кетди кўп девлар.
Ўғил-қизи бўлиб қолди иштизор,
Эй воҳ, Шоқаландар сендан куйдим-да.

Қанча девни бунида нобуд қилибсан,
Гузар солиб манзилима борибсан,

Косагули бир боламни олибсан,
Баччагар менинг ҳам корим қилибсан,
Эй воҳ, Шоқаландар сендан куйдим-да.

Яна баҳор бўлса очилар гуллар,
Гулни кўрса сахар сайрап булбуллар,
Армон билан жувон баччам олибсан,
Эй воҳ, Шоқаландар сендан куйдим-да.

Сен эшиггин менинг айтган ноламни,
Сен ўзингга ҳамроҳ қилдинг боламни,
Вайрон қилдинг менинг кулбахонамни,
Эй воҳ, Шоқаландар сендан куйдим-да.

Қандай бўлса Шоқаландар куйдирдинг,
Бу боламни олиб қабофим ўйдирдинг.
Эй воҳ, Шоқаландар сендан куйдим-да.

Боймоқ дев ҳавода учиб, бир сўзларни айтиб юрибди.
Шоқаландар «Сен галирдингми, гапирмадингми» демасдан,
кулоқ солмай, келсанг кўраман-да деб, Боймоқ девга
ҳеч нарса демасдан кета берди.

Ана энди Қизилқумнинг ичидаги Қалайи қўргон аввалги ёлғиз чинорнинг олдига стиб, сарҳовузнинг олдига келиб қўнди. Ҳаммалари отдан тушиб, ечиниб, ҳовузнинг бўйидаги шосупанинг устига чиқиб ўтиреди, сувларидан иди, димогларини чоғлади. Бу ер, бу чинор, сарҳовуз ҳам Маликанинг бир қўноқ жойи эди. Малика бир срга борар бўлса, шу чинорнинг олдидағи шоҳсупада ўтириб, овқатланиб, дамини олиб кетар эди. Бу ерга тўртлови маликалар билан келиб ўтиреди. Овқат еди. Боймоқ дев ҳавода учиб юрибди. Гоҳ осмонда учади, гоҳ орқадаги лашкарларининг олдига бориб хабар олиб келади. Шундай қилиб булар: «Ҳар нима бўлса борайик, бирон срда буларни бирор иш қиласмиш. Қўймаиглар, хабардор бўлипглар», — деб лашкарларига қараб тайишлаб, Боймоқ дев ўзи тағин келади. Шоқаландар билан маликаларни пойлаб юради.

Ана шунда Шоқаландар, Шозаргар, Авазжон, шаҳзода Маҳмуд — тўртлови шосупада ўтириб қолди. Малика билан

Тиллақиз ўрнидан туриб ажойиб, яхши ерларни томоша қилиб чинорнинг остига бориб қаради. Чинорга қараса, чинор шохлаб кетган, остида ҳар хил гуллар очилиб ёттан, тўти, майна, қумри, булбуллар уя қўйиб, бола очиб сайраб ётган. Шунда Малика паризод бу чинорнинг шаънига икки оғиз сўз айтиб турибди:

Йўл устидан манзил соглайн,
Ҳамма сени сўраб келган.
Балли чинор, балли чинор.

Тўти, майна, сайраб ётган,
Булбуллар болалаб ётган,
Овозанг Чамбилга кетган,
Балли чинор, балли чинор.

Узоқ юртда қолди жоним,
Бехабардир қиблиагоҳим,
Сенсан менинг сайлгоҳим,
Энди Чамбил бўлар жойим,
Балли чинор, балла чинор.

Устимдаги яшил-кўқдир,
Нечов изимда интиқдир,
Мендай ойим Чамбил кетди,
Яна қайтиб кўрмак йўқдир,
Балли чинор, балли чинор.

Неча марта бунда келдим,
Париларман сұхбат қурдим,
Энди мен ҳам кетар бўлдим,
Балли чинор, балли чипор.

Тақдери давронлар ўтди,
Мендай ойим Чамбил кетди,
Қайтиб келиб кўрмоқ йўқди.
Балли чинор, балли чинор.

Қулоқ сол, пари тилига,
Тушибман зўрнинг қўлига,
Тақдирим Чамбил элига,
Балли чинор, балли чинор.

Ҳамроҳ бўлди Шоқаландар,
Устимизда қон тўкишиб,
Ўлиб кетди неча девлар,
Иш кўрсатиб бунда беклар.
Балли чинор, балли чинор.

Энди бундан кетар дилбар,
Бунда қоларсан сен чинор.
Элда канизлар бехабар,
Қон йиглашиб неча қизлар.
Балли чинор, балли чинор.

Сўз айтар сенга гажақдор,
Кўнгилда қолмасин ғубор.
Сайр этади ҳамма қушлар,
Балли чинор, балли чипор,
Балли чинор, балли чинор.

Ана шунда Малика айёрнииг айтаётган сўзини Шоқаландар, Шозаргар, Авазхон, шаҳзода Маҳмуд эшилди. Бошқалар жим индамай турди, лекин шаҳзода Маҳмуд, Маликанинг сўзини эшитиб, кўнглига неча гаплар келиб, ўз шаънига бир неча сўзларни айтди:

Мен келганман ёрни излаб,
Бу жароҳат бағрим тузлаб,
Йигларман бўтадай бўзлаб,
Бўлмас бунда ёрим менинг.

Булбулдайин нолоғдаман,
Дофу ҳасрат армондаман,
Азалда куйган бандаман,
Ёр ахтариб шармандаман,
Кетди номус, орим менинг.

Яхши куним, туним қора,
Юрагим бўлиб садпора.
Мансурдай осдилар дора,
Йўқдир харидорим менинг.

Ҳақда еттай айтган зорим,
Сабр бўлиб кирдикорим,
Белимда йўқдир мадорим,
Жафо солди деву золим.

Бирга юрган йўқдир ёrim,
Ёрга етмас менинг зорим,
Бўғинларим тол-тол бўшаб,
Хазон бўлган гулга ўҳшаб,
Мен ийғларман бу кун қақшаб,
Етишмасми, зорим менинг.

Ҳамроҳ бўлган бу қаландар,
Кўнглим сўрар ҳам Шозаргар,
Ўзимда йўқдир ихтиёр,
Жабру жафо солди дилбар,
Қолмай менда сабру қарор
Йўқдир қарорим менинг.

Малойик сувратли гул юзли дилбар,
Сенинг ишқинг мени қилди дарбадар,
Ҳар замон олариб қарап қаландар.
Одамман деб чиқиб ўсган элимдан,
Фариб бўлдим, ҳеч иш келмас қўлимдан,
Бир писла чой қўймадинг қўлингдан,
Кетди дармоним менинг,
Қолди армоним менинг.

Бу сўзни Маҳмуд айтиб турди. Шоқаландар олайиб қара-
гандан кейин Қаландарнинг авзойини ёмон қўриб, гапи-
раётган тилини тортди. Лекин Маҳмуднинг Малика учун
овора-сарсон бўлиб юрганини, бу байтни Малика учун айт-
ганини Авазхон билмайди. Бунинг билан гаплашгани йўқ.
Шоқаландар эшигтган, бошқаси эшигтгани йўқ. Шунинг учун

бу сўзларни эшитса ҳам, бунинг сўзига тушунгани йўқ. Лекин бунинг сирини Малика билади, лекин Малика ҳам Шаҳзодага қарамайди. Авазхон билса, Малика учун сўйлайди, шаҳзоданинг бошини сапчадай узар эди. Билмагандан «Бу ҳам бир ов учун овора бўлиб юрган бир шўрли-да», — деб сўзига эътибор бермай ўтирар эди.

Боймоқ девлар ҳам кўз кўриниб турадиган ерда ҳамма аскар-лашкари билан тушиб, «Ўлмай айрилмаймиз. Сира қўйманглар, бу ердан жўнар бўлса, баринг бирдан от қўйинглар, ё ўлайик, ё Маликани олиб қолайик. Бу қандай гап, бир қаландардан шунча кўп дев лашкари қўрқиб Қаландарнинг ситамидан Маликадан айрилиб, унинг устига жувон боладан айрилиб қолсак. Сизлар тўпланиб уринглар, мен бир ёқдан ўзимни ураман», — деб лашкарларига кўп сўзларни тайинлаб турар эди.

Ана энди Шоқаландар шаҳзодага кўзини олайтириб эди, шаҳзода оғзини тортди, Шоқаландар айтди: — Энди бу ердан жўнамоқ керак, дамларингни олдиларинг, энди туринглар, от-анжомларингни созланглар!

Ҳаммалари ўрнидан туриб ўз отларини эгарлаб, аижомларини қайта бошдан солиб, Шозаргар, Тиллақиз билан Бўзтулпорга мингашди. Авазхон билан Малика Қоратулпорга мингашиб олди. Шоқаландар Фирқўк отта, шаҳзода ўзининг тулпорига минди. Авазжон илгари, Шоқаландар орқани олиб чинорнинг олдидан жўнай бердилар.

Буларнинг жўнаганини девлар кўриб, бир хили пиёда, бир хили ҳавода учиб гуриллаб, буларнинг тўрт тарафини олиб туша берди, қуршаб қамсаб кела берди, ўнгу сўлни ола берди. Шоқаландар: — Энди ҳар қайсиларинг ўз ойимларингга, ўз маликаларингта хабардор бўлинглар. Булар ўлмай бизларни қўймайдиганга ўхшайди. Сизлар ҳар нима бўлса ҳам йўл ола беринглар, ёмон йўлдан бир қадам ўтсак ҳам яхши. Сизлар юра беринглар, мен бу бадбаҳт девларга ўзим танҳо юриши қиласман, ажаллисин уриб ўлдираман, — деб уларни жўнатиб, отнинг бошини буриб, наъра тортиб, девларнинг устига қараб юрди:

Икки дунёда раҳбарим,
Марди майдоним, ё Али.

Изларман сиздан шафоат,
Чобуксуворим, ё Али.

Етти ёшда эр атанган,
Тоғларни отиб юборган,
Марди майдоним, ё Али.

Йигит пири Шоҳимардон,
Мадад берса шери Яздон,
Чобуксуворим, ё Али.

Қарамай баланд-пастига,
Олмос олгандир дастига,
Халиуллоҳ оллоҳу акбар,
От қўйди девнинг устига.

От чопилиб баланд-пастда,
Девлар турар даста-даста,
Уруш бўлди чапараста,
Урушмоққа кўп ҳавасда,
От қўйди девнинг устига,
Соҳибқироним, ё Али.

Уруш қиласи алаф-ялаф,
Фамили кўнгил истар тараф,
Бу девларга қиласи талаб,
Шери Яздоним, ё Али.

Отни суриб ҳар тарафга,
Еткарсин худой талабга,
Девлар кўпdir букир якка,
Даври-давроним, ё Али.

Кўпdir девлар даста-даста,
Бошлар кесиб чапараста,
Қон тўкар майдон ичинда,
Атрофини олиб душман,
Девлар от солиб ул замон,
Шу сифатда қаландархон,
Қон тўкар майдон ичинда.

Шердай бўлиб душман устига етди,
Қўлига тушгани ҳавога отди,
Қўлига олгани кескир пўлатди(р),
Сермаганда девларни кесиб ўтди.

Не зўр девларни қийратди,
Қизилқумида нуратди,
Қаландарбек қолди ғайратди,
Неча бир девларни нуратди.

Кўп девларнинг ақли шошиб,
Қаландарбек ўзи танҳо савашиб,
Мурда деган қолди бунда айқашиб.

Тинмай оқар кўзнинг ёши,
Кесилди девларнинг боши,
Қизилқумда қолди қоши,
Шулдир Қаландар саваши.
Остида ўйнайди тулпор,
Пайрахидан девлар йиғлар,
Танҳо қилиб уруш ўзи,
Осилиб девларнинг бўғзи.
Бекларнинг қўлига тушган,
Қосимшохнинг барно қизи.

Миндирган Чамбилинг дебилбози,
Ҳамроҳ бўлган Тиллақизи,
Ҳар тарафга назар солиб,
Қарайди Заргарнинг ўзи.

Аланглади Шоҳизаргар,
Етишди жодугар девлар,
Ҳар тарафни девлар олиб,
Ўртада қолди буbekлар.

Бу урушдан хабардорди,
Уруш қилгани Шоқаландар,
Остида Фиркўқдай тулпор,
Қамчи урганидир зўравор.

Айрилиқ ўтига бағрини доғлаб,
Келган девлар шаҳзодани сўроғлаб.
«Неча савашларни бизга қилганди,
Кун девларнинг танҳо бошин олганди.
Қора кунни оша бизга солганди,
Қанча девлар бу урушда ўлганди.
Танҳо туриб кўп ишларни қилганди.
Бизга бермади-ку бачағар омон,
Ўлмай қайтманг энди, бўлган охир замон».

Майдонда Қаландар сўзни эшилди,
Қаландар ўтдайин тутаниб кетди,
Кўлида ярқиллаб кескир пўлати,
Оша келди қаландарнинг ғайрати,
Қизилқумда қолди девнинг жасади.

Қулоқ солмас девлар айттан нолишига,
Қилич солди зўр девларнинг бошига.
Қизилқум тўлганди мурда-лошига,
Бир хил девлар қойил бўлди ул замон,
Қаландарнинг танҳо қилган ишига.

Не бир девлар парвоз қилиб келади,
Шамшир пўлат билан уни уради,
Ўлчагандай икки нимта бўлади,
Буни кўрган ҳайрон бўлиб қолади,
Девларнинг раигги гулдайин сўлади.
Ажаллиси шунда ўзи ўлади.

Файрат қилиб отин солиб қаландар,
Оғир сағнинг лашқарин бузади.
Қанча девлар бўломмайин баробар,
Омои тоғдай ўларман деб бу девлар,
Бизнинг шўримизга қочган қаландар,
Бунинг билан ҳеч ким бўлмас баробар.
Чувлаб от солди ул замон девлар,
Шердай бўлиб сира қочмас қаландар.

Неча у девларнинг ақли шошиб,
Бир нечаси такбиридан адашиб,
Қизилқумда шундай уруш қылганди,
Девлар яроғин рад бериб қайтариб.

Уруш хидин билиб юрганди,
Қизилқум даласи ўликка тўлиб,
Мурда деган бовдай қуршаб қолганди,
Боймоқ дев — зўравор уруш қиласди.

Ажал етган бу майдонда ўлади,
Бекларнинг атрофин олов олади,
Ўрталиқда Аваз, Заргарбек қочади.

Ана шунда Заргарбек билан Авазхон, Малика, Тиллақиз, Маҳмуд йўлда кетиб бораётиб эдилар, бир олов қизил яшил бўлиб ёниб бир боши ерда, бир боши осмонда учиб, куйдириб кетадигандай бўлиб, буларнинг чор тевараги — турли тарафига ёйилиб олди. Шунда Заргарбек, Авазхон ўз жонини бу оловдан қутутирадиганга ўхшамай қолди, ҳоли танг бўлди, тириклай жаҳаниамга кетадигандай бўлди. Авазхоннинг кўнгли бузилиб, юрак-бағри эзилиб, бу Қизилқумда ғариби гўристон бўлиб, ўлиб кетадиганга ўхшаб қаландарни ёд қилиб: «Шоқаландар мени бу ўтдан ажратиб қутултирмаса, энди мен ўлдим, Маликадан айрилдим», — деб Авазхон бир сўз деди:

Бир навқувон эрди — ўзи хиромон,
Ҳар ким кўрса бўлди ҳуснига қурбон,
Бу сўзни айтиб йиғлаб турар Авазхон,
Менга йўқдир ғариблиқда меҳрибон.

Тириклай жаҳаниам кестиб бораман,
Дардим кўп, дардимни кимга ёраман?
Айролик ўтига бағри пораман,
Қани энди, Шоқаландар меҳрибон.

Бошимга тушганди қайгули тумани,
Бу оловдан энди қолмасман омони,

Фариблиқда хабар олса боважон,
Тирикрай жағаннам кетиб бораман.

Жилва қиласы бу күнглимда элатим,
Қайрилди бошимдан тожу давлатим,
Ажал етиб энди түлди мұхлатим,
Бу оловда ёниб кетар жасадим,
Остимда бўлмади менинг Фиротим,
Хеч кимсага етмай қолди қувватим.

Фам билан сарғайди гулдайин дийдор,
Бир нечалар ўз ҳолидан бехабар,
Мендай бўлиб ёниб кетар Шозаргар.
Қани биздан хабар олса Қалаңдар.

Мендайин ночорнинг күнглин бўлади,
Ҳийлагар дев бундай ишни қиласи,
Бунда турган беклар тайин ўлади,
Аваз ўғлон худо дейди жиласи.

Бизларга мингашган Малика дилбар,
Бу ишларни қилган девлар — жодугар,
Подшобачча сен ҳам ўлдинг хору зор,
Айёрнинг кўлига бўлдик гирифтор.

Қани бўлса бовам — Шоҳиқаландар,
Кўрса титраб кетар ёнган оловлар,
Хеч баробар бўлолмайди бу девлар,
Йифлай бергин энди ўлдик хору зор.

Айёр девлар бизга қилди зулмди,
Кўролмасман ўйнаб-ўсган элимди,
Бизга солди бунда ёмон ўлимди,
Шозаргар, сен ҳам назар сол энди.

Сенинг ҳам қолмади энди тоқатинг,
Етмай қолган ўхшар сенинг қувватинг,
Биздай бўлиб куяр сенинг жасадинг,
Қандай бўлди, кетди сенинг ҳолатинг.

Баҳодирлик таъма қилиб юраман,
Назар топиб бу ерларга келаман,
Армон билан энди ўлиб бораман,
Йифлаганман нима илож қиласман.

Жодугарликка қойил қоламан,
Жонимдан умидим узиб бораман.
Садағанг бўлайин султони Аброр,
Бу жафони солди айёр жодугар.

Қани бовам бўлса Шоҳиқаландар,
Ёмон кунда бўлар эди хабардор,
Кўрса қочар эди бу замон девлар,
Қаттиқ кунда ўлар бўлдик хору зор.

Ўз жонимга ўзим қилиб зулмди,
Кимга айтай энди ўлар ҳолимди,
Узоқ турма, Заргар бери кел энди,
Қўл кўтариб ҳамманг дуо қил энди.

Шундайин марднинг кўнглин бўлади,
Подшо бачча Заргар дуо қиласди,
Аваз ўғлон бу ерларда зор йифлаб,
Ҳожатини яраттаидан тилади.

Қодир оллоҳ сен биласан ҳолимни,
Доно эгам бевақт берма ўлимни.
Ҳолиқсан, каримсан қаҳрингдан қутқар,
Гуноҳкор баңдангни мақсудга еткар.

Чувлаб дуо қиласди бул замон беклар,
Олов бўлиб қамсаб олди жодугар.
Дуога кўз тутиб давлатли шунқор,
Бу урушда етолмайди қаландар.

Бу ишларни билиб тураг Шозаргар,
Икки пари ҳамма ишдан хабардор.
Остида ўйнайди бу тулпор оти,
Ҳеч нимага келмаётир Заргар қуввати.

Айролиқ ўтига бағрини доғлаб,
Үлдик дейишиб бундай кунда қон йиглаб,
Жонидан умидин узган Авазхон,
Шоқаландар, келса деди сўроғлаб.

Бағримдан ўт чиқиб таним туташди,
Ажал етиб ўлар вақтим етищди,
Қани бовам бўлса — Шоҳиқаландар,
Айёrlар зулмидан ақлим шошли.

Унда обод эди ўсган элатим,
Остимда бўлмади менинг Фиротим,
Бу оловда куйиб кетар жасадим,
Ўт туташиб зиёдадир кулфатим,
Шоқаландар эди ҳамроҳ-улфатим,
Қаландарман бирга эди Фиротим.

Энди оловда жасадим куйиб кетар,
Остимда бўлсайди Фирқўқдай тулпор,
Урушнинг тилини билган жонивор,
Қочар эди кўрса жодугар-айёр.

Жафоларга тушиб энди танда жон,
Бу сўзларни айтар эди Авазхон,
Бу жонимдаи умид узиб бораман,
Бу оловдаи энди қолмайман омон.

Атрофимни олди жодугар душман,
Чувиллашиб йиглашиди бу замон,
Дев қўлидан қутулмоғим даргумон.
Фалак титраб Авазхон нолишига,
Кўзлар губор бўлиб оққан ёшига,
Яхши одам кўнар тангри ишига.

Худо деб йиглашиб беклар бу замон,
Ўтда ёниб кетар эди бу бесклар.
Тилсимотдан дуо ўқиб Шозаргар,
Шу сабабдан келолмайди бу душман.

Безовта бўлиб шундайин беклар,
Шайдулло деб бориб қолди қаландар.
Безовта бўлди бу замон беклар,
Урушда шошибди Шоҳиқаландар.

Фиротига аччиқ қамчи уради,
Беклар ҳоли забун бўлди, билади,
Раббим деди, донга қилич солади,
Йўл бермайин девлар йўлни олади.

Қангча девлар байдоқ-байдоқ зўравор,
Ўлиб кетди кўтарган неча девлар,
Неча номард девлар кўнглин бўлади,
Аламдор девларнинг бошин олади.
Тургандан кеттганин яхши билади,
Неча девлар бунда бўзлаб жилади.
Худо деб Фиротта шиддат қиласди,
Неча девлар қочиб йўлни беради,
Қаландардан девлар ҳазар қиласди,
Дучор бўлган девлар бунда ўлади.
Бу оловга энди етиб боради,
Еру осмон кўринмайди кўзига,
Улар вақти яқин етиб боради.

Булар қолиб энди қаттиқ купларга,
Кетиб Шоқаландар шунда боради.
Сулаймон пайғамбар нафаси деди,
Сўта билан бу оловни уради.
Тилсимот дуони ўқиб қаландар,
Кўзини очиб қарап Авазман Заргар,
Бошидан кетибди қайғу туманилар,
Олдида кўриди Шоҳиқаландар.
Қаландарни кўриб шу замон беклар,
Отдай ташлаб кўришади бу беклар.

Ана шунда Боймок девнинг кўп зўр девлари урушиб,
Шоқаландарни бекларига қараб юргизгали сира қўймайди.
Шоқаландар Фиркўк отни қистаб, қўшинга яшиңдай қилиб
ҳайдайди. Девларнинг бир хили ўлади, бир хили қочади.

Яна Шоқаландарнинг орқасидан ёнашади, Шоқаландарни ўртага олади. Шоқаландар ҳар замонда дев лашкарига қараса, Боймоқ дев ҳеч ерда кўринмайди. «Бу бадбахт Боймоқ дев бу ердан кетган экан, Авазхон билан Заргарбекка борган экан, ҳар қандай бўлса ҳам булар омон-эсон бўлса шуда», — деб кўнглини бу бекларга бўлиб, қичаб йўлини олмоқчи бўлади. Девлар ўлгани ўлиб, қолгани таги тўпланиб келиб, Шоқаландарни сира юргизгани қўймайди. Шундай қирғиннинг устида эди, Авазхоннинг: «Бизлар ўлдик, куйиб ғариб бўлдик», деган товушини Шоқаландар эшилди. Шоқаландар худо деб, жонини жабборга топшириб, Фиркўк отнинг бошини буриб, оддини олган девларни уриб ўлдириб, қириб-жуйиб, оддини очиб олди.

Ана бадбахт девлар мен етдим, деб олдига яқин бориб, бу ҳам тилсимот ўқиб, пайғамбарнинг нафаси деб, қўлидаги сўтасини ёниб турган оловга урди. Бу олов ёниб турганича ёниб осмонга чиқиб кетди. Қанча ғовур-шувур, талотўп-тўполон бўлиб ётган девлар — ҳаммаси зим-зиёйўқ бўлиб кетди. Шозаргар, Авазхон, Маҳмудхонларнинг кўзлари майдай очилиб қолди, ҳамма девлардан қутулиб қолди, буларнинг бошидан губор кўтарилиди, кўзлари ёруғ бўлди. Шундай қарасалар Шоқаландар маст туюдай бўлиб, гуркираб у ёқ-бу ёққа қараб, эниб, талпиниб турибди. Шоқаландарни кўриб: «Ўлмай омон-эсон, бир-бировимизни кўрдик» деб ҳаммалари отларидан тушиб, Шоқаландар билан кўришиб, топишиб, ҳол-аҳвол сўрашиб диморлари чоғ бўлди.

Ана шунда сўзни буларнинг димогини чоқлиқда қўйиб, Боймоқ девнинг ўзидан, лашкарларидан эшилинг.

Боймоқ дев Шоқаландарнинг келганини билиб, айёрлиги, жодугарлиги Шоқаландарга таъсир қилмай, ўз жонидан қўрқиб: — Эй, ҳамма айёр девларим! Энди иш бўлмади. Бу киши биздан худо кўтарди, — деб Шоқаландарни, Шозаргарни, Авазхонни ўлдирмоқдан, шаҳзода Маҳмудни ажратиб олиб кетмоқдан, Малика айёр билан Тиллақизни буларнинг қўлидан айириб олмоқнинг умиди узилди, кўнгли бузилди. Бу иш бизнинг қўлимиздан келмади. Ўзимиз ўлмай қолдик, бўлди. Ўлган ўлди, қолган қолди. Қолгани ўзларининг жонини қутқазмоқни ғанимат

биди. Ўз чегарамизгача қувиб келдик, бизга шу давлат бўлди. Кўп ғайратларни қилдик. Булардан Маликани, Тиллақизни ажратиб оламизми, деган умидимиз бор эди, бўлмади. Энди бизлардан Малика, Тиллақиз ўпка қилолмайди, нима бўлса бизлар маликаларнинг тузини ҳақладик. Ҳарчанд қилдик, бўлмади. Бекорга буларниң орқасидан қувиб юрганимиз билап иш бўлмайди, буларга кучимиз етмайди. Ўз чегарамиздан ўтсак, бизлардан катта девларнинг подшолари, аввалги ўтган подшоларга, кейинги келадиган подшоларга бизлар кулги бўламиз, бизларга таъна қиласди. Бу ердан қайтмоқ керак, — деб қанча афсус-надоматлар қилиб, қайтди. Ўз манзилларига бориб, етти йилдан бери косагули қилиб юрган боласидан айрилган Боймоқ дев кўкрагини нам ерга бериб ёта берди. Бошқа девлар ҳам ҳар қайсилари ўз манзил-жойларига бориб ўз тирикликларига киришиб ёта берди. Ана бу девларни тирикчиликда қўйиб, эндиғи сўзни Шоқаландар билан Шозаргар, Авазхон, шаҳзода Маҳмуд, Малика айёр, Тиллақизлардан эшитинг. Шоқаландар девларни қувди, беклар билан топишидди, кўришидди, сўрашидди, бирор соат дам олиб, ўлай-бўлай қилиб, отларини, эгар-анжомларини со злаб: — Тайёр бўлинглар, ҳа денглар, шоввозлар энди ёмон йўлдан жўнамоқ лозим, отланинглар, — деб Шоқаландар ўзи улардан илғари отига минди. Шозаргар, Авазхон — ҳар қайсилари ўзларининг Маликалари билан мингашиб олди. Шаҳзода Маҳмуд ўзининг тулпорига минди, Қаландар «энди фурбат қолмади», — деб бекларнинг олдига тушиб, йўлни бошлаб кета берди. Шунда Шоқаландар йўлда бекларга қараб бир сўз деб бораётир:

Журиинг энди улфатлар,
Бошдан кетди ғам-кулфатлар.
Остингизда бедов отлар,
Сизга теккан паризодлар.
Ҳақ таоло берди омон,
Кетди биздан қайғу туман.
Ўлиб кетди неча душман,
Пари олган бул Авазжон
Журиинг беклар, йўл олайик.

Ошиқ фаҳми оқшом кеча,
Ҳолин билмаган бир неча,
Мингаштирган Аваз бачча,
Журиңг беклар, йўл олайик.

Ҳамроҳ бўлган эй Шозаргар,
Сенга теккандир гажақдор,
Жилва қиласи бу зулфақдор,
Журиңг беклар, йўл олайик.

Боғда очилиб гулғунчалар,
Ўйнаб-кулган ойимчалар,
Миндиригандир бекваччалар,
Журиңг беклар, йўл олайик.

Шоҳасан дер элдан келиб,
Ёр ишқида Заргар бўлиб,
Хизмат қилиб ёрни олиб,
Ёри билан даврон суриб,
Икковингиз ўйнаб-кулиб,
Журиңг беклар, йўл олайик.

Подшоваччаман қаландар,
Сизларга бўлиб хизматкор,
Олдимииздан чиқса қизлар,
Биз ҳам олсак шуңдай дилбар,
Пари олган навжувонлар,
Журиңг беклар, йўл олайик.

Баҳодирлик даъво қилиб,
Ҳар қайсингиз шердай бўлиб,
Ўнгтай қилиб ёрни олиб,
Журиңг беклар, йўл олайик.

Қизилқумда девлар келиб,
Атрофигли олов олиб,
Баҳодирлар забун бўлиб,
Хон қаландар хизмат қилиб,
Мендай бесклар сабаб бўлиб,

Улар вақтингдан қутқарыб,
Журиң беклар, йүл олайик.

Минганинг тулпор бедов от,
Хар қайсинг элдә валламат,
Қаландархон қилиб хизмат,
Журиң беклар, йүл олайик.

Беклар йүлда күнглин хушлаб,
Бедов отлар кокил ташлаб,
Бегу хонлар құл узатиб,
Үйнаб-кулиб паризодман —
У ер, бу еридан ушлаб,
Журиң беклар, йүл олайик.

Узоқ йүлда мамлакатим,
Күпdir сизларга хизматим.
Күлгә теккан паризотинг,
Журиң беклар, йүл олайик.

Тиллақиздайин гажақдор,
Англади Малика айёр,
Бу сүзларни мот қип айтди,
Бекларга шундай қаландар.
Юринг, пари олган беклар,
Журиң беклар, йүл олайик.

Кийгани гулгүн қирмизи,
Ақлингни олар жоду күзи,
Сизга теккан шоғнинг қизи,
Қистаб юринг, йүл олайик.

Ёр учун бўлгансан Заргар,
Сенинг отинг Ҳасан қайсар,
Ақлингни олгандир дилбар,
Сенга мингащди гажақдор,
Журиң беклар, йүл олайик.

Сайр этиб ўйнаб-куларсан,
Бир купи элга борарсан.

Шундай ерни опкеңдим деб,
Бекларга таъриф қиласан,
Жулинг беклар, йўл олайик.

Шоқаландар йўлни бошлаб,
Паризодлар кула бошлаб.
Қаландарнинг айтган сўзига,
Бу беклар бармогин тишлаб.
Сўзларим бекларга таъсир қилди деб,
Қаландар борар йўлни бошлаб.

Беклар бу сўзларга бошини кўтаролмай пастга солиб, уялиб, ўеч нима деёлмай кетиб бораётир. Лекин Малика айёр билан Тиллақиз иккови бекларга таъна қилганини билиб, билдирамай табассум қилиб кулишиб бораётир.

Шоқаландар: «Бу бекларни уялтиридим», — деб бекларнинг одига тушиб, йўлда кетиб бораётир эди, шундай қараса, ўзидан бир тўп одамзод қиз кўринди, йўлнинг орқасида саф-саф бўлиб турибди. Шоқаландар тикилиб қараса, ҳаммаси қиз шоҳлик шаъни-шавкати билан турибди. Шоқаландар буларни кўриб, димоги чор бўлиб: — Бу иш жуда яхши бўлди, «Йўли бўлган йигитнинг янгаси олдидан чиқади», дегандай бу санамлар бизларнинг олдимиздан чиқиб қолди. Йўлимиз бўлди. Бу беклар битта-битта олди, бизлар энди икковимиз бу қизларни отта ёнқанича мингаштирасак ҳам бўлади, бизга бу қизларни худо берди, — деб шаҳзодага шўхлик қилиб айтди: — Бу қизлар бизларга интиқ бўлган, йўлга чиқиб турган. Худо ўз қудрати билан бизларга бу қизларни берган. Қанчо хотин олмоқчи бўлсанг олабер, — деб шўхлик қилиб, бу сўзларни айтиб, қочиб қизларга қараб йўл босиб бораберди. Қизлар Шоқаландарнинг ҳайбатидан, сиёсатидан кўркиб, йўлни қок ёриб, йўл бериб турдилар. Булар билан келаётган Малика паризодларни кўриб, буларга қараб таъзим қилиб турдилар.

Шоқаландар: — Сизлар қандай қизсизлар, нима қилиб турибсизлар? — деди. Авазжон бу қизларни кўриб, отининг жиловини тортиб, қизларнинг ичида Мисбел, Гулзамон деган канизларни таниб, отининг бошини буриб турди.

Шунда Шоқаландарнинг сўзига жавоб бериб, йўлдаги қизлар бир сўз деди:

Сизлар кепсиз паризодни узатиб,
Жой ораста манзил жойлар тузатдик,
Сизларга етарми қизларнинг сўзи,
Биз бўламиз Гулқизойнинг канизи.
Пешвоз чиқ, деб ойим буюрган бизни,
Келсин деб чорлайди бувишм сизни.
Элчи қилиб юборди биздай канизни.

Олдимиизда сиёсатли қаландар,
Алар билан бирга шавкатли қизлар,
Ул сабабдан пешвоз чиқди канизлар,
Қолсин деб чорлайди бувишм сизни.
Олдингизда югуриб хизмат қиласи,
Кўнгли келса боз қўйнига олади,
Журиинг беклар, йўлиниг бўлиб қолади.

Бу сўзларни айтар биздай канизлар
Вақтингизни хушлаб гул юзли дилбар,
Бирор кеча меҳмон бўлсин парилар,
Биз билан йўл бошланг турган қаландар.

Ҳар на деб амр этсанг бизлар қиласи миз,
Тонг отгунча хизматингда турар миз,
Бирор кеча сизни меҳмон қиласи миз.
Паризодлар билан суҳбат қуарасиз,
Журиинг беклар, бирга-бирга борамиз.

Сизга маҳтал бўлиб тургандир дилбар,
Сизларга мингашган икки парилар,
Гулқизойим йўлингизга интизор,
Бирга-бирга юринг, давлатли беклар.
Париларман бўлар беклар суҳбатинг,
Сизларга кўп қиласиган хизматим.
Журиинг беклар, бирга-бирга борамиз.

Эшигинлар айтган сўзни,
Журиингиз сатта беквачча,
Меҳмон бўлингиз бир кеча,
Хизмат қиласи қиз-келинча.

Сизларга интиқдир ойимча,
Худойим берган тарбузча,
Бир тиликни тотиб кетинг беквачча,
Қандай бўлса ётиб кетинг бир кеча.
Журинг беклар, бирга-бирга борайик.

Дарвозада йўлга қараб,
Пешвоз чиқдик сизни сўраб,
Келмасмикан, деди Ойим,
Юринг Гулистонга қараб.
Бандам десин бир худойим,
Яратган қодир илойим,
Кўп интизор сизга ойим,
Журинг беклар, бирга-бирга борайик.

Кўп интизор сизга дилбар,
Йўлни бошланг, Шоқаландар,
Қараб турар Шоҳизаргар,
Канизлар бўлди кўп мустар,
Журинг беклар, бирга-бирга борамиз.

Келинг энди, йўлни бошланг,
Гулқизойим кўнглин хушланг,
Бундай қилиб тұрасизми,
Беклар энди йўлни бошланг.
Юринг беклар, бирга-бирга борайик.

Бувишимиз келмиш бунда,
Қараб турған шу равоқда,
Үйнаб-кулинг бу чорбоқда,
Журинг беклар, бирга-бирга борамиз.

Шоқаландар бу сўзни эшитиб, бекларига қараб: – Бор-сак борайик, худонинг ҳикматин кўрайик беклар. Ҳар кимни бирор чақирса борган яхши, бу ерга борсак вақтимиз хуш бўладиганга ўҳшайди. «Эр тилаган ерда азиз», деган сўз бор. «Чақирмаса борув йўқ, чақирган ердан қолув йўқ», деган экан, юринглар! – деб отнинг бошини буриб, беклар билан бирга-бирга Гулшанбоққа қараб қола бердилар. Буни

күрган канизлардан бир нечаси чопиб, беклар келаёттир деб, Гулқизойимга хабар берди.

Гулқизойим күшкларини яхши ораста қилиб, яхши либос-түшаклардан солдириб, хизматкор санам қизларга буюриб, ўзи Гулшанбогнинг дарвозасига чиқиб қараса, беклар, парилар, канизлар билан келаёттир. Гулқизойим қирқин қизлари билан, неча жоду кўзлари билан пешвоз чиқиб, бекларнинг кўнглини хушлаб, отларини ушлаб Гулшанбоқقا эргаштириб дарвозадан ичкарига олиб кирди. Шоқаландар бош беклар, Маликалар отдан тушиб, Гулқизойим билан кўришиб-сўрашиб, димофлари чоғ бўлишиб, Гулқизойим буларни кўшкига эргаштириб, йўл бошлаб олиб чиқиб, жой тайин қилиб, ҳар қайси ўз мартабаларига яраша жой олиб ўтирдилар. Бу бекларнинг бедов отларини, тулпорларини таблахоналарга боғлаб, айил-пуштаниларини бўшатиб, сайислар терисини қашлаб, ўхшатиб, созлаб, боқиб қола берди. Шунда Гулқизойим бу бекларнинг, омон-эсон қайтиб келганини узоқдаги-яқиндаги паризод қизларга хабарини юборди. Ҳаммалари эшитиб бу бекларни, маликаларни кўрмоққа йигилишиб келдилар. Ҳамма келган қизларни мунаққаш яхши кўшкларга бошлаб, остига яхши либос-түшаклардан ташлаб жой тайин қилиб ўтқизиб, зиёфат усттига зиёфат, қанд устига шарбат, ширин устига шароб, таом устига таомлардан торта берди. Ранг-баранг турган паризод қилиб ётириб, Гулқизойим хизмат кўриб, ўтиргандаир, суҳбат қизларнинг бу қилаётган хизматига хурсанд бўлаёттир Малика паризод.

Ҳар чорвоқдан қизлар келиб,
Ҳар алвонда ўйин қилиб,
Бунда келган паризодлар,
Бу ўйиндан хурсанд бўлиб,
Гулқиз ойнинг ишин кўриб,
Ҳар тарафдан қизлар келиб,
Кўшканинг пастида туриб,
Саф-саф турган барно қизлар,
Сибизик найларни олиб,
Сетор-меториии чалиб,
Ҳар алвонда нағма қилиб,

Паризодлар ўйнаб турар,
Нозик беллари буралиб.

Шундай бўлди ўтиришлар,
Паризодлар ўйин бошлар,
Баланддаги кўшкида туриб,
Меҳмонларнинг кўнглин хушлар.
Қизларнинг ўйинин кўриб,
Гулқизнинг қилган ишига,
Меҳмон қизлар қойил бўлиб,
Бу баландда жоду кўзлар,
Ойдай тўлган қизил юзлар,
Томоша қилиб сарвинозлар,
Пастда ўйин қилиб ётар.

Ўйин-кулги қилиб қизлар,
Ўйинидан кўнгли тўлиб,
Бу парилар табассум қилиб,
Гулқизнинг ишини кўриб,
Ҳаммаси вақти хуш бўлиб.
Гулқизойим иш бошқарган,
Жами қизларга бош бўлиб.

Гулқиз қилғап хизматидан,
Меҳмонларнинг кўнгли тўлиб.
Қаландармаи Шоҳизаргар
Париларга назар солиб.
Ҳамроҳdir Аваз зўравор,
Подшовачча бул муқаррар,
Парилармай қатор туриб
Қизларнинг ўйинин кўриб,
Вақти хуш бўп Шоқаландар
Жилва қилиб ақлин олиб.

Ою қундан ҳусни ғолиб,
Сарвинозлар ўйин қилиб,
Бу бекларнинг кўнглин олиб.
Сатти барнио санам қизлар,
Ўйин қилдишар буралиб.

Үйин қылди чувиллашиб,
Гулқиз кетди пастьга тушиб,
Қизларнинг қошига бориб.
Кўп қизларга оро бериб.
Ўртага тушгандир қизлар,
Иш кўрсатсан дейди бизлар.
Хизматни бажо қилинглар,
Бунда турган санам қизлар.

Маликаман Тиллақизни,
Чақириб олди Қаландар:
— Пастьга тушиб кетма қизлар,
Кўнглинг бўлмагин noctor.
Сен ўрнингдан тура келиб,
Шу мажлисга боргин қизлар.
Гулқизойман бирга тургин.
Учовинг ҳам бирдай бўлиб,
Янги очилган гулдай бўлиб,
Беҳиштдаги хурдай бўлиб,
Оқ баданинг қордай бўлиб,
Лабинг сўрса болдай бўлиб,
Кўрган қолсин андай бўлиб.
Сенга Қаландарнинг сўзи,
Гулшанбоғнинг сарвинози,
Бир йигитнинг суйган нози,
Гулқизойга ошиқ бўпти,
Шу сўзимни Гулқизойга билдиргин,
Қабул қилсин Гулшанбоғнинг сарвинози.

Шаҳри Зебит элига борар,
Подшолик шавкатин кўрар.
Ўйнаб-кулиб даврон сурар,
Ўйнаб-кулса кўнгли тўлар.
Ҳаммалардан ҳусни ғолиб.
Гулқизой деб сарсон бўлиб.
Ногаҳондан бизни кўриб,
Сиру ахволин билдириб.
Қизил юзини сўлдириб,
Ошиқ бўлиб излаб келган,

Шу сўзимни айтиб бориб.
Сен Гулқизойимга билдириб.

Шу сўзни айтди қаландар,
Ўрнидан турди парилар,
Пастки қўшкига равон бўлди,
Югуриб етди неча қизлар.
Қўлтиғидан сўзи олиб,
Олиб борди сарвинозлар,
Гулқизнинг олдига етди.
Малиқанинг қолганини,
Гулқизойим қўриб билди.
Томошани қўринг деди,
Келинг бундай, келинг, деди,
Хурсанд бўлиб туриңг, деди.

Бир тарафинда Тиллақиз,
Анга ҳамроҳ бўлиб Гулқиз —
Учовлари бирдай бўлиб,
Янги очилган гулдай бўлиб.
Қизлар турагар ўйин қилиб.
Бир-биридан ҳусни голиб,
Бир-бирининг бўйинига,
Паризодлар қўлин солиб.
Маликадайин гажақдор,
Қаландарнинг айтган сўзин,
Аста-аста билдиради,
Гулқизойга овоз қилиб:
— Қулоқ сол сўзга ойимча,
Жафо тортганцdir бир неча,
Кўрмайсизми ошиқ бўлиб.
Сўраб қелган бу беквачча.
Шаҳри Зебит дейди жойи,
Зебит элнинг бу подшойи,
Ўз юртида даврон сурибди.
Бир кечага тушида сизни кўрибди.
Сиздай ойим кириб бунинг тушига,
Отим Гулқизойим деб хабар қилибди.
Ота-энаси боҳабар қолибди.

Сизни кўриб хуштор бўлибди,
Девларнинг чантига тушиб қолибди.
Ишқингиз ўн тўрт йил хафа қилибди,
Девларнинг қўлидан жудо қилибди,
Сизни об бораман деб ваъда қилибди,
Хозирликда жамолингизни кўриб,
Сўзламакка қуввати йўқ турибди.

Кўп йиғлади йўлда шундайин номдор,
Тасалми бергандир Шоҳқаландар.
Неча сўз айтарман мендай гажақдор,
Кўнглингни бўлмагин давлатли шунқор.
Далолат қиласи мендай зулфақдор.
Бориб кўрсанг жуда вақting хуш бўлар,
Кўндирап ихтиёр билсанг бизда бор,
Кўнглингдан кетсин деб шер билан фубор.
Неча сўз айтгандир мендай парилар,
Хафа бўлма мендай ойим куйдирап.

Бу сўзларни айтар Малика айёр,
Табассум қип кулди гул юзли дилбар.
Сўзимни қайтарма жоним гажақдор,
Кўшкига қаради шундайин дилбар.
Подшозода қараб турар муқаррар,
Маликага қараб Гулқиздай дилбар.
Эр изласанг мамлакатдан топилар,
Бемаънига мингашиб бизга нима бор?
Ундей деманг, менинг кўнглим қабарар,
Бу сўзни эшитиб Малика дилбар:
Эрга хотин, хотинга эр даркор,
Ўтмасин ғанимат билгин давронлар.
Сенга ёқар мендай ойимнинг сўзи,
Ошиқ бўлган Каводшоҳнинг ёлғизи,
Эрқак десанг ҳар жойлардан топилар,
Ҳар кимга дуч келмас буларнинг изи.
Ўз юртининг булдир соҳибтамизи;
Айтган сўзга кўнинг Шоҳболшоҳ қизи.
Сизни излаб жафо тортиб келибди,
Харидоринг сендан зиёд турибди.

Давронни ўтказмагил гулюзли дилбар,
Англайман сенинг ҳам бунда күнглинг бор.
Фанимат бил, то ўтгунча давроnlар,
Қабул қылғин жоним сендан гажақдор.

Буни эшитиб Гулзамон келди
Буларнинг сўзини англади, билди,
Бу яхши иш кўринг парим деди.
Гулзамон қистай берганидан Гулқизой кулди.

Ана шунда Малика айёр билан Тиллақиз иккови Гулқиз
парининг олдига келиб, шаҳзода Маҳмуднинг жамолини
таъриф қилиб, Гулқизой парига мақтаб, қизларнинг катта
сардори Гулзамон Гулқизга қараб бир сўз деди:

Оҳ урсам тўқилар қўзимдан ёшим,
Сўзимни эшитинг жоним бувишим.
Боғбон бўлиб қизилгулни термакчун,
Жаҳонни сайр этиб ўйнаб-кулмакчун,
Холис ваъда қилиб эдик биз йўлда,
Маҳмудхонга ойим сизни бермакчун.

Қийғир деган қуш ўтирап қиёда,
Не кўриб кечирдинг фоний дунёда,
Жамоллари ою кундан зиёда,
Файратидан шоҳлар юрар пиёда,
Ҳуснин кўрсанг хоним сиздан зиёда.
Қавму қариндошинг қолсин бехабар,
Сайирбоқда ўйин қилган санамлар,
Ора тушиб турар Малика айёр,
Буларниң айттанин қилмогинг даркор.

Шоду хуррам бўлгин гул юзли дилбар,
Инжилмайин қила қўйгин ихтиёр,
Кўнгилга оғир солса бу беклар.
Зарб айласа вайроғ бўлар неча шаҳар.
Сизга далолатда шавкатли қизлар.

Ўйнаб-кулсанг кетар кўнгилдан ғубор,
Сизга керак билсанг, шундайин шунқор,

Дод айласа изин топмай кўп қизлар.
Гулқизойнинг билмаганин билдириди.
Вақтин хушлаб шодиёна куйдирди.
Маҳмудхонга Гулқизойни кўндириди,
Далолатни қилган Малика айёрdir,
Аввалдан ўзининг ҳам кўнгли бор эди.
Ноз қилиб туриб эди, бундай дилбар,
Ахтаргани бунинг ҳам шундай шунқор.
Кўнди дейишиб маликалар парилар,
Қаландарга етказади энди хабар,
Баландги кўшкка бошлади дилбар.
Бекларнинг ёнинда бир-бир парилар,
Танҳо тураг шундай Шоқиқаландар.
Бу бекларга хизмат қиласар қаландар,
Ўйин қилиб ўтиргандир парилар.

Ана шунда Малика билан Тиллақиз, Гулзамон учови Гулқизойимни Маҳмудхонга кўндириб, қилган ишларни тиндириб, пастки кўшқдан юқори кўшкка эргаштириб олиб чиқиб, буни Шоқаландарга маълум қилиб, Шоқаландар буни эшишиб, кўп вақти хуш бўлибди. Бу бекваччани ҳам қуруқ юбормайман, — деб катталик қилган эди, худои мени ўтирикчи* қилмади деб шукурлар қилиб, шаҳзода Маҳмуд билан Гулқизойимга қуллуқ бўлсин деб ўтиришиди. Қайта бошдан ўхшатиб, базм устига базм, томоша устига томоша, беклар малика парилар ўтирас ёнаша. Шу оқшом ўйнаб-кулиб, беклар париларнинг у ер бу еридан ушлаб, димоғларини чоғлади. Пастдаги санам қизлар ўйин устига ўйин, қилиқ устига қилиқ, бирори бироридан тиник, ҳаммалари бир-бирига бўйин солиб, ноз билан бир-бирига боққан, кулган, ўйнаган, қилиғи кўргангага ёққан бўйнига гавҳар таққан қизлар бирори бироридан чакқон, бир-бирига қарашган, зулфларини тарашган, ошиқ-маъшуқ бир-бири билан топишган, ўйин жуда қизиган. Қизсанамларнинг вақти хуш бўлиб, ўйин-тomoша қилиб ўтира бердилар.

* ёлғончи

Ана шунда базм жуда қизиқ бўлди, бекларнинг димоги Гулқизойимниг хизматига чоғ бўлди. Тундан анча ўтди. Шоқаландар айтди: — Энди истироҳат яхши. Ўзимиз неча кундан бери тинмай келаётирмиз. Беклар пичигина дам олингизлар, ётингизлар. Шунда беклар, маликалар, қизлар — ҳар қайсилари ўз жойларида шу оқшом етди, эрта билан тонг отди. Тонг отган сўнг жўнамоқ керак, — деб йўлнинг керакли анжом-асбобларини тайёrlаб турди. Шоқаландар: — Энди бундай ўтируманглар, бўлинглар беклар, — деди. Шунда Гулқизойимни шаҳзода Маҳмуд мингаштириди. Шозаргар Бўзтулпорга Тиллақизни мингаштириди. Авазхон Маликани Қоратулпорга мингаштириб олди. Шоқаландар Фиротни миниб олди, ҳаммалари жўнамоқчи бўлдилар. Отларини мингандан сўнг Гулқизойим: — Энди бу юртимдан, униб-ўсган мамлакатимдан кетадиган бўлдим, — деб кўнгли бузилиб, юрак-бағри эзилиб, бирга юрган канизларини кўзи қиймай, ота-энасини бу ерда кўра олмай, улардан розичилик сўрай олмай, хафа бўлиб бир сўз айтаётиди:

Ёшга тўлди буида бу жоду кўзлар,
Айрилиқнинг ўти бағримни тузлар.
Олдимизда хизмат қилган канизлар:
То кўргунча қирқин қизлар, хуш эди.

Оҳ уриб тўкарман кўздан ёшимни,
Ёт элларга ғариб қилдим бошимни,
Кўролмадим ўйнаб-ўсган дўстимни,
Ўйнаб-ўсган тенгу тўшим, хуш энди.

Шундай бўлди менга ҳақдан фармонлар,
Юрагимда бордир ғаму армонлар.
Сирли устун бунда кўшку айвонлар,
Ўйнаб ўсган сайиргоҳим, хуш энди.

Во ҳасрато тушиб зўрниг қўлига,
Энди миңдим мен ҳам отининг белига,
Тақдирим тортибди Зебит ғлига,
Ўйнаб ўсган тенгу тўшлар, хуш энди.

Хеч кимнинг фарзанди мендай кетмасин,
Гўру Гўристон узоқларга кетмасин.
Ҳасрат билан бу эллардан кетарман,
Юрган қунлар эсга тушса истарман,
Ўз ҳолима қонлар йиглаб кетарман,
Шоду хуррам манзил жойлар, хуш энди.

Қайтайнин йиглатиб мендай санамни,
Солиб юрагимга доту аламни,
Розилашиб мен кўрмадим энамни,
Меҳрибоним, қирқизларим, хуш энди.

Худойим кечиргай қилган хатомни,
Жўнар вақтда мен кўрмайин отамни,
Билмайин боғладим зарли путамни,
Қирқизлар канизларим, хуш энди.

Гап эшиш, канизлар айтган тилимдан,
Мен ҳам кетдим ўйнаб-ўсган элимдан,
Муштипарман иш келмайин қўлимдан,
Хизмат қилган қирқин қизлар, хуш энди.

Жаҳонни сайр этиб ўйнаб-кулинглар,
Дунёнинг даврини бунда суринглар,
Менинг учун сиз суҳбатни қулинглар,
Жоду кўзли жононларим, хуш энди.

Ҳар на амир этса шуни қилинглар,
То кўргунча сизлар омон бўлинглар,
Шоду хуррам бўлиб ўйнаб-кулинглар,
Хизмат қилган қирқизларим, хуш энди.

Кетар бўлдим, менинг кўнглим бузилди,
Кўздан ёшим мунчоқ-мунчоқ тизилди,
Кетаримни билиб бағрим эзилди,
Хизмат қилган канизларим, хуш энди.

Худойим сақлагай бандани омон,
Қолмасин бошимда қайгули туман,

Бу элларни қайтиб күрмаклик гумон,
Сарвинозлар канизларим, хуш энди.

Бу сўзларни айтди Гулқиз зулфақдор,
Чувиллаб йиглади турган канизлар,
Қўл кўтариб дуо қилди канизлар.
Омин оллоҳ дейди, оллоҳу акбар.
Розилашиб жўнамоқчи гулозли дилбар,
Сиёсатман қараб тураг қаландар,
Бу сўзларни айтиб тураг қаландар:
— Маҳтал бўлиб турадими бу беклар.
Очилган жигадай гулларинг сўлиб,
Кўп йифлама дофу ҳижрона тўлиб,
Канизларинг қолди дуолар қилиб,
Айтган сўзинг энди сенинг бас бўлиб,
Биз жўнармиз энди буцдан маст бўлиб.

Бу сўзларни айтиб номдор беклар жўнади,
Кейинидан эргашиб неча канизлар,
Хуш келибсиз деб дарвоздадан чиқариб боради,
Бир-бири билан рози бўлишиб жўнади.
Гулқизойимнинг қораси кўринмайин кеттанча,
Дарвоздадан қирқин қизлар қаради.

Умидини узиб қайтди канизлар,
Маст бўлиб боради амалдор беклар,
Барининг сардори Шоҳиқаландар.
Кеча-кундуз беклар йўлни олади,
Узоқ йўлни яқин қилиб боради,
Ҳаммасидан Маликаси сарадир.
Олмос бойлаб азаматлар дастига,
Қарамайди беклар баланд-пастига.
Неча муддат йўллар тортиб ҳаммаси,
Бориб қолди ул қирқ девнинг устига.
Шовқинга иргийди араби тулпор,
Девларнинг кўзига кўринди дилбар,
Шердай бўлиб йўлга чиқди бу девлар.
Деди: «Эшитмайик анинг сўзини,
Ўлдираийк Гўрўглиниңг ўғлини,

Құлға олсак Маликадай парини,
Олиб қочсак Қосимшоҳнинг қизини.
Олиб бориб берсак жоду күзини,
Шундайин ҳақласак шоҳнинг тузини,
Олиб қочсак Маликанинг ўзини.
Бошқасига қарамасак йўлдошлар,
Олиб қайтсак Маликанинг ўзини.
Ҳийлагарлар Торкистонга борганди,
Не зўр девлар ул бехабар қолганди,
Синагарлар тайин ушлаб олганди,
Ушлаб олиб қочиб бунда келганди.
Дод айласа эшийтмайик сўзини,
Телмуртайик балки икки кўзини,
Ўлдриайик Авазжоннинг ўзини,
Шуйтиб оп кетайик сарвинозини.
Бу сўзларни айтиб ул замон девлар,
Япроқ дев буларга бўлибди сардор,
Шу замонда йўлига чиқди муқаррар,
Яқинлаб келганди Аваз қаландар.
Шердай бўлиб турди бунда бу девлар.
Фиротни ўйнатиб давлатли шунқор,
Бекларнинг олдида бўлгантир сардор,
Кўзини очиб қараб эди Қаландар,
Телпаги кайкайган Шоҳиқаландар.
Қаландарни кўриб ул замон девлар,
Бунга қора кўрсатмаклик не даркор?
Кўзи тушса тайин бизни ўлдирар,
Йўлга чиқиб бунда бизга нима бор?
Паскам ёрни олиб қоча беринг девлар.

Бу қирқ дев йўлда туриб кўзини очиб қараса, телпаги кайкайиб, Фиротни миниб, Шоқаландар келаёттири. Япроқ дев айтди: — Мана бу келаётган Шоқаландар экан. У бизларпи кўрса тайин ўлдирмай кўймайди. Энди наст ерни олиб қоча беринглар, қоча беринглар! Бизга Шоқаландарнинг олдига чиқиб, Маликани айириб олмоқни ким қўйибди, — деб кай-фи учиб, хаёли қочиб, папалаб-ҳаволаб, гоҳ кўринар, гоҳ кўрипмас бўлиб, тура-тура қочиб кетди. Лекин беклар бу девларни кўрмади, ўз кайфу-сафоси билан келаёттап эди:

бу чўлда занглаб ётган ерда дев борлиги-йўқлиги эсларига ҳам тушмади. Бу девлар ўз овулига ўзларидан ўзлари қочиб йўқ бўлиб: «Уйда қочмасанг мунда қоч», — деб тоза қочиб Торкистонга кетди.

Шунда беклар ўз кайфлари билан йўл юриб, бир-бирлари билан гаплашиб, чақчақлашиб, тегишиб, сўзлашиб йўлда масти бўлиб келаётган ёди. Шу юрганларича йўл юриб, неча манзил мўл юриб, қистаб ела-юрта, аста-аста кела-кела йигирма тўрт шаҳарга кетадиган чорраҳа йўлга етдилар. Шунда Шоқаландар айтди: — Беклар, бу ерга тушиб дамларимизни олайик. Ҳар қайсиларимиз ўз юртларимизга, ўз элатларимизга кетадиган йўлга келдик, отдан тушинглар, — деди. Ҳаммалари отларидан тушиб, кўнгиллари хуш бўлиб отларнинг апил-пушталарини бўшатиб қўйдилар.

Ана шунда ҳаммалари: — Ўзларимизнинг юртларимизга борадиган йўлга етдик. Манзиллар яқин қолди. Бу кун бу ерда ҳаммамиз бир-бировимиздан айрилиб қоламиз, деб бир-бировлари билан омонлашиб, хушлашиб кетмоқчи бўлишиб, тағин ҳаммалари отланишиб оддилар. Беклар, маликалар — ҳаммалари бир-бирлари билан омонлашиб, тўйдан қайтган кишилардай бўлиб,чувиллашиб турдилар.

Шунда шаҳзода Маҳмуд Шоқаландардан миннатдор бўлиб, Шоқаландарни жуда яхши кўриб, айрилиб кетаёттанига хафа бўлиб бир сўз айтаёттир:

Неча вақт мен ҳам қолдим хор-зор,
Етти йил девларга бўлдим хизматкор,
Отамдай яхшилик қилган қаландар,
Мен кетарман, жоним бовам хуш энди.

Гац әшиитинг мендай ўғлон тилидан,
Ажратиб олдингиз девнинг қўлидан,
Сиз мени қутқарган ёмон қўлидан,
Мехрибоним, Шоқаландар хуш энди.

Фариблиқда менинг ҳолим билгансан,
Девларнинг чашигидан ҳалос қилгансан,
Фариблиқда мендан хабар олгансан,
Мехрибоним, жоним бовам хуш энди.

Фарыб эдим, ҳожатимни битказган,
Ёмон күнда золимлардан қутқазган,
Халос қилиб муродимга етказган,
Мехрибоним, жоним бовам хуш энди.

Ҳарна десанг айтганингга кўндиранган,
Сендей паризодни менга эндиранган,
Хафа эдим, шоду хуррам кулдиранган.
Мехрибоним жоним бовам, хуш энди.

Яқин қолди узоқ тушган кирдикор,
Ул қўлинда ўлди бир неча девлар,
Кейинимга миндиридинг гул юзли дилбар,
То кўрганча хоти Қаландар хуш энди.

Мен изладим ўйнаб-ўсган элатни,
Миндириб олганиман бу паризодни.
Омон бўлинг, боважоним хуш энди,
Эсон бўлинг, тождорим хуш энди.

Соф-саломат яна элга борарман,
Ҳар замон ёдга олиб дуо қиларман,
Паризодман ўйнаб даврон сурарман,
Халос бўлиб мен ҳам қайфули кундан,
Шукрилло элга кетиб бораман,
Омон бўлинг, боважоним хуш энди.

Насиб этса бизлар элга борармиз,
Ота-она, тенгу тўшни кўрармиз,
Кечак-куидуз сизни дуо қилармиз,
Сиз ҳам дуо қилинг бовам, хуш энди.

Шоқаландар омон бўл, олгин олдирма ушлаганинг олтин,
тишлаганинг бол бўлсин, бор болам, омин оллоҳу акбар! –
деб фотиҳани бетига тортди. Гулқизойим Малика билан қайта
бошдан кўришиб сўрашиб: – Тақдири илоҳи шул экап. Мен
сизларни норози қиолмадим, тегмайман десам сизлар хафа
бўладиган бўлдинглар. Сизлар ҳам омон бўлингиз, хуш қолинг-
гизлар, – деб Шоқаландарга қараб таъзим қилиб. шаҳзода

били Гулқизойим, Шоқаландардан, Шозаргардан, Авазхондан дуо олиб, хушлашиб йўлга тушиб кетди. Маликалар ҳам «омон бўлинг» деб кўп яхши сўзлар айтиб-жўнатиб юборди.

Булас жўнагандан кейин Шозаргар ҳам жўнамоқчи бўлиб, беклардан жавоб сўраб, омонлашиб бир сўз айтаётir:

Ақлимни олгаңдир гул юзли дилбар,
Ёрнинг ишқи мени қилди қаландар,
Мен ўзимга лақаб қўйдим Шозаргар,
Узоқ йўлга ҳамроҳ бўлган биродар,
Ҳамдам бўлган меҳрибоним, хуш энди.

Жафо тортиб юрдик узоқ йўлига,
Ошиқ бўлиб Тиллақиздай парига,
Неча кунлар юрдик ёрнинг элида,
Шундай ойим тегди Заргар қўлига,
Ҳамроҳ бўлган Шоқаландар хуш энди.
Қон тўкишдик Кўкламтогнинг белида,
Қон тўкишган меҳрибоним, хуш энди.

Майдон кунда Фиротингни ўйнатиб,
Не девларни зарб кўрсатиб, йиғлатиб,
Иш кўрсаттан меҳрибоним, хуш энди.

Дод айласа эшитмайин сўзини,
Кўкка отдинг зўр давларнинг ўзини,
Бориб олдик Оқдевшохнинг қизини,
Бирга юрган меҳрибоним, хуш энди.
Faflat қилган қаландарим, хуш энди.

Қўлимга теккандир бир моҳи анвар,
Менда бордир кўшки-айвон манзиллар,
Қаттиқ кунда иш кўрсаттан қаландар.
Ёри берган меҳрибоним, хуш энди.

Шоҳасан дер: мен ҳам элга борарман,
Элда қолган беклар билан юрарман,
Ҳар замонда келсан сени кўрарман,
Ёри берган меҳрибоним, хуш энди.

Неча вақт ёр деб жафо кўрибман,
Яқин қолди элга бу кун келибман,
Бу йўл билан кетмоқчи бўлиб турибман,
Мехрибоним, қадрдоним, хуш энди.

Майдон бўлса сотар эрдинг ширин жон,
Олмосингдан қўяр эдинг қирмиз қон,
То кўргулча омонда бўл, Авазхон,
Энди элга қайтмоқ бўлди Заргархон.

Бу Қаландар бованг сенга меҳрибон,
Кетиб бошимиздаи қайгули туман,
Энди сен ҳам омон бўлгин, Авазхон,
Мехрибоним, қадрдоним, хуш энди.

Тиллақиз дер: – Элда даврон сурғанмиз,
Икковимиз дўст бўп бирга юрганмиз,
Жаҳонни саир этиб ўйнаб-кулганмиз,
Шоду хуррам жоним, дўстим хуш энди.

Қулоқ солгин мендай дўстинг тилига,
Кун ҳийлани қилганман Торкистон элига,
Ҳарчапд қилдим менинг ҳийлам бўлмади,
Охир тушдим Заргарбекнииг қўлига,
Сиз кетармиз энди Хурум элига,
Даврон сурсак бу беклар манзилида.
Бошимиздаи кетиб қайгули туман,
Бизни олиб элга кетар Заргархон.
Сизга ҳамдам бу кун Аваздай ўғлон,
Мехрибоним, жоним дўстим хуш энди.

Ҳар на тақдир ёзилганин кўрармиз,
Боришли-келиши бўлиб юрармиз.
Бу сўзларни айтди мендай гажақдор,
Гапирган сўзларим менинг бас қилас.
Жўнамоқчи бўлди энди Шозаргар,
Малика билан Тиллақиз хушлашар.
То кўрганча жоним, дўстим, хуш энди,
Қадрдоним дўстим, жоним, хуш энди.

Шозаргар билан Тиллақиз иккови омонлашиб, хушлашиб Рум элига қараб жүнаб кетдилар. Авазжон, Малика айёр, Шоқаландар – учови буларни жүлгатиб, ўзлари бу ерда қолди. Шоқаландар ҳеч нима демай турибди. Авазжон Шоқаландардан, булардан омонлашиб жавоб сұрамоққа ибо қилиб турибди. «Мен ҳам жавоб сұраб кетаман десам, Шоқаландар «Малика айёрни шунчай үйлден олиб келиб, сенга бераманми? Кетар бұлсанг үзинің кега бер», – демасин деб ҳадик олиб гапиролмай турибди. Шоқаландар ҳам булардан айрилмай турибди. Шуңда Шоқаландар: – Юринг энди, болам кетайик, – деб бошлаб Чамбилға қараб юра берди. Авазжоннинг күнглига келди: «Оббо бу қаландар үзининг элига қараб қайтмади, йүлда Маликані күзи қыймай тортиб олиб қўймаса яхши эди-да. Бунинг устига Асад мерган билан, Шодмон мерган ҳам бўлмади. Менга бу қаландар бир зарар қиласин деса ҳам, ёрдамлашар эди, ҳай аттанг», – деб кўп ўйлаб келаётir. Аваз билан Шоқаландар келаберсин, энди сўзни Асад билап Шодмон мерганилардан эшитинг.

Асад мерган билан Шодмон мерган иккови Кўқламтоғида қолган эди. Мерганилар, қаландарлар Кўқламтоғдан девнинг маконига кеттаандан сўлг, маслаҳат қилган эди: «Бизлар энди бу ерда турмайик. Бу ерда турсак, бигта-яrimта девларинг қочиб, писиб юрганлари бўлса, бизларни ўлдириб қўймасин. Асли қочган номард, энди бундан кетайик. Авазнинг йўлини тўсиб ётайик. Аваз ўлмаса, бир кунлар Маликані олиб келса, йўлда Авазни ўлдириб, маликані үзимиз олиб келдик деб, Гўрўғлига айтайик. Авазни сўраса Авазхонни қайси бир девлар еб қўйганцdir, бизларнинг хабаримиз йўқ деймиз», деб иккови шу маслаҳатни қилиб неча манзил йўл юриб ҳориб-чарчаб Дарбаңд тоғига келиб «Оқсоқнинг охирига бок», деган экан деб, шу Дарбаңд тоғида бирори қўлига ашрафи миљиқ олиб, бирори нарли ёйни олиб, Авазхоннинг йўлини тўсиб, тоғнинг белида, йўлининг ёқасида писиб ётиб эди. Шунда Шоқаландар билан Авазхон Маликані олиб, буларнинг тикка устидан келиб қолди. Мерганилар Қаландар билап иши бўлмай, Авазни кўриб, ўрнидан туриб сиёсат қилиб, Авазхонга: – Тўхта Аваз, армон билан ўласан, – деб Шодмон мерган бу сўзий айтаётir:

Ажал ҳайдаб бу срларга келасан.
Қазонг етди ушбу кунда ўласан,
Келиб мерғанларга дучор бўласан,
Тўхта Аваз, энди қайга борасан?

Тўкарман кўзингдан селоб ёшиングни,
Кўрмак йўқдир бориб тенгу тўшиингни,
Кейнингдан туширгин гул бувишиングни,
Охир қиласай сенинг буида ишингни!

Солармиз бошингта қайфули туман,
Биздан қутулмайсан Авазжон омон,
Омон-эсон сенинг кетмоғинг гумон,
Отиб ташлар сени бунда Шодмонхон!

Сени чоқдаб бизлар бунда стармиз,
Маликани бизлар олиб кетармиз.
Ҳаёллама сен Авазхон ўласан.
Рози бўлиб Маликани берасан.

Тўхта Аваз энди нобуд бўласан,
Кунинг битган, бизга дучор келасан.
Беҳуда қилмагин отта зулмди,
Кўролмайсан бориб Чамбил элингди.
Агар отсам армон билан ўласан,
Ҳаёлламай Маликани бер энди.

Сенинг билан кўп жафони кўрганмиз,
Малика деб кўп срларга боргандимиз,
Бизга бергин Малика бувишиングни,
Тўкарман кўзингдан селоб ёшингни,
Қарға-қузгун буида есин гўшиингни!
Ажал ҳайдаб энди бунда келасан,
Мендан сен қутулиб қайга борасан?
Ёйни тортсам тағин шунда ўласан.

Асқар тогнинг бошин чалгапдир туман,
Бу сўзларни айтар сенга Шодмонхон,
Хабардор бўл, энди қара Авазхон,
Сенга йўқдир бу срларда меҳрибон!

Ана шунда Авазхон мерганларни кўрди. Шундай қара-са, ёйни қўлига олган. Авазхоннинг ҳа демоққа ҳолати қолмади.

Отининг бошини буриб, кейинига қайттани ҳам бўлмай қолди. Жуда шошиб, ўларини билиб, мерганларга ҳеч нима деёлмай туриб эди. Шоқаландар бу мерганларнинг ав-зойини кўриб, мерганларга қараб сиёsat қилиб, бир сўз дейди:

Нодон кўнглинг ҳар хаёлга бўлмагин,
Ёмон кунни Авазжонга солмагин.
Мард бўлсанг номардпинг ишини қилмагин.
Қўйгин энди йўлни тўсиб турмагин!
Сен эшиттин қаландарнинг тилини,
Ўлдирмагин Гўрўғлиниңг улини,
Соф-саломат олиб борсин ёрини.
Омон-эсон кўрсинг Чамбил шаҳрини.
Белига боғлаган заррин путасин,
Худойим кечирган баңда хатосин,
Соф-саломат бориб кўрсинг отасин,
Нима учун бунча жонни сотасан?
Соф-саломат элга борсин Авазхон.
Отасини бориб айласин хурсанд.
Номарднинг ишини қилма Шодмонхон.
Аваз ўғлон кетсин бу срдан омон.
Омон-эсон олиб борсин ёрини,
Бориб обод қиссин кирдикорини,
Ўлдирмагин Чамбилнинг қўчкорини,
Бориб кўрсинг элда қадрданbekларини.
Калима-шаҳодат келар тилимдан.
Ёмонлик келар мерганларнинг қўлидан.
Балки умидингни узгин жонингдан.
Соф-саломат кетолмайсан қўлимдан.
Бундай бўлиб йўл устида турмагин.
Кейин тур. Авазга дахл қилмагин.
Ҳолинг билиб тўғри йўлга бора бер.
Авазнинг ўрнига ўзилг ўлмагил.
Кет мерганлар, йўлинидан қолмагин.
Икковиниг ҳам иега аҳмоқ бўласан?

Қазонғ етса армоп билаи ўласан.
Мерганлар бунда нима қиласан?

Шоқаландарга қараб мерганлар бир сўз деди:

Ҳийламан минибсан Фиркўқдай тулпор,
Аваз деб орага тушма қаландар,
Армон билап сен ҳам ўлма укағар,
Ора тушиб энди сенга нима бор?
Қулоқ солгин мерганларниң тилига,
Бир кун бордик бизлар Чамбил элига,
Қайта бошдан бек Гўрўғли буюорди:
Хазон бўлса боғда гуллар сўлсин деб,
Ажал етиб паймонаси тўлсин деб,
Авазхон қелмасин йўлда ўлсин деб,
Маликани мерган олиб келсин деб,
Авазхоннинг жазосини берсин деб.
Гўрўғли амр этди бизлар келамиз,
Маликани бизлар олиб борамиз,
Авазхонни бунда нобуд қиламиз,
Душман кўрсак жазосини берамиз!

Шунинг учун бизлар кўзлаб турдамиз,
Бу ерларда ҳар на бўлса бўламиз,
Бизлар мерган хон амрини қиламиз,
Кўрмаган кунларни бунга соламиз,
Маликани бизлар олиб борамиз!

Бу сўзларни айтар сенга мерганлар.
Ора тушиб сен ҳам ўлма қаландар!
Кўп яшагин кўп ийлгача ўлмагини,
Авазнинг тарафии бунда олмагини.
Ҳолинг билиб сен ҳам йўлдан қолмагини.
Бу Авазга сира бермаймиз омон.
Қўлимизда кетар гул юзли жонон.
Жонворларга смиш булар Авазхон.
Отдим деб ёйни олиб бул замон.
Гўрўғли амрини тутиб бунда келаман.
Аваз билап сен ҳам ўлдинг бу замон.
Энди сира биздан қутулмайсан омон.

Шунда Шоқаландар: «Бу мерганлар отамиз деб. Авазхоннинг отини ҳуркитиб юборар, оти ҳуркиса Маликага қийин бўлар». — деб мерганларга қараб бир сўз деди:

Дунё қиёматни ўйладинг,
Қиёмат деб сен жонингни қийнадинг,
Шу сўзни мерганлар ёлғон сўйладинг,
Авазхонга мунча азоб айладинг.
Неча шумлик сўзни сен ҳам ўйладинг,
Ростин қўйиб ёлғон лофни айладинг.
Ростин дегин Чамбил элга бордингми,
Чамбил элда Гўрўғлини кўрдингми.
Бу сўзларни нега айтсин Гўрўғли,
Сен бу ерга Чамбил элдан келдингми?
Хазон бўлиб боғда гуллар сўлдими,
Олмо унинг ақли-хушин олдими,
Авазни ўлдир деб жавоб бердими,
Шул сабабли сендай мерган келдими?
Бу сўзларни айтар мендай қаландар,
Ростин десам энди ўлдинг мерганлар,
Нега бу сўзни айтсин Гўрўғли шунқор,
Ўзганингдан энди бўлдинг гуноҳкор.
Бу сўзларни айтиб давлатли шунқор,
Чилтон берган буңда айёр либосин,
Бошидан кўтарди энди қаландар,
Фиркўкнинг устида Гўрўғли номдор,
Билдиримайин бўлиб юрган қаландар,
Икки мерган бўлиб кетди гуноҳкор.
Бу юрганинг асли ўзи Гўрўғли,
Ҳамма ишни қилган эди Гўрўғли,
Кўп девларнинг додин берган Гўрўғли,
Авазхонга раҳбар бўлган Гўрўғли.
Ҳеч киши билмаси деб қаландар,
Асли ўзи Авазхонга ғамгузор,
Бу сўзларни англамагин мерганлар,
Иккоти ҳам бўлиб кетди гуноҳкор.
Отаси эканин Авазхон билди,
Отасин ишига табассум қилди,
От устидан ташлаб ўзин Авазхон.

Фиротниң тизгинин бўйнига илди.
Неча сўзлар билан лофни урибман,
Танимайин ожиз бўлиб қолибман,
Ёмон кунда бизга бўлиб меҳрибон,
Узангига бошин уриб Авазжон,
Ҳар гуноҳим бўлса ўтинг отажон.

Узоқ йўлга бирга сафар қилибман,
Қаландар деб танимайин юрибман,
Тавба қилдим отажоним,
Ўтинг мендан мададкорим,
Баланд-паст сўзларни лоф урибман,
Балки сизга осий бўлиб турибман,
Мерганиларни мен ҳам ҳамроҳ қилибман.
Нодонликман бўлиб кетди гуноҳкор,
Кўп йўлларда ҳалак бўлган мерганилар,
Шу юртларда бирга юрса баччағар,
Улар ҳам оларди гул юзли дилбар,
Бир хаёлга бориб бўлди гуноҳкор.
Гуноҳидан ўтинг давлатли шунқор.
Сўз бергандир мерганиларга жодугар,
Сўз бермаса мерганиларда нима бор.
Қабул қилинг Авазхонининг сўзини,
Ўлдирмангиз мерганиларнинг ўзини,
Соғ-саломат кўрсин ўғил-қизини.
Серғайтмангиз шўрликларнинг юзини.
Бир гап билан бўлиб кетди гуноҳкор,
Гуноҳин тиладим мендайин шунқор.
Мерганиларнинг гуноҳини тиладим.
Мерганиларга айтган менинг шартим бор,
Ўғил-қизим эсга олиб мерганилар,
Бу сўзларни йиғлаб айтди боякбор,
Тасалли бериб эди мендайин шунқор.
Хафа бўлиб эди унда мерганилар.
— Юрагинг тўлмасин дийдайи ғамда,
Соғ-саломат сизни Чамбил элтмасам,
Маҳшар куни сенинг қўлинг ёқамда.
Шундай мерганиларга айтган сўзимди,
Саломат кўрасан ўғил-қизингди,

Бу сўзларни айтган эдим муқаррар,
Гуноҳин тиладим меңдайин шунқор,
Қаңдай бўлса бўлмасин-да гуноҳкор.
Ўғли қизи йўлигадир интизор,
Тилади гуноҳин Аваздай шунқор.
Авазнинг сўзига хурсанд бўп номдор,
Гуноҳидан ўтди Гўрўғли номдор.
— Соғ-саломат бора берсин мерғанлар.
Ота-бала топишгаңдир муқаррар,
Остида ўйнайди қанотли тулпор.
Авазга мингашган Малика айёр,
Чамбил элига жўнай берди бу беклар.
Остида ўйнайди тулпор Фироти,
Яқин қолди энди Чамбил злати.
Бошлаб бораётир довруқли номдор.
Ўйнаб-кулиб Маликадайин дилбар,
Отаси билан бирга Аваздай номдор.
Шоду хуррам йўл тортади боякбор.
Той қилиб дашту даласин,
Кўриинг Чамбилинг тўрасин,
Кечаю кундуз йўл тортади,
Кўрсак деб Чамбил қорасин.
Хон Гўрўғли ҳамроҳ қилган,
Авазхондайин боласин.
Йўлда қичар бедов отди,
Беклар олган паризотди,
Кеча-купдуз йўл тортди,
Чамбил элга яқин етди.
Полапон тоғидан ўтди,
Шуйтиб қилди ғайратди,
Бу беклар қичаб йўл тортди,
Кўрсак деб Чамбил юртди.

Остидаги бедов оти,
Йўлларнинг танобин тортди,
Беклар қилди ғайратди,
Хон Гўрўғли яқин етди.
Жаҳон титраб бекнинг овозасига,
Келиб қолди Чамбил дарвозасига.

Бўлиб кетган эди бундан қаландар,
Юртин сўраган Юсуфбек шупқор.
Маликани олиб давлатли беклар.
Қаватида Авазбекдай зўравор.
Ғулгула бўп қолди Чамбидай шаҳар
Пешвоз чиқиб қолди неча амалдор.
Ўрдадан чиқдилар неча гажақдор.
Йигилишган катта-кичик кўп қизлар.
Ўрдага бошлади гул юзли дилбар,
Авазга мингашган Малика айёр.
Отдан тушириб олди неча парилар,
Ўрдада ўртага олди санамлар.
Ўртада ўтирар Малика дилбар,
Хизмат қилиб юрар неча парилар.
Яна баҳор бўлса очилар гуллар.
Гулни кўрса маст бўп сайрап булбуллар,
Малойик суратли гул юзли дилбар.
Маликани ўртага олиб шу замон,
Хизмат қилган катта-кичик гажақдор,
Саф бўп турган қанча қизман хотинлар.
Шундай бўлиб келди Гўрўғли номдор,
Пойтахтга миниб шундайин беклар,
Юртни сўраб турган Юсуф маҳрам бор,
Югуршиб-елиб хонга қилди хизматлар,
Қолиб кўрди ўсган шаҳрини.
Обод қилсан деди кирдиқорини.
Авазхонга бермак бўлди бул замон.
Олиб келган Маликадай парини.
Йигилишган катта-кичикларини.
Хон Гўрўғли буюргандир,
Қилинг деганди бугун тўйини,
Энди Чамбил элатлари.
Кўрсин тўй асбобларини.
Хон Гўрўғли амр қилди.
Амалдорлар тайёр қилди.
Анжомларни созлаб олиб,
Тўй асбобларни бажо қилди.

Ана энди шундай қилиб, булаңи шу сўзда қўйиб, эпидиги гапни Гўрўғлиниң қаландар бўлиб Чамбидан кеттанин эшигинг.

Хон Гўрўғли Авазхонни Маликага юбориб эди. Авазхон Маликани олиб келаман деб қасам ичиб қўйганини кўриб, ноилож жавоб бериб қўйган эди. Авазхон жўнаб кеттандан сўнг Гўрўғли айтди: «Авазхон, бу Маликани олиб кела олмайди, шу юртда ўлиб кетади. Бунинг орқасидан ўзим бормасам бўлмайди», — деб Чамбил юртини Юсуфбек деган маҳрамига топшириб, ўзи ҳеч кимга билдирамай. Авазининг орқасидан қаландар бўлиб кетган эди. «Аваз девларниң қўлида ўлар, фарибу Гўристон бўлар. Торкистон узоқ мамлакат, унда қўп катта девлар бор, Авазхон қасам ичиб қотди», — деб Гўрўғли бир куни чилтон-қаландар бўлиб чиқиб кетган эди. Бунинг сиридан ҳеч ким воқиф эмас эди. Шундай қилиб, Авазхон билан бирга юриб келаётган эди.

Ана шундай қилиб, мерғанларнинг олдига келганда айтмайин деса ҳам бўлмагани учун Гўрўғли ўзини билдираги эди. Мерғанлар Гўрўғлини кўриб қочиб, шарманда бўлиб кетди. Буларнинг орқасидан Авазхон Гўрўғли отаси билан шоду хуррам бўлиб топшириб, димори чоқ бўлиб, «Менга ҳамроҳ бўлиб юрган отам экан, мен бошқамикан, бошқа одамга менинг сирим маълум бўлдимикан деб кўп ўйда эдим», — деб Гўрўғлини кўриб, вакти хуш бўлиб, бирга-бирга Чамбидаги келди. Бу бекларнинг келаётганини мерғанлар айтган эди. Чамбил элнинг ҳамма амалдорлари буларнинг олдига пешвоз чиқиб, омон-эсон юртига, ўзининг униб-ўсган элатига олиб келдилар. Беклар, амалдорлар Гўрўғли билан Авазхонни тушириб олди. Қирқин қизлари Юнус пари билан Мисқол пари бош бўлиб, Чамбидан шоду хуррам бўлишиб ойимлар ўтириди.

Гўрўғлибек ўз шону шавкати билан ўғлиниң пойтактига чиқиб, омон-эсон ўз даргоҳида ўтириди. Шунда Гўрўғлибек Малика айёрни Авазхонга бермоқчи бўлиб, Чамбил элининг ҳамма катта-кичиклари: «Малика айёрнинг тўйини

тайёрланглар, Маликани Авазхонга никоҳ қилиб берайик»,
— деб буюрди. Ҳамма беклар тўй асбобини тайёрлади.

Шу ишни қилиб Гўрўғли номдор,
Тўрт яrim лак бедов сувор амалдор,
Неча беклар бўлиб ётири хизматкор.
Ҳар замон буюрар Гўрўғли номдор.
Айтганини тайёр қилар маҳрамлар,
Обод бўлиб қолди Чамбидай шаҳар,
Тўй бошламоқ бўлди бундайин беклар.
Ўзбекистон элга кетганнадир хабар,
Катта-кичик йигилганнадир ўзбеклар.
Олтин етиб, олтин қовоқ отқириб,
Тўй бермоқчи энди улоқ чоптириб.
Ошиқ фаҳми оқшом кеча,
Ҳолин билмайди бир неча,
Йигилишган сатта норча,
Кўпкарига талаб қилиб,
Ўн икки мингча бойвачча.
Санаб кўрган одам йўқдир,
Тахминан ўн икки мингча.
Кўпкари чиқармоқ бўлди.
Саф турган беквачча.
Уст-устига ташлаб тураг.
Чопаверди қирқ кунгача.
Не гўзаллар отин солиб,
Ҳар замон улоқни олиб,
Эшитинг беклар оҳу зориии,
Обод қилди келиб Чамбидай шаҳрии.
Тўйлаб бермоқ бўлди Аваз ўғлонга,
Ул замонда Маликадай парини.
Шу ишларни қилди Гўрўғли шунқор.
Йигилишиб келгани яхши парилар.
Қирқ кеча қирқ кундуз тўй қилиб беклар,
Бўлаётир турли-турли базмлар.
Базмлари кўши қизиқлар,
Қирқ кун тўй қилди беклар,
Толиб қолди маликалар, бу беллар,
Оғриб қолди ушинг нозик беллари,

Ҳофизларнинг кўриб қолди тиллари.
Бек Гўрўғли шуйтиб дарёдай тошди,
Шу тўйнинг байрами ҳаддидан ошди,
Ҳар қилган ишлари жуда ярашди,
Унга қараган кўз қамашди.
Бел Авазнинг олиб келган ерини,
Кўрган сулув бари офарин дейишди.
Қойил бўлиб Авазхоннинг ишига,
Ҳеч ғами қолмади деб тарқашди.
Шоҳлар чиқса тортар нуқра карнайни,
Тузайди унга муносиб жонни.
Хизмат қилиб қўли ишга текканга,
Бек Гўрўғли берди катта сарпойни.
Олиб келиб бу майдон катта қозини,
Чувиллатиб овулнинг хотин-қизини,
Тунда дуо қилиб ишни битириб,
Никоҳ қилди Маликанинг ўзини.
Ана энди буниси ҳам бўлди деб,
Қўйнига солди-ку Аваз кўзини.
Бек Гўрўғли катта қилди ҳимматни,
Шу тўйда ўзини жуда талатди.
Ҳар ким ниятини шундай оқ қиласа.
Файрат билан кўринг муродга етди.
Тилади ёмонлар йўқ бўлар кетар.
Яхши тўғрилик билан мақсадга етар.
Ёмонлик билан ҳеч ким ҳеч нима бўлмайди,
Ахири ёронлар тўғрилик ўтар.
Ёмонликнинг ҳеч элда йўқ ривожи,
Ҳар на деса тўғрилик билан битар.
Бек Гўрўғли шуйтиб ўтган оламдан,
Қилган ишин ҳали одамлар ёд этган.
Ўзи ўлса ҳам сўзи қолди жаҳонга,
Қисматга давр буни ёд этар.
Ҳар ким бўлса, тўғри бўлса ёроилар,
Тўғри одам хор бўлмас, муродга етар.
Ёмон кўрар ёмонликнинг жазосин.
Ахири шу иш бошига етар.
Унинг ёмонлигини бирор тортмайди,
Ёмонлиги билан йўқ бўлар — кетар.

Күрдингизми Асад билан Шодмонди,
Йўқ қиласиз деди Аваз ўғлонди,
Бахиллик қиб кунааб шундай полвонди,
Қойил қиласиз деб Гўрўғли хонди.
Иши ноҳаҳ эди уни кўрдингми.
Шу туриши ўлгандан ҳам ёмонди.
Доим еган Гўрўғлининг тузини,
Ўлгудай душман бўп Аваз кўзига,
Худой мартаба берган Авазга,
Асад Шодмон қайтиб олар ўзига,
Моховдай бўп бир бурчақда ўтирас,
Қарай олмай Гўрўғлининг юзига.
Душман бўлган билан teng бўп қоларми,
Баробар бўломмай Аваз изига.
Аваз унинг қилган ишин иш демай,
Хизматкор деб teng кўрмайди ўзига.
Мункир келиб Авазхоннинг тузига,
Қанча ёмонликни қилди ўзига,
Қирқ йигит ҳам ўлиб юрар бариси,
Ичидан қойил бўп Аваз тузига.
Холдор маҳрам ўн йигитман қувониб,
Ерга уриб қўшади ҳар бир сўзига.
Полвон Аваз гапирма деб қўй деди.
Бир гапларни лойик кўрмай ўзига.
Аҳмад сардор ўлиб қолди серрайиб,
Ёруғ дунё қора бўлиб кўзига.
Ўлганидан ҳа-ҳа дейди, кулади,
Қозон куя суртгандай бўп юзига.
Ўлганидан Аваз тоза ўғил дейди,
Ҳеч ким қулоқ солмай бунинг сўзига.
Яхшиликман Аваз етди муродга,
Минди доим назаркарда Фиротга,
Қувонмаган элда одам қолмади.
Бек Гўрўғли назаркарда полвонда,
Боласини еткарди шундай мақсадга.
Шуйтиб мен тўйни энди тарқатиб,
Достонини байтларман ўхшатиб,
Қиссани ушбу кун тамом этдим.

Ана шундай қилиб, Авазхон билан Гүрӯғли султон Торкистон юргига бориб, шаҳзода Маҳмудга Гулқиз ойимни олиб бериб, икковининг вақтини чоғлаб, ўзлари омон-эсон Малика айёрни Чамбилга олиб келиб, Малика айёри Авазхонга қирқ кун тўй-томуша қилиб, никоҳлаб берди. Чамбил юртида Гүрӯғли султон вақтиларини хушлаб, димоғларини чоқлаб, шоду хуррам бўлиб, ўзининг пойтахтига ўтириб қолди. Дўстлар шод, душманлар ғамли бўлиб, Асад, Шодмон уялиб қолди. Буларнинг уялганини Авазхон, Гүрӯғлихон билади. Нима ишлар йўлда бўлганини бошқа қирқ йигитлар билмайди, Бу икки мерғанини Гүрӯғли султон ўлдирар эди. Гүрӯғли султондан Авазхон йўлда сўраб тилаб олди. Шунинг учун буларнинг гуноҳини ўтди.

Ана шундай қилиб, Гүрӯғли шоду хуррам бўлиб, пойтахтга чиқиб, аркони давлат билан ўйнаб-кулиб, дунёда яшаб юра берди. «Малика айёр» достони соб бўлиб, мурод-мақсадга етди.

Адабий-баодий нацир

ЎЗБЕК ХАЛҚ ДОСТОНИ

МАЛИКА АЙЁР

Муҳаррир
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Тех. муҳаррир
Вера ДЕМЧЕНКО

Бадиий муҳаррир
Уйғун СОЛИХОВ

Мусаҳих
Наврӯз БЕКМУРОДОВ

Компьютерда саҳифаловчи
Дилдора ЖҮРАБЕКОВА

Босишига 1.02.2011 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоги 7,75. Шартли босма тобоги 13,02.

Гарнитура «Baltika Сур+Узб». Офсет қофоз.

Адади 1000 нусха. Буюргма № 30.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими — 278-36-89; Маркетинг бўлими — 128-78-43

факс — 273-00-14; e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

Ҳамкоримиз: *kitobxon.uz*